

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Т.ЖЎРАЕВ, Д.ТОЖИБОЕВА

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан олий ўқув юрти талабалари учун дарслик сифатида
тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 330.1 (075)
ББК 65.01я73
Ж96

Ж96 Т.Жўраев, Д.Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси (кўргазмали ва тарқатма материаллар). –Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 332 бет.

Мазкур дарслик иқтисодий муносабатларни назарий жиҳатдан ўрганишда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, иқтисодий категориялар, бозор иқтисодиётининг қонуниятлари, амал қилиш механизми, иқтисодий жараёнлар динамикасини ўзлаштиришни енгиллаштириш, фаннинг мазмунини чуқурроқ тушунишга ёрдам бериш мақсадида тайёрланган. Қўлланмада иқтисодиётдаги асосий масалалар, муаммолар, етакчи назарий мактаблар, йўналишлар ва уларнинг намояндалари фикрлари, концепциялари ҳисобга олинган. Унда иқтисодиёт назарияси фанининг ўқув дастурида ўрганиш кўзда тутилган барча мавзулари қамраб олинган.

Дарслик мантиқан бир-бири билан боғланган икки қисмдан иборат бўлиб, унда иқтисодиётнинг умумий асослари ва бозор иқтисодиётига оид кўргазмали ва тарқатма материаллар берилган.

Дарсликни тайёрлашда Республика Президенти И.А.Каримов асарларидан, Республика қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳамда мамлакат иқтисодий ҳаётига тегишли расмий статистик маълумотлардан ўз ўрнида фойдаланилган.

Дарслик олий ўқув юртининг барча йўналишлардаги бакалаврлари ва иқтисодиёт назарияси фанидан дарс берувчи ўқитувчиларга мўлжалланган. Шу билан бирга ундан магистратура талабалари, тадқиқотчилар ва ҳозирги замон иқтисодиёт назариясининг муаммоларини ўрганишга қизиқувчи кенг китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

УДК: 330.1 (075)
ББК 65.01я73

Такризчилар: Ш.Шодмонов – иқтисод фанлари доктори, профессор;
У.Гафуров – иқтисод фанлари номзоди, доцент;
П.Ҳошимов – иқтисод фанлари номзоди, доцент;
К.Умаров – иқтисод фанлари номзоди, доцент;
Б.Ҳажиев – иқтисод фанлари номзоди, доцент

ISBN 978–9943–10–817–2

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти ҳар бир кишидан қандай касб эгаси бўлмасин иқтисодий мушоҳада юритиш ва шу асосда хулоса чиқаришни ўрганишни талаб қилади. Бўлғуси иқтисодчилардан эса воқеликларни, иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш ва улардан тегишли хулоса чиқариш билан чегараланмай, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, танловнинг энг оптимал вариантларини амалга ошириш, бунинг учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, билганларини жорий қилиш лаёқатига эга бўлиши талаб қилинади.

Фанни ўзлаштиришда талабаларни таҳлилий хулоса чиқаришга ўргатиш – энг муҳим масала ҳисобланади. Таҳлилий хулоса чиқара оладиган одам мустақил фикрлайди. Мустақил фикрлайдиганлар доимо изланади, уларнинг фикри-ўйлари, ижодий меҳнати туфайли жамиятда фан-техника тараққиёти юз беради.

Демак, талабаларнинг мустақил фикр юритиши, иқтисодий ҳодисаларнинг амалда юз берадиган турли муқобил вариантлар ичидан энг мақбулини танлашни ўрганиши ҳозирги замон талабидир.

Ўқиш, ўрганиш, идрок қилиш, уларни ҳаёлан қайта жонлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳаёт тажрибаси кўрсатадики, инсон ўзи кўриб, тасаввур қилган нарсани тўлиқ ўзлаштиради. Автомобил ёки трактор ҳақида қанча ўқиган, оғзаки эшитган бўлсада, ўзини кўриб, машқ қилмай, уларни бошқариб бўлмайди. Инсон табиатан шундай яратилган эканки, у бирон нарсани ўрганиши учун уни тасаввурида жонлантира билиши керак экан. Шунинг учун ҳам фанни ўрганишда турли воситалар, тасвир, макет, расм, чизма ва бошқа шу кабилардан фойдаланилади, яъни таълимнинг кўргазмалилиги таъминланади.

Таълимнинг кўргазмали услубларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар оғзаки ифодалаш услуби билан у ёки бу даражада уйғунлашиб кетади.

Объектив борлиқдаги қонуниятлар сўз ва кўргазмалиликнинг чамбарчас боғлиқлигини амалиётда биргаликда қўллашни тақозо этади. Демак, сўз ва кўргазмалилик алоқасининг хилма-хил шакллари мавжуд. Бунда таълимнинг вазифаси, мавзунинг мазмуни, мавжуд кўргазмали воситаларнинг характери, ўқувчи-талабалар тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб, уларни оқилона уйғунлаштиришдан иборат.

Тараққиётнинг ўзи бир томондан, фанни чуқур ўзлаштиришни зарур қилиб қўйса, иккинчи томондан, турли-туман янги усулларни

қўллаш, кўрғазмалиликни ошириш, техник воситалардан фойдаланиш, уларни қўллашни такомиллаштириш орқали билим олишни осонлаштириш, уни қизиқарли жараёнга айлантиришга ёрдам беради.

Кўрғазмали қуроллар ёрдамида бир вақтнинг ўзида муҳокама қилинаётган саволни, ахборотни ҳам эшитиш, ҳам кўриш орқали қабул қилиш шубҳасиз талабаларнинг пухта билим олишларига ёрдам беради.

Иқтисодий фанларнинг бошқа фанлардан ажралиб турадиган томони ҳам шундаки, у далиллар, маълумотлар, рақамлар билан иш кўради. Иқтисодчидан улар билан ишлай билиш, қўйган мақсадга эришиш учун ҳисоб-китоб, математик амаллар, кузатишларни амалга ошириш, уларнинг динамикаси (ўзгариши)ни ўрганиш асосида хулосалар чиқариш, қарор қабул қилиш кўникмасига эга бўлиш талаб қилинади.

Бу ўз навбатида иқтисодий фанларни чуқур ўрганиш, имкон қадар реал воқеликка яқин тажрибалар ўтказиш, назарий қонун-қоидаларни синаб кўришни зарур қилиб қўяди. Ўтилаётган дарсда талабаларга ахборот етказиш, улар дарсни пухта ўзлаштиришлари ва фаол қатнашишларини таъминлашда тарқатма материалларнинг аҳамияти катта.

Дарсларда тарқатма материаллардан фойдаланиш тобора кенг қўлланилмоқда. Тарқатиладиган материалнинг муҳим ижобий томони шундаки, у бевосита талабанинг қўлида бўлиб, кўрғазмали қуролларни узоқдан кўрсатилиши каби камчиликлардан ҳоли қилади.

Ахборот кўлами катта бўлгани сабабли қисқа вақт ичида барча ахборотни талабаларга тўлиқ етказиб бериш қийин. Бундай пайтларда ахборотларни тарқатма материал сифатида талабалар кўлига бериш муҳим рол ўйнайди. Тарқатма материалларни мақсади, мазмуни жиҳатдан:

- а) ахборот берувчи;
- б) топшириқ берувчи;
- д) билимни назорат қилувчи турларга ажратиш мумкин.

Мазкур ўқув қўлланма ёрдамида тарқатма материалларни мавзуни ўрганишда қўйилган мақсадга кўра турли вариантларда қўллаш мумкин.

Маълумки, иқтисодий фанларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, уларни ўрганишда марказий ўринни масала, машқ ечиш эгаллайди.

Биринчидан, масала, машқ ечиш фанни ўрганишнинг бош мақсади – олинган билимни амалиётда қўллаш имконини таъминлайди.

Иккинчидан, талабаларнинг билим олишдаги фаоллиги ортади.

Учинчидан, уларнинг мустақил фикрлаш даражасини оширади.

Шунинг учун ҳам масала сўзига фақат ҳисоб-китоб асосида топшириқни бажариш, жавобини аниқлаш эмас, балки фикр юритиш объекти сифатида қаралиши бежиз эмас. Айтайлик, ечимини кутаётган

масалалар, ҳал қилиниши зарур масалалар ва шу кабилар.

Машқлар мушоҳада қилиш, хулоса чиқаришга ўргатиш билан бирга вақтни тежаш, айрим масалаларда иккиланиб турган талабаларни тўғри жавоб топишга ўргатиш имконини беради.

Масала ва машқлар ҳисоб-китоб қилишни тақозо қилади. Бу эса ўқувчи, талабаларда аниқ миқдорлар, рақамлар ёрдамида қонун ва категорияларни тушунишни осонлаштиради. Чунки иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганишда кўпинча илмий абстракциядан фойдаланилади. Кўпчилик ўқувчи-талабалар илмий абстракция методини тезда тушунаверишмайди. Математик ифодалар орқали иқтисодий ҳодисаларнинг ўзаро боғланишини тушуниш эса осон кечади. Шунинг ҳисобга олиб, китобда иқтисодиёт назарияси фанидан ҳар бир мавзу бўйича масала ва машқлар тайёрланган ва ўзига хос топшириқ сифатида тестлар жавоби билан берилган.

Масала-машқларни мустақил ечар экансиз, унга сарфлаган интеллектуал энергиянгиз ва вақтингизга ачинмайсиз. Чунки улар иқтисодиёт муаммоларини чуқур ўрганишга катта амалий ёрдам беради.

Масала-машқларнинг жавобини қидиришга ошиқманг. Берилган масала-машқни ўзингиз мустақил ечиб, унинг жавоби тўғрилигини билгач интеллектуал жиҳатдан қониқиш ҳосил қилиш, завқланиш нашидаси ўзгача бўлади. Бундай туйғуни тотиб кўришдан ўзингизни бебаҳра қолдирманг.

Қўлланмани тайёрлашда Республикамизда қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, Президентимиз асарларидан, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётига тегишли расмий статистик маълумотлардан фойдаланилган.

Қўлланма талабаларга фанни пухта ўзлаштиришлари учун кўмак берса, профессор-ўқитувчиларга дарс жараёнини ва мустақил таълим олишни замонавий интерфаол усулларни қўллаб ташкил этишга ёрдам беради.

Бундай турдаги қўлланма иқтисодиёт назарияси фанидан ўзбек тилида биринчи марта нашр қилинмоқда. Муаллифлар у ҳақда билдирилган маслаҳатлар ва фикр-мулоҳазаларни кутади ва бажонидил қабул қилади.

І БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ


1-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИ

1-§. Иқтисодиёт ва унинг асосий муаммолари



Такрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқаришнинг янгидан бошланиб ва қайтадан тўхтовсиз такрорланиб туриши

Такрор ишлаб чиқариш турлари



Такрор ишлаб чиқариш босқич (фаза)лари



Инфратузилма – бу ишлаб чиқариш ва айирбошлашни меъёрида амалга ошириш ҳамда кишиларнинг турмуш кечиришининг умумий шарт-шароитларини ташкил қилувчи соҳалар

Инфратузилма турлари

- ишлаб чиқариш инфратузилмаси;
- ижтимоий инфратузилма;
- бозор инфратузилмаси;
- қишлоқ инфратузилмаси

Иқтисодиётнинг асосий муаммоси – бу иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қандай қилиб тўлароқ қондириб бориш мумкинлиги тўғрисидаги масаладир

2-§. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши

Иқтисодий билимларнинг пайдо бўлиши

• Милоддан аввалги даврдаги қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон, Рим ва Шарқ мутаффакирлари (Хаммурапи, Ману, Конфуций, Ксенофонт, Платон, Аристотел, Варран, М.Катон, Колумелла ва бошқалар)нинг иқтисодий қарашлари. Улар меҳнат тақсимооти, яратилган маҳсулот тақсимланиши, бойликнинг вужудга келиши, хўжалик юритиш қоидалари, меҳнатни ташкил қилиш, ерга мулкчилик масалаларига ўз ёндошувларини баён қилади.

• Милоддан кейинги дастлабки минг йилликдаги иқтисодий қарашлар. Бу даврда иқтисодий билимларнинг ривожланишида муқаддас китоблар («Қуръон», «Ҳадис») ҳамда Ўрта Осиё ва Шарқнинг буюк алломаларни қарашлари алоҳида ўрин тутган.

Улар инсон эҳтиёжлари (Форобий), даромадлар ва харажатлар мувозанати (Ибн Сино), пулнинг келиб чиқиш сабаблари (Абу Райҳон Беруний), жамиятдаги меҳнатнинг роли, моддий неъматларнинг хусусиятлари, пул ва унинг вазифалари (Юсуф Хос Ҳожиб) жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши, давлат молияси, солиқларни белгилаш тартиби (А. Навоий), инсонларнинг ишлаб чиқариш фаолияти, меҳнат ва унинг жамиятдаги роли, товар қиймати ва истеъмол қиймати, айрбошлаш жараёни, тарихий-ижтимоий тараққиёт принциплари (Ибн Холдун) каби масалаларга ўз муносабатларини билдиришган.



«Сиёсий иқтисод» юнонча сўздан олинган бўлиб, «политикос» – ижтимоий, «ойкос» – уй, уй хўжалиги, «номос» – қонун деган маънони англатади. Француз иқтисодчиси Антуан Монкретъен (1575–1621й.) биринчи марта «Сиёсий иқтисод трактати» (1615 й.) асарида бу фанни илмий жиҳатдан асослади ва у 300 йилдан ортиқ вақт давомида шу ном билан ривожланди.

Иқтисодиёт назарияси фан сифатида шаклланиш жараёнида вужудга келган асосий ғоявий оқимлар

→ **Меркантилизм** – жамиятнинг бойлиги пул ва олтидан иборат бўлиб, у савдода, «асосан ташқи савдода пайдо бўлади ва кўпаяди», деб тушунтирилади. Меркантилизм – италянча «мерканте» сўзидан олинган бўлиб, «савдогар» маъносини англатади. Бу оқимнинг намояндалари: У. Стаффорд, Томас Мен, Антуан Монкретъен, Жон Лоу, Гаспар Скарүффи ва бошқалар.

→ **Физиократлар** – жамиятнинг бойлиги қишлоқ хўжалигида вужудга келади деган ғояни илгари сурадилар. Бу таълимотнинг асосчиси Франсуа Кенэ (1694–1774 й.й.) ҳисобланади.

Классик сиёсий иқтисод – бойлик фақат қишлоқ хўжалигида эмас, балки саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳам яратилишини исботлаб берди.

– **У.Петти** (1623–1686 йй.) бойликнинг манбаи ер ва меҳнат эканлигини эътироф этган. «Меҳнат бойликнинг отаси, ер унинг онаси» деган ибора унга тегишлидир.

– **А.Смит** «Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» (1776 й.) асарида талаб ва таклиф асосида шаклланадиган эркин нархлар асосида бозор ўз-ўзини тартибга солиши («кўринмас қўл») ғоясини илгари суради. Инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий манфаатдир, деб кўрсатади.

– **Д.Рикардо** қийматнинг, турли синфлар даромадлари ва фойданинг ягона манбаи меҳнат эканлигини кўрсатади.

– **Сисмонди** (Жон Шарл Леонард Симонде Сисмонди) капиталистик иқтисодий механизмни танқид қилиб, сиёсий иқтисод инсон бахти йўлида ижтимоий механизмни такомиллаштиришга қаратилган фан бўлмоғи лозим, деб кўрсатади.

– **Социал-утопистлар** (А.Сен-Симон, Шарл Фурье, Роберт Оуен) капитализмни танқид қилиб, хусусий мулкчиликни йўқ қилиш, ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмолни қайта ташкил этиш ва адолатли тузум (индустриал жамият, гармоник жамият, коммунизм) ўрнатиш талаби билан чиқадилар.

– **Марксизм** жамият тараққиётига табиий-тарихий жараён деб қараб, ижтимоий-иқтисодий формациялар, уларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва бошқаси билан алмашиши сабаблари тўғрисидаги таълимотни ҳамда қўшимча қиймат назариясини яратади.

Иқтисодиёт назариясидаги янги оқимлар (XIX аср охири ва XX аср бошлари)

Маржинализм вакиллари (marginal – меъерий, қўшилган) товар нафлилиги, қўшилган меҳнат ёки ресурс унумдорлигининг пасайиб бориши назарияларини ишлаб чиққан. Кейинги товар нафлилигининг камайиб бориш қонуни бу оқимнинг асосий принципи ҳисобланади. Шунга кўра, нарх харажатга боғлиқ бўлмай, меъерий нафлилик асосида белгиланади. Маржинализм асосчилари Карл Менгер, Фридрих фон Визер, Эйген фон Бем-Баверк, Уилям Стенли Жевонс ҳисобланади.

Неоклассик мактаб (асосчиси Алфред Маршалл) бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг аралашувини чеклаш ғоясини илгари суради. Бозор механизмнинг бузилиши монополиялар вужудга келганда ҳам юз беришини кўрсатади. Функционал боғланиш ғоясини асослайди, бозор нархини белгиловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат деб ҳисоблайди.

Бу мактаб вакиллари Л. Валрас умумий иқтисодий мувозанатлик моделини ишлаб чиқишга, И. Шумпетер эса иқтисодий тизимлар ўзгаришнинг ички кучларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган ҳамда иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч тадбиркорлик деган хулосага келган.

Кейнсчилик – ривожланган бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиб туриш зарурлигини асослашга диққат қаратилади. Жон Мейнард Кейнс «Бандлик, фоиз ва пулнинг - назарияси» (1936 й.) номли китобида бундай тартибга солиш ялпи талабга ҳамда шу орқали инфляция ва бандликка таъсир кўрсатишини асослайди.

Неоклассик йўналишида янгидан вужудга келган оқимлар (XX асрнинг 50–60-йилларидан бошлаб)

Неолиберализм (Ф.Хайек, Л.фон Мизес, Л.Эрхард) – давлатнинг иқтисодиётга аралашувини энг кам даражага келтиришга, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиш лозимлигини уқтиради.

Монетаризм – (М.Фридман) иқтисодиётни бошқаришни пул муомаласини тартибга солиш орқали амалга ошириш мумкинлигини асослаб беради.

Институционализм тарафдорлари (Т.Веблен, Ж.Гелбрейт) фикрига кўра – хўжалик юритувчилар ўртасидаги муносабатлар нафақат иқтисодий, балки ноиқтисодий омиллар таъсирида вужудга келади. Шу сабабли иқтисодиётга муассасавий ўзгаришлар орқали ҳам таъсир кўрсатиш мумкин.

3-§. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва вазифалари

Фаннинг предмети

Иқтисодиёт назарияси иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида моддий неъматларни (ва хизматларни) ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қонунқоидалари, кишиларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатини ўрганади.

Иқтисодий муносабатлар – бу иқтисодий неъмат ва бойликларни такрор ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида вужудга келадиган алоқа ва муносабатлардир

Иқтисодий муносабатларнинг аниқ намоён бўлиш шакллари

Иқтисодий ходисалар: ишсизлик, инқироз, инфляция, бандлик ва ҳ.к.

Иқтисодий жараёнлар: ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол ва ҳ.к.

Иқтисодиёт назарияси фанининг мақсади

Чекланган иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг муқобил вариантларидан энг самаралисини топиш орқали жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини тўлароқ қондириб боришнинг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ қилишдан иборат.

Иқтисодиёт назарияси фанининг вазифалари

Илмий билиш вазифаси – иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг туб мазмунини, улар ўртасидаги алоқа ва боғланишларни, шакл ва мазмун ўзгаришларни ўрганишга қаратилади.

Методологик асос вазифаси – бошқа иқтисодий фанлар ўз предметини иқтисодиёт назарияси асослаб берган қонун ва категорияларга таянган ҳолда ўрганади. Айни вақтда бу фан бошқа фанлар чиқарган хулосаларни назарий жиҳатдан умумлаштиради.

Амалий вазифаси – ҳўжалик юритишнинг оқилона усуллари, асосий қоидаларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилади.

Башорат қилиш вазифаси – жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истиқболларини илмий асослаб беради.

«Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириши, уларнинг дунёқарашлари ўзгариши»¹ вазифаси иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги стратегик мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистан буюк келажак сари – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 87-бет.

4-§. Иқтисодий қонунлар ва категориялар (илмий тушунчалар)

Иқтисодий қонунлар – иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги ички, барқарор, доимий такрорланиб турадиган сабаб-оқибатли боғланиш ва алоқадорликни ифодалайди. Масалан, талаб қонуни нарх билан сотиб олинadиган маҳсулот миқдори ўртасидаги тесқари, таклиф қонуни эса маҳсулот нархи билан унинг ишлаб чиқариладиган миқдори ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни ифодалайди.

Иқтисодий қонунларнинг объектив характери

Уларнинг амал қилиши кишиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмаслигини билдиради. Шу билан бирга, улар инсоният жамияти мавжуд бўлганда ва такрор ишлаб чиқариш рўй берганда амал қилади ҳамда кишиларнинг мақсадли иқтисодий фаолияти орқали намоён бўлади.

Иқтисодий қонунлар тизими


Умумий иқтисодий қонунлар – кишилиқ жамияти ривожланишининг барча босқичларида амал қилади. Масалан, эҳтиёжларнинг юксалиб бориш қонуни, вақтни тежаш қонуни, меҳнат унумдорлигининг ўсиши қонуни ва ҳ.к.

Даврий-оралиқ иқтисодий қонунлар – жамият тараққиётининг маълум босқичларига хос ижтимоий-иқтисодий тизимларга боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қиладиган қонунлар. Масалан, бозор иқтисодиётига хос қонунлар (талаб қонуни, таклиф қонуни, пул муомаласи қонуни ва бошқалар).

Махсус иқтисодий қонунлар – алоҳида олинган иқтисодий тизимлар шароитида амал қилади. У ёки бу тизимнинг асосий иқтисодий қонунлари бунга мисол бўлади.


Илмий категориялар (илмий тушунчалар) – иқтисодий воқеликнинг илмий ифодаси бўлиб, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг туб моҳиятини акс эттиради. Масалан, талаб, таклиф, нарх, рақобат, бозор, пул ва ҳ.к.


Иқтисодий категориялар амал қилиш даврига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:





5-§. Иқтисодий таҳлил услуби ва тамойиллари

Иқтисодий таҳлил услуби – бу илмий билишга ёндошиш йўллари, тамойиллари, қонун-қоидалари ва аниқ ҳадислар тизими





Иқтисодий моделлар – бу иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг бир томондан объектив хусусиятларига, иккинчи томондан, тадқиқотнинг субъектив мақсади, характерига кўра абстракт тарзда умумлаштириб ифодаланган реалликнинг андозасидир.



Асосий тушунчалар

- | | |
|------------------------|-----------------------|
| 1. Норматив иқтисодиёт | 7. Гипотеза |
| 2. Позитив иқтисодиёт | 8. Илмий абстракция |
| 3. Микроиқтисодиёт | 9. Индукция |
| 4. Макроиқтисодиёт | 10. Дедукция |
| 5. Иқтисодий қонунлар | 11. Функционал таҳлил |
| 6. Иқтисодий категория | 12. Иқтисодий фикрлаш |

Қуйидаги жавоблардан тўғрисиани танланг:

а) харажатлар ва олинган натижани таққослаш асосида рационал қарор қабул қилиш;

б) иқтисодий жараёнларни баҳолаб, иқтисодиётда қандай тадбирлар белгилаш ёки қандай иқтисодий сиёсат юритиш кераклигини, иқтисодий ривожланиш мақсадини кўрсатишга асосланган йўналиш;

д) ишончли назария бўлиши учун тажрибада синаш ва назарий жиҳатдан асослаб бериш лозим бўлган, муайян ҳодисанинг юз бериши сабабларини изоҳлаш учун илгари сурилган илмий тахмин;

е) иқтисодий ҳодиса жараёнлар ўртасидаги муҳим иқтисодий заруриятни тақозо этувчи, сабаб-оқибат, сифат ва миқдор боғланишлари бўлиб, индивид ва институтларнинг хатти-ҳаракати, танлаш сабаблари ва мотивларини умумлаштирган ҳолда характерлаб берилишидир;

ф) назарий иқтисодиётнинг биринчидан, иқтисодий алоҳидалашган бирликлари (фирма, корхона, уй хўжалиги), иккинчидан, алоҳида олинган бозор, аниқ маҳсулот нархлари, сотувчи ва харидорлар самарали танлов тамойилларининг шаклланишини ўрганувчи бўлим;

г) фактлар, далиллар ёрдамида тадқиқот олиб бориб, улар таҳлили асосида иқтисодий фаолият жараёнида ўзларини қандай тутишлари, истеъмолчи танловини илмий асослашга ҳаракат қилади;

х) иқтисодиётга бир бутун тизим сифатида ёндошиб, иқтисодий сиёсатнинг мақсадини шакллантиради, уни рўёбга чиқариш учун зарур чора-тадбирлар белгилашни тадқиқ қилувчи бўлими;

и) жамият иқтисодий ҳаётининг энг муҳим томонларини ифодаловчи иқтисодий воқеликнинг илмий ифодасидир;

ж) иқтисодий ҳодисаларнинг энг барқарор боғланиши ажратиб олиниб, масаланинг моҳиятига путур етказмайдиган иккинчи даражали далилларни йўқ деб фараз қилинади ёки ўзгармайди деб ҳисоблаб тадқиқ этилиши;

к) эмпирик билимдан абстракцияга ўтиш, хусусий хулосадан умумий хулоса чиқариш усули;

л) функционал боғланиш, яъни бир миқдорнинг ўзгаришига қараб бошқа миқдорнинг ўзгариши ўртасидаги боғланиш асосида иқтисодиётни таҳлил этиш;

м) назариядан амалиётга, умумий хулосадан амалий натижа чиқаришга, илгари сурилган гипотезани реал иқтисодий далиллар ёрдамида текширишга, тадқиқ қилишга асосланган усул.

Масала ва машқлар

1. Иқтисодиёт назарияси фанининг нисбатан энг тўлиқ ва содда қилиб берилган таърифини танланг:

а) иқтисодиёт назарияси ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнида юз берадиган муносабатларни ўрганади.

б) иқтисодиёт назарияси ўзгарувчи миқдорларни, уларнинг миллий иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатишини ўрганади.

д) ресурсларнинг чекланганлиги ва эҳтиёжларнинг юксалиб бориши шароитида самарали хўжалик юритиш қонунлари ва иқтисодий фаолият муаммоларини ўрганади.

е) иқтисодиёт назарияси ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларини ўрганади.

2. Ҳинд ривоятларидан бирида Будда ва унинг шогирди ўртасидаги суҳбат шундай ҳикоя қилинади:

Бир куни Будда шогирдидан сўрабди, йўлга қарачи, ким келаяпти экан?

– Ёш ва гўзал бир аёл, – дебди шогирди.

– Аниқроғи, – дебди Будда.

– Ёш аёл.

– Аниқроғи.

– Аёл.

– Аниқроғи.

– Одам.

– Аниқроғи.

– Скэлет.

Диққат қилинг. Сизнингча, шогирднинг қайси жавобида абстракция методининг билиш қадр-қиммати йўқолди? Нима сабабдан?

3. Тилшунос олим, ёзувчи Лев Успенский ўзининг «Сўз ҳақида сўз» китобида Австралия аборигенлари тилида «Тепаликда дарахт ўсиб турибди. Унинг шохида қуш ўтирибди, деб айтилмайди. Абориген тилида албатта, «Тепаликда қаури ўсиб турибди. Уни шохида қақаду ўтирибди» ёки «Евкалипт ўсиб турибди, унинг тагида ему юрибди», дейилади. Яъни албатта ўсимлик ва ҳайвоннинг номи айтилади, деб ёзади.

Сизнингча, нима сабабдан австралиялик аборигенлар тилида «дарахт», «қуш» ва ҳоказо тушунчалари йўқ. У инсон тафаккури ривожининг маълум бир босқичи билан боғлиқ деб айта оласизми? Ўзбек тилидан шундай мисоллар келтира оласизми?

4. Қуйидаги тушунчаларни диққат билан ўқиб чиқинг. Улардан қайси бири гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунчалар эканлигини аниқланг. Уларни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

Тушунчалар: Илмий абстракция, индукция, дедукция, тажриба ўтказиш, тарихийлик, мантикийлик, иқтисодий-математик моделлаштириш.

5. Таниқли классик ёзувчи А. Қодирийнинг ўғли Х. Қодирий «Отам ҳақида» китобида А. Қодирий кўрсатган қуйидаги мисолни келтиради: «Қарға ўлади. Қарға қушлар туркумига киради. Демак, қушларнинг ҳаммаси ўлади».

Аксинча, «Қушлар ўлади. Қарға қушлар туркумига киради. Демак, қарға ҳам ўлади».¹

Атоқли ёзувчимиз юқоридаги парчада шундай содда мисол билан қайси методни тушунтириб берган? Уни иқтисодиётга қиёслаб тушунтириб бераоласизми?

Қуйидаги билдирилган фикрлар тўғри (Т) ёки нотўғри (Н)лигини аниқланг (Т/Н)²

1. Назария амалиётда қўлланилиши учун ҳар бир аниқ ҳолатда, воқеликда ўз исботини топиши керак.

2. Иқтисодиёт назарияси аниқ фан эмас, лекин у статистик маълумот таҳлилидан фойдаланиб, жуда кўп аниқ муаммоларни тадқиқ этади.

3. Маълум бир шароитда ижобий натижа берган иқтисодий сиёсат, бошқа бир шароитда хато бўлиши мумкин.

4. Агар иқтисодчилар иқтисодиётнинг асосий тамойилларини бир хил шарҳласалар, демак, улар албатта вазиятни баҳолашда ҳамфикр бўлишади.

5. Агар гипотеза практикада тасдиқланса, у ҳолда фойдаланилаётган назарий асос бўла оладиган хулоса доимо тўғри.

6. Иқтисодий қонунлар табиат қонунларига ўхшаш объектив характерга эга. Демак, иқтисодий қонунларни табиат қонунлари билан бир хил амал қилади, деб айта оламиз.

7. Иқтисодиёт назарияси ижтимоий фан бўлиб, барча иқтисодий фанлар учун фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

8. Иқтисодиётда аввал далиллар, маълумотлар тўпланadi, улар ўрганилади. Сўнгра хусусий ва умумий хулосалар чиқарилади.

¹ Х. Қодирий. Отам ҳақида Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 50-бет.

² Кейинги машқларда Т/Н.

Тестлар

1. Иқтисодиёт назарияси фан сифатида шаклланган:

- а) кишилик жамияти вужудга келгандан бошлаб;
- б) XVII–XVIII асрлар орасида;
- д) XIX асрда;
- е) А.Смитнинг «Халқлар бойлиги...» китоби чоп этилиши билан;
- ф) Ўрта асрларда.

2. Қуйидаги санаб ўтилганлардан қайсиси иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганишда амалий аҳамиятга эга эмас:

- а) ҳар бир киши иқтисодий жараёнлар таъсирида бўлади ва унга ўзи ҳам таъсир кўрсатади;
- б) ҳар бир киши ўз билими ва тажрибасидан у ёки бу фаолиятда фойдаланиб пул ишлаб топади. Иқтисодий назария одамларни яшай билишга ўргатади;
- д) ҳар бир киши сиёсий муаммолар билан тўқнашади, уларнинг кўпи эса иқтисодиёт билан боғлиқ;
- е) ҳар бир киши иқтисодиётнинг қонунларини қандай амал қилишини билса, ўз иқтисодий муаммоларини тўғри ечишга қодир бўлади;
- ф) юқоридагиларнинг барчаси.

3. Қуйидагилардан қайси бири иқтисодий моделнинг мазмунини ифодалайди.

- а) иқтисодий прогнозлаш;
- б) иқтисодий тамойиллар мажмуаси;
- д) иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг объектив хусусиятларига ва тадқиқот мақсади ва характериға кўра абстракт тарзда умумлаштириб ифодаланган реалликнинг конструкцияси, макети, андозаси;
- е) иқтисодиёт ва сиёсатнинг идеал типи бўлиб, уни амалга ошириш учун зарур;
- ф) иқтисодий билиш усуллари.

4. Қуйидаги ифодаланган иқтисодий мақсадлардан қайси бирини аниқ миқдор билан ўлчаш мумкин?

- а) иқтисодий кафолат;
- б) иқтисодий эркинлик;
- д) тўла бандлик;
- е) даромадларни адолатли тақсимлаш;
- ф) ижтимоий ҳимоя.

5. Агар қўйилган икки иқтисодий мақсад бир-бирига зид эканлиги таъкидланса, у ҳолда бу қуйидагини билдиради.

а) бир вақтнинг ўзида иккала мақсадни амалга ошириб бўлмаслигини;

б) амалга оширилиши лозим бўлган мақсад сифатида қўйиб бўлмаслигини;

д) улардан бирининг амалга оширилиши иккинчисини ҳам амалга оширилганини;

е) бу мақсадларни миқдор жиҳатдан ўлчаш мумкинлигини билди;

ф) улар қарама-қарши эканлигини;

6. Позитив иқтисодий назария:

а) иқтисодий ҳодисаларни қандай бўлса шундайлигига ўрганади;

б) иқтисодий ҳодисалар қандай бўлиши кераклигини кўрсатади;

д) иқтисодий ривожланишдаги ижобий тенденцияларни ўрганади;

е) билдирилган фикрларни таҳлил қилади;

ф) иқтисодий таҳлилларни умумлаштиради.

7. Агар иқтисодий жиҳатдан умумлаштириш далиллар, рақамларга асосланса, у ҳолда бундай таҳлил усули:

а) баён қилиш;

б) қиёсий таҳлил;

д) тарихий;

е) дедуктив;

ф) индуктив.

8. Агар иқтисодиётда корхона, фирма, уй хўжалиги, алоҳида олинган бозорлар муаммоси тадқиқ қилинса, бундай таҳлил:

а) норматив;

б) позитив;

д) илмий абстрактив;

е) микроиқтисодий;

ф) макроиқтисодий.

9. Қуръони Каримда акс этган асосий иқтисодий ғоя нимадан иборат?

а) инсонлар деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиши таъкидланган;

б) «эхтиёж» – тушунчаси таърифланган ва жамият ҳаётида моддий эҳтиёжлар аҳамияти кўрсатиб берилган;

д) мусулмонлар қардошлиги ғояси илгари сурилган, мулк муқаддаслиги қайд қилинган, савдога катта ўрин берилган ва жамият тенгсизлиги азалдан деб тан олинган;

е) моддий бойлик яратишда меҳнат ва меҳнат қуроллари ўрни белгилаб берилган;

ф) юқоридагиларнинг барчаси.

10. Иқтисодиёт назариясининг қайси оқимида савдо-сотик ва асосан ташқи савдо барча бойликларнинг манбаи деб ҳисобланади?

а) меркантилизм;

б) физиократлар;

д) классик буржуа иқтисодий мактаб;

е) марксистик назария;

ф) маржинализм.

11. Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясининг қайси оқимида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг ва тартибга солишнинг асосий воситаси пул деб ҳисобланади?

а) кейнсчилар;

б) монитаризм;

д) институционализм;

е) либерализм;

ф) янги иқтисодий оқимлар.

12. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети нимадан иборат?

а) ижтимоий муносабатларни ўрганиш;

б) сиёсий муносабатларни ўрганиш;

д) иқтисодий муносабатларни ва ижтимоий хўжаликларни самарали юритишнинг иқтисодий қонун-қоидаларини ўрганиш;

е) ҳуқуқий муносабатларни ўрганиш;

ф) ташкилий муносабатларни ўрганиш.

13. Қуйидагилардан қайси бири умумий иқтисодий қонунлар жумласига киради?

а) қиймат қонуни;

б) талаб қонуни;

д) таклиф қонуни;

е) эҳтиёжларнинг юксалиш қонуни;

ф) юқоридагиларнинг барчаси.

14. Иқтисодий жараёнларини илмий билишнинг қайси усули далиллардан асосий қонун-қоидалар ишлаб чиқишни ёки амалиётдан назария томон боришни билдиради?

- а) илмий абстракция;
- б) дедукция;
- д) индукция;
- е) эмпирик;
- ф) мантиқий.

15. Қуйидагилардан қайси бири иқтисодий ресурслар таркибини тўлиқ акс эттиради?

- а) меҳнат воситалари ва ишчи кучи;
- б) капитал, ер, ишчи кучи ва тадбиркорлик лаёқати;
- д) табиий ва инсон ресурслари;
- е) ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари;
- ф) табиий омиллар.

16. Иқтисодий ресурсларнинг барча тури учун умумий бўлган хусусият нимадан иборат?

- а) мутлақ чекланган;
- б) инсон меҳнатининг натижаси;
- д) нисбатан чекланган ёки камёб;
- е) қийматга эга;
- ф) табиат маҳсули.

17. Иқтисодиёт назарияси фанларнинг қандай гуруҳига киради?

- а) иқтисодий фанлар;
- б) сиёсий фанлар;
- д) ижтимоий фанлар;
- е) ижтимоий-гуманитар фанлар;
- ф) табиий фанлар.

18. Иқтисодиёт назарияси фани нимани ўргатади?


- а) ижтимоий тузумларни;
- б) кишилик жамияти ривожланишининг иқтисодий қонун ва қонуниятларини;
- д) ишлаб чиқариш кучларини;
- е) моддий неъматлар ишлаб чиқаришни;
- ф) кишиларнинг хулқ-атворини.

19. Такрор ишлаб чиқариш назариясини биринчи бўлиб кимлар яратганлар?

- а) меркантилистлар;
- б) физиократлар;
- д) классик сиёсий иқтисодчилар;
- е) кейнсчилар;
- ф) маржиналистлар.


20. Иқтисодий қонунлар қандай характерга эга?

- а) объектив;
- б) субъектив;
- д) ҳам объектив ва ҳам субъектив;
- е) ҳуқуқий;
- ф) ижтимоий.



1.1-чизма.

Иқтисодиёт деганда сиз нимани тушунасиз? Юқоридаги таърифларга яна нимани қўшган бўлар эдингиз?



1.2-чизма.

Иқтисодий қонунлар туркумлари бўйича мисол келтира оласизми?

Жавоблар:

Асосий тушунчалар:

1б), 2е), 3д), 4ё), 5г), 6ж), 7в), 8з), 9и), 10к), 11у), 12а

Масала ва машқлар:

1. Келтирилган фикрлар ўзаро боғлиқ назарий иқтисодий муаммоларни характерлайди, нисбатан «в» жавоб тўлароқ ифодалайди.

2. Охирги жавобда.

3. Инсон, энг аввало, ҳайвондан абстракт тафаккур қилиш билан ажралиб туради. Кишилиқ жамияти ривожига қанча юқори бўлса, абстракт фикрлаш қобилияти унинг тилида ифодаланади.

Абстракт тушунчага мувофиқ равишда сўзлар, бизнинг мисолимизда дарахт, қуш сўзларини аборигенлар тилида ишлатилмаслиги абстракт фикрлаш тараққиётнинг нисбатан паст даражада эканлигини ифодалайди. Ўзбек тилида танга, пул сўзларининг келиб чиқишини изоҳлаб беришимиз мумкин.

4. Бу тушунчалар фаннинг предметини ўрганиш усуллари бўлиб, шу гуруҳга қўшилмайдигани тажриба ўтказиш. Қолганлари иқтисодиёт назариясини ўрганишнинг асосий усуллари.

5. А. Қодирий ана шу содда мисол билан индукция ва дедукция усулини осонгина тушунтириб берган. Биринчисида алоҳидадан умумий хулоса чиқарилаяпти. Бу индукция усули. Иккинчисида умумийдан алоҳида, жузъий хулоса чиқарилаяпти. Бу дедукция усули. Бу усуллардан иқтисодий фанлар, жумладан, иқтисодиёт назарияси фанини ўрганишда ҳам кенг фойдаланилади.

Иқтисодиётдан мисол: Корхона, фирмаларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Демак, мамлакат миқёсида иқтисодий ўсишга эришилади. Аксинча, кўпчилик корхона ва фирмаларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қисқарса, мамлакат миқёсида иқтисодий таназзул юз беради, деб айтиш мумкин. Бошқа жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

6. Т/Н

1Н; 2Т; 3Т; 4Н; 5Н; 6Н; 7Т; 8Т;

Тестлар:

1б); 2б); 3д); 4в); 5а); 6а); 7д); 8г); 9в); 10а); 11б); 12в); 13г); 14в); 15б); 16в); 17в); 18б); 19в); 20а).*

* Асосий тушунчалар ва тестларнинг жавоб вариантлари лотин алифбоси, тўғри жавоблар эса кирилл алифбоси кетма-кетлиги тартибида берилган.

2-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАР ВА ЖАМИЯТ ЭҲТИЁЖЛАРИ

1-§. Иқтисодий ресурс тушунчаси ва унинг турлари

Ресурслар – бу иқтисодий фаолият (ишлаб чиқариш)нинг умумий шарт-шароитлари, моддий асоси ва иқтисодий омилларидир. Уларни умумлаштирилиб ишлаб чиқариш ресурслари ва иқтисодий ресурсларга ажратилади.

Ишлаб чиқариш ресурслари


Жамият ихтиёрида мавжуд бўлган товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган қимматликлар.

Ишлаб чиқариш ресурслари функционал вазифасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- ☉ табиий ресурслар – бу табиат иномлари;
- ☉ моддий ресурслар – инсон томонидан яратилган ишлаб чиқариш воситалари;
- ☉ меҳнат ресурслари – меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли;
- ☉ молиявий ресурслар – ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ажратилган пул маблағлари;

Табиий ресурслар ўз навбатида қайта ҳосил қилинадиган ва қайта ҳосил қилинмайдиган, тикланадиган ва тикланмайдиган турларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш ресурслари фойдаланиш жараёнида ўзларининг хусусиятларини намоён қилишига кўра объектив ва субъектив ёки моддий ва шахсий омилларга ажратилади.




Иқтисодий ресурслар учун умумий бўлган хусусият – улар камёб ёки миқдори нисбатан чекланган.

2-§. Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг мазмуни ва шакллари

Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар – бу жамият аъзоларининг яшаши ва камол топиши учун керакли ҳаётий воситаларга ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий ресурсларга бўлган заруриятидир.

Кишилар учун зарур бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришда корхоналар ҳамда уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришда давлат ҳам қатнашиши сабабли жамият эҳтиёжлари қуйидаги шаклларда намоён бўлади:



Эҳтиёжлар иқтисодий мазмунига кўра, ишлаб чиқариш ва истеъмол эҳтиёжларига, кондирилишининг долзарблигига кўра, бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжларга ажратиб ўрганилади.

Жамият эҳтиёжларининг барча таркибий қисмларига хос бўлган умумий хусусият – улар чексиз ва чегарасиздир.

Жамият эҳтиёжлари даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар

- Мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси
- Жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизим
- Табiiй-географик ва иқлим шароитлари
- Тарихий, миллий анъаналар ва урф-одатлар
- Аҳоли сонининг ўсиши ва унинг ижтимоий таркибининг ўзгариши
- Ҳудудий, миллий ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражаси
- Халқаро алоқа ва коммуникация тизимларининг ривожланиш ҳолати

Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонуни

Жамият эҳтиёжларининг миқдоран ортиб ва сифат жиҳатдан такомиллашиб боришини билдиради.

Эҳтиёжларнинг юксалиб боришини тақозо қилувчи омиллар:

- аҳолининг табиий ўсиши. Бунинг натижасида эҳтиёжлар миқдоран ортиб боради;
- фан-техника тараққиёти ва реклама. Унинг таъсирида кишиларда янги товарларга эҳтиёжлар вужудга келади ва такомиллашиб боради.

Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонуни ишлаб чиқариш билан эҳтиёжлар ўртасидаги ўзаро ва узвий боғлиқликни акс эттиради. Ишлаб чиқариш эҳтиёжларни қондиришга қаратилади, ўз навбатида унинг ривожланиши янги эҳтиёжларни вужудга келтиради.

Эҳтиёжларнинг юксалиб боришига қарши таъсир қилувчи омиллар

→ Ишлаб чиқаришнинг ривожланиш ҳолати

→ Иқтисодий фаолиятнинг цикллилиги

→ Жамиятдаги мавжуд ҳукмрон муносабатлар

→ Фавқулоддаги ҳолатлар (урушлар, иқтисодий тизимларнинг алмашиниши)

→ Табиий офатлар (зилзила, сув тошқини ва ҳ.к.)

Эҳтиёжларга хос бўлган навбатдаги муҳим хусусият – турли эҳтиёжларнинг бир-бирини тақозо қилишидир. Бу бир эҳтиёжнинг бошқа бир эҳтиёжни келтириб чиқаришини аниқлатади. Масалан, компьютерларга пайдо бўлган эҳтиёж ўз навбатида уни ишлатишни ўрганиш, хизмат кўрсатиш, дастур тузиш кабиларга эҳтиёжларни келтириб чиқаради.

3-§. Эҳтиёжларнинг турлари ва таркиби, уларнинг қондирилиш даражаси

Эҳтиёжлар бир қатор мезонлар бўйича туркумланиб таҳлил қилинади.

Эҳтиёжларнинг қондирилиши даражаси (EQD) ҳар бир даврдаги ҳақиқий истеъмол (НІ)ни эҳтиёжларнинг умумий даражаси (EUD)га таққослаш орқали аниқланади, яъни:

$$EQD = NI / EUD \times 100$$

EQD товар ва хизматларнинг алоҳида турлари ва гуруҳлари бўйича аниқланади.

Умумжамият миқёсида қондириладиган эҳтиёжлар

Қондирилиш шаклига кўра:

Моддий эҳтиёжлар – моддий кўринишга эга бўлиб, кишиларнинг улар билан таъминланиши, ҳаёт кечиришининг бирламчи шартидир. Булар ҳаётининг зарур воситаларни (озик-овқат, турар-жой) ва ҳаёт кечириш учун турли қулайликлар яратувчи нарсалар (мебел, автомобил, холодильник, телевизор, дала ҳовли) ва зебу-зийнат буюмларини ўз ичига олади.

Ижтимоий-маънавий ва маданий-маиший эҳтиёжлар хизматлар шаклида қондирилиб, инсоннинг ахлоқий, маънавий, маданий ва жисмоний камол топишига хизмат қилади. Меҳнат қилишга бўлган эҳтиёж ҳам ижтимоий эҳтиёжнинг таркибий қисмидир.

Қондириш усулига қараб:

Бевосита қондириладиган эҳтиёжлар – кишилар томонидан тўғридан-тўғри истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлар

Билвосита қондириладиган эҳтиёжлар – бу ишлаб чиқариш мақсадлари учун иқтисодий ресурсларга бўлган эҳтиёжлар

Иқтисодий адабиётларда мутлақ ва нисбий, минимал ва максимал, қондирилиши муқаррар зарур бўлган ва кейинчалик қондирса бўладиган, жорий даврда ва истиқболда қондириладиган, бирламчи ҳамда иккиламчи эҳтиёжлар ҳам ажратиб кўрсатилади.

**Мавзуни чуқур ўрганиш учун топшириқлар:
Асосий тушунчалар:**

- | | |
|---|--|
| 1. Эҳтиёж | 5. Танловнинг муқобил қиймати |
| 2. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши
иқтисодий қонуни | 6. Ишлаб чиқариш имконияти
чегараси |
| 3. Иқтисодий ресурслар | 7. Ишлаб чиқариш |
| 4. Иқтисодиётнинг бош муаммоси | имкониятлари эгри чизиғи |

Қуйидаги жавоблардан тўғриси танилганг:

а) Турли эҳтиёжларни қондирадиган неъматлар ишлаб чиқариш учун зарур барча воситалар ва меҳнатга лаёқатли кишилар;

б) инсоннинг яшаши, камол топиши учун ҳаётий неъматларга бўлган объектив зарурият;

д) ресурслар чекланганлиги шароитида жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш муаммоси;

е) ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа ривожланиши билан инсон эҳтиёжларининг юксалиб, миқдоран ўсиб ва таркибан янгиланиб бориши;

ф) танлов натижасида воз кечилган имконият ичидан танловчи учун энг катта наф келтирувчиси ёки қадрланувчи имконият;

г) мавжуд ресурслардан тўла фойдаланиш эвазига турли комбинацияларда энг кўп маҳсулот ишлаб чиқаришнинг графикда ифодаланиши;

х) мавжуд иқтисодий ресурслардан тўла фойдаланиш эвазига энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш.

Масала ва машқлар

1. Заҳро опаси ва синглиси Адиба билан кичик корхона очди. Заҳро бир йилда 400 та қизлар кўйлаги ёки 450 та эркаклар кўйлаги тика олади. Опаси эса 350 та қизлар кўйлаги ёки 400 та эркаклар кўйлаги тика олади. Синглиси эса 300 та қизлар кўйлаги ёки 350 та эркаклар кўйлаги тика олади.

Оилавий кичик корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятини ҳисобланг ва уни графикда тасвирланг.

2. Уч опа-сингил оилавий кичик корхона ташкил қилишди. Корхонада жун ва аралаш иплардан болалар учун пайпоқ, нимча тўкилади. Опа-сингилларнинг каттаси йил давомида 500 дона нимча ёки 600 жуфт пайпоқ, иккинчи сингил эса 420 та нимча ёки 700 жуфт пайпоқ, учинчи

сингил 300 та нимча ёки 600 жуфт пайпоқ тўқий олади. Оиланинг ишлаб чиқариш имконияти эгри чизигини чизинг.

3. Ота, қиз ва ўғил ҳовлига қулупнай териш ва ўтоқ қилиш учун келишди. Участкада 6 соат ишлашлари мумкин. Ота соатига 1 челак, қиз 2 челак, ўғли 0,5 челак қулупнай теради. Қиз ўтоқни 2 соатда, ўғил 7 соатда, отаси 6 соатда бажаради. Оилада ишни қандай тақсимлаш керакки, ўтоқ қилиб бўлиб, энг кўп миқдорда қулупнай теришсин.

4. Автомобил ва трактор ишлаб чиқариш нисбати қуйидаги жадвалда ифодаланган:

Автомобил	5	4	3	2	1	0
Трактор	0	7	13	18	22	25

Муқобил (алтернатив) харажатларни аниқланг.

а) битта кўшимча автомобил ишлаб чиқариш учун;

б) кўшимча битта трактор ишлаб чиқариш учун.

5. Мамлакатда икки хил А ва Б турдаги товар ишлаб чиқарилади дейлик. Уларнинг имконияти чегараси қуйидаги жадвал маълумотларида кўрсатилган.

<i>Маҳсулот турлари</i>	А	Б	В	Г
А товар (дона)	0	1	2	3
Б товар (дона)	12	10	6	0

А) Жадвал маълумотлари асосида ишлаб чиқариш имконияти эгри чизигини графикда тасвирланг.


Б) А товарнинг Б товарда ифодаланган муқобил қийматини ҳисобланг.

Д) Б товарнинг А товардаги муқобил қиймати: ўсувчи, пасаювчи ёки доимийми? А товарнинг Б товардаги муқобил қийматини, кўрсатинг.


Г) Агарда муқобил қиймат доимий бўлса, имконият эгри чизиги қандай шаклда бўлади? Жадвал ва графикда тасвирланг.

6. Жамият доимо жорий ҳамда келажак истеъмол учун товарлар бошқача айтганда, истеъмол моллари ва инвестицион товарлар (ишлаб чиқариш воситалари) ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, маориф, таълим, профилактик медицина (касалликни олдини олиш учун чора-тадбирлар)га қандай миқдорда ресурслар сарфлашни танлайди.

А,Б,С,Д мамлакатлар учун 1998 йили **а) расм** ва 2008 йили; **б) расм**да ишлаб чиқариш имкониятлари кўрсатилган.



а) расм



б) расм

Ҳар икки расмдаги имкониятлар эгри чизиғини таққосланг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг.

- А) Нима сабабдан ҳар бир мамлакат имконияти эгри чизиғи а) расмдагидан б) расмдаги даражага кўтарилди?
 Б) Нима сабабдан С ва Д мамлакатларида А ва Б мамлакатларига қараганда имконият эгри чизиғи юқори.
 Д) Жорий истеъмол бу мамлакатларда б) расмда қандай ўзгарган?
 Е) Сизнингча, келгусида бу мамлакатларда имконият эгри чизиғи қандай ўзгариши мумкин?

7. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Тушунчалар орасида гуруҳга тааллуқли бўлмаганларини аниқланг ва уларни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

Тушунчалар: Макарон, туз, костюм-шим, уй, дала ҳовли, иш, нон, саёҳат.

Т/Н

1. Индивидуал эҳтиёж бу ҳар бир оиланинг, жамоанинг эҳтиёжи эса биргаликда яшаш ва фаолият юритишга бўлган эҳтиёжни ўз ичига олади.

2. Гуруҳий эҳтиёж – бу оилавий ёки кишиларнинг бирон мақсадда бирлашган гуруҳлари: меҳнат жамоаси, турли уюшмалар эҳтиёжлари бўлиб, биргаликда яшаш, фаолият юритиш жараёнида вужудга келадиган умумий эҳтиёжлардир.

3. Умумжамият эҳтиёжлари мамлакат миқёсида, қолаверса, жаҳон миқёсида инсонларнинг бир бутун бўлиб таркиб топган эҳтиёжларидир.

4. Маҳаллада милиция таянч пункти очилди. Уни индивидуал эҳтиёжга мисол қилса бўлади.

5. Атроф-муҳитнинг ҳолатини ўрганиш учун лаборатория ташкил этилди. Бу умумжамият эҳтиёжини қондиришга киради.

6. Бизни эҳтиёжларимиз олган ахборотларимизга кўра шаклланади.

7. Овқатга интилиш ҳар бир одамда киши ошқозонининг кичик

сиғими билан чекланади, лекин қулайликларга ҳамда уй-жой, кийим-кечак, уй шароити уни анжомлар билан безашга интилиш, афтидан чексиз ёки муайян чегараларга эга бўлмаса керак, деб таъкидлаган Гегел.

8. Комфорт(қулайлик)- умуман тугамайдиган нарса деган, Гегель.

9. Қарор қабул қилиш учун турли муқобил вариантларни танлаш мезонлари асосида таққосланади.

10. Ресурсларнинг чекланганлиги ҳам, имкониятлар катталиги ҳам танлашни зарур қилиб қўяди. Фақат танлаш мезонлари тубдан фарқ қилади.

11. Талаба озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилди. Бу индивидуал эҳтиёжга киради.

12. Корхона кийим-кечак ишлаб чиқариш учун чет элдан сўнгги модадаги материал харид қилди. Бу индивидуал эҳтиёжни қондириш.

Тестлар

1. Ресурслар чекланганлиги муаммосини ечиш мумкин:
а) агар ҳамма одамлар ресурсларни тежашса;
б) агар ҳамма ихтиёрий равишда ўз эҳтиёжларини чекласа;
д) келажакда, фан ва техника тараққиёти товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берса;
е) муаммони ечиб бўлмайди;
ф) тўғри иқтисодий сиёсат юритилса.

2. Пулингиз етмагани сабабли бир нечта қиммат, лекин сифатли, шу билан бирга бир нечта арзон дафтар сотиб олдингиз. Сиз ...

а) ресурслар чекланганлиги муаммосига;
б) ресурслар чекланганлиги туфайли мурасали танловнинг зарурлигига;
д) ресурслар чекланганлиги, мурасали танлов зарурияти ва муқобил қийматни баҳолаш муаммосига;
е) ресурслар чекланганлиги ва муқобил вариантни баҳолаш муаммосига;
ф) юқоридагиларнинг барчасига дуч келдингиз.

3. Қуйидаги келтирилган қайси иқтисодий тушунчалар ишлаб чиқариш имконияти эгри чизигини ифодалайди.

а) талаб ва таклиф;
б) ялпи талаб ва ялпи таклиф;
д) ишлаб чиқариш ресурслари чекланганлиги, мурасали танлов, муқобил қиймат;

- е) мавжуд ишлаб чиқариш имконияти даражасида эҳтиёжларни қондиришнинг энг яхши усули;
- ф) истеъмол ва жамғарма.

4. Ишга автобусда ёки маршрут таксида бориш мумкин. Сиз маршрут таксида боришни ёқтирасиз. «Тошшаҳарйўловчитранс» шу йўналишга янги «Мерседес» автобусларини қўйди, шу билан бирга йўл хақи ҳам оширилди. Сизнинг маршрут таксидан фойдаланиш бўйича қарорингиз муқобил қиймати ўзгарадими?

- а) ўсади;
- б) аниқлаб бўлмайди;
- д) камаяди;
- е) ўзгармайди;
- ф) доимий қолади.

5. Иқтисодиётнинг асосий муоммолари қуйидаги жавоб вариантларидан қайси бирида берилган?

- а) нима ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш, ким учун ишлаб чиқариш?
- б) нима истеъмол қилинади, қандай ишлаб чиқарилади, ким ишлаб чиқаради?
- д) нима ишлаб чиқарилади, қандай истеъмол қилинади, ким ишлаб чиқаради?
- е) нима истеъмол қилинади, қандай ишлаб чиқарилади, ким истеъмол қилади?
- ф) қандай ишлаб чиқариш, ким учун ишлаб чиқариш.

6. Муқобил танлов муаммоси:

- а) фақат алоҳида кишилар олдида;
- б) фақат фирмалар олдида;
- д) фақат давлат муассасалари олдида;
- е) кишилар, фирмалар ҳамда, давлат муассасалари олдида;
- ф) фақат корхоналар олдида туради.

7. Қуйидагиларни қайси бири биргаликда қондириладиган эҳтиёж ҳисобланади?

- а) моддий эҳтиёж;
- б) маданий-маиший эҳтиёж;
- д) ижтимоий эҳтиёж;
- е) маънавий эҳтиёж;
- ф) меҳнат эҳтиёжи.

8. Жамият эҳтиёжларининг миқдоран ўсиб ва таркибан янгиланиб боришига нима таъсир кўрсатади?

- а) аҳоли сонининг ўсиши, фан-техника тараққиёти;
- б) меҳнат унумдорлиги;
- д) реклама ва алоқа коммуникациясининг ривожланиши;
- е) товар сифати;
- ф) меҳнат интенсивлиги.


9. Аҳоли эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси қандай аниқланади?

- а) уларнинг талаби ва эҳтиёжлари таққосланади;
- б) аҳолининг ҳақиқий истеъмоли даражаси ва эҳтиёжлари таққосланади;
- д) аҳоли пул даромадлари ва талаблари таққосланади;
- е) аҳоли реал даромадлари ва эҳтиёжлари таққосланади;
- ф) аҳоли номинал ва реал даромадлари таққосланади.

10. Алоҳида кишилар, корхоналар ва давлат эҳтиёжларининг умумий хусусиятлари нимадан иборат?

- а) таркибан бир хил;
- б) чексиз ва чегарасиз;
- д) миқдорий ўлчамга эга;
- е) нисбатан чекланган;
- ф) миқдоран чекланган.

Мантиқий машқ



2.1-чизма.

Қуйидаги чизмаларни солиштиринг ва жавобингизни изоҳланг.

Тарқатма материал

Ҳаётдаги турли-туман вазиятда танловнинг вариантлари ниҳоятда хилма-хил бўлиб, қарор қабул қилишни қийинлаштиради. Муқобил вариантлардан бирини танлаш учун ҳар бир киши беихтиёр шу вариантларни таққослашга тушади.

Таққослашдаги мезонлар жуда кўп ва хилма-хил бўлиб, улар маълум шароит, вазият, қўйилган мақсад ва бошқаларга боғлиқ. Худди шу фикрни муқобил вариантлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Муқобил вариант икки ва ундан ортиқ бўлса танлаш, бунинг учун эса таққослаш зарур бўлади. Таққослаш натижасида у ёки бу қарорга келинади. Бу жараён алоҳида киши, оиладан бошлаб то бутун мамлакат миқёсида амалга оширилади.

Қарор қабул қилиш жараёнини қуйидаги модел орқали изоҳлаш мумкин.

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ҚАДАМ-БАҚАДАМ МОДЕЛИ

1. Муаммони аниқлаш. Энг аввало, муаммо(эришиш лозим бўлган натижа)ни ажратиш, айтиш, айни шу вақт, шу вазият учун қайсиниси асосий ҳисобланади, аниқлаш зарур.

2. Муқобил вариантларни аниқлаб чиқиш (белгиланган натижага эришишнинг турли усуллари аниқлаш). Масалан: аукцион, мусобақа, навбатда туриш, бошлиқнинг қарори, мулк эгасининг хоҳиши ва бошқалар.

3. Мезонларни белгилаш (ҳар бир вариантни баҳолашнинг мезонларини аниқлайдиган стандартларни белгилаш). Масалан: ҳаммага тенг шанс, нафлилик, энг юқори нарх, мукофот, қадр-қиммат, омад ва ҳоказо.

4. Муқобил вариантларни баҳолаш (ҳар бир мезон ҳар бир муқобил вариант учун қўлланилади).

5. Қарор қабул қилиш (турли вариантлар мезонлари бўйича таққосланади ва улардан энг мақбули танланади).

Албатта бошқа нарсалар, мақсадлар учун муқобил вариантлар ва қарор қабул қилиш мезонлари бошқача бўлади. Масалан: тадбир-корнинг қандай фаолият турини танлаши муқобил вариантлари, мактабни битирувчининг келажакда қандай касб танлаши вариантларидан фарқ қилади. Албатта мезонлари ҳам. Олий Мажлисга депутат номзодига овоз беришда ҳам, албатта, муқобил вариантлар ичидан ўзимиз белгилаган мезонларга кўра қарор қабул қиламиз.

Қарор қабул қилиш сеткаси

Муқобил вариантлар	Мезонлар					
	Ҳаммага тенг шанс	Энг юқори нарх	Қадр-қиммат, наф	Мулк эгасининг танлови	Омад	Мукофот
Бошлиқ (ўқитувчи)нинг қарорига кўра						+
Лотерея ўтказиш	+				+	
Аукцион		+	+			
Танлов	+		+			+
Мулк эгасининг хоҳишига кўра				+		

2.2-чизма

Ундан ташқари имконият чекланган шароитда бир хил мезон танласак, имконият нисбатан катта бўлган шароитда бошқа хил мезон танланади.

Сиз олий ўқув юртига ўқишга кириш учун мутахассислик танлашда қандай мезонларга асосланиб, қарор қабул қилдингиз?

Аҳолининг ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланиш даражаси динамикаси

2.1-жадвал

Йил-лар	Аҳолининг таъминланганлиги				
	1 яшовчи хисобига турар жой билан таъминланганлик, кв. м.	10 минг киши хисобига касалхона жойлари билан	10 минг киши хисобига амбулатория-поликлиника муассасалари билан	Марказлаштирилган сув таъминоти билан, %	Табиий газ билан %
1991	12,2	123,0	133,7	80,0	46,2
1995	13,0	83,7	137,6	71,5	59,4
2000	13,7	55,9	158,2	81,0	73,9
2005	14,5	54,1	164,9	82,2	78,2
2006	14,6	53,9	16		
2007	...				
2008	...				
2009	...				
2010	...				
2011	...				

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

Умумий уй-жой фонди ҳажмининг ошиб бориши

2.2-жадвал

Кўрсаткич	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Уй-жой фонди жами, млн. кв.м	360,9	365,7	373,5	379,3	386,9
Ш.ж. давлат	6,2	5,1	5,0	4,2	4,3					
Шахсий	354,7	360,6	368,5	375,1	382,6					
Ўртача ҳар бир яшовчига, кв.м	14,3	14,3	14,4	14,5	14,6					

Жадвал кўрсаткичлари кейинги йилларда қандай ўзгарганлиги ҳақида маълумотлар топинг. Уларни солиштиринг. Улар асосида қандай хулосалар чиқариш мумкин? Кўрсатинг.

Аҳолининг айрим озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли³

2.3-жадвал

	Бир кишининг бир йиллик истеъмоли, кг.	2003	2005	Ўзгариши	2010	2011	Ўзгариши
1	Нон ва нон маҳсулотлари	166,4	152,7	-13,7			
2	Картошка	23,3	27,1	3,8			
3	Полиз ва сабзавот маҳсулотлари	83,1	86,0	2,9			
4	Мевалар	12,0	15,7	3,6			
5	Балиқ	0,6	0,8	0,2			
6	Тухум, дона	46,5	52,9	6,4			
7	Ўсимлик ёғи	11,1	12,3	1,2			

Жадвал кўрсаткичлари кейинги йилларда қандай ўзгарганлиги ҳақида маълумотлар топинг. Уларни солиштиринг. Ўзгаришларни қандай баҳолайсиз? Изоҳланг.

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

1б), 2г), 3а), 4в), 5д), 6ж), 7е).

Масала ва машқлар:

1). 1050 та қизлар кўйлаги ёки 1200 та эркаклар кўйлаги.


График: х ўқида қизлар кўйлаги, у ўқида эркаклар кўйлаги ифодаланган имконият чизиғи.

2. Қиз 2 соат ўтоқ қилалди, қолган вақтда қулупнай теради. Ота ва ўғил қулупнай теришади. Жами 17 челак қулупнай терилади.

3. Битта қўшимча автомобил ишлаб чиқариш харажатлари 7,6,5,4,3 трактор, қўшимча битта трактор ишлаб чиқариш 1/7, 1/6, 1/5, 1/4, 1/3 автомобилга тенг.

³ Ўзбекистон. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Т.: 2006, 33-бет.

4. А) Ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғи қуйидагича бўлади:



Б) А товарнинг Б товардаги муқобил қиймати 2, 4, 6.

Д) Товарларнинг муқобил қиймати доимий, ўсувчи ёки пасаяувчи эканлигини аниқлаш учун уларни кетма-кетликда таққослаймиз.


Б товарнинг А товар ишлаб чиқариш эвазига йўқотилган муқобил қиймати ўсиб борувчи, чунки у 2 дан 4, 6 га ўсди.

А товарнинг Б товарда ифодаланган муқобил қиймати эса пасаяувчи, чунки у 12, 10, 6, 0 га тенг.

Г) Агарда муқобил қиймат доимий бўлса, А товар ишлаб чиқаришни камайиши ёки кўпайиши, Б товарнинг тенг миқдорда кўпайиши ёки камайишида ифодаланади.

Уни жадвал ёки графикда тасвирласак, қуйидагича бўлади:

Маҳсулот турлари	А	Б	В	Г	Д	Е	Ё
А товар (дона)	0	1	2	3	4	5	6
Б товар (дона)	12	10	8	6	4	2	0



Демак, муқобил қиймат доимий бўлса, имконият эгри чизиғи тўғри чизиқ шаклида бўлади.

5. А) Ҳамма мамлакатларда ишлаб чиқариш эгри чизиғи фан-техника тараққиёти натижасида ўнгга силжиган. Чунки фан-техника тараққиёти ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтиради.

Б) С ва Д мамлакатларида ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғи юқори. Сабаби, бу мамлакатларда жорий даврда инвестицион товарлар улуши миқдори юқори бўлган.

Д) Барча мамлакатларда олдинги даврга нисбатан жорий истеъмол ўсган. Лекин С, Д мамлакатларида А, Б мамлакатларига нисбатан юқори. Сабаби, бу мамлакатларда дастлаб келажак учун товарлар кўпроқ ишлаб чиқарилган. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғини юқори бўлишига, жумладан, жорий истеъмолнинг ҳам А, Б мамлакатларига нисбатан С, Д мамлакатларида юқори бўлишига олиб келади.

6. Гуруҳга тааллуқли бўлмагани иш, саёҳат. Қолганлари моддий эҳтиёжлар.

Т/Н:

1Н; 2Т, 3Т, 4Н; 5Т, 6Т, 7Н(А. Смит), 8Т, 9Т, 10Т, 11Т; 12Н.

Тестлар

1г), 2в), 3в), 4б), 5а), 6г); 7в); 8а); 9б); 10а).

2.1-чизма

Биринчи графикдаги имконият эгри чизиғи ўзгармас, доимий муқобил қийматга эга ишлаб чиқариш, иккинчи график эса, А товарни камайиб ёки Б товарнинг ортиб боришини кўрсатади. Бундай тарзда трансформация эгри чизиғи ёй шаклида бўлади.

3-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ

1-§. Иқтисодий тизим тушунчаси ва уни билишга турли хил ёндашувлар

Иқтисодий тизим – бу маълум бир давр ва маконда жамиятдаги турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатлар, алоқалар, жараёнларнинг бир бутун ҳолда, муайян тарзда таркиб топиши ва тартибга солинишини ифодалайди.



Ҳаётий неъматларни такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий алоқа ва муносабатлар **иқтисодий муносабатлар** дейилади.

Иқтисодий муносабатларнинг турлари

Ташкилий иқтисодий муносабатлар — ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш орқали вужудга келади. Масалан, бунга меҳнат тақсимоти, унинг ихтисослашиши ва кооперацияси, ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ва уйғунлаштирилиши натижасида вужудга келадиган муносабатларни киритиш мумкин.

→ **Ижтимоий - иқтисодий муносабатлар** — ҳаётий неъмат ва воситаларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келади.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий муносабатлар мавжуд турнинг бирлиги ишлаб чиқариш усулини ташкил қилади.

Классик ёндошувга кўра иқтисодий муносабатлар бир вақтда базис ҳам ҳисобланади. Унинг устида мазкур иқтисодиётда хос бўлган алоҳида сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, миллий, ахлоқий, оилавий ва бошқа ижтимоий муносабатлар ҳамда тартиботларнинг алоҳида турлари вужудга келади. Уларнинг барчаси жамиятнинг устқур-масини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш усули билан жамият устқурмаси ижтимоий-иқтисодий формация дейилади.

Технология – бу хомашё ва материалларга ишлов бериш усуллари ва уни амалга оширишнинг кетма-кетлиги.

Иқтисодий сиёсат – бу давлатнинг иқтисодий муносабатлар ва такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлари бўлиб, у 3: макро, микро, мега (халқаро) миқёсда амалга оширилади.

2-§. Жамият тараққиёти босқичларини билишга турли хил ёндашувлар





VIII Қамров даражасига кўра	Амал қилиш даражаси	<ul style="list-style-type: none"> • Микроиқтисодиёт • Макроиқтисодиёт • Мезоиқтисодиёт • Мегаиқтисодиёт
--	------------------------	--

Оддий кооперация – бу бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки бир хил ишни бажарувчилар меҳнатининг оддий шаклда (бир жойда) уюштирилиши.

Мануфактура – оддий кооперацияга уюшган ишлаб чиқарувчилар ўртасида меҳнат тақсимотининг жорий қилиниши. Мануфактура қўл меҳнатига ва оддий меҳнат қуролларига асосланади.

Машиналашган ишлаб чиқариш – мануфактурага уюшган ходимлар меҳнатига машиналарнинг жорий қилиниши натижасида вужудга келади.

Тоиндустриал жамиятнинг асосий белгилари:

- Аҳолининг асосан қишлоқ хўжалиги билан бандлиги
- Қўл меҳнатининг устуворлиги;
- Меҳнат тақсимотининг жуда саёзлиги;
- Натурал хўжалик ҳукмронлиги.

Меҳнат воситалари, материаллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули дейилади.

Индустриал жамиятнинг асосий белгилари:

- ишлаб чиқаришнинг машиналарга асосланганлиги;
- саноат, фан-техника ютуқлари асосида ривожланиши;
- шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисига нисбатан тезроқ кўпайиши.


Постиндустириал (юкори даражада индустриалашган) жамиятнинг асосий белгилари:

- хизмат кўрсатиш соҳасининг юксак даражада ривожланганлиги;
- аҳолининг асосий қисми (60–70%) нинг хизмат кўрсатиш соҳаларида бандлиги;
- фаннинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнига кириб бориши;
- иқтисодийётнинг ҳамма соҳаларида ахборот ва ҳисоблаш техникасини кенг қўлланилиши;
- иқтисодий ресурсларнинг барча турларини тежаш имконини, берадиган янги техника ва технолологияларнинг кенг қўлланилиши.

Жамият иқтисодий тараққиётининг босқичлари белгилари (америкалик иқтисодчи У. Ростоунинг «Иқтисодий ўсиш босқичлари» китобига асосан)




Индустриал жамият



- йирик машиналашган индустрия вужудга келади. Фан-техника тараққиёти жадал боради;
- Оғир саноат ривожланади;
- Урбанизация рўй беради;
- Жамғариш жадал боради


«Оммавий истеъмол» жамияти



- Оммавий истеъмол товарлари ишлаб чиқариш устувор бўлади;
- хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланади;
- Узок муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларини ишлаб чиқариш етакчи ўринга чиқади.

Моно ва полииктисодиёт белгилари:


Моноиктисодиёт



Бир мулк шакли ҳукмрон бўлган иқтисодий тизим

- ⊗ Давлат мулки ҳукмронлик қилган жамиятлар. Масалан, қадимги шарқдаги «осиёча» ишлаб чиқариш усули ва собиқ социалистик мамлакатлар иқтисодиёти.
- ⊗ Ҳусусий мулк монополиясига асосланган жамиятлар. Масалан, бундай жамиятлар қулдорлик, феодализм ва соф капитализм шароитида мавжуд бўлган.


Полииктисодиёт



Алоҳида мулк шаклининг устуворлигини инкор қиладиган, асосини турли-туман мулкчилик ташкил қиладиган иқтисодий тизим. Масалан, аралаш иқтисодиёт.

3-§. Иқтисодий тизим моделлари

Иқтисодий жараёнларни бошқариш ва уйғунлаштириш механизми ҳамда мулкчиликнинг устувор шакллариغا кўра иқтисодий тизимнинг бир қатор моделлари ажратилади.



Бозор иқтисодиёти босқичлари:

- I. Эркин рақобатга асосланган классик бозор иқтисодиёти ёки соф капитализм;
- II. Ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти

**Мавзунни чуқур ўрганиш учун топшириқлар:
Асосий таянч тушунчалар:**

- | | |
|-----------------------------|---|
| 1. Ижтимоий-иқтисодий тизим | 4. Иерархик бошқаришга асосланган иқтисод |
| 2. Моноструктурали иқтисод | 5. Аралаш иқтисодиёт |
| 3. Полиструктурали иқтисод | 6. Анъанавий иқтисод |

Қуйидаги жавоблардан тўғрисиани танланг:

- а) Бир мулк шакли ҳукмрон бўлган тизим.
- б) Жамиятдаги турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатлар, алоқалар, жараёнларни бир бутун ҳолда, муайян тарзда таркиб топиши ва тартибга солинишини ифодалайди.
- д) Иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш, тартибга солишни яқка бошлиқ ҳокимлигига таянадиган ахборот олиш, буйруқ ва топшириқлар асосида олиб бориладиган иқтисодиёт.
- е) Мулкчиликнинг турли-туманлиги ва уларнинг тенглигига асосланган иқтисодиёт.
- ф) Мулкчиликнинг турли-туманлиги, уларнинг тенглиги, аралаш тартибда бошқариладиган, иқтисодиётни тартибга солишда маълум чегарада давлатнинг аралашувини тақозо қиладиган иқтисодиёт.
- г) Чекланган ресурслардан фойдаланиш тартиби анъана ва урф-одатлар, удумлар асосида белгиланадиган иқтисодиёт.

Масала ва машқлар:

1. Айтайлик, хусусий фирма товар партиясини сотиб олишга қарор қилди. Товар сотиб олиш учун шартнома тузиш мақсадида менежер аввалдан потенциал сотувчиларни топиш, товар нархи, товарни сотиш, олиб келтириш шарти, ҳақ тўлаш ҳақида ахборот тўплашга киришди.

Халқаро телефонда гаплашишлар ва телеграммалар учун 1 млн. сўм сарфлади. Товарларни кўриб келиш учун транспорт харажатлари 500 минг сўм, ундан ташқари фирма фаолиятининг

ишончлилигини текшириш ва шартнома тузиш учун юридик хизмат кўрсатувчи фирмага 500 минг тўланди.

Охир оқибат битим тузилди. Сотиб олувчи фирма товарлар партияси учун 20 млн. сўм аввалдан ҳақ тўлади. Сотиб олувчи фирманинг трансакцион харажатларини аниқланг ва баҳоланг. Қандай шароитда трансакцион харажатлар жамиятда ва унчалик кўп бўлмаган миқдорни ташкил этади? Сабабини кўрсатинг?

2. Бешинчиси ортиқча.

Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Улардан қайси бири шу гуруҳ учун ортиқча ва нима сабабдан, кўрсатинг.

Тушунчалар: Тадбиркорлик имкониятининг кенгайиши, иқтисодиётнинг давлат ва бозор механизми орқали бошқарилиши, мамлакат миқёсида барча тармоқлар учун режалар ишлаб чиқиш, ялпи ички маҳсулотнинг хусусий ва давлат сектори томонидан яратилиши, манфаатларнинг рағбатлантирилиши.

Т/Н

1. Марказдан режалаштириладиган маъмурий буйруқбозликка асосланган, жамият учун ҳам, анъанавий жамият учун ҳам, бозор иқтисодиётига асосланган жамият учун ҳам умумий иқтисодий муаммо бор.

2. «Нима ишлаб чиқариш» муаммоси фақат ресурслар чекланганлиги туфайли келиб чиққани сабабли фақат хусусий бизнес учун характерли.

3. «Қандай ишлаб чиқариш керак?» муаммоси меҳнатга лаёқатли аҳолиси кўп бўлган мамлакатлар учун хос эмас.

4. «Ким учун ишлаб чиқариш» муаммоси марказдан режалаштириладиган маъмурий буйруқбозликка асосланган жамият учун хос эмас.

5. Иқтисодиётни тартибга солишни таҳлил қилиб, машҳур иқтисодчи Р. Коуз иқтисодий назарияга трансакцион харажатлар деган тушунчани киритди.

6. Иқтисодиётнинг тизим сифатида ривожланишида бир-бирига қарама-қарши икки тенденция амал қилади.

Тестлар

1. Қуйидагилардан қайси бирига иерархик бошқариш хос эмас?

- а) «Ўздэуавто» корпорацияси доирасида автомобил ишлаб чиқариш;
- б) оилада ўз аъзоларининг уй юмушларини бажариши;
- д) фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш;
- е) Тошкент Молия институтида кафедра фаолиятини бошқариш;
- ф) Япония миллий иқтисодиёти миқёсида автомобил ишлаб чиқариш.

2. Қуйидаги санаб ўтилганлардан қайси бирини трансакцион харажатларга қўшмаган бўлар эдингиз?

- а) тижорат менежери учун уяли телефон сотиб олинди;
- б) шартнома тузмоқчи бўлган корхонанинг молиявий аҳволи ҳақида маълумотлар тўплаш;
- д) битим тузилганини тасдиқлаш учун нотариусга хизмат ҳақи тўлаш;
- е) битим тузаётган корхона эгасига ўз маҳсулотингиздан совға қилдингиз;
- ф) тузилган битимни шеригингиз қандай бажараётганини назорат қилингани учун ҳақ тўладингиз.

3. Қачонки иқтисодий муаммолар қисман бозор, қисман ҳукумат томонидан ечилар экан, бундай иқтисодиёт:

- а) марказдан бошқариладиган иқтисодиёт;
- б) бозор иқтисодиёти;
- д) натурал хўжалик;
- е) аралаш иқтисодиёт;
- ф) анъанавий иқтисодиёт.

4. Барча иқтисодий тизимларда асосий муаммолар: нима, қандай, қанча, ким учун? микро ва макро даражада ечилади. Қуйидагилардан қайси бири микро даражада ечилади?

- а) тўла бандликни қандай таъминлаш мумкин?
- б) нима ва қанча ишлаб чиқариш зарур?
- д) инфляциядан қандай қутилиш мумкин?
- е) иқтисодий ўсишни қандай рағбатлантириш мумкин?

ф) ялпи даромад ва ялпи харажатларни қандай мувозанатга келтириш мумкин?

5. Ривожланиш босқичларига цивилизацион ёндошувнинг асосчиси ким?

- а) Алфред Маршалл;
- б) Уолтер Ростоу;
- д) Роналд Коуз;
- е) Артур Пигу;
- ф) Карл Маркс.

6. Цивилизацион ёндошув бўйича жамият тараққиёти 5 босқичга бўлиниб, у қуйидагилардан иборат:

а) ўткинчи жамият, индустриал жамиятга ўтиш, индустриал жамият, оммавий истеъмол жамияти, коммунистик жамият;

б) анъанавий жамият, индустриал жамиятга ўтиш, феодализм, индустриал жамият, коммунистик жамият;

д) анъанавий жамият, кулдорлик, индустриал жамиятга ўтиш, индустриал жамият, оммавий истеъмол жамияти;

е) анъанавий жамият, ўткинчи жамият, индустриал жамиятга ўтиш, индустриал жамият, оммавий истеъмол жамияти;

ф) анъанавий жамият, ўткинчи жамият, коммунистик жамият, индустриал жамият, оммавий истеъмол жамияти.

7. Ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ўрин алмашиниш сабабларини формацион ёндашувда қандай изоҳланади?

а) ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш даражасига ишлаб чиқариш муносабатларининг мос келиши;

б) ишлаб чиқариш технологик усулининг ўзгариши;

д) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига ишлаб чиқариш муносабатларининг мос келмаслиги ўртасидаги зиддият;

е) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига устқурманинг мос келмаслиги.

8. Иқтисодий тизим нима?

а) жамиятнинг асосий йўналишидир;

б) ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклидир;

д) социал-иқтисодий муносабатлар асосидир;

е) ижтимоий ишлаб чиқариш шаклидир;

ф) сиёсий ва маънавий муносабатлардир.

9. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт қандай тизим?

- а) ишлаб чиқаришни режа асосида юрғатишга асосланган;
- б) яқка ҳокимлик асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишга асосланган;
- д) давлат томонидан ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва истеъмол устидан тўлиқ назорат ўрнатишга асосланган;
- е) ишлаб чиқаришни ижтимоий мулк ва ижтимоий меҳнат асосида ташкил этишга қаратилган;
- ф) ишлаб чиқариш хусусий мулк асосида ташкил қилинадиган.

10. Аралаш иқтисодиёт нима?

- а) турли мулк шакллари ва уларнинг тенг ҳуқуқлигига асосланган иқтисодиёт;
- б) маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт;
- д) хусусий ва жамoa мулкига асосланган иқтисодиёт;
- е) буйруқли ва бозор иқтисодиёти қўшилиши натижасида вужудга келган иқтисодиёт;
- ф) анъана ва удумларга асосланган иқтисодиёт.

11. Иқтисодий тизимнинг қайси нусхаси (моделли)да хусусий мулкнинг устунлиги ва бошқаришнинг бозор механизми таъминланади?

- а) буйруқли иқтисодиёт;
- б) соф капитализм;
- д) аралаш иқтисодиёт;
- е) анъанавий иқтисодиёт;
- ф) юқоридагиларнинг барчасида.

12. Нима, қандай, ким учун ишлаб чиқариш муаммолари қайси тизимга алоқадор?

- а) фақат тоталитар тизимларга ёки марказлашган режалаштириш ҳукмрон бўлган жамиятларга;
- б) фақат бозор иқтисодиётига;
- д) фақат анъанавий иқтисодиётга;
- е) социал-иқтисодий ва сиёсий ташкил қилинишидан қатъий назар, ҳар қандай жамиятга;
- ф) аралаш иқтисодиётга.

3.1-тарқатма материал

Иқтисодий тизимларнинг техник тараққиёт нуқтаи назаридан босқичларга бўлиниши

I. Тоиндустириал босқич хусусиятлари:

— иқтисодиётнинг дастлабки соҳаси — қишлоқ хўжалиги устун бўлади;
— аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан банд;
— асосан қўл меҳнатига таянилади;
— меҳнат тақсимооти ниҳоятда паст, натурал хўжалик юритишга асосланади;
— аҳоли эҳтиёжлари турғун ҳолатда бўлган ишлаб чиқаришга хос.
Ишлаб чиқаришнинг бу босқичи ҳозир ҳам айрим Африка мамлакатлари (Мали, Гвинея) га хос бўлиб, қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар меҳнат унуми 2 кишини боқиб туради.

II. Индустириал босқич хусусиятлари:

— иқтисодиётда асосий ролни машиналашган саноат ишлаб чиқариши ўйнайди;
— саноат бошқа муҳим тармоқлар (қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт)ни ҳам қайта қуришга олиб келади;
— аҳолининг асосий қисми индустриал тармоқда банд бўлади;
— меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви рўй бериб, кўплаб янги тармоқлар вужудга келади. Натижада иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг мураккаб шакли — товар ишлаб чиқариш ривожланади;
— аҳоли урбанизация (урбаҳис — шаҳар)си рўй беради;
- аҳолининг асосий қисми шаҳарларда яшай бошлайди;
— ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши турли-туман эҳтиёжларни қондириш учун йўл очади.

III. Постиндустириал босқич хусусиятлари:

— иқтисодиётнинг муҳим соҳаси — хизмат кўрсатиш ниҳоятда тез ривожланади. Унда ишловчиларнинг 50-70% и банд бўлади;
— фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланади. Фан ютуқлари натижасида ишлаб чиқаришда, табиатда мавжуд бўлмаган маҳсулотлар яратилади;
— хўжаликнинг барча тармоқларида ва маиший мақсадларда информатика ва ҳозирги замон ҳисоблаш техникаси ютуқларидан кенг фойдаланилади. Жисмоний ва ақлий меҳнатни ҳам автоматлаштириш кучаяди;
— корхоналарда илмий ходимлар ва юқори малакали мутахассисларнинг роли тезлик билан ошиб боради;
— барча турдаги ресурсларни иқтисод қиладиган, маҳсулотни юқори сифатли бўлишини таъминлайдиган юқори технологияга ўтиш амалга ошади;

— барча кишиларнинг энг зарур эҳтиёжларини тўла кондиришни таъминлаш, юқори даражадаги эҳтиёжларни кенгайтириш имкониятларига эга бўлинади.

Қайд қилинган ҳар бир босқичнинг хусусиятларига яна нималарни қўшган бўлар эдингиз? Уларни кўрсатинг.

Қарор қабул қилиш, иқтисодий бошқаришга кўра тизимларнинг гуруҳланиши

Анъанавий иқтисодий тизим	Маъмурий иқтисодий тизим	Бозор иқтисодиёти тизими
Иқтисодий қарорлар одатда аввалги авлод ёки илгари қабул қилинган қарорларни такрорлайди.	Иқтисодий қарорлар асосан авторитар масалан, феодал, лорд томонидан ёки давлат органи томонидан қабул қилинади.	Муҳим иқтисодий қарорлар алоҳида шахслар ва бизнес (фирмалар) томонидан қабул қилинади.
Иқтисодий ҳаётда анъаналарни давом эттириш қадрланади.	Режа органлари нима ишлаб чиқаришни, кимга сотишни ҳал қиладилар.	Бозор нархлари ишлаб чиқарувчилар учун харидорлар нима хоҳлаши ҳақида сигнал беради, унинг асосида алоҳида шахслар ва бизнес (фирмалар) томонидан қарор қабул қилинади.

3.2-чизма

Аралаш иқтисодиёт ҳақида нима деган бўлар эдингиз? У бозор иқтисодиёти тизимидан фарқланадими? Ўз фикрингизни асосланг.

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

1б); 2а); 3г); 4в); 5д); 6е).

Масала ва машқлар:

1. Трансакцион харажатлар 2 млн. сўм. Жами товарларнинг нархга нисбатан $2 \times 100 = 20\%$ ни ташкил этади.

2. Иккинчиси ортиқча, у марказдан режалаштириладиган маъмурий иқтисодий тизимга хос, қолганлари аралаш иқтисодиётнинг туб белгилари ҳисобланади.

Т/Н

1Т; 2Н; 3Н; 4Н; 5Т; 6Т.

Тестлар:

1д); 2а); 3г); 4б); 5б); 6г); 7в); 8б); 9в); 10г); 11б); 12б).

Мулкчиликнинг ҳукмрон шакли ва тартибга солиш механизмига кўра социал-иқтисодий тизимлар




Сиз тизимларнинг ўзгариши ҳақида қандай фикрдасиз?

4-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

1-§. Иқтисодий фаолият мазмуни ва турлари

Иқтисодий фаолият инсоннинг эҳтиёжини қондириш, яъни ҳаёт кечиришини таъминлашнинг асоси бўлиб, у муайян восита ва усуллар асосида иқтисодий неъматларни такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини қамраб олади.



☉ Номоддий ишлаб чиқариш – моддий кўринишга эга бўлмаган, лекин жамият учун зарур бўлган маънавий неъматлар яратадиган ва хизматлар кўрсатадиган соҳаларни ўз ичига олади. Булар маориф, соғлиқни сақлаш, транспорт, алоқа, савдо, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш каби соҳалардир.

Яратилган маҳсулотнинг истеъмол қилиниш хусусиятига кўра ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам иккига ажратилади:

* Ишлаб чиқариш воситалари, яъни инвестицион товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар.

* Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар

Ўзбекистонда ЯММнинг ашёвий-буюм таркиби (жорий бозор нархларида)⁴

4.1-жадвал

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
	%	%	%	%	%	%	%	%	%	%	%	%
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Ш. ж. товарлар	50,5	50,1	49,8	49,1	48,6	50,6	51,3	49,8	45,4	46,1	42,4	41,7
хизматлар	36,8	38,0	38,5	37,2	37,4	38,4	39,5	42,7	45,3	47,2	49,0	50,5

Ишлаб чиқариш бир томондан қийматнинг вужудга келиши ва бошқа томондан нафлиликнинг яратилиш жараёнидир.

Айирбошлаш жараёни. Иқтисодий ресурслар ва маҳсулотлар товар шаклини олиб, ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига ўтади. Айирбошлаш ишлаб чиқариш билан истеъмолни боғловчи бўғин ҳисобланади.

⁴ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий – ижтимоий ривожининг 2011йил якунлари –Т.: 2012й. 4 бет.

Айирбошлаш шакллари:

- **Маҳсулот айирбошлаш** – бунда бир маҳсулот бошқасига маълум миқдорий нисбатларда айирбошланиб, у бартер дейилади.
- **Товар айирбошлаш** – бунда маҳсулот (хизмат)лар пул воситасида, олди-сотди йўли билан айирбошланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва иқтисодий ресурслар **тақсимлаш** жараёнидан ўтади. Маҳсулот тақсимланиши натижасида ундаги ишлаб чиқарувчилар, мулк ва ресурс эгалари ҳамда давлат улуши аниқланади. Иқтисодий ресурслар мамлакат ҳудудлари ва корхоналар ўртасида уларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда тақсимланади.

Истеъмол ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланиш жараёнини англатади. Истеъмол ўз хусусиятларига кўра икки турга ажратилади:

- **шахсий истеъмол** – бунда истеъмол товарлари ва хизматлар бевосита истеъмол қилинади.
- **ишлаб чиқариш истеъмоли** – бунда инвестицион товарлар билвосита истеъмол қилинади, яъни улар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилиб, кишилар учун зарур бўлган ҳаётий воситалар яратилади.

2-§. Ишлаб чиқариш омиллари ва унинг таркиби

Иқтисодий ресурслар ишлаб чиқариш жараёнида унинг омилларига айланади.

Ишлаб чиқариш омиллари маҳсулот яратиш (хизмат кўрсатиш) даги ўрнига кўра уч гуруҳга ажратилади:

• ишчи кучи — инсоннинг меҳнат қилиш лаёқати бўлиб, ишлаб чиқаришнинг асосий ва зарурий шартидир. Шу сабабли у ишлаб чиқаришнинг шахсий омили деб ҳам аталади. Ишчи кучи ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларини ўзаро бириктириб, уларни ҳаракатга келтиради.

• меҳнат воситалари — инсон меҳнат предметларига таъсир қиладиган барча воситалардир (машина, механизмлар, асбоб-ускуналар ва ҳ.к.)

• меҳнат предметлари — инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти ўзлаштиришга қаратилган барча нарсалардир. Меҳнат предметлари табиатда тайёр ҳолда ёки олдинги даврдаги меҳнат маҳсули (хомашё шаклида) бўлиши мумкин.

Меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари биргаликда ишлаб чиқариш воситалари дейилади.

Меҳнат воситалари меҳнат предметларига таъсир қилиш хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- меҳнат қуроллари – меҳнат предметларига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, машиналар, механизмлар, ускуналар ва ҳ.к.
- сақлаш воситалари – ёқилги, материаллар ва маҳсулотларни сақлаш ҳамда узатишга хизмат қиладди (цестерналар, турли сиғим идишлари, омборлар, қувурлар ва ҳ.к.)
- умумий воситалар – бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайди, балки унга умумий шарт-шароит бўлиб хизмат қиладди (бинолар, иншоотлар, йўллар, ва ҳ.к.)

Ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги назариялар

• **Ж.Б.Сей** (француз иқтисодчиси) – ишлаб чиқаришнинг уч омили назариясини асослаб, унга ер, капитал ва меҳнатни киритали.

• **Классик иқтисодий мактаб** – ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омили назариясини илгари суради.

- **Е.Баверк** (Австрия мактаби) – ишлаб чиқаришнинг икки омили: капитал ва меҳнат мавжуд бўлишини тан олади.
- **Ҳозирги замон назариялари** – ишлаб чиқаришнинг тўрт омили (капитал, ер, меҳнат ва тадбиркорлик лаёқати) мавжуд бўлишини кўрсатади.

3-§. Ишлаб чиқаришнинг натижалари. Ишлаб чиқариш функцияси ва имкониятлари чегараси

Ишлаб чиқариш натижалари — турли даражада ишлаб чиқариш ҳажмини тавсифловчи кўрсаткичлардир:

- корхона (фирма) даражасида: ялпи маҳсулот, ялпи даромад, фойда;
- миллий иқтисодиёт даражасида: ялпи ички маҳсулот, соф миллий маҳсулот, миллий даромад.

Ишлаб чиқариш натижаларини таҳлил қилишда умумий, ўртача ва меъерий (қўшилган) маҳсулот тушунчаларидан фойдаланилади

→ **Умумий маҳсулот** – ресурсларнинг мавжуд даражасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажми.

→ **Ўртача маҳсулот** – иқтисодий ресурсларнинг ҳар бирлигига тўғри келадиган маҳсулот миқдори. Бу кўрсаткич маҳсулотнинг умумий ҳажмини алоҳида ресурслар миқдорига бўлиш орқали аниқланади.

→ **Меъерий (қўшилган) маҳсулот** — қўшимча жалб қилинган иқтисодий ресурс, яъни ишчи кучи ва капитал ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

Ишлаб чиқариш функцияси

Ишлаб чиқариш омиллари ва унинг натижалари ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Бу боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y = f(a_1, a_2, a_3, \dots a_n)$$

Бунда, Y — ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;
 $a_1, a_2, a_3, \dots a_n$ — ишлаб чиқариш омиллари.

Бу функцияни корхона (фирма) фаолияти натижасида ишлаб чиқаришга жалб қилинган омиллар билан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқлик тарзида ҳам ифодалаш мумкин.

$$Q = f(L \cdot K \cdot N)$$

Q — маҳсулот миқдори.

L, K, N — ишлаб чиқариш омиллари: меҳнат, капитал, ернинг турли нисбатларда бирлашуви.


Ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси — иқтисодий ресурсларнинг мавжуд ҳажмида маҳсулот чиқаришнинг (бир турдаги ёки уйғунлашган) энг юқори миқдорини кўрсатади.

Агар иқтисодиётда 2 турдаги маҳсулот (ун ва тегирмон) ишлаб чиқарилади, деб фараз қилинса, иқтисодий ресурсларнинг ўзгармас ҳажмида жамият уларнинг қуйидаги уйғунлашган миқдорини ишлаб чиқариш имкониятига ега бўлади.

Ишлаб чиқариш имкониятлари жадвали

Маҳсулот	муқобил вариантлар				
	А	Б	В	Г	Д
Ун	6000	5700	4000	3000	0
Тегирмон	0	50	120	150	200

Жадвал маълумотлари графикка жойлаштирилса, ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги ҳосил бўлади.



Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи

Иқтисодий ресурсларнинг мавжуд ҳажми ва унумдорлигида эгри чизиқнинг ичида икки турдаги маҳсулотнинг ҳар қандай уйғунлашган миқдорини ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлади. E нуқтадаги даражага эришиш имконияти эса чекланади. Унга иқтисодий ресурслар ҳажмининг ортиши ёки улар унумдорлигининг ўсиши ёхуд янги технологиянинг киритилиши ҳисобига эришиб борилади.

4-§. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари

Самарадорлик — бу «натижа» ва «харажат»лар нисбатидир. Самарадорлик ишлаб чиқариш пировард натижасининг қилинган ресурс харажатларига нисбати тарзида ҳисобланади.

Самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари

Фойда нормаси (P^1), яъни олинган фойданинг иқтисодий ресурслар сарф-харажатларига (U_x) нисбати:

$$P^1 = P / U_x * 100\%$$

Самарадорлик иқтисодий ресурсларнинг алоҳида турлари бўйича ҳам аниқланади:

Ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлиги — мефнат унумдорлиги кўрсаткичини характерлайди. Бу кўрсаткич вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (Y) билан ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетган вақт (V) билан аниқланади

$$U = Y/L; \text{ ёки } U = L / V;$$

Капитал самарадорлиги — капитал унумдорлиги (U_k) кўрсаткичида аниқланади. U капитал бирлиги (K) ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (Y) ёки бажарилган ишни (Y_1) кўрсатади.

$$U_k = Y / K \text{ ёки } U_k = Y_1 / K;$$

Ердан фойдаланиш самарадорлиги — экин майдонлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (U_N) ҳажми кўрсаткичида ифодаланади. Алоҳида экин турлари ҳосилдорлиги ҳам ерлардан фойдаланиш унумдорлигини кўрсатади. $U_N = Y_N / N$;

Ишлаб чиқариш самарадорлигига баҳо беришда маҳсулотнинг **меҳнат сиғими**, материал сиғими, энергия сиғими каби кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари

- ⊗ фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш;
- ⊗ ишлаб чиқариш интенсивлигини таъминлайдиган технологияларни қўллаш;
- ⊗ ишлаб чиқаришни тўғри жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперация;
- ⊗ иқтисодиёт таркибий тузилишини импортнинг ўрнини босадиган ва экспортга лаёқатли товарлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган тарзда ўзгартириш;

- ☉ ишлаб чиқарувчиларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдорлигини таъминлаш;
- ☉ табиий, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланиш;
- ☉ ходимлар малакасини ошириш ва етук мутахассислар тайёрлаш.

**Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар:
Асосий тушунчалар**

- | | |
|----------------------------|-------------------------------|
| 1. Ишлаб чиқариш функцияси | 7. Меъёрий маҳсулот |
| 2. Ишлаб чиқариш | 8. Айирбошлаш |
| 3. Иқтисодий фаолият | 9. Тақсимот |
| 4. Истеъмол | 10. Ўртача маҳсулот |
| 5. Изокванта | 11. Меъёрий унумдорлик |
| 6. Иқтисодий самарадорлик | (даромад)нинг пасайиш қонуни. |

Қуйидаги жавоблардан тўғриси таниланг:

а) инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган иқтисодий неъматлар яратиш жараёни;

б) ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланиш, эҳтиёжни қондириш жараёни;

д) инсоннинг эҳтиёжини қондириш, яъни ҳаёт кечириш, тирикчиликни таъминлашнинг восита ва усуллари мажмуи;

е) бир хил ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш омилларининг турли вариантларда бирлашувини ифодаловчи нуқталарнинг геометрик ўрнини кўрсатувчи эгри чизик;

ф) ишлаб чиқариш омилларининг ҳар қандай уйғунлашуви билан шу омиллар ёрдамида максимал даражада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги боғланишни ифодаловчи функция;

г) қўшимча бирлик ҳар қандай ўзгарувчи омил эвазига яратилган умумий маҳсулот (ТП) ҳажмининг ўзгариши тушунилади. Масалан, $МП = ТП / Л$;

х) хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ресурсларни, ишлаб чиқариш омилларининг эгалари ўртасида эса яратилган маҳсулотни тақсимланишини ифодалайди;

и) маълум миқдордаги неъматларни бир субъектдан бошқа субъект ихтиёрига ўтиш жараёни;

ж) бир омилинг ўзгариши ва қолганлари ўзгармагани ҳолда маълум чегарадан сўнг ҳар бир қўшимча сарфланган оми аввалгисига нисбатан камроқ натижа (унум даромад) олиб келишини ифодалайди.

к) иқтисодий харажатлар эвазига эришилган ишлаб чиқариш натижаси, яратилган маҳсулот.

л) ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот(ТП)нинг ўзгарувчи ишлаб чиқариш омиларига нисбатини ифодалайди. Масалан, $AP=TP/L$

Масала ва машқлар:

1. Бошқа омилар ўзгармаган ҳолда меҳнат миқдори, яъни ишчилар сонининг ўсишига қараб, натура шаклидаги меъерий маҳсулот қуйидагича ўзгарган:

Ишчилар сони, киши	Маҳсулот миқдори. дона
1	200
2	300
3	350
4	380
5	390
6	395

Натура шаклида меъерий маҳсулотни ҳисобланг. Рақамлар нимани кўрсатади, изоҳланг.

Агар маҳсулот нархи 4000 сўм, иш ҳақи даражаси 60000 сўм бўлса, тадбиркор максимал даражада нечта ишчини ёллаши мумкин?

Агарда унинг маҳсулотларига талаб камайиб, нархини 2200 сўмга туширишга мажбур бўлсачи? У бу миқдорни қандай кўрсаткич орқали аниқлайди?

2. «Вақт-пул» ибораси Бенжамин Франклинга тегишли. Бу фикрга нисбатан ўз нуқтаи-назарингизни изоҳланг.

3. Ягона ўзгарувчи оми меҳнат, қолган омилар доимий. Меҳнат омилининг ўзгаришига кўра ишлаб чиқарилган маҳсулот сони қуйидагича ўзгарган:

Ишчилар сони, киши	0	1	2	3	4	5	6
Ишлаб чиқарилган маҳсулот, дона	0	40	90	126	150	165	180

а) Меъёрий маҳсулот нечанчи ишчини қабул қилингандан сўнг қисқара бошлайди ?

б) Охирги ёлланган олтинчи ишчининг меъёрий маҳсулотини ҳисобланг?

д) Ўртача маҳсулот нечанчи ишчини ёллаганда максимал даражага етади?

4. Олтинчиси ортиқча.

Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Улардан қайси бири ортиқча ва нима сабабданлигини кўрсатинг.

Тушунчалар: иш ҳақи, фоиз, амортизация, дивиденд, фойда, рента.

Т/Н

1. Тоиндустиал даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш устун бўлган.

2. Постиндустиал даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш устун бўлган.

3. Ишлаб чиқариш омилларини жалб қилиш нуқтаи-назаридан вақтни қисқа ва узоқ муддатларга ажратиш шарт эмас. Бу билан ҳеч нима ўзгармайди.

4. Ишлаб чиқариш функцияси бу ишлаб чиқаришнинг формулада ифодаланган модели.

5. Бозор иқтисодиётида ресурсларнинг тақсимланиши бозор механизми орқали амалга ошади.

6. Бозор иқтисодиётида даромад омилларнинг маҳсулотдаги ҳиссасига қараб эмас, балки белгиланган режа асосида тақсимланади.

7. Истеъмол ишлаб чиқариш натижаларидан қандай мақсадда фойдаланишига кўра икки турга ажратилади.

8. Омилларнинг маълум нисбатда бирикиши деганда, ҳар қандай маҳсулот ишлаб чиқариш учун маълум бир миқдорда ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик омилни талаб қилиши тушунилади. Айнан тадбиркор қолган уч омилнинг энг оптимал вариантини топиши жиҳатидан бошқалардан ажралиб туради.

9. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш фақат тадбиркорларга кўпроқ фойда олиш учун зарур. Унинг жамият учун зарурияти йўқ.

10. Ишлаб чиқариш функциясининг аҳамияти шундаки, у омилларнинг бирлашув имкониятларининг муқобил вариантлари борлигини кўрсатади.

11. Ихтиёрий айирбошлашдан одамлар доимо ютишади.

12. Бир омил ўзгариб, бошқа омиллар ўзгармаганда яратилган кўшимча маҳсулот шу ишлаб чиқариш омили учун меъёрий маҳсулот бўлади деган фикр, мазмуни жиҳатидан кўшимча жалб қилинган ресурс эвазига (бошқалари ўзгармагани ҳолда) олинган маҳсулот меъёрий маҳсулот бўлади деган фикрдан фарқ қилмайди.

Тестлар:

1. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги пасайиб бориши қонуни амал қилади. У ҳолда иқтисодий ўсиш қандай тарзда таъминланади?

- а) борган сари камроқ ресурслар талаб қилинади;
- б) кўшимча ресурсларнинг ўсиши ишлаб чиқариш умумий ҳажмини кўпайтирмай, балки камайтиради;
- д) кўшимча ресурслар зарур, лекин уларнинг нархи ортиб боради;
- е) борган сари кўпроқ ресурслар талаб қилинади, уларни тежаб ишлатиш йўллари топилади;
- ф) ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш йўллари топилади.

2. Индустриал босқич қуйидаги қайси асосий хусусияти билан бошқа босқичлардан ажралиб туради?

- а) иқтисодиётда асосий ролни машиналашган саноат ишлаб чиқариши ўйнаши;
- б) хизмат кўрсатиш ниҳоятда тез ривожланиши;
- д) моддий ишлаб чиқариш устунлиги;
- е) қишлоқ хўжалиги устун бўлиши;
- ф) номоддий ишлаб чиқариш устунлиги.

3. Бойлик фақат моддий ишлаб чиқаришда яратилади деб таъкидлаш нимага олиб келади?

- а) хизматлар кўрсатишни назар-писанд қилмасликка, бу соҳанинг ривожланишини секинлаштиришга;
- б) ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга;
- д) аҳолининг тўла бандлигини таъминлашга;

- е) моддий ишлаб чиқаришда харажатларни пасайтиришга;
- ф) ресурсларнинг тармоқлар ўртасида оптимал тарзда тақсимланишига.

4. Ишлаб чиқариш омиллари эгаси: ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик ҳисобига мос равишда яратилган маҳсулотдаги улушини қайси кетма-кетлик шаклида олади?

- а) ер рентаси, иш ҳақи, фоиз-дивиденд, фойда;
- б) ер рентаси, фоиз-дивиденд, фойда, иш ҳақи;
- д) ер рентаси, фоиз-дивиденд, иш ҳақи, фойда;
- е) фоиз-дивиденд, фойда, иш ҳақи, ер рентаси;
- ф) фойда, ер рентаси, иш ҳақи, фоиз-дивиденд.

5. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги бу...

- а) ишлаб чиқариш натижаларининг меҳнат харажатларига нисбати;
- б) ишлаб чиқариш натижаларининг капитал сарфларига нисбати;
- д) ишлаб чиқариш натижаларининг ер омилига нисбати;
- е) ишлаб чиқариш натижаси (маҳсулот)нинг сарфланган харажатларга нисбати;
- ф) ерга ва капиталга қилинган харажатлар натижаси.

6. Нафлиликнинг пасайиб бориши қонунини амал қилишини изоҳлашга қуйидагилардан қайси бири тўғри келмайди?

- а) универсал қонун бўлиб, доимо амал қилади;
- б) унинг амал қилиши доираси чекланган бўлиб, энг аввало, кундалик эҳтиёжларни қондирадиган товар, хизматларга тегишли;
- д) қисқа муддатли даврга хос;
- е) кўплаб товарларга нисбатан қўллаб бўлмайди;
- ф) нафлиликни баҳоловчи ягона ўлчов йўқ.

7. Ф.Кенэ, А.Смит ва Д.Рикардолардан фарқли равишда А. Маршалл бойликка:

- а) ижтимоий зарурий меҳнат натижаси деб;
- б) моддий ишлаб чиқариш натижаси деб;
- д) қишлоқ хўжалигида яратилган моддий маҳсулот деб;
- е) савдо-сотиқ натижаси деб;
- ф) инсон эҳтиёжларини тўлароқ қондириши нуқтаи-назаридан қараш тўғрироқ бўларди, деб таъкидлайди.

8. Изокванта нимани кўрсатади:

- а) маҳсулотнинг умумий ҳажми эгри чизигини;
- б) ишлаб чиқариш функциясини;
- д) мавжуд ресурслар эвазига турли ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаришни;
- е) ўртача маҳсулот эгри чизигини;
- ф) меъёрий маҳсулот эгри чизигини.

9. Иқтисодий фаолият турларидан қайси бирининг натижаси бўлиб моддий-ашёвий кўринишдаги неъматлар чиқади?

- а) хизмат кўрсатишда;
- б) истеъмолда;
- д) иқтисодий нафли иш бажаришда;
- е) ишлаб чиқаришда;
- ф) юқоридагиларнинг барчаси.

10. Қуйидагиларни қайси бири ишлаб чиқаришнинг моддий омили ҳисобланади.

- а) хомашё;
- б) материаллар;
- д) бино ва иншоотлар, машиналар, асбоб ва ускуналар, хомашё;
- е) меҳнат қуроли;
- ф) пул маблағлари.

11. Иқтисодий ресурслар ҳисобига олинадиган даромад турини аниқланг?

- а) иш ҳақи, фоиз, рента, меъёридаги фойда;
- б) мукофот;
- д) дивиденд;
- е) фойда;
- ф) ялпи даромад.

12. Бозорда жуда кўп сотувчилар ва харидорлар мавжуд бўлиб, улардан ҳеч бири бозор баҳоларига ўз таъсирини ўткази олмаса, ҳамда бозорга кириш учун ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаса бу қандай бозорни характерлайди?

- а) соф рақобатли бозор;
- б) соф монополистик бозор;

- д) монополистик рақобатли бозор;
- е) олигополистик бозор;
- ф) миллий бозор.

13. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги қандай аниқланади?

- а) ишлаб чиқариш натижалари сарф-харажатлар билан таққосланади;
- б) ишлаб чиқариш натижалари жонли меҳнат сарфлари билан таққосланади;
- д) ишлаб чиқариш натижалари капитал сарфлари билан таққосланади;
- е) ишлаб чиқариш натижалари айланма маблағлар қиймати билан таққосланади;
- ф) юқоридаги барча усулда.

14. Қуйидагилардан қайси бири меҳнат кооперациясини характерлайди?

- а) меҳнатнинг алоҳида фаолият турларига ажралиши;
- б) ходимларнинг иқтисодий фаолиятининг бирон турини бажаришга ёки маҳсулотнинг алоҳида турларини ишлаб чиқаришга мослашуви;
- д) меҳнатнинг алоҳида ва бир-бирига боғлиқ турларининг уюшиши;
- е) иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг бир-бирига боғлиқлигининг кучайиши;
- ф) юқоридагиларнинг барчаси.

15. Меҳнат унумдорлиги қандай аниқланади?

- а) маҳсулот миқдорининг уни ишлаб чиқаришга кетган иш вақтига нисбати билан;
- б) маҳсулот миқдорининг қилинган сарф-харажатларга нисбати билан;
- д) маҳсулот миқдорини асосий капиталга таққослаш йўли билан;
- е) маҳсулот миқдорини айланма капиталга таққослаш йўли билан;
- ф) юқоридаги барча усулда.

16. Иқтисодий ривожланиш нима?

- а) моддий неъматлар ишлаб чиқариш;
- б) эҳтиёжларни қондириш;
- д) бозорга товарлар етказиб бериш;
- е) ишлаб чиқариш натижаларининг тўхтовсиз ортиб бориши;
- ф) хизматлар кўрсатиш.

17. Иқтисодий ресурслар нима?

- а) товар;
- б) пул;
- д) инсонлар;
- е) капитал, ер, ишчи кучи, тадбиркорлик лаёқати;
- ф) табиий ресурслар.

18. Самарадорлик нима?

- а) иқтисодиётнинг ўсиши;
- б) сарфланган ресурсларни тежаш;
- д) ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши;
- е) «натижа» ва «харажат» нисбати;
- ф) нархларнинг пасайиши.

19. Ижтимоий ишлаб чиқариш нима?

- а) ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш жараёни;
- б) истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш жараёни;
- д) ишчи кучини ишлаб чиқариш жараёни;
- е) жамият миқёсида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёни;
- ф) хизмат кўрсатиш жараёни.

Қисқа муддатли даврнинг узок муддатли даврдан фарқи

Қисқа муддатли давр	Узок муддатли давр
Бу шундай вақтки у фирманинг ишлаб чиқариш <u>омилларининг барчасини ўзгартириши учун етмайди</u> , лекин унинг ишлаб чиқариш қувватлари ўзгармагани ҳолда айрим омилларни ўзгартириш учун етарли бўлади.	Бу шундай вақтки, у фирманинг барча ишлаб <u>чиқариш омиллари</u> миқдорини шу жумладан фирманинг <u>ишлаб чиқариш қуввати</u> (катта-кичиклиги)ни <u>ўзгартириш</u> учун етарли бўлади.
Бу вақт мобайнида фирманинг қуввати (катта-кичиклиги) ўзгармайди.	Бу вақт мобайнида фирманинг қуввати (катталиги) ўзгаради.

Баъзи харажатлар ўзгарувчи, баъзи харажатлар доимий бўлади.	Барча харажатлар ўзгарувчи бўлади.
Тармоқда фирмалар сони ўзгариши учун вақт жуда қисқалик қилади.	Тармоқда мавжуд фирмаларни чиқиб кетиши ва янгиларини кириб келиши учун вақт етарли.
Ҳамма ишлаб чиқариш бевосита амалга оширилади.	Узоқ муддатли даврни режалаштириш учун горизонт тарихида қараш мумкин.

5.1-чизма

Нима сабабдан иқтисодиётнидаги ўзгаришлар қисқа ва узоқ муддатли даврга бўлиб ўрганилади? Ўз фикрингизни айтинг.

Ишлаб чиқариш омиллари таркиби



5.2-чизма

Чизмага диққат қилинг. Ахборот ресурсларини қайси омилларга киритиш мумкин ёки унга алоҳида омил сифатида қараш керакми? Кейинги пайтда айрим адабиётларда молиявий ресурслар ҳам алоҳида ишлаб чиқариш омиллари сифатида талқин қилинмоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз? Иқтисодий ресурслар билан ишлаб чиқариш омилларининг қандай фарқи бор? Фикрингизни билдилинг.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

5.2-жадвал

Кўрсаткичлар	Йиллар											
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Саноат маҳсулоти	105,9	107,6	108,3	106,2	109,4	107,3	110,8	112,1	112,7	109,0	108,3	106,3
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	106,2	107,6	108,4	108,5	113,5	116,6	120,7	118,8	117,7	113,9	112,0	111,0
Қишлоқ хўжалиги	103,1	104,2	106,0	107,3	108,9	106,2	106,2	106,1	104,5	105,7	106,8	106,6
Хизмат кўрсатиш	115,7	114,7	108,6	109,5	113,8	116,3	120,1	126,6	121,3	112,9	113,4	116,1
Қурилиш ишлари	103,0	103,4	103,4	103,7	104,3	110,7	115,0	115,7	108,3	133,1	108,1	108,5
Транспортда юк ва йўловчи ташиш хажми	112,8	102,2	106,3	107,4	106,3	111,0	107,5	111,5	110,2	110,4	109	108,7
Чакана савдо айланмаси	107,6	109,6	102,1	104,2	105,2	105,1	114,7	121,0	117,2	116,6	114,7	116,4

Жадвал маълумотларига диққат қаратинг. Ўсиш суръатларига кўра иқтисодиётнинг самарали эканлиги ҳақида фикр юритиш мумкинми? Сиз қандай кўрсаткичларни олган бўлар эдингиз?

Жавоблар:**Асосий таянч тушунчалар:**

1д), 2а), 3в), 4б), 5г), 6и), 7е), 8ж), 9ё), 10й), 11з);

Масала ва машқлар:

1)

Ишчилар сони, киши	Маҳсулот миқдори дона	Натура шаклида меъёрий маҳсулот, дона
1	200	200 (200-0)
2	300	100 (300-200)
3	350	50 (350-300)
4	380	30 (380-350)
5	390	10 (390-380)
6	395	5 (395-390)

Маҳсулот нархи: 4000 сўмдан бўлганда 5 ишчи;

2200 сўмдан бўлганда 4 ишчи;

Максимал даражада ёлланиши керак бўлган ишчилар сони яратилган меъёрий маҳсулот миқдорига қараб аниқланади.

2) Ҳамма нарсанинг баҳоси бор. Вақтнинг ҳам. Мақсадсиз, бесамар ўтказилган вақтда бир қанча бошқа ишларни бажариш мумкин. Турли фаолият билан шуғулланиб, пул ишлаш мумкин. Айниқса, ҳар бир инсон учун энг чекланган ресурс бу вақт. Ундан қай тарзда фойдаланишга қараб муқобил қиймати аниқланади.

3. а) 3 – ишчидан сўнг

б) 15 дона

д) 2 - ишчи

4. Ортиқчаси амортизация, қолганлари ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг оладиган даромад шакллари

5. Т/Н

1Т, 2Н, 3Н, 4Т, 5Т, 6Н, 7Т, 8Т, 9Н, 10Т, 11Т, 12Т.

Тестлар:

1г), 2а), 3а), 4в), 5г), 6а), 7д) 8в); 9г); 10в); 11а); 12а); 13а); 14в); 15а); 16г); 17г); 18г); 19г).

5-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМДА ТОВАР ВА ПУЛ

1-§. Ижтимоий хўжалик шакллари ва уларнинг ривожланиши

Ижтимоий хўжалик — инсоният жамияти тараққиётининг алоҳида узок даврлари давомида ишлаб чиқаришнинг мақсадини анча тўлиқ ифодалаб, барқарор умумий белгиларга ега бўлган ва ривожланишида маълум бир қонуниятларга асосланган хўжалик юретишнинг барқарор турларидир.

Ижтимоий хўжалик шакллари

→ **Натурал хўжалик** — бунда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўз истеъмолини қондириш ва ички хўжалик эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилади.

→ **Товар хўжалиги** — бунда маҳсулот бозор учун, айрибошлаш орқали ўтиб, бошқаларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқарилади.

Товар хўжалигининг ривожланиш босқичлари:

→ • Оддий товар хўжалиги – бунда муайян товарлар жамиятнинг асосий майда, алоҳидалашган ва маълум даражада ихтисослашган қатламлари томонидан яратилиб, айирбошлашга тақдим қилинган;

→ • Оммавийлашган (капиталистик) товар хўжалиги – ўзининг кўламлиги билан тавсифланади. Бунда бозор муносабатлари умумий характер касб етади, яъни нафақат барча маҳсулотлар, балки ишлаб чиқариш омиллари ҳам товарга айланади. Хусусий мулк устуворлик касб етади.

→ • Ҳозирги замон маданийлашган товар хўжалиги – бозор ва давлат механизми ҳамда глобаллашув жараёнининг афзалликларини ўзида мужассамлаштиради.

Натурал хўжалик белгилари

- Меҳнат тақсимоти ривожланмаган;
- Ишлаб чиқариш биқик характерга эга бўлиб, ишлаб чиқарувчиларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга буйсундирилган;
- Ишлаб чиқариш билан истеъмолнинг ўзаро мослиги бевосита хўжалик ичида таъминланган;
- Меҳнат тор доирада ижтимоий характерга эга бўлган;
- Ишчи кучининг сафарбарлиги чекланган.


Товар хўжалигининг белгилари

- Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва унинг чуқурлашувига асосланиши;
- Ишлаб чиқарувчиларнинг мулк егаси сифатида иқтисодий алоҳидалашуви;
- Маҳсулот бозорда сотиш, эркин айирбошлаш учун ишлаб чиқарилиши.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти — бу меҳнатнинг бир туридан бошқа турларининг ажралиб чиқиши, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг бирон-бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашувидир. У ижтимоий меҳнат фаолиятининг сифат жиҳатидан ажралишини билдиради.

Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳидалашувини тақозо қилади.

2-§. Товар ва унинг хусусиятлари



Товар деб маълум бир нафлиликка эга, айирбошлаш учун яратилган неъматга айтилади.

Маҳсулотнинг захираларда турган, ички истеъмол учун фойдаланиладиган ва қайтадан ишлаб чиқаришга жалб қилинадиган қисми товарга айланмайди.

Товарнинг хусусиятлари

• **Алмашув қийматига эга** — бу бир товарнинг бошқасига муайян миқдорий нисбатларда айирбошланишида намоён бўлади.

• **Нафлиликка эга** — бу товарларнинг кишиларнинг бирон-бир эҳтиёжини қондиришида кўринади.

Товарларнинг алмашув қийматини асослашга қаратилган назариялар:


• **Қийматнинг меҳнат назарияси** — товарлар айирбошланиши асосида уларнинг қиймати ётади, қийматнинг миқдори эса ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари, яъни ижтимоий зарурий иш вақти билан аниқланади деб ҳисоблайди.

Меъёрий нафлилик назарияси – тарафдорлари, жумладан, Г.Госсен (немис иқтисодчиси) «нафлиликнинг пасайиб бориш қонуни»га асосланиб, неъматларнинг қиймати уларнинг наф келтириши даражасига қараб аниқланишини қайд қилади. Бошқача айтганда бу ёндошувда бир турдаги товар қиймати, унинг энг зарурий эҳтиёжини қондирадиган қўшимча бирлигининг нафлилиги билан аниқланади.

А. Маршаллнинг синтезлаштирилган назариясига кўра, товар қиймати тенг даражада унинг меъёрий нафлилиги, ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда талаб ва таклиф нисбати билан аниқланади.

Меъёрий (маржинал) нафлилик деб қўшимча истеъмол қилинган маҳсулотдан қўшимча олинадиган нафга айтилади.

3-§. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва вазифалари



Ўз қийматини бошқа товарда ифодалаган товар **қийматнинг нисбий шаклини**, бошқа товарлар қийматини ифодалашга хизмат қилувчи товарлар эса **қийматнинг эквивалент шаклини** ташкил қилади.

Қиймат шаклларини ривожланишига сабаб бўлган омиллар:

- Меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва чуқурлашуви;
- Меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- Маҳаллий ва миллий бозорларнинг вужудга келиши.

Умумий эквивалентлик ролининг олтинга юклатилиши

-
- сифат жиҳатдан бир хил ўлчамга келтириш мумкинлиги;
 - зангламаслиги ва узоқ муддат сақлаш мумкинлиги;
 - бўлинувчанлиги ва яхлит ҳолатга келтириш мумкинлиги;
 - табиатда нисбатан камёблиги;
 - оз миқдордаги нодир металл қийматининг анча юқорилиги;

Олтин пул – ҳамма товарлар учун умумий эквивалент ролини ўйновчи махсус товар.

Ҳозирги замон пуллари – ҳар қандай товарни айирбошлаш ёки қарз тўлашга қабул қилинадиган давлат томонидан қонунлаштирилган эквивалентликнинг умумий воситаси.

Пулнинг вазифалари:

→ **Қиймат ўлчови вазифаси** – бунда товар (хизмат)нинг алмашув қиймати пул воситасида ҳисобланади ва баҳоланади. Шунингдек, иқтисодий ресурс сарф-харажатлари ва даромадларни ҳисоблашнинг ягона ўлчов бирлиги ҳам пулдир.

→ **Муомала воситаси вазифаси** — бунда пул товарлар муомаласи жараёнида воситачи сифатида майдонга чиқади.

→ **Тўлов воситаси вазифаси** — товарлар насияга тўлов муддати кечиктириб сотилганда ва турли хил тўлов мажбуриятлари амалга оширилганда пул бу вазифани бажаради.

→ **Жамғариш вазифаси** – пул муомаладан чиқариб олинганда бу вазифани бажаради. Реал равишда олтин пул ва олтин буюмлар бойлик тўплаш вазифасини бажаради.

→ **Жаҳон пули вазифаси** — олтин пулга тегишли. Баъзи нуфузли валюталар ҳам идеал равишда бу вазифани бажариши мумкин.

Ҳозирги пайтда пул тушунчаси икки маънода ишлатилади:

- миллий хўжаликда товар ва хизматлар ҳаракатини таъминловчи нақд пул;
- нақд бўлмаган муомала ва тўловлар учун ишлатиладиган воситалар, яъни кредит пуллар (квази пул, лотинча қуаси – деярли, худди) ташкил этади.

Ликвидлик даражаси турлича бўлган барча пул воситаларининг муайян нисбатларда яхлит пул массасини ташкил этиши, пул агрегати дейилади.

Пул агрегати ликвидлик даражаси абсолют бўлган (100%) нақд пулдан бошлаб, борган сари ликвидлиги камайиб боровчи пул воситаларидан ташкил топади.



**Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар:
Асосий таянч тушунчалар:**

1. Натурал хўжалик
2. Товар хўжалиги
3. Товар
4. Нафлилик
5. Меъёрий нафлилик
6. Пул массаси
7. Ликвидлик даражаси

Қуйидаги жавоблардан тўғрисиани танланг:

а) Товар деб маълум бир нафлиликка эга, айирбошлаш учун яратилган неъматга айтилади.

б) Маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хўжалик юритишнинг ёпиқ шакли.

д) Товар ишлаб чиқаришга асосланган, ишлаб чиқариш билан истеъмол бозор орқали боғланадиган хўжалик юритиш шакли.

е) Харидорнинг ўз эҳтиёжини қондириш, неъматни истеъмол қилишдан оладиган қониқиши.

ф) Пул ва нақд пулга айлантириш имконияти турлича бўлган нақд бўлмаган пул ва квази пуллар, қимматли қоғозлар.

г) Қўшимча истеъмол қилинган маҳсулотдан қўшимча олинадиган наф.

х) Пул массасини нақд пулга айлантириш имконияти.

Масала ва машқлар

1. Қуйидаги санаб ўтилган неъматлардан қайси бирлари иқтисодий, қайси бирлари ноиқтисодий неъматларга ажратилади?

а) сиз нафас олаётган ҳаво;

б) қишда ёққан қор;

д) ресторан, барлар ва бошқаларда ишлатилаётган муз;

е) қишда ариқлардаги муз;

ф) уйингиз яқинидаги булоқ суви;

г) чинни идишлар тайёрлашда ишлатиладиган тупроқ;

х) боғингизда экилган дарахт.

Жавоб беринг ва уни асосланг.

2. Барча иқтисодий неъматларнинг нафлилиги ҳақида қандай фикр юритиш мумкин? Масалан, наркотиклар, спиртли ичимликлар, порнография, нафақат инсоннинг жисмига, балки руҳининг соғломлигига ҳам қаттиқ зарар етказди! Сиз мана шу фикрга қўшиласизми? Иқтисодиёт назариясида нафлилик деганда нимани тушуниш керак?

3. Сизда 1 млн. сўм нақд пул бор. Дўстингизда эса шунча сўмлик акциялар бор. Иккинчи дўстингизда 1 млн. сўмга баҳоланган дала ҳовли бор. Кимнинг мулки юқори даражада

ликвидли? Доимо мулкни ликвидли шаклига қараб сақлаш рационал ҳисобланадими?


4. Топқирлик машқи

Катакчаларга мос равишда иқтисодий тушунчаларнинг ҳарфини жойлаштиринг.

1) маълум бир нафлиликка эга, айирбошлаш учун яратилган неъмат;

2) рақобатлашувчи томонлар;

3) сотувчи ва харидорнинг товар, иш, хизматларни пул воситасида айирбошлаш муносабати, яъни олди-сотди алоқалари ва уларни маълум бир тартиб асосида амалга ошириладиган жой.



4) ер ва бошқа табиий ресурслар келтирадиган даромад;

5) хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик ва молиявий операцияларининг тўғри юритилиши, уларнинг қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга мослиги, талабга жавоб беришини текшириш ва қонунда белгиланган бошқа хизматлар кўрсатишни ўрганадиган фан;

6) пул маблағлари билан таъминланган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлиши ёки тўлов қобилиятига эга эҳтиёж;

7) савдо-сотик ишлари, товарлар нархи котировкасини аниқлаш, нарх ошкоралигини таъминлашга хизмат қилувчи тижорат муассасаси;

8) бирор иш юзасидан кейинчалик ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олдиндан бериладиган пул, озиқ-овқат ва ҳ.к;

9) айирбошлаш, олиш-сотиш билан боғлиқ муомала, савдо-сотикдан тушган пул, олди-сотди жараёнида нарх устида тортишув;

10) ер эгасига маҳсулот шаклида тўланадиган рента;

11) бирор нарса ёки киши ҳақида бошқаларни ишонтириб, масъулиятни ўз зиммасига олувчи, кафолат берувчи юридик ёки жисмоний шахс;

12) бирор нарсанинг чекланган нормаси, фойдаланиш учун белгиланган муайян миқдор;

Т/Н

1. Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши:
 - 1) меҳнат тақсимоти ва унинг чуқурлашуви;
 - 2) ишлаб чиқарувчиларни мулк эгаси сифатида иқтисодий алоҳидалашуви сабаб бўлади.
2. Товар икки хоссага эга:
 - 1) бирор-бир эҳтиёжни қондириш;
 - 2) айирбошлаш.
3. Нафлиликни ягона ўлчов билан ўлчаш мумкин.
4. Меъёрий нафлиликни пасайиб бориш қонуни универсал қонун. У барча неъматлар учун ҳам умумий.
5. Харидор ўз пулини рационал сарфлаш учун шундай йўл танлайдики, натижада энг юқори наф олишга эришади.

Тестлар

1. Қуйидагилардан қайси бири ноиқтисодий неъмат ҳисобланади?
 - а) ҳарбий кема;
 - б) театр, концерт зали;
 - д) билим, малака;
 - е) қуёш нури;
 - ф) кўприк, йўл.
2. Буюк Аристотел ҳар хил истеъмол қийматлари, яъни товарларни айирбошлаш учун нима бўлиш керак дейди:
 - а) тенглик бўлиши, тенглик бўлиши учун эса таққослаш мумкин бўлиши керак;
 - б) товар миқдорини ўлчашни билиш керак;
 - д) ҳар хил товарларни айирбошлаш учун миқдор жиҳатидан умумий ўлчов бирлигини топиш керак;
 - е) айирбошлаш учун нархнинг адолатли бўлишини таъминлаш керак;
 - ф) товарларни айирбошлаш учун уларнинг нафлилиги тенглигини таъминлаш керак.
3. Қайси назарияда товарнинг қиймати унга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари билан ўлчанади дейилади?

- а) маржинал назарияда;
- б) классик назарияда;
- д) рационалистик назариясида;
- е) институционал назарияда;
- ф) неолиберализм назариясида.

4. Қайси назарияда товарнинг қиймати унинг наф келтиришига қараб, харидорнинг иқтисодий психологик нуқтайи назаридан аниқланади дейилади?

- а) маржинал назарияда;
- б) классик назарияда;
- д) рационалистик назариясида;
- е) институционал назарияда;
- ф) неолиберализм назариясида.

5. Нафлиликнинг пасайиб бориши қонуни амал қилишини изоҳлашда қуйидагилардан қайси бири тўғри келмайди?

- а) қонуннинг амал қилиши қисқа муддатли даврга хос;
- б) универсал қонун бўлиб, доимо амал қилади;
- д) амал қилиш доираси чекланган бўлиб, шахсий эҳтиёжни қондирадиган, энг аввало, кундалик эҳтиёжларни қондирадиган товар, хизматларга тегишлилиги;
- е) кўплаб товарларга нисбатан қўллаб бўлмайди;
- ф) нафлиликни баҳоловчи ягона ўлчов, кўрсаткич йўқ.

6. Ҳозирги замон пулининг кадр-қиммати нима билан ўлчанади.

- а) ундаги олтин миқдори;
- б) нархлар даражаси;
- д) мутлоқ ликвидлилиги;
- е) муомаладаги пул миқдори;
- ф) мамлакатнинг олтин захираси.

7. Пул агрегатлари, бу...

- а) ликвидлик даражаси турлича бўлган барча пул турларининг муайян нисбатлардаги яхлит массаси;
- б) нақд пуллар ва электрон пулларнинг маълум нисбатдаги пул массаси;
- д) чеклар, қимматли қоғозлар жамланмаси;
- е) нақд бўлмаган пулларнинг маълум нисбатдаги массаси;

ф) нақд пуллар ва қимматли қоғозларнинг маълум нисбатдаги массаси.

8. Демонитизация деганда нима тушунилади.

- а) қоғоз пулларнинг қадрсизланиши;
- б) пулни яроқсиз ҳолга келиши;
- д) қоғоз пулни эркин равишда олтинга алмаштириш;
- е) пулнинг баҳо масштабини алмаштириш;
- ф) олтиннинг пул функциясини бажаришини тўхтатилиши.

9. Классик иқтисод вакиллари товар қиймати қандай меҳнат сарфларини ифодалайди деб кўрсатишган?

- а) индивидуал;
- б) зарурий;
- д) кўшимча;
- е) ижтимоий-зарурий;
- ф) ортиқча.

10. Меҳнат интенсивлиги нима?

- а) меҳнатнинг аниқ турининг маҳсулдорлиги;
- б) меҳнатнинг сарфланиш тезлиги ва жадаллиги;
- д) қўлланиладиган меҳнат ҳажмининг ортиши;
- е) қўлланиладиган меҳнат ҳажмининг қисқариши;
- ф) меҳнатнинг унумдорлиги.

11. Пулнинг қайси вазифаси нархнинг шаклланиши билан боғлиқ?

- а) муомала воситаси;
- б) тўлов воситаси;
- д) қиймат ўлчови;
- е) жамғарма воситаси;
- ф) жаҳон пули.

12. Натурал хўжалиги нима?

а) жамият учун маҳсулотни натурал ҳолда ишлаб чиқарувчи хўжалик;

б) ишлаб чиқаришни ташкил этиш машина ва техникаларга эмас, қўл меҳнатига асосланган хўжалик;

д) бозорда сотиш учун эмас, балки хўжаликнинг ўз ходимлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмоли учун маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган хўжалик;

е) аҳоли ва ташкилотларга сотиш учун истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи хўжалик;

ф) оилавий хўжалик.

13. Пулнинг вазифаси нимадан иборат?


а) пул истеъмол билан ижтимоий талабга бўлган инвестиция омили;

б) ижтимоий таклиф ва алмашув учун зарур бўлган миқдорни белгилайдиган капитал қўйилмалар омили;

д) даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш тизими;

е) ягона ҳисоб-китоб юргизиш, жамғарма, муомала, тўлов воситаси вазифасини бажаради;

ф) бойлик тўплаш воситаси.



Қиймат шакллари	Нисбий	Эквивалент
Оддий, тасодифий	1 қоп дон	1 та болта
Тўла ёки кенгайтирилган	20 метр бўз	1 та костюм ёки 2 қоп дон 2 та болта

Умумий	1 та костюм 2 қоп дон 2 та болта	20 кг туз
Пул	20 метр бұз 1 та костюм 2 та болта 2 қоп дон	5 гр. олтин


5.1-чизма

Сизнингча, қайси ёндошув ҳақиқатга яқин?

Пулнинг функцияларига диққат қилинг. Пулга классик ва ҳозирги замон иқтисодий назарияси нуқтаи назаридан берилган тарифларни солиштиринг.

Ўз фикрингизни билдинг.


Пулнинг функциялари



Олтин пул – бу умумий эквивалент ролини ўйнавчи махсус товар

5.2-чизма


Ҳозирги замон пул тизимида пулнинг функциялари



Ҳозирги замон пули – бу давлат томонидан белгиланган ҳар қандай товарни айирбошлаш ёки қарз тўлашга қабул қилинадиган эквивалентликнинг умумий воситаси

5.3-чизма

Ҳар икки таъриф ўртасида фарқ борми? Изоҳланг.



5.4- чизма

Пул турларини яна қандай гуруҳларга ажратган бўлар эдингиз?

Жавоблар:**Асосий таянч тушунчалар:**

1б); 2в); 3а); 4г); 5в); 6д); 7е)..

Масала ва машқлар:

1. а), б), г), д) – ноиктисодий неъматлар

в), е), ё) – иқтисодий неъматлар

2. Нафлилик – бу товарнинг инсон эҳтиёжини қондириш хусусияти. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан берилган баҳолар қандай бўлишидан қатъи назар, у ҳисобга олинмайди.

3. Сизнинг мулкингиз ликвидли. Лекин инфляция, ноаниқлик шароитида мулкнинг асосий қисмини ликвидлигига қараб сақлашнинг маъноси йўқ.

4. Топқирлик машқи: 1.Товар; 2. Рақиб; 3. Бозор; 4. Рента; 5. Аудит;

6. Талаб; 7. Биржа; 8. Аванс; 9. Савдо; 10. Оброк; 11. Кафил; 12. Лимит;

Т/Н 1Т; 2Т; 3Н; 4Н; 5Т.

Тестлар:

1г); 2а); 3б); 4а); 5в); 6г); 7а); 8д); 9г); 10б); 11в); 12в); 13г).

6-МАВЗУ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

1-§. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий мазмуни. Мулк объектлари ва субъектлари

Мулкчилик муносабатлари – бу мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳамда ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

→ **Мулкка эгалик қилиш** – бу мол - мулкнинг эгаси қўлида сақланиб туришини билдиради ва яратилган бойликларни ўзлаштиришнинг иқтисодий шаклини ифодалайди.

→ **Мулкдан фойдаланиш** – бу мол - мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланишидир. Бундан даромад олиш ёки шахсий эҳтиёжни қондириш мақсади кўзда тутилади.

→ **Мулкни тасарруф қилиш** – бу мол-мулкнинг тақдирини мустақил ҳал қилишдир. Бу мулк объектларини сотиш, мерос қолдириш, ҳадя қилиш, ижарага бериш каби йўллар билан пўй бепали

Мулкчилик ҳам иқтисодий ҳам ҳуқуқий категория ҳисобланади

→ Мол - мулк ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилса ва ўз эгасига даромад келтирса ёки унинг истеъмолини қондиришга хизмат қилса, у иқтисодий муносабатларни ифодалаб, иқтисодий категория сифатида юзага чиқади.

→ Мулк тадбиркорлик фаолиятининг бирор бир тури орқали рўёбга чиқарилмаса, яъни иқтисодий фаолиятда фойдаланилмаса, бунда у «ҳуқуқий» категория сифатида қолади.

Мулкчиликнинг ҳуқуқий меъёрларини қуйидагилар белгилаб беради:

- ишлаб чиқариш воситалари ва яратилган моддий неъматларнинг муайян шахсларга тегишли эканлиги;
- мулк эгаларининг қонун билан ҳимояланадиган ваколатлари;
- мол - мулкни ҳимоя қилиш усуллари.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни (эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш) битта мулк шакли доирасида ҳам рўёбга чиқарилиш усулларига қараб фарқ қилиши мумкин.

• мулкчилик меҳнатга мажбур қилиш йўли билан рўёбга чиқарилса, қулдор ёки феодал хусусий мулки вужудга келади.

• мулкчиликни рўёбга чиқариш мулкдорнинг ўз меҳнати ёрдамида амалга оширилса, майда товар ишлаб чиқариш учун характерли хусусий мулк пайдо бўлади.

• мулк объекти ёлланма меҳнатга асосланиб ҳаракатга келтирилса, корпоратив (капиталистик) хусусий мулк пайдо бўлади.

Мулк объектлари — бу мулкка айланган барча бойлик турларидир. Булар :

- ишлаб чиқариш воситалари;
- инсон яратган моддий ва маънавий бойликлар;
- интеллектуал бойликлар;
- инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти бўлган ишчи кучи ва ҳ.к.

Мулк субъекти — бу мулк муносабатларнинг иштирокчилари, яъни мулк объекти ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштиришда қатнашувчилардир. Улар:

- * давлат (турли даражадаги ҳукумат ва бошқарув органлари);
- * корхоналар, хўжалик бирлашма (уюшма)лари, жамоат ва бошқа ташкилотлар;
- * фуқаролар ва оилалар;
- * чет элликлар (хорижий фуқаро, ташкилот ва давлатлар).

2-§. Мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни

«Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма хил шакллардаги мулк ташкил этади»⁵

Давлат мулки — бунда мулкка эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш давлат ихтиёрида бўлади. Давлат мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи кўпинча хўжалик субъектларига берилади.

Давлат мулки икки даражада мавжуд бўлади:

Республика мулки – булар ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, республика ҳукумати ва бошқарув тузилмалари мол - мулки, давлатга қаршли маданий ва тарихий бойликлар, бюджет маблағлари, олтин захираси, валюта фонди ва бошқа давлат фондлари.

Маъмурий - ҳудудий тузилмалар мулки — булар давлат ҳокимияти маҳаллий органлари мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги ҳамда бошқа мулкӣ мажмуалар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари кабилар мол-мулки.

Давлат мулки қуйидаги йўллар билан ҳосил бўлади:

- бошқа мулк шаклларини миллийлаштириб давлат қўлига олиш;
- давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар ва бошқа объектлар қуриш;
- давлат корхоналари ва ташкилотларига инвестициялар киритиш.

Жамоа мулки

Бунда ишлаб чиқариш воситалари ва унинг натижаларини ўзлаштириш жамоа - гуруҳ характерига эга бўлади.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 11-бет.

Жамоа мулки турлари:

- кооператив мулки;
- ижара ва жамоа корхоналарининг мулки;
- акционер жамиятларининг мулки;
- хўжалик бирлашмалари ва ширкат мулки;
- жамоат ва диний ташкилотлар мулки.

Шахсий мулк

Фуқаролар мулки бўлиб, уларнинг шахсий ёки оилавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади

Шахсий мулк манбалари:

- ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштирокидан оладиган даромадлари;
- ўз хўжалиги (оила, деҳқон)ни юритиш ҳисобига оладиган даромадлари;
- акциялардан олинадиган дивиденд;
- фоизли даромадлар;
- шахсий тадбиркорликдан олинадиган даромад;
- трансферт тўловлари эвазига келиб тушадиган даромадлар.

Шахсий мулк объектлари:

- уй-жойлар;
- боғ ва дала ҳовлилар;
- транспорт воситалари;
- уй-рўзғор ва шахсий истеъмол буюмлари;
- хўжалик фаолияти ҳисобига олинадиган маҳсулотлар;
- пул жамғармалари.

Хусусий мулк

Айрим тадбиркорларга қарашли, ёлланма меҳнатга, асосланган ва ўз эгасига фойда келтирувчи мулкдир. Бунда мулкка эгаллик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи хусусий шахсларга тегишли бўлади.

Аралаш мулк

Алоҳида олинган мулк объектлари ва унинг натижаларини турли мулкдорлар томонидан ўзлаштиришни билдиради.

3-§. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўллари, мақсади ва усуллари

«Мулкчилик масаласини ҳал қилиш "... бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади»⁶.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш — бу давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларини вужудга келтиришдир.

Хусусийлаштириш — бу давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан алоҳида шахсларга ўтишидир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш йўллари:

- давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш;
- давлат корхоналарини жамоа мулкига айлантириш;
- давлат мулкни чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш;
- мулкни айрим тадбиркор ва фуқароларга маълум шартлар бўйича сотиш;
- чет элликларга сотиш ёки қарз эвазига бериш;
- давлат мол-мулкни «ким ошди» савдоси орқали сотиш.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш усуллари:

- пулли ёки ҳақини тўлаш орқали;
- пулсиз ёки текин;
- имтиёзли.

⁶ Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 202-бет.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндошишнинг хусусиятлари:

- * дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширилиши;
- * мақсадли ва манзил (адрес) ли йўналтирилгани;
- * тўловга асосланиши.

Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари:⁷

- ⊗ хусусийлаштиришнинг амалга оширилаётган ислохотларнинг ички мантиқига бўйсиндирилади;
- ⊗ хусусийлаштириш давлат томонидан бошқарилади;
- ⊗ хусусийлаштиришни ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминлашда қонунларга риоя этилади

→ Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичлари:

→ Биринчи босқич – кичик хусусийлаштириш босқичи (1992–1993й.й.)

- ⊗ уй-жой фонди, савдо, умумий овқатланиш, маҳаллий саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги кичик корхоналар хусусийлаштирилди;
- ⊗ саноат (енгил, маҳаллий), транспорт, қурилиш ва бошқа тармоқлардаги айрим ўрта ва йирик корхоналар ижара ҳамда жамоа корхоналарига, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантилди.

Иккинчи босқич (1994–1995й.й.)

- ⊗ давлат мулкчилигидаги ўрта ва йирик корхоналар ҳиссадорлик жамиятларига айлантилди;
- ⊗ очик турдаги акционерлик жамиятларини вужудга келтириш ва давлат мулкни танлов асосида сотиш амалиёти жорий қилинди;
- ⊗ турли мулкчиликка асосланган кичик ва ўрта хусусий бизнес корхоналари ташкил қилина бошланди.

⁷ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 210-225-бетлар

Учинчи босқич (яқунловчи босқич, 1996й.)

- давлат рўйхатига кирмаган барча объект ва корхоналарни давлат тасарруфидан чиқарила бошланди;
- ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари кенг аҳоли қатлами, шу жумладан, чет эл капитали иштирокини таъминлайдиган очик турдаги жамиятларга айлантирилиб борилди.

Ҳозирги босқичда иқтисодиётни эркинлаштириш билан биргаликда: «Хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш бу борада ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, бу жараёнга тармоқнинг асосини ташкил қилувчи корхоналарни жалб этиш»⁸ ислохотларни чуқурлаштиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар:

Асосий тушунчалар

1. Мулк	6. Мулкдан фойдаланиш
2. Мулк-иқтисодий категория	7. Мулкни тасарруф этиш
3. Мулк-ҳуқуқий категория	8. Мулк ҳуқуқи
4. Ўзлаштириш	9. Манфаатлар
5. Мулкка эгаллик қилиш	10. Иқтисодиётни эркинлаштириш

Қуйидаги жавоблардан тўғрисиини танланг:

а) Мулкдорлик ҳуқуқининг мулк эгаси қўлида сақланиб туриши, яратилган маҳсулотни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли.

б) Кишиларнинг нарсага (мулкка) нисбатан келиб чиқадиган муносабатлар қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларда, давлат томонидан белгиланган ва ҳар бир фуқаро учун мажбурий тартиб-қоидаларни ифодалайди.

д) Мулк бўлган бойликнинг тақдирини мустақил ҳал этиш, яъни ундан келажакда қандай мақсадда фойдаланиш, ишлатишни белгилаш.

⁸ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 63-бет.

е) Мулкка нисбатан, уни ўзлаштириш, хўжалик юритиш учун фойдаланиш жараёнида кишилар ўртасида юз берадиган муносабатлар.

ф) Мулкни ишлатиб, кўзланган мақсадга, натижага эришиш: даромад топиш ёки шахсий эҳтиёжни қондириш.

г) Кишилар ўртасида неъматлар ва улардан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган муносабатларнинг жамият томонидан қабул қилинган қоидалари (қонунлар, анъаналар, урф-одатлар, маъмурий фармойишлар).

х) Чекланган неъматларни қабул қилинган тартиб асосида ўзлаштириш.

и) Мулкчиликнинг мазмунини ифодалаб, эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш яхлитлиги.

ж) Одамлар эҳтиёжининг муносабатлар орқали ифодаланиши.

к) Давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги ҳукмронлигини, монопол мақеини синдириб, иқтисодиётни бошқаришда ягона давлат механизми ўрнига аралаш иқтисодиётга хос бўлган бозор механизмига кенг йўл бериш.

Масала ва машқлар

1. Сентабр ойида давлат корхоналарида 25 минг киши ишлаб 19,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хусусий кичик корхоналарда 22 минг киши банд бўлиб, 17,5 млн. сўмлик маҳсулот яратилди. Чет элликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналарда эса 24 минг киши банд бўлгани ҳолда 30,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўртача ҳар бир ишловчига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини (меҳнат унумдорлигини) ҳисобланг. Меҳнат унумдорлиги нуқтайи назаридан қайси мулк шакли самарали эканлигини аниқланг. Сизнингча бунинг сабаби нимада, изоҳланг.

2. Қўшнингиз эккан бақатерак тезда ўсиб, сизнинг қулупнай эккан ерингизга соя сола бошлади. Сиз келишмовчилик вазиятини ҳал қилиш учун қандай чора қўллаган бўлар эдингиз. Мулк ҳуқуқи нуқтаи назаридан қайси бири энг рационал ҳисобланади?

а) маҳаллий судга мурожаат қиласиз;

б) маҳалла оқсоқолига мурожаат қиласиз;

д) билдирмайгина бақатеракни ейдиган ҳашорот тўла идишни ташлайсиз;

е) қўшни билан терагини қирқса, товон тариқасида 2 челак қулупнай беришга келишасиз;

ф) қулупнай етиштиришга «бор-е деб, қўл силтайсиз».

3. Нима сабабдан маданиятли киши цивилизациялашган дунёда бировнинг нарсасини ўғирламайди?

а) жиноят қилгани учун жазоланишдан қўрқади;

б) жамиятдаги урф-одатларга бўйсинади;

д) бунга унинг ички ахлоқий қарашлари йўл бермайди;

е) келажакда амалдор бўлиш имкони йўқотилади.

4. Қуйидаги келтирилган вазиятларни таҳлил қилиб айтингчи, амалга оширилган фаолият туфайли «мулк ҳуқуқи» дастасининг қайси бир элементи реализация қилинади?

а) Фермер ер участкасини ижарага олди, унда буғдой етиштириб, давлатга сотди.

б) Эркинжон «Нексия» автомобилни сотиб олди ва унда дала ҳовлисига қатнаб турибди.

д) Корхона ўзининг цехи биносини бошқа фирмага ижарага берди.

е) Тадбиркор Одилжон бошқа тадбиркордан унча катта бўлмаган иккита хонани сотиб олди. Битта хонани бузиб, иккинчисини кенгайтириб, таъмирлади.

ф) Хўжалик суди тадбиркор Раҳимовдан ишлатиб турган ускунасининг қарзини тўламагани учун, қарз эвазига олиб қўйишга қарор қилди.

г) Фуқаро Акбарова ўзи яшаб турган уйини ўғилларига васият қилди.

х) Давлат корхонаси бировнинг боғидан автомобил йўли ўтказилди. Бунда унинг эгасига қирқилган дарахтлар учун компенсация тўланмади.

и) Автомобилнинг эгаси ундан фойдаланмай, автостоянкага қўйиб қўйган. Ўртоқлари ундан автомобилдан фойдаланишга рухсат сўрашса бермади.

ж) Уйидаги мулкни ўғирлаб кетишгани учун фуқаро милицияга мурожаат қилди.

к) Суд корхонага тозаланмаган оқавасини анҳорга оқизгани учун жарима солди.

л) Фуқаро мулк қилиб олган ер участкасига ишлов берди. Келажакда уни сотмоқчи эмас.

5. Қуйидаги жадвал рақамларига эътибор беринг. Унда мамлакатимизда 1995–2011 йилларда иқтисодиётни эркинлаштиришни, хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёни акс этган. Берилган рақамлар асосида ташкил этилган нодавлат корхоналари ва унда акционерлик жамиятлари, хусусий корхоналар ва бошқа турдаги корхоналар улушини ҳисобланг.

Ундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Мулкчилик нуқтаи назаридан қарасак, корхона мақоми маҳсулот ишлаб чиқариш турларини танлашда рол ўйнайдими? Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш билан хусусийлаштиришнинг фарқи борми? Иқтисодиётни эркинлаштиришнингчи?

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида ташкил қилинган нодавлат корхоналари сони

6.2-жадвал

Кўрсаткичлар	1995	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2008	2009	2010	2011
Давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар сони	8537	374	1449	1912	1519	1228	980	392	135	96	95
Ташкил этилган нодавлат мулки шаклидаги корхоналар сони	8537	372	1238	1800	1452	1228	980
Акционерлик жамиятлари	1026	152	227	223	75	28	3
Хусусий корхоналар	6036	103	827	1252	981	1038	902
Бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар	1475	117	184	325	396	162	75
Хусусийлаштиришдан тушган маблағ (млрд.сўм)	2,4	14,3	23,3	43,6	56,1	78,4	80,5	130,6	35,7	23,0	39,2

Манба: ЎзР Давлат мулк қўмитаси.

Изоҳ: Бир қатор акциядорлик жамиятлари бир нечта давлат корхоналари мулкни бирлаштириш ёки битта корхона мулкни бўлиш йўли билан ташкил қилинган. Мисол учун, шу тариқа 2005-йили 142 та давлат корхоналари негизда 3 та акционерлик жамиятлари ташкил қилинган.

6. Буюк алломалардан бири Пифагор авлодларга васиятомуз хитоб қилган экан: «Эй, халойиқ! Қонунга эга бўлишдан олдин ахлоқли бўлинг, чунки ахлоқ – инсон ўйлаб топган илк қонун». Сиз бу фикрга нима дейсиз?

7. Олтинчиси ортиқча.

Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Улардан қайси бири ортиқча ва нима сабабдан?

Тушунчалар: тикувчилик цеҳи жойлашган бино, станок, акция, юк машинаси, оиланинг ўзи фойдаланаётган уй анжомлари, кичик корхонадаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун сотиб олинган хомашё.

Т/Н

1. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

2. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларни бузмаслиги керак.

3. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

4. Жамият тараққиётининг барча босқичларига хос бўлган мулк шакли бор. Бу шахсий мулк.

5. Классик иқтисод мактаб вакиллари иқтисодий назарияга «Мулк ҳуқуқи дастаси» тушунчасини киритишди.

6. Иқтисодий манфаатлар кишиларни ҳаракатга келтирувчи, уларнинг саъй-ҳаракатини, интилишини, танловини белгиловчи кучдир.

7. Мулкнинг иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашуви доирасида манфаатлар: шахсий, оилавий, жамоа, жамият манфаатлари сифатида юзага чиқади.

Тестлар

1. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда қайси мулк шакли энг кўп тарқалган ҳисобланади?

- а) акционерлик жамияти;
- б) кооператив;
- д) индивидуал ва хусусий мулк;
- е) жамоа;
- ф) қўшма корхоналар.

2. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш натижалари ўзлаштирилади;

- а) ресурслар кимнинг мулки эканлигига кўра;
- б) меҳнат омили томонидан;
- д) моддий ресурс эгалари томонидан;
- е) менежерлар томонидан;
- ф) давлат томонидан.

3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, бу ...

- а) давлат мулкни фуқароларга сотиш;
- б) давлат мулкни имтиёзли бўлиб бериш;
- д) давлат мулкни нодавлат мулк ва бошқа хўжалик юритиш шаклларига айлантириш;
- е) давлат мулкни хусусий мулкка айлантириш;
- ф) давлат мулкни юридик шахсларга сотиш.

4. Манфаатларнинг бир томондан объективлигига сабаб, ...

- а) ҳар бир кишининг инсон сифатида эҳтиёжи мавжудлиги;
- б) эҳтиёжларнинг объективлиги ва уни қондириш зарурияти;
- д) инсонлар учун умумбашарий қадриятларнинг умумийлиги;
- е) кишиларнинг манфаати мос келиши зарурияти;
- ф) шахсий, гуруҳ, умумжамият манфаатлари мавжудлиги.

5. Манфаатларнинг иккинчи томондан субъективлигига сабаб, ..

- а) инсоннинг шахс, мулк эгаси сифатида манфаатлари мавжудлиги;
- б) инсонлар учун умумбашарий қадриятларнинг мавжудлиги;
- д) субъектнинг шахсий, оила, жамоа, жамият манфаатларини мужассамлаштириши;
- е) манфаат доимо икки субъектга тегишли;

ф) манфаат ҳар бир инсоннинг ўзида мужассамлашган.

6. Акционерлик жамиятида мулк эгалари ким?

- а) жамиятнинг президенти;
- б) бошқарув аъзолари;
- д) назорат кенгаши;
- е) акционерлар;
- ф) ижрочи директор ва менежерлар.

7. Мулккий муносабатларнинг қайси жиҳати тўлиқ мулкдорлик мавқеини таъминлайди?

- а) мулкка эгалик қилиш;
- б) мулкдан фойдаланиш;
- д) мулкни тасарруф қилиш;
- е) мулкни ижарага олиш;
- ф) юқоридагиларнинг барчаси.

8. Иқтисодий муносабатлар тизимида мулкчиликнинг ўрни қандай?

- а) бойлик манбаи;
- б) мулкчилик-ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характерини белгилайди;
- д) мулкчилик-мулкка эгалик муносабатини ифодалайди;
- е) истеъмолчи талабини қондириш вазифасини бажаради;
- ф) ўрнига эга эмас.

9. Манфаатлар тизими нима?

- а) ишлаб чиқарувчининг манфаати;
- б) истеъмолчининг манфаати;
- д) шахсий, жамоа ва давлат манфаати;
- е) иқтисодий манфаат;
- ф) оилавий манфаат.

10. Мулкнинг қайси объекти бевосита шахсий истеъмол қилиниши мумкин?

- а) ишлаб чиқариш воситалари;
- б) табиий бойликлар;
- д) инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти-ишчи кучи;
- е) истеъмол товарлари ва хизматлар;
- ф) меҳнат ашёлари.

11. Қуйидагилардан қайси бири мулк субъекти тушунчасининг мазмунини тўлароқ характерлайди?

- а) мулк объектини ўзлаштирувчилар;
- б) мулкдан фойдаланувчилар;
- д) мулк муносабат иштирокчилари;
- е) ишлаб чиқарувчилар;
- ф) истеъмолчилар.

12. Бозор муносабатларига ўтиш даврида Республика иқтисодиётининг негизини қандай мулк ташкил қилади?

- а) давлат мулки;
- б) жамоа мулки;
- д) аралаш мулк;
- е) хилма-хил мулк;
- ф) чет элликлар мулки.

13. Мулкнинг қуйидаги шаклларида қайси бири алоҳида олинган мулк объекти ва унинг натижалари турли мулкдорлар иштирокида ўзлаштирилишини билдиради?

- а) хусусий;
- б) шахсий;
- д) жамоа;
- е) аралаш;
- ф) давлат.

14. Мулкнинг давлат тасарруфидан чиқаришнинг қайси йўли эркин тадбиркорликка кенг имкониятлар очиб беришни кўзда туттади?

- а) хиссадорлик жамиятига айлантириш;
- б) жамоа мулкига айлантириш;
- д) ижарага бериш;
- е) хусусийлаштириш;
- ф) чет элликларга сотиш.

15. Ўзбекистонда хусусийлаштиришга ёндошишнинг муҳим хусусияти нимадан иборат?

- а) дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширилади;
- б) адресли йўналтирилганлиги;
- д) чет эл тажрибаси бўйича;

- е) ваучер орқали;
- ф) тўловлиги.

Мулкчилик билан боғлиқ бош социал-иқтисодий масалалар


- Ⓜ Ишлаб чиқариш омиллари ва натижалари қандай ўзлаштирилади?
- Ⓜ Қандай иқтисодий алоқалар, ўзлаштириш ресурслардан самарали фойдаланиш имконини яратади?
- Ⓜ Хўжалик фаолияти юритишдан олинадиган даромад кимга тегишли бўлади ва қандай тақсимланади?


Мулкчилик иқтисодий муносабатларнинг ягона тизими сифатида:

- ишлаб чиқариш омиллари ва натижаларини ўзлаштириш;
- иқтисодий ресурслардан хўжалик юритишда фойдаланиш;
- мулкчиликни иқтисодий реализация қилишни амалга ошириш.

Билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ҳар бирига мисол келтира оласизми?

Мулк турлари ва шакллари





6.2-чизма.

Шахсий мулк хусусий мулкдан нимаси билан фарқланади? Уни қайси гуруҳга киритиш мумкин? Сиз мулкни шундай гуруҳлашга қўшиласизми?

Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар тақсимотининг таркиби (%)

6.3-жадвал

Тақсимланиш йўналишлари	2003	2004	2005	2007	2008	2009	2010	2011
Республика бюджети	32,0	39,7	42,7					
Маҳаллий бюджет	8,1	19,9	10,6					
Савдо-саноат палатаси	4,9*	3,4	2,2					
Давлат монополиядан чиқариш кўмитаси	-	1,0	0,6					
Хусусийлаштирилаётган корхоналар	8,1	3,3	1,1					

Алоҳида ҳукумат қарорлари асосида тақсимланган	46,9	37,1	42,8					
ЖАМИ	100	100	100					

Жадвалдаги рақамларга эътибор қаратинг. Уни кейинги йил маълумотлари билан тўлдириш. Улар асосида хулоса чиқаринг.

Рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулк шаклларига кўра тақсимланиши

6.4-жадвал

	Жамига нисбатан улуши, % да				
	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.
ЖАМИ	100	100	100	100	100
Давлат корхоналари	7	7	7,3	7,8	7,5
Хусусий корхоналар	21,1	20,8	20,8	21,2	20,6
Фермер ва деҳқон хўжаликлари	56,4	56,1	54,3	51,6	50,8
Акционерлик жамиятлари	0,4	0,4	0,3	0,2	0,2
Кўшма корхоналар	0,9	0,9	0,9	0,9	0,9
Бошқалар	14,3	14,8	16,4	18,3	20,2

Жадвалдаги рақамларга эътибор қаратинг. Кейинги жадвал рақамлари билан биргаликда қандай хулоса чиқариш мумкин?

ЯИМнинг мулк шаклларига кўра таркиби

6.5-жадвал

	Жамига нисбатан улуши, % да				
	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.
ЖАМИ	100	100	100	100	100
Нодавлат мулк ҳиссаси	79,3	79,4	81,3	81,8	82,5
Шу жумладан					
Аҳоли мулки	34,1	32,4	30,8	29,9	31,3
Фермер хўжаликлари	7,0	6,5	6,7	6,8	6,5
Деҳқон хўжаликлари	0,2	0,2			
Хўжалик бирлашмалари	24,0	24,3	24,7	26,9	27,0
Кўшма корхоналар	8,9	12,8	16,2	14,9	19,9
Бошқалар	5,1	3,2	2,9	3,3	3,8
Давлат мулк ҳиссаси	20,7	20,6	18,7	18,2	17,5

Жадвалда келтирилган рақамларга эътибор қаратинг. ЯИМ яра-тишла нодавлат сектори улушининг деярли 80% етиши қандай юз берган деб ўйлайсиз? Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш неча босқичга бўлинади ва улар қандай фарқланади? Кичик гуруҳлар чиқарган хулосаларни дарсда муҳокама қилинг

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

1ё); 2г); 3б); 4ж); 5а); 6д); 7в); 8е); 9з); 10и).

Масала ва машқлар:

1. Ҳар бир кишига ўртача тўғри келадиган маҳсулот (меҳнат унумдорлиги) давлат мулкчилигига асосланган корхоналарда 78000 сўм, хусусий корхоналарда 79500 сўм, қўшма корхоналарда 127100 сўм. Демак, қўшма корхоналарда энг самарали.

2. Тўғри жавоб г).

3. а), б) ва д) жавоблар тўғри

4. а) Вақтинча эгалик, назорат қилиш, фойдаланиш, бошқариш, тасарруф қилиш ва даромад олиш ҳуқуқи.

б) Эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш, тасарруф қилиш ҳуқуқи.

д) Фойдаланиш ҳуқуқи.

е) Эгалик қилиш, тасарруф қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи.

ф) Қарзини тўлаш жавобгарлиги, мулкдан қарзини тўлаш учун фойдаланиш ҳуқуқи.

г) Тасарруф қилиш, мерос қолдириш ҳуқуқи.

х) Мулк ҳуқуқи бузилди.

и) Эгалик қилиш, тасарруф қилиш ҳуқуқи.

ж) Мулк ҳуқуқи бузилди.

к) Ташқи муҳитга, бировга зарар келтирадиган тарзда фойдаланиш усуллари тақиқлаш ҳуқуқи.

л) Эгалик қилиш, тасарруф қилиш, фойдаланиш ҳуқуқи.

5. Ортиқчаси оиланинг ўзи фойдаланаётган уй анжомлари, у шахсий мулк. Қолганлари хусусий мулк, улар даромад топиш учун фойдаланилади.

Т/Н

1.Т (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 53-модда); 2Т(54-модда); 3Т(55-модда); 4Т; 5Н(неоинституционал йўналиш намоёндалари киритишган); 6Т; 7Т.

Тестлар:

1а); 2а); 3в); 4б); 5д); 6г); 7в; 8б); 9в); 10г); 11в); 12г); 13г); 14г); 15а).

II БЎЛИМ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

7-МАВЗУ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

1-§. Бозор иқтисодиёти ва уни вужудга келиши. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари

Бозор иқтисодиёти — бу хусусий мулк устунлигига асосланган ҳамда иқтисодий жараёнлар бозор механизми ёрдамида бошқариладиган ва тартибга солинадиган иқтисодиётдир.


Бозор иқтисодиёти субъектлари

→ **Уй хўжаликлари** — иқтисодиётнинг истеъмолчилик соҳасини ташкил қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари ресурсларни етказиб берувчи ва ишлаб чиқарувчи ҳам ҳисобланади.

→ **Корхона, фирма ёки тадбиркорлик сектори** — иқтисодий ресурсларнинг истеъмолчиси, иқтисодиётнинг бирламчи бўғини ва товар (хизмат)ларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

→ **Давлат** — иқтисодий ресурслар ва товарлар истеъмолчиси ҳамда ижтимоий истеъмол характеридаги неъматлар билан таъминловчи ҳисобланади.

Бозор механизми — бозор иқтисодиётининг табиати тақозо қиладиган иқтисодий жараёнларни бошқариш ва уйғунлаштиришга қаратилган иқтисодий дастак ҳамда воситалардир.



Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари	
→	Хусусий мулк устуворлиги
→	Тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги
→	Иқтисодий манфаатларнинг рағбатлантирилиши
→	Давлат ролининг чекланганлиги

Барча иқтисодий тизимларга хос бўлган белгилар	
➤	Илғор технология ва янги техникадан кенг миқёсда фойдаланиш
➤	Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиши ва кооперацияси ;
➤	Пул ва унга тенглаштирилган молиявий воситаларнинг қўлланилиши.

Бозор иқтисодиётининг асосий муаммолари

Муаммолар
(5 савол)

Ечимлар
(5 жавоб)

1. Нима ишлаб чиқариш зарур?	→	Фойда келтирадиган товарлар ишлаб чиқарилади, зарар келтирадиганлари ишлаб чиқарилмайди.
2. Қандай ишлаб чиқариш зарур?	→	Янги техника ва технологияга асосланган корхоналарда ишлаб чиқариш зарур.

3. Қанча ишлаб чиқариш зарур?	→	Талаб ва иқтисодий ресурслар тақозо қиладиган миқдорда ишлаб чиқарилади
4. Ким учун ишлаб чиқариш зарур?	→	Аҳолининг алоҳида табақалари (юқори, ўрта ва кам таъминланганлар) талабини ҳисобга олиб ишлаб чиқариш ташкил қилинади.
5. Иқтисодий тизим рўй берадиган ўзгаришларга мослаша оладими?	→	Бунда мавжуд иқтисодий тизим бозор иқтисодиёти муҳитига мослаша олишлик даражаси ҳисобга олинади.

Фойда олиш ёки зарар кўриш мумкинлиги корхона умумий даромадларини барча харажатлари билан таққослаш орқали аниқланади.

корхона умумий пул даромади (товар бирлиги нархи X сотиладиган товар, хизматлар миқдори)	—	ишлаб чиқаришга қилинган барча харажат (ресурс бирлиги баҳоси X фойдаланилгани ресурс миқдори)	=	Фойда ёки зарар миқдори
---	---	--	---	-------------------------

2-§. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва камчиликлари

Афзалликлари	
→	Ресурсларни самарали тақсимлайди.
→	Эркинликни таъминлайди.
→	Иқтисодий фаолликни рағбатлантиради.
→	Хўжасизлик ва исрофгарчиликка барҳам беради.

Камчиликлари

- Рақобатнинг кучсизланишига йўл қўяди (корхоналарнинг қўшилиб кетиши, монопол тизимларнинг вужудга келиши, хуфёна келишув шафқатсиз рақобат ва иқтисодиётга давлат аралашуви кучайиши ҳамда техника тараққиёти натижасида).
- Даромадлар тенгсизлигининг кучайишига ва аҳолининг мулкый табақаланишига олиб келади.
- Товарлар ва хизматлар ҳажми ва пул массаси ўртасидаги рўй бериб турадиган номувофикликларни бартараф эта олмайди.
- Қайта тикланмайдиган ресурсларни асраш, табиатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни таъминлашга лаёқатли эмас.
- Иш ҳақи билан нархлар даражаси барқарорлигини кафолатламайди.
- Тезда фойда келтирмайдиган ёки жамият ва келажак учун муҳим бўлган фундаментал тадқиқотлар олиб бориш имконияти чекланган.
- Ижтимоий истеъмол характеридаги товар ва хизматлар билан таъминлаш лаёқатига эга эмас.

Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар:

Асосий тушунчалар:

1. Туб белгилар
2. Бозор (аралаш) иқтисодиёти
3. Дастлабки бозор иқтисодиёти
4. Эркин(классик) бозор иқтисодиёти
5. Деформациялашган бозор иқтисодиёти
6. Бозор иқтисодиёти белгилари
7. Бозор иқтисодиёти объекти
8. Бозор иқтисодиёти субъектлари

Қуйидаги жавоблардан тўғрисиини танланг:

- а) Давлатнинг мулк монополияси, маъмурий буйруқбозликка асосланган марказий режалаштирилган иқтисод.

б) Ҳар бир ходиса, жараён, тизимнинг бошқалардан ажратиб турувчи, унинг сифат жиҳатдан фарқланишига сабаб бўлган хусусиятларга айтилади

д) Турли-туман мулкчилик ва иқтисодий фаолият эркинлигига, аралаш тарзда тартибга солишга асосланган, ҳар бир инсонни ўз фаолият натижасини ўйлаб, оқилона хўжалик юритишга ундовчи демократик иқтисодиёт.

е) Муносабатлар ва алоқалар нимага қаратилганлигини, нимага нисбатан юз беришини ифодалайди. Бозор иқтисодиётининг объекти товар ва пул (пул массаси)дир.

ф) Товар ишлаб чиқариш вужудга келиши билан шакллана бошлаган, оддий товар ишлаб чиқариш ҳукмрон иқтисодиёт.

г) Якка хусусий мулкчилик, эркин рақобатчилик, бозорга хос муносабатлар ҳукмрон иқтисод. Унинг дастлабки босқичи билан кейинги босқичлари фарқланади.

х) Муносабатлар, алоқалар кимлар ўртасида юз беришини ифодалайди. Бозор иқтисодиёти субъектлари: уй хўжалиги, фирма (корхона), давлат.

и) Бозор иқтисодиётининг бошқа социал-иқтисодий тизимлардан фарқланишига сабаб бўлувчи хусусиятлари.

Масала ва машқлар

1. Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётда барча ишлар юқоридан бериладиган буйруқ билан амалга оширилади. Бу қандай оқибатларга олиб келишини қуйидаги масала ёрдамида кўриб чиқамиз.

Шаҳарда бўйи 64 м. ва эни 64 м. автомобил тўхташ жойи бор. Мамлакатда 3 хил автомобил бўлиб, енгил автомобил эни 2 м. ва бўйи 4 м. жой эгалласин. Ўртача автомобиллар эса эни 3 м. ва бўйи 6 м., катта автомобиллар эни 4 м. ва бўйи 8 метрли жойни эгалласин дейлик. Машинасини тўхташ жойига қўймоқчи бўлган учала турдаги автомобил шофёрлари жуда кўп. Айтайлик,

а) автомобил тўхташ жойини энг қисқа муддат давомида тўлдириш зарур деган буйруқ олинди. У ҳолда автомобиллар қандай тарзда жойлаштирилган бўларди? Нима сабабдан, изоҳланг;

б) автомобил тўхташ жойига энг кўп машина сиғдиришига кўра мусобақа ғолибига мукофот берилади деган буйруқ олинди. Ундай буйруқ нимага олиб келади, изоҳланг;

д) барча автомобил турлари тенг миқдорда жойлаштирилсин, деган буйруқ олинди. У ҳолда нечтадан автомобил сиғиши мумкин, изоҳланг.

Бозор иқтисодиёти шароитида бу масала қандай ҳал этилган бўлар эди? Фикрингизни билдиринг.

2. Корхонада катталар палтосини тикиш учун моддий харажатлар 70 минг сўмни ташкил қилади. Агарда ёқасига мўйна ўрнатилса, 140 минг сўмга етади. Болалар пальтоси учун эса 30 минг сўм харажат қилинади. Меҳнат сарфи бир хил бўлиб, ўртача 30 минг сўмга тўғри келади. Агар ҳар бир пальтодан олинadиган фойда харажатларга нисбатан 10% ни ташкил қилса, корхона режани тезда бажариш учун қандай туридан пальтони ва қанча тиккан бўлар эди. Корхона қуввати кунига 50 та пальтога тенг. Иш куни 24 кун ва бир сменали деб ҳисобланг.

1) Агар мўйна ёқали, оддий ёқали ва болалар палтоларига талаб тенг десак, талаб бўйича палто тикканда корхона режани неча фоизга бажарган бўлар эди?

2) Қандай турдаги палтоларни тикиш билан корхона режани бажариши мумкин? а) У қандай оқибатга олиб келади? б) Бозор иқтисодиётида бу масала қандай ҳал этилади?

3. Ишлатилган компьютерлар бозорида икки гуруҳ сотувчилар мавжуд. Бир гуруҳ сотувчилар кам ишлатилган, ҳали анча-мунча фойдаланса бўладиган, техник жиҳатдан яхши компьютерлар билан савдо қилишади. Сотувчилар уларни 400 минг сўмдан камига беришмайди. Потенциал харидорлар эса 450 минг сўмгача тўлашга тайёр.

Иккинчи гуруҳ сотувчилар ўз ресурсини деярли тўла ишлатиб бўлган компьютерларни сотишади. Улар 150 минг сўмдан юқори ҳар қандай нархга сотишга тайёр. Истеъмолчилар бундай компьютерларга 180 минг сўмдан ортиқ пул тўлашмайди. Ахборот ассиметрияси туфайли бозорда компьютерларни сотиш нархи қанча бўлади? У қандай оқибатларга олиб келади?

4. Сиз «Panasonic» фирма магазинидан видеомагнитофонни 500 минг сўмга сотиб олишингиз мумкин. Худди шундай магнитофон «Ипподром» бозоридаги аудио-видео техника растасидан 400 минг

туради. Бошқа шароитлар тенг. Бу фарқнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

Т/Н

1. Маъмурий буйруқбозлик тизими социалистик доктринага асосланган бўлиб, унинг ўзига тортадиган жиҳати, кишилик жамияти доимо диққатини қаратган 2 муаммони ечишни зиммасига олиши бўлиб, бу:

а) нотинчликни йўқ қилиш;

б) жамият ва ҳар бир кишининг ҳаётини жамиятнинг юқори органлари томонидан тартибга солиш, иқтисодиёт ва жамиятнинг бошқа соҳаларини рационал ва илмий бошқариш орқали инсоннинг бахтли яшашини таъминлаш.

2. Маъмурий буйруқбозликка таянган социализм «халқпарварлик» ғоясини илгари суришига қарамай, инқирозга юз тутди. XX аср тарихида марказий ўринни реал социалистик жамиятнинг вужудга келиши, ривожланиши, инқирози эгаллайди.

3. Маъмурий буйруқбозликка таянган социализмнинг инқирозга учрашига сабаб, унинг хусусий мулкни, бозорни, рақобатни тан олиш, жамиятнинг демократиялашуви принципларига амал қилиши бўлди.

4. Марказдан режалаштиришга асосланган социалистик тизим хўжалик юритишда маъмурий бошқаришга асосланиши мувозанат бузилгани, ҳаёт кечириш даражаси пастлиги ва фан-техника тараққиётини қабул қилмаслиги билан ажралиб турган.

5. Бозор иқтисодиёти ҳозирги даврга қадар ўз ривожланишида қатор босқичларни босиб ўтди.

6. Бозор (аралаш) иқтисодиёт мукамал иқтисодиёт бўлгани учун ҳам умуминсоний иқтисодиёт деб аталади.

7. Бозор иқтисодиётида эркин иқтисодий фаолият юритишнинг асоси мулкнинг турли-туманлиги ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан бир хилда муҳофаза қилинишидир.

8. Бозор иқтисодиётининг заиф томонлари давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар орқали йўқотилади.

9. Иқтисодиёт назариясида одамларнинг таваккалчилик хатарига муносабатларини ҳисобга олиб, уларни уч гуруҳга: таваккалчиликка нейтрал, таваккалчиликка ўч, ишқивоз; таваккалчиликни ёқтирмайдиган ёки унга қаршиларга ажратади.

10. Одилжон уйининг ёнидаги магазиндан 70 минг сўмга костюм - шим олмай, бозорга бориб келиш учун 1000 сўм сарфлаб, худди шундай костюм - шимни 68 минг сўмга сотиб олди. У тўғри қилди. Бунда санок нуқтаси самараси ҳеч қандай рол ўйнамайди.

11. Бозорда «Нобоп танлов»нинг юз беришидан манфаатдор шахслар ахборотнинг ассимметрик тарқалишига ҳаракат қилишади.

12. Бозор иқтисодиётида олиб-сотарлик ва чайқовчилик бўлмайди.

Тестлар

1. Социалистлар инсон тенглиги деганда, энг аввало, биринчи ўринга ...ни қўйишган.

- а) моддий тенглик;
- б) ҳуқуқий тенглик;
- д) қонунлар олдидаги тенглик;
- е) сиёсий ҳуқуқда тенглик;
- ф) ҳудудий тенглик.

2. Давлат мулк монополияси ва мажбурий режалаштиришга асосланган тизимнинг текисчилик ғояси билан қўшилиб кетиши қуйидагиларга олиб келган:

- а) моддий неъматларнинг адолатли тақсимооти;
- б) моддий неъматларнинг ноиқтисодий тақсимооти;
- д) номоддий неъматларнинг адолатли тақсимооти;
- е) номоддий неъматларнинг иқтисодий тақсимооти;
- ф) жамиятда адолат ўрнатилишига.

3. Бозор (аралаш) иқтисодиёти асосини ... ташкил этади.

а) мулкчиликнинг турли-туманлиги ва уларнинг тенглиги қонун томонидан бирдай муҳофаза қилиниши;

б) хусусий мулкчиликнинг қонун асосида алоҳида қўллаб-қувватланиши;

д) ҳамкорликдаги мулк алоҳида қўллаб-қувватланиши;

е) жамоа мулкига алоҳида эътибор берилиши;

ф) давлат мулкчининг асосий ўрин тутишининг таъминланиши.

4. Бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч, бу - ...

а) иқтисодий фаолият эркинлиги, хусусий мулкнинг устунлиги, даромадларни чекланмаганлиги;

б) иқтисодий фаолият эркинлиги, рақобат, даромадларни чекланмаганлиги;

д) рақобат, давлатнинг қўллаб-қувватлаши, даромадларни чекланмаганлиги;

е) иқтисодий фаолияти эркинлиги, давлатнинг қўллаб-қувватлаши, даромадларнинг чекланмаганлиги;

ф) рақобат, иқтисодий фаолияти эркинлиги, хусусий мулк устунлигидир.

5. Бозор иқтисодиётининг объекти:

а) товар, корхона;

б) товар, жамоа хўжалиги;

д) товар, пул (агрегати)

е) пул, корхона;

ф) пул, пул комплексидир.

6. Бозор иқтисодиётининг субъекти:

а) фирма, корхона, уй хўжалиги, товар;

б) фирма, корхона, уй хўжалиги, давлат, пул;

д) фирма, корхона, уй хўжалиги, молиявий институтлар;

е) фирма, корхона, давлат, молиявий институтлар;

ф) фирма, корхона, уй хўжалиги, давлат, молиявий институтлар.

7. Бозор иқтисодиётининг муҳим афзалликларидан бири чекланган ресурслар шароитида:

а) иқтисодий ресурсларни самарали тақсимлаш;

б) ресурсларни қимматга сотиш;

д) ресурсларни арзон сотиб олиш;

е) ресурсларни қимматга сотиб олиш;

ф) ресурсларни арзон сотишни таъминлаш.

8. Фаолият натижаси қандай бўлиши эҳтимолини билган ҳолда, бари бир оқибати қандай тугашини аниқ, айтиб бўлмайдиган вазият, яъни ноаниқлик ... ни ифодалайди.

а) таваккалчилик ютуғи;

б) риск мардлик белгиси;

д) хатарнинг намоён бўлиши;

е) таваккалчилик хатари;

ф) таваккалчилик натижаси.

9. Биз кўпинча сифатсиз товар сотиб олганимизда алдаган сотувчини жазолашга уринмаймиз. Сабаби, ...

- а) юз - хотир қиламиз;
- б) раҳмимиз келади;
- д) асабимизни бузишни хоҳламаймиз;
- е) олган нафимиз, қилган трансакцион харажатларимизни қопламайди;
- ф) сифатсиз бўлса ҳам зарур.

10. Чайқовчилик фаолияти ...

- а) қонун асосида иш юритувчи тадбиркорлар учун рискни орттиради;
- б) нархларнинг беқарорлиги тамойилини кучайтиради;
- д) иқтисодий бум ва рецессияга олиб келади;
- е) доимо фойда олишга олиб келади;
- ф) тадбиркорлар учун рискни камайтиради.

11. Қуйидаги таърифлардан қайси бири бозор иқтисодиётининг моҳиятини тўлароқ характерлайди?

- а) меҳнат тақсимоти мавжуд бўлган иқтисодиёт;
- б) иқтисодий субъектлар фаолияти эркин амалга ошириладиган иқтисодиёт;
- д) бу хусусий мулк устунлигига асосланган ҳамда иқтисодий жараёнлар бозор механизми ёрдамида бошқариладиган ва тартибга солинадиган иқтисодиётдир.
- е) урф-одат, удумлар ва анъаналарига асосланган иқтисодиёт;
- ф) юқоридагиларнинг барчаси.

12. Бозор иқтисодиётининг қайси субъекти иқтисодий ресурсларни етказиб берувчиси ва пировард маҳсулотларнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланади?

- а) уй хўжаликлари;
- б) корхоналар;
- д) давлат ташкилотлари;
- е) давлат муассасалари;
- ф) чет элликлар.

13. Қуйидагилардан қайси бири бозор иқтисодиётининг тартибга солувчи механизмнинг таркибий қисмини характерлайди?

- а) нарх, талаб ва таклиф;
- б) рақобат, талаб ва таклиф;
- д) нарх, рақобат, талаб ва таклиф;
- е) нарх, солиқ, рақобат, давлат ижтимоий дастурлари;
- ф) талаб ва таклиф.

14. Бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси нима?

- а) мулкнинг турли-туманлиги;
- б) тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги;
- д) давлат манфаатини рағбатлантириш;
- е) халқ манфаатини ҳисобга олиш;
- ф) якка мулк ҳукмронлиги.

15. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг қайси йўлида оддий товар хўжалигидан рақобатга асосланган капитализм ва ундан маданий-лашган бозор иқтисодиёти томон борилади?

- а) ривожланган мамлакатлар (ғарбча модел) йўли;
- б) собиқ социалистик мамлакатлар йўли;
- д) ривожланаётган мамлакатлар йўли;
- е) анъанавий иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар йўли;
- ф) юқоридагилар барчаси.

16. Бозор механизмининг таркибий қисмларидан қайси бири тадбиркорларга ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш зарурлигини, уй хўжалиқларига эса мавжуд даромадларига қанча маҳсулот истеъмол қилиши мумкинлигини кўрсатиб беради?

- а) рақобат;
- б) нархлар;
- д) талаб;
- е) таклиф;
- ф) эҳтиёж.

17. Бозор иқтисодиётида бозор, ишлаб чиқариш кимнинг измига бўйсунди?

- а) ишлаб чиқарувчиларнинг;
- б) истеъмолчининг;
- д) ресурсларни етказиб берувчиларнинг;
- е) хизмат кўрсатувчиларнинг;
- ф) давлатнинг.

18. Бозор иқтисодиётининг салбий томони нимада намоён бўлади?

- а) ресурсларни тақсимлашда;
- б) эркинликни таъминлашда;
- д) пул даромадларининг нотекис тақсимланишида;
- е) давлатнинг иқтисодиётда чекланган рол ўйнашида;
- ф) нархлар эркин ташкил топишида.

19. Қуйидагилардан қайси бири бозор муносабатларининг моҳиятини тўлароқ характерлайди?

- а) такрор ишлаб чиқариш муносабати;
- б) моддий неъматларни тақсимлаш жараёнидаги муносабатлар;
- д) товар (хизмат)ларни айирбошлаш жараёнида бозор субъектлари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар;
- е) ижтимоий ва сиёсий муносабатлар;
- ф) ташкилий-иқтисодий муносабатлар.

20. Бозор иқтисодиётининг энг асосий шарти (тамойили) нима?

- а) тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги;
- б) даромадларни бир текис тақсимлаш;
- д) ишлаб чиқариш воситаларидан кенг фойдаланиш;
- е) иқтисодиёт ривожланишини барқарорлаштириш;
- ф) иқтисодиёт давлат томонидан тартибга солиниши.

21. Бозор иқтисодиётининг асосий афзаллиги нимадан иборат?

- а) ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш;
- б) аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;
- д) иқтисодий ресурсларини самарали тақсимлаш;
- е) иқтисодий ривожланишнинг барқарорлигини таъминлаш;
- ф) даромадлар тенгсизлигини бартараф қилиши.

22. Бозор иқтисодиёти қуйидагиларга кафолат беради?

- а) товарларнинг етарли ишлаб чиқарилишига;
- б) ресурсларнинг самарали тақсимланишига;
- д) пулнинг қадрсизланмаслигига;
- е) инфляциянинг мавжуд бўлмаслигига;
- ф) иқтисодий фаровонликка.

Бозор иқтисодиётининг туб белгилари:

- мулкчиликнинг турли-туманлиги ва ҳуқуқий жихатдан тенглиги. Хусусий мулк устуворлиги;
- иқтисодий эркинлик. Нархларнинг либераллашуви;
- манфаатларнинг рағбатлантирилиши;
- иқтисодиётга давлат аралашуви чекланиб, бозор механизмига кенг йўл берилиши;
- тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши;
- рақобатчилик муҳитининг яратилиши.


7.1-чизма.

Бозор иқтисодиётининг туб белгилари деганда нимани тушуна-
насиз? Сиз уларга яна нималарни қўшган бўлардингиз? Фикрла-
рингизни асослаб беринг.

Бозор иқтисодиёти афзалликлари ва камчиликлари

Афзалликлари:

- Ресурсларни самарали тақсимлайди.
- Иқтисодий эркинликни таъминайди.
- Бозорнинг мослашувчанлиги ва сафарбарлигининг юқорилиги.
- Тежамли хўжалик юритишни рағбатлан-
тиради ва исрофгарчиликка барҳам беради.
- Мулкдан асраб-авайлаб фойдаланилади.
- Фан-техника ютуқларини тезда жорий
қилинишга имкон яратади.
- Ташаббускорлик ва ишбилармонликни
рағбатлантиради.
- Рақобат асосий ўринда туради.
- Ишлаб чиқариш истеъмолчи манфаат-
ларига, харидор измига бўйсунди.
- Даромад топишнинг чекланмаслигини
таъминлайди.




7.2-чизма.

Бозор иқтисодиёти афзалликлари ва камчиликларини солиштиринг. Нима сабабдан кишилик жамияти бозор иқтисодиёти тизимини танлаганини асослаб беринг.

Сиз, кўрсатилганларга яна нималарни қўшган бўлар эдингиз?

Бозор иқтисодиётининг субъектлари



7.3-чизма

Уй хўжалиги: бир ёки бир неча кишидан иборат оила. У меҳнат ресурслари етказиб беради. Бошқа ресурсларнинг эгаси ҳисобланади. Яратилган маҳсулотлар истеъмолчиси.

Фирма, корхона: иқтисодий фаолият юритувчи хўжалик субъектлари бўлиб, иқтисодий ресурсларни сотиб олиб, ишлаб чиқариш омилларига айлантиради. Улардан маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда фойдаланилади. Фойда олиш учун ҳаракат қилади.

Молиявий институтлар: бозор ва фирма (корхона)ларнинг нормал фаолият юритишини таъминлайдилар.

Давлат: унинг барча идора, маҳкама ва ташкилотлари мамлакатнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун ҳуқуқий, сиёсий ҳокимият орқали хўжалик субъектларини, бозорни зарур даражада назорат қилади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш ва истеъмол билан ҳам шуғулланадилар.

Сиз яна нималарни қўшардингиз ёки аксинча?

Жавоблар:

Асосий тушунчалар:

1б), 2в), 3д), 4е), 5а), 6ж), 7г), 8ё);

Масала ва машқлар:

1а) 128 та катта автомобил жойлаштирилади. Кичик ва ўртача автомобил эгалари норози бўладилар.

б) 512 та кичик автомобил жойлаштирилади. Катта ва ўртача машина эгалари тўхташ жойига қўйилмагани учун норози бўладилар.

д) Ҳар бирдан 70 тадан автомобил жойлаштирилади, лекин 32 кв. метр жой бўш қолади. Бозор иқтисодиётида шароитга кўра талаб ва таклиф нисбатига қараб қарор қабул қилинади.

2. 24 иш кунида ўртача 1200 та пальто

1) тенг миқдорда тикилса, режа 67,3% бажарилади.

2) корхона энг қиммат мўйна ёқали пальтони тикиб, режани 104,1% га бажаради.

а) Натижада нисбатан арзон пальто ва болалар палтоси етишмайди ёки умуман йўқ.

б) Бозор иқтисодиёти шароитида пальто бозорнинг талабига кўра ишлаб чиқарилади. Етишмаса ишни 2 сменада ташкил қилиш мумкин ёки аксинча ортиқча бўлса, пальто тикишни камайтириш мумкин, яъни бозор талабига мослашган ҳолда ишлаб чиқарилади.

3. Сотилар нархи 315 минг сўм даражасида ўрнатилади. Бу ўз навбатида сифати юқори товарни сифати паст товарлар сиқиб чиқаришига олиб келади.

4. Магнитофоннинг сифати ҳақида ахборотнинг етарли эмаслиги катта риск билан боғлиқ.

Т/Н

1Т; 2Т; 3Н; 4Т; 5Т; 6Н; 7Т; 8Н; 9Т; 10Н; 11Т; 12Н.

Тестлар

1а); 2б); 3а); 4б); 5в); 6д); 7а); 8г); 9г) ; 10б); 11в); 12а); 13в); 14а); 15а); 16б); 17б); 18в); 19в); 20а); 21в); 22б).

8-МАВЗУ. ЎТИШ ДАВРИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари

Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари	
→	• Ривожланган мамлакатлар йўли. Бу ғарбча модел деб ҳам аталиб, бунда оддий товар хўжалигидан эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиётига ва ундан ҳозирги замон маданий жиҳатдан ривожланган бозор иқтисодиётига ўтилади.
→	• Ривожланаётган мамлакатлар йўли. Бу мустақил ривожланаётган мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли бўлиб, унда қолоқ, анъанавий иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтилади.
→	• Собиқ социалистик мамлакатлар йўли. Бу йўлнинг хусусияти, бир-бирига бутунлай қарама-қарши бўлган бир иқтисодиётдан бошқасига, яъни марказлаштирилган, маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан ҳозирги замон ривожланган бозор тизимига ўтилади.

Бир иқтисодий тизимдан (маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан) бошқа иқтисодий тизимга (бозор иқтисодиётига) ўтиш йўллари:

→	• Революцион йўл – катта тўнтаришлар қилишни тақозо қилади ва бунда «караҳт қилиб даволаш» усули кенг қўлланилади. Польша, Чехословакия, Россия ва бошқа айрим мамлакатлар бу йўлни танлаган.
→	• Эволюцион йўл — аста-секинлик билан революцион тўн-таришларсиз, босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтишни кўзда тутади. Ўзбекистон ва бошқа айрим собиқ социалистик мамлакатлар мазкур йўлни танлаган.

«Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделimiz республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини анъаналар, урф-одатлар ва турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бир ёқлама бесўнақай ривожлантиришнинг мутҳиш меъросига барҳам беришга асосланади»⁹.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад:

Ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо қилиш.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи бутунлай янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий негизларини яратишга давлатчилиқни шакллантириш ва мустаҳкамлашга, эскича фикрлаш тарзларини онгимиздан чиқариб ташлашга қаратилади.

Иккинчи босқич бозор тизимларининг шаклланиши тугалланадиган давр бўлиб, солиқ, молия ва пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштиришни, бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни кўзда тутди.¹⁰


Ўзбекистонда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга Президентимиз И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта муҳим тамойил асос қилиб олинди

- ☉ Иқтисодиётни мафкурадан ҳоли қилиш, унинг устунлигини таъминлаш.
- ☉ Ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши.
- ☉ Бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланиши, қонунларнинг устуворлиги таъминланиши.
- ☉ Бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш.
- ☉ Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида қуйидаги икки вазифани бирданига ҳал этишни мақсад қилиб қўйди:

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998, 101, 102 бетлар.


¹⁰ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998, 185-331 бетлар.




Тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш

Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш¹

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари:

- 
- Иқтисодий ислоҳотлар ҳуқуқий негизини яратиш;
 - Давлат мулкани хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш;
 - Институционал ўзгаришлар ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимини тугатиш.
 - Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда аграр муносабатларнинг янги турини шакллантириш.
 - Нархларни эркинлаштириш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш.
 - Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш.
 - Ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаш.
 - Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши.
 - Иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий барқарорликни таъминлаш.

Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг устувор йўналишлари:

- 
- Хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш;
 - Макроиқтисодий барқарорликка эришиш;
 - Миллий валюта қадрини ошириш;
 - Чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш.

2-§. Республикада бозор ислохотларини амалга ошириш ва унинг асосий йўналишлари

Иқтисодий ислохотлар — бу иқтисодиётда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари:

- • Аграр ислохотлар
- • Молия-кредит ва нарх-наво тизими ислохоти.
- • Бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфратузилмасини яратиш.
- • Ташқи иқтисодий алоқалар ислохоти.
- • Ижтимоий ислохотлар

Республикада иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бўйича амалга оширилган ишларнинг асосий йўналишлари

- • Давлат ва иқтисодий мустақилликнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатнинг бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиши.
- • Тизимдаги ўзгаришларга, янги иқтисодий муносабатларга ва шу жумладан, мулкчилик муносабатларига асос бўладиган қонунлар тизимини яратиш.
- • Кишиларнинг конституцион ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий кафолатларини ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлайдиган қонунлар.
- • Хўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмни яратишга қаратадиган қонунлар.
- • Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий меъёрларни яратиш.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устуворлик берилишининг асосий сабаблари:

• Республика иқтисодиётида аграр соҳа устунликка эгаллиги, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида бандлиги, иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан шу тармоқ аҳволига боғлиқлиги.

• Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (асосан пахта) валюта ресурслари, республика учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, техника ва технология ускуналарини четдан сотиб олишни молиявий таъминлашнинг асосий манбаидир.

• Республика саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил қиладиган кўпгина саноат тармоқларини (пахта тозалаш, тўки-мачилик, енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқалар) ривожлантириш истиқболлари бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқлиги.

• Мустақиллик шароитида қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги аҳамияти ортиб боради.

Республикада аграр ислоҳотларнинг асосий йўналишлари:

• Ерга бўлган мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш;

• Барча давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини жамоа ва мулкчиликнинг бошқа шакллариغا асосланган хўжаликларга айлантириш.

• Шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги суғориладиган ерларни шахсий хўжаликлар ва боғ-дала ҳовли, участкаларга ажратиб бериш.

• Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш.

• Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча ишчи кучини бўшатиб олиш ва уларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига жалб қилиш.

• Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш.

**Молия-кредит
tizimini
ислоҳ қилишнинг
асосий йўналишлари**

* Давлат бюджети тақчиллигини камайтириб бориш

* Бюджетдан бериладиган дотациялар ва субсидияларни босқичма-босқич қисқартириш

* Ўта муҳим умумдавлат эҳтиёжлари учун бюджетдан маблағ ажратиш

* Иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш

* Банкларнинг мустақиллигини ва пул муомаласи учун жавобгарлигини ошириш

* Марказий банк ва кенг тармоқли тижорат банкларидан иборат икки босқичли банк тизimini вужудга келтириш

**Нарх-наво
ислоҳотининг
асосий
йўналишлари**

* Нархларни эркинлаштириш

* Давлат харид нархларининг амал қилиш доирасини қисқартириш

* Ички нархларни жаҳон нархларига мувофиқлаштириб

* Хомашё ва маҳсулот айрим турлари нархи билан аҳоли ва корхоналар даромадлари ўртасидаги муносаббатка эришиш.

* Хомашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархлари билан ишлаб берувчи ва қайта ишловчи тармоқлар товарлари нархлари ўртасидаги муносаббатка барҳам бериш.

Нархларни эркинлаштириш босқичлари

I. 1992 й. – кенг доирадаги ишлаб чиқариш воситалари, айрим турдаги халқ истеъмол моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг келишилган нархлари (тарифлари)га ўтилди.

Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирада озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди.

II. 1993й. - келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўлиғича тўхтатилди.

III. 1994й. октабр-ноябр – халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархи эркин қўйиб юборилди.

Республикада бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг хусусиятлари

- Кўплаб марказий иқтисодий органлар ва вазирликлар тугатилди ёки уларнинг фаолияти қайта қурилди ҳамда тугатилган маъмурий аппаратлар ўрнига янги бошқариш бўғинлари шакллантирилди.
- Молия вазирлиги ва марказий банкнинг таркибий тузилиши ҳамда вазифалари ўзгартирилди.
- Ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказиш мақсадида Давлат Солиқ ва Божхона қўмиталари тузилди.
- Амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар натижаларини мувофиқлаштириб туриш учун Президент ҳузурида иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилди.
- Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда бу жараёни амалга ошириш учун Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тузилди.

- Ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириб туриш учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди.
- Тармоқ вазирликлари уюшмаларга, концернларга, корпорациялар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантирилди.
- Фаолиятнинг айрим соҳалари (транспорт, туризм) да миллий компаниялар тузилди.
- Бошқаришнинг маҳаллий даражасида (вилоят, туман, шаҳар) ижроя - бошқарув вазифаларини бажариш учун ҳокимликлар ташкил қилинди.

Бозор инфратузилмасини вужудга келтиришнинг асосий йўналишлари

☉ **Товар-хонашё биржаси тизимини** ривожлантириш. Бу ўз навбатида брокерлик ва диллерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлишига олиб келади.

☉ Капитал бозори ишини таъминлайдиган тузилмаларини вужудга келтириш. Бу йўналишда кредит ресурслари бозори валюта бозори ва давлатга қарашли бўлмаган суғурта компаниялари пайдо бўлди.

☉ Меҳнат бозорини шакллантириш. Бу соҳада 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тизим вужудга келди.

☉ Аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалар тизимини қарор топтириш.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирлар

☉ Нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш;

© Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш;

© Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва кейинги босқичларида уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш.

3-§. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида макроиқтисодий барқарорликка эришиш вазифалари

Макроиқтисодий барқарорлик – бу, энг аввало, макроиқтисодиёт даражасида мувозанатликни таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслик, пул қадрсизланишининг олдини олиш ҳамда тўлов балансини бир меъёрда сақлашга қаратилган сиёсатдир.

Барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишга қаратилган ёндашувлар

* **I. Монетар ёндошув** – пулнинг қадрсизланиш даражасини пасайтириб туришга, пул массасини ҳамда тўловга қодир бўлган жами талабни кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланади.

Камчилиги: ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажми камайишига ва инвестицион фаолликнинг сусайишига олиб келади.

• **II.** Ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, таркибий ўзгаришларни амалга оширишга ёрдамлашиш, иқтисодиётда номутаносибликларга барҳам беришга асосланган сиёсат.

Камчилиги: қаттиқ молиявий ва пул-кредит сиёсатини товар билан қоплашнинг иложи бўлмаган ортиқча талабларни чеклаш бўйича тадбирлар билан боғлаб олиб борилади.¹

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари:

- ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришига йўл қўймаслик;
- устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш ва рағбатлантириш;
- давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлаш;
- пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш;
- тўлов баланси ва давлат валюта захираларининг ҳолатини яхшилаш;
- мувозанатлаштирилган ижтимоий сиёсат асосда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш.

Республикада ўтиш даврида миллий валюта барқарорлигини таъминлаш вазифалари:

- I. Миллий валютанинг товарлар билан барқарор таъминланишига эришиш.
- II. Етарлича барқарор валюта захираларига эга бўлиш.
- III. Ишлаб топилган ҳар бир сўмни қадрлаш ва сарфланган ҳар бир сўмнинг фойда билан қайтишига еришиш.
- IV. Пул қадрсизланишига, инфляцияга қарши сиёсат ўтказиш.

¹ Ўзбекистонда ўтиш даврида макроиқтисодий барқарорликка эришишда иккинчи ёндошувга устуворлик берилади ва у монетар сиёсат билан қўшиб олиб борилади.

4-§. Ўзбекистонда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш вазифалари

Иқтисодий соҳасида эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш вазифалари	
→	<p>➤ Хўжалик юритувчи субъектлар эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш:</p> <ul style="list-style-type: none">– давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини қисқартириш;– хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш;– муассасавий ўзгаришларни амалга ошириш;– молия-банк тизимини ислоҳ этишни чуқурлаштириш ва ривожланган бозор инфратузилмасини яратиш.
→	<p>➤ Хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва амалда мулкдорлар синфини шакллантириш.</p>
→	<p>➤ Иқтисодийга хорижий сармояларни, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб қилиш учун шарт-шароитлар, кафолат ва иқтисодий омилларни кучайтириш.</p>
→	<p>➤ Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодий тараққиётда устувор ўрин олишига эришиш.</p>
→	<p>➤ Мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва иқтисодийнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциясини таъминлаш.</p>
→	<p>➤ Иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.</p>
Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари	
→	<p>➤ Биринчи устувор йўналиш — мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаб бориш.</p>
→	<p>➤ Иккинчи устувор йўналиш - мамлакатда хавфсизлик, барқарорликни, давлатнинг ҳуқуқий яхлитлигини, тинчлик ва осойишталигини таъминлаш.</p>

➤ Учинчи устувор йўналиш —бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини қўллаш
➤ Тўртинчи устувор йўналиш -инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек, ошкораликни амалий ҳаётга жорий қилиш.
➤ Бешинчи устувор йўналиш —нодавлат ва жамоат ташкилотларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш.
➤ Олтинчи устувор йўналиш — суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишни давом эттириш.
➤ Еттинчи устувор йўналиш – кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш.

**Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий
натижалари (олдинги йилга нисбатан % да)**

8.2-жадвал

Кўрсаткичлар	Йиллар											
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
ЯИМ	4,0	4,5	4,2	4,4	7,7	7,0	7,3	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3
Саноат маҳсулоти	6,4	8,1	8,5	6,2	9,4	7,3	10,8	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	3,2	4,5	6,1	-	8,9	6,2	6,2	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	7,7	10,9	11,8	-	13,4	-	20,6	18,8	17,7	13,9	12,0	11,0

Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар:

Асосий тушунчалар

- | | |
|-------------------------------|--|
| 1. Уклад | 6. Иқтисодий ислоҳотлар. |
| 2. Ижтимоий - иқтисодий уклад | 7. Ўтиш даври |
| 3. Кўп укладли иқтисодиёт | 8. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси |
| 4. Тамойил | |
| 5. Концепция | |

Қуйидаги жавоблардан тўғрисиани танланг:

а) Мамлакатнинг иқтисодий секторидида ишлаб чиқариш омиллариға мулкчиликнинг бирон-бир шакли, тартибға солиш механизмиға мувофиқ вужудға келган иқтисодий муносабатлар, хўжалик юритиш шакли.

б) Фаолият учун асос қилиб олинадиган қонун – қоида, нуқтаи назар, қарашлар.

д) Кишининг ҳаёт кечириши, хўжалик юритиш принципида ўрнатилган ёки жорий қилинадиган тартиб.

е) Турли мулк шакллари ва ҳар хил хўжалик турлари яхлитлигидан ташкил топган иқтисодиёт.

ф) Иқтисодиётда ўтказилган, амалға оширилган туб ўзгартиришлар.

г) Қарашлар, фикр юритиш, дунёни англаш усули.

х) Марказий режалаштириладиган маъмурий-буйруқбозликка асосланган тоталитар иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтишининг қонун - қоидалари ва унинг Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятлариға оид илмий қарашлар мажмуи.

и) Маъмурий буйруқбозлик тизими ўрниға бозор иқтисодиётига хос механизмни шакллантириш учун зарур вақт ёки постсоциализм, посткоммунизмнинг бозор иқтисодиётига трансформацияси даври.

Масала ва машқлар

1. Қуйидагиларни ўқинг, диққат қилинг: бу ўзгаришлар иқтисодий ислохотларнинг қайси соҳалариға хос.

1) Маҳалладаги сартарошхона, дўконча, пойабзал тузатиш устахонаси хусусийлаштирилди.

2) Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг тизими ва вазифалари ўзгартирилди.

3) Қийим - кечакларға қатъий нарх белгилаш бекор қилинди.

4) Йилни зарар билан яқунлаган «Беш булоқ» ширкати асосида фермер хўжаликлари ташкил этилди.

5) Республикамизда 1995 йилға келиб, шахсий томорқа учун ажратилган ер 700 минг гектарға етди.

6) Республика товар-хомашё биржаси ташкил этилди.

7) Хомашё нархларини давлат томонидан тартибға солиш тўхтатилди.

8) Тошкент тўқимачилик комбинати акционерлик жамиятига айлантирилди.

9) Республика фонд биржаси ташкил этилди.

10) Уй - жой фонди хусусийлаштирилди.

11) Божхона тизими ишга туширилди.

12) Рухсатнома асосида четга чиқариладиган маҳсулот турлари 1994-йилнинг ўзидаёқ 74 тадан 11 тага камайтирилди.

13) Иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча марта оширилди.

14) 2000-йили Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди.

15) Республикада нон ва нон маҳсулотларига дотациялар сақлаб қолинди.

16) Валюта биржаси ташкил этилди.

17) Ўзбекистон 1994-йили Тарифлар ва савдо Бош Битими (ГАТТ)да¹¹ кузатувчи мақомини олди.

18) Аёлларга 54 ёшдан пенсияга чиқиш жорий қилинди.

19) Республика кўчмас мулк биржаси ташкил этилди.

2. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Тушунчалар ичида гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқланг ва уни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

Тушунчалар: Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат — бош ислохотчи, қонунларнинг устуворлиги, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, хўжалик юритувчи субъектларни зарур ахборот билан таъминлаш, бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш.

Т/Н

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг классик моделининг ўзи 3 гуруҳга бўлиниб, унинг мезонлари қилиб:

а) давлат дастурларининг мақсади;

б) иқтисодиётни тартибга солиш усуллари;

д) иқтисодиётда давлат секторининг улуши;

е) иш ҳақидаги фарқлар олинган.

2. Социал бозор иқтисодиёти модели гуруҳига кирувчи мамлакатларнинг мулкда давлат улуши нисбатан пастлиги, жамият табақаланишининг кучайиши билан фарқланади.

¹¹ Ҳозирда Халқаро савдо ташкилоти

3. Аралаш ёки эркин бозор иқтисодиёти модели давлат тадбир-корликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериши; иқтисодиётда давлат мулки ҳиссасининг камлиги; иш ҳақидаги фарқ катталиги ва аҳоли табақаланиши кучлилиги билан ажралиб туради.

4. Корпоратив иқтисодиёт модели давлатнинг йирик бизнес манфаатини ҳимоя қилиши, асосий устувор тармоқларни аниқлаб, уларнинг ривожланишига ёрдам бериши, давлат мулки ҳиссаси пастлиги, иш ҳақидаги фарқ катта эмаслиги билан характерланади.

5. Иқтисодчилар бозор иқтисодиётига ўтишни тарихий нуктаи назардан икки гуруҳга бўладилар:

1) Ғарбий Европа ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўли;

2) Собик социалистик мамлакатлар йўли;

6. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Жанубий Корея модели бошқа моделлардан давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчи таъсири ниҳоятда кучлилиги билан ажралиб туради.

7. Хитой модели иқтисодий ислоҳотларни қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан бошланиши билан характерланади.

8. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели ҳам бир томондан, бозор иқтисодиёти моделларининг умумий жиҳатларига асосланади, шу билан бирга бошқа мамлакатлардан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

9. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда бошқа мамлакатлар йўлидан борилди.

10. Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичидаги амалга оширилиши лозим бўлган биринчи ва эҳтимолки, асосий вазифа давлат мулкни хусусийлаштириш йўлида бошланган ишни охирига етказишдир.

Тестлар

1. Бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистон моделининг ўзига хос томонлари қуйидаги тамойилларида ўз аксини топган.

а) Иқтисодиётнинг, сиёсатдан устуворлиги; Давлат – бош ислоҳотчи; Қонунлар устуворлиги; Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсати юритиш; Бозор иқтисодиётига босқичма - босқич ўтиш.

б) Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; Давлат – бош ислоҳотчи; Эркин нархлар устуворлиги; Бозор иқтисодиётига ўтиш

жараёнида кучли ижтимоий сиёсат юритиш; Бозор иқтисодиётига босқичма - босқич ўтиш.

д) Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; Давлат – бош ислохотчи; Қонунлар устуворлиги; Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида эркин нархлар сиёсатини юритиш; Бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ўтиш.

е) Сиёсатнинг иқтисодиётдан устуворлиги; Қонунлар устуворлиги; Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсати юритиш; Бозор иқтисодиётига босқичма - босқич ўтиш.

ф) Сиёсатнинг иқтисодиётдан устуворлиги; Қонунлар қабул қилиш устуворлиги; Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат юритиш; Бозор иқтисодиётига босқичма - босқич ўтиш.

2. Иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг бирламчи асоси эканлиги қайси тамойилда ўз аксини топган?

а) Иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги;

б) Давлат – бош ислохотчи;

д) Қонунлар устуворлиги;

е) Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат юритиш;

ф) Бозор иқтисодиётига босқичма - босқич ўтиш.

3. Нима сабабдан Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилди?

а) ишсиз қолган аҳолини даромад билан таъминлаш мақсадида;

б) кўп болали оилаларга ёрдам бериш мақсадида;

д) аҳоли турмуши даражасининг ҳаддан ташқари пасайиб кетишига йўл қўймаслик учун;

е) бозор иқтисодиётига ўтишда кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойилини амалга ошириш учун;

ф) қарияларни инфляция оқибатларидан ҳимоя қилиш учун;

4. Бозор иқтисодиётига ўтишни амалга оширувчи бош ислохотчи.

а) Жамоат ташкилотлари;

б) Сиёсий партиялар;

д) Касаба уюшмалари;

- е) Давлат;
- ф) Хотин-қизлар ташкилоти.

5. Президентимиз И.А.Каримов «Беш тамойилнинг ҳаммаси ҳам демократик ва иқтисодий ўзгаришларни муваффақиятли ислох қилиб боришда бирдай муҳим аҳамиятга эгадир, шу билан бирга ..

- а) Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги;
- б) Давлатнинг бош ислохотчи бўлиши;
- д) Иқтисодиётни мафкурадан батамом ҳоли қилиш устуворлиги;
- е) Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат юритиш;
- ф) Бозор иқтисодиётига босқичма - босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Бу етакчи тамойиллардан биридир. У иқтисодий ислохотларнинг бутун ички мантиқини, ривожланиб бориши ва характерини белгилаб беради», – деб таъкидлайди.

6. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида иккита ҳал қилувчи вазифа бирданига амалга оширилди. Биринчиси, маъмурий буйруқбозлик тизими оқибатларини енгиш; тангликка барҳам бериш; иқтисодиётни барқарорлаштириш; иккинчиси, республиканинг ўзига хос шароит ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда;

- а) институционал ўзгаришларни амалга ошириш;
- б) бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш;
- в) аграр ислохотларни амалга ошириш;
- г) иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- д) ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш.

7. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ривожланган мамлакатлар йўли ёки классик йўли:

- а) 3 гуруҳга; б) 2 гуруҳга; д) 4 гуруҳга; е) 5 гуруҳга; ф) 6 гуруҳга бўлинади.

8. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг классик йўли:

- а) социал бозор иқтисодиёти модели, неоклассик модели, корпоратив иқтисодиёт модели;
- б) аралаш ёки эркин бозор иқтисодиёти модели, корпоратив иқтисодиёт модели;
- д) социал бозор иқтисодиёти модели, аралаш ёки эркин бозор иқтисодиёти модели, корпоратив иқтисодиёт модели;

е) социал бозор иқтисодиёти модели, аралаш ёки эркин бозор иқтисодиёти модели;

ф) социал бозор иқтисодиёти модели, аралаш ёки эркин бозор иқтисодиёти модели, неоклассик модели.

9. Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга асос қилиб олинган тамойиллардан қайси бири ижтимоий муаммолар кескинлашувининг олдини олишга қаратилган?

а) иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш;

б) давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши;

д) қонунларнинг устуворлиги;

е) ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини олдиндан амалга ошириш;

ф) бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

10. Республикада бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишини аниқланг?

а) ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний асосини мустаҳкамлаш;

б) аралаш иқтисодиётни шакллантириш;

д) ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш;

е) иқтисодиётни саноатлаштириш;

ф) аграр ислоҳотларни амалга ошириш.

11. Иқтисодий ислоҳотлар нима?

а) ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар;

б) иқтисодиётда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар;

д) сиёсий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар;

е) маънавий ва маиший ўзгаришларга қаратилган тадбирлар;

ф) ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тадбиркор.

12. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан қайси бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитини вужудга келтиради?

а) мулкый муносабатларни ислоҳ қилиш;

б) бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфраструкту-
расини яратиш;

д) молия-кредит ва нарх-наво ислоҳоти;

е) аграр ислоҳотлар;

ф) нарх-наво ислоҳоти.

13. Республикада аграр ислоҳотларнинг негизини нима ташкил қилади?

а) ерга бўлган мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш;

б) давлат корхоналарини жамоа хўжаликларига ва мулкчилик-
нинг бошқа шакллариغا айлантириш;

д) шахсий томорқаларни кенгайтириш;

е) ишлаб чиқариш тузилишини такомиллаштириш;

ф) алмашиб экишни жорий қилиш.

14. Бозор иқтисодиётига ўтишда ислоҳотлар қачон сезиларли самара беради?

а) миллий валюта муомалага киритилганда;

б) чинакам мулкдорлар синфи шаклланганда;

д) мулк давлат тасарруфидан чиқарилганда;

е) ижтимоий ҳимоя тизими яратилганда;

ф) бошқариш тизими такомиллаштирилганда.

15. Республикада бозор муносабатлари қарор топишининг асо-
сий белгиси нимада намоён бўлади?

а) хусусий мулкнинг пайдо бўлишида;

б) кўп укладли иқтисодий тизим ва мулкдорлар синфининг
шаклланишида;

д) бозор инфраструктураси шаклланишида;

е) аҳоли даромадларининг ошишида;

ф) омилли даромадлар шаклланишида.

16. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг қайси тамо-
йилли бозор муносабатларига ўтишнинг изчиллигини таъмин-
лайди?

а) иқтисодиётнинг мафкурадан устунлиги;

б) давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши;

д) қонунларга асосланиш;

е) бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш;


ф) кучли ижтимоий сиёсат юритилиши.

17. Давлат мулкани хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичида қандай вазифа амалга оширилди?

- а) оммавий хусусийлаштириш амалга оширилди;
- б) кичик хусусийлаштириш амалга оширилди;
- д) чек воситасида хусусийлаштириш амалга оширилди;
- е) кўп укладли иқтисодиёт реал шаклланди;
- ф) давлат мулки акциядорлик мулкига айлантирилди.

18. Республикада нархлар қайси даврдан бошлаб эркинлаштирила бошлади?

- а) 1991 йилдан; б) 1992 йилдан; д) 1993 йилдан; е) 1994 йилдан;
- ф) 1995 йилдан.



8.1-чизма

Чизмалардаги билдирилган фикрларга сиз яна нималарни қўшган бўлар эдингиз? Нима сабабдан Ўзбекистон бозор иқтисодиётига

ўтиш йўлини танлади? Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида унинг қайси жиҳатларига эътибор қаратилди?

**Бозор (аралаш) иқтисодиётига ўтиш моделини ишлаб чиқишда
ҳисобга олинган Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари
Тарқатма материал 2**



8.2-чизма

Сиз чизмада кўрсатилганларга яна нималарни қўшган бўлар эдингиз?

Фикрларингизни асослаб беринг.

**МДХ мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ишлаб
чиқариш динамикаси
(1991 йилга нисбатан % ҳисобида)**

8.3-жадвал

Давлатлар	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Ўзбекистон	94,0	98,6	102,7	107,0	111,4								
Озарбайжон	53,3	59,3	65,1	72,0	80,1								
Арманистон	72,5	76,8	84,2	95,0	108,2								
Белоруссия	84,8	89,7	94,0	98,7	105,4								
Гуржистон	46,7	47,6	49,8	52,5	57,1								
Қозоғистон	71,0	78,0	88,5	97,2	106,1								
Қирғизистон	68,5	72,2	76,1	76,1	81,2								
Молдова	41,0	42,0	45,0	48,5	51,6								
Россия	64,4	70,8	74,3	77,8	83,3								
Тожикистон	38,0	41,0	45,0	49,3	54,3								
Украина	44,7	47,4	51,7	54,2	58,8								

Манба: МДХ статистика қўмитаси маълумотлари ва муаллиф ҳисоб-китоблари

Жадвални кейинги йиллар маълумотлари билан тўлдирилинг. ЯИМ 1991 йилга нисбатан ўсиши бўйича Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида етакчиликни сақлаб колмоқда.

Жадвал маълумотлари асосида яна қандай хулосалар чиқариш мумкин?

18. Республикада нархлар қайси даврдан бошлаб эркин-лаштирила бошлади?

а) 1991 йилдан; б) 1992 йилдан; д) 1993 йилдан; е) 1994 йилдан; ф) 1995 йилдан.

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

1в); 2а); 3г); 4б); 5е); 6д); 7ж); 8ё).

Масала ва машқлар:

1. 1),8),10) Мулкый муносабатларини ислоҳ қилишга.

4),5) Аграр ислоҳотлар

3),7) Молия - кредит ва нарх - наво ислоҳоти

2),6),9),14),16),19) Бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфраструктурасини яратиш

11),12),17) Ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти

13),15),18) Ижтимоий ислоҳотлар.

2. Гуруҳга тааллуқли бўлмагани бешинчиси, қолганлари «Ўзбекистон модели»нинг ўзига хос томони, бошқа мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш моделларидан фарқини мужассамлаштирувчи бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари

Т/Н

1Т; 2Н; 3Т; 4Т; 5Н; 6Т; 7Т; 8Т; 9Н; 10Т;

Тестлар:

1а); 2а); 3в); 4г); 5д); 6б); 7а); 8в); 9г); 10а); 11б); 12а); 16а); 14б); 15б); 16г); 17б); 18б).

9-МАВЗУ. БОЗОР ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

1-§. Бозор тушунчаси ва унинг вазифалари


Бозор — бу ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан истеъмолчи (харидор) ни бир-бири боғлайдиган, айирбошлаш жараёнига хизмат қиладиган тартиблар, механизмлар ва муассасавий тузилмалардир

Бозорнинг вазифалари


- Ишлаб чиқарувчи, ресурс эгалари ва истеъмолчиларни боғлаш асосида хизматлар ҳамда иқтисодий ресурсларнинг айирбошланишини таъминлаш.
- Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз такрорланиб туришига ёрдам бериш.
- Иқтисодий ресурсларни тармоқлар, соҳалар ва корхоналар ўртасида тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш.
- Иқтисодиётни тартибга солиш.

Бозор турли туман кўринишларга эга бўлиб, унинг энг оддий турлари тижорат дўконлари, автомобилларга ёғ қуйиш шаҳобчалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори кабилар бўлса, юқори даражада ташкил қилинган ҳамда анча мураккаб шакллари биржалар, аукционлар ва чет эл валюталари бозори ҳисобланади.

2-§. Бозорнинг турлари ва тузилиши




Молия бозорининг тузилиши (молиявий битимларнинг характериға кўра)



Қарз мажбуриятлари бозорида олинган пул шахсий истеъмол учун ишлатилади.

Капитал бозорида қўйилган пулдан даромад олиши ҳуқуқи сотилади ва сотиб олинади.

Қимматли қоғозларнинг **бирламчи бозорида** уларнинг янгидан чиқарилган нусхалари сотилади ва сотиб олинади; **иккиламчи бозорда** эса олдин чиқарилганлари ҳаракатда бўлади.



Бозор сегменти — бу бозорни алоҳида белгиларига қараб бўғинларга ажратиш. Унинг сабаби:

- истеъмолчиларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан табақаланиши натижасида улар талабининг ўзаро фарқланиши;
- алоҳида товар турларини ишлаб чиқаришнинг табақаланиши.

Бозорни сегментларга ажратиш мезонлари:

* аҳолининг харид қилиш лаёқати даражаси, яъни тўловга лаёқатлилиги;

* ҳудудий ва ижтимоий демографик мезонлар (аҳолининг сони, унинг ёш таркиби, жинси, зичлиги, табиий иқлим шароити, эҳтиёжлар таркиби ва ҳ.к)

3-§. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари

Бозор инфратузилмаси – бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишини таъминлашга хизмат кўрсатувчи муассасалар.

Бозор инфратузилмасининг туркумланиши

I. Ишлаб чиқариш типигаги муассасалар: омбор хўжалиги, сақлаш ва узатиш мосламалари, транспорт, алоқа-коммуникация хизмати ва бошқалар.

II. Айирбошлаш жараёнига хизмат кўрсатувчи муассасалар: тижорат дўконлари, савдо уйлари, супер- гипер-маркетлар, савдо агентликлари, биржалар, аукционлар ва бошқа савдо-сотик муассасалари.

III. Молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар: кредит-банк муассасалари, суғурта ва молия компаниялари, солиқ идоралари.

IV. Ижтимоий соҳага хизмат кўрсатувчи муассасалар: уй-жой ва коммунал хизмати идоралари, меҳнат биржаси ва агентликлари.

V. Ахборот хизмати идоралари: аудиторлик, консалтинг фирмалари, ҳуқуқий маслаҳатхоналар, ахборот агентликлари.

Товар биржаси – намуна ёки андозалар асосида оммавий товарларнинг мунтазам савдо-сотик ишларини ўтказувчи тижорат муассаси.

→ **Универсал биржалар** — ҳар хил товарлар билан савдо-сотик қилади.

→ **Ихтисослашган биржаларда** – айрим турдаги бир ёки бир гуруҳга кирувчи товарлар сотилади.

Брокер (маклер)лар — бу товар, фонд ва валюта биржаларида олди-сотди битимларини тузишда воситачилик қиладиган шахс ёки махсус фирмалар.

Аукционлар – алоҳида хусусиятларга эга бўлган товарларни сотиш учун муайян жойларда ташкил қилинган махсус ким ошди савдо муассасаси.

Савдо фирмалари — тижорат ишини юритувчи улгуржи ва чакана савдо корхоналаридир. **Улгуржи савдо фирмалари** товарларни ўз мулкига сотиб олиб, кейин истеъмолчиларга сотади. **Чакана савдо корхоналари** мустақил дўконлар, махсус савдо шохобчалари, супермаркетлардан иборат бўлади.

Супермаркет — бу харидорларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тартибига асосланган кенг тармоқли савдо корхоналари.

Аудиторлик фирмалар – корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириб ва улар ҳисоботини экспертизадан ўтказиб берувчи мустақил ахборот хизмати муассасаларидир.

Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар:

Асосий таянч тушунчалар

1. Бозор
2. Бозорнинг тўйиниш даражаси
3. Бозор тузилиши
4. Бозор ҳажми
5. Бозор инфратузилмаси

6. Товар, хомашё биржаси
7. Миллий бозор

8. Жаҳон бозори
9. Бозор сегменти

Қуйидаги жавоблардан тўғрисиани танланг:

- а) Ҳар хил мезонлар асосида бозор таркибини туркумлаш.
- б) Назарий жиҳатдан сотувчи ва харидорнинг товарларни пул воситасида айирбошлаш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар, алоқалардир.
- д) Бозорнинг талабни қондириш даражасини кўрсатади.
- е) Турли-туман бозор субъектлари ўртасида айирбошлашнинг меъёрида амалга оширилишини таъминловчи тизим.
- ф) Бозордаги товар айланмаси ҳажми билан аниқланади.
- г) Меҳнат тақсимоти орқали бир-бирига боғланган турли мамлакатлар ўртасида барқарор айирбошлаш муносабатларидир.
- х) Ҳар бир мамлакатнинг миллий чегараси доирасидаги бозори.
- и) Маълум доирада улгуржи савдо-сотик ишларини бажарувчи корхонадир.
- ж) Савдо-сотикнинг шарт-шароитларини маълум белги, аломатлари, мезонларига қараб бўғинларга ажратиш.

Масала, машқлар

1. Бозорнинг вужудга келиши шарт-шароитларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- а) ижтимоий меҳнат тақсимоти;
- б) пулнинг вужудга келиши;
- д) хусусий мулкка асосланган товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашуви;
- е) марказлашган давлатнинг вужудга келиши;
- ф) айирбошлашнинг вужудга келиши;
- г) хўжаликларда яратилган ортиқча маҳсулотни сотиш зарурияти.

Сизнингча тўғри жавоб қандай бўлиши керак?

2. Вилоят ҳудудида иккита бозор мавжуд бўлиб, ҳар иккисининг майдони 5 гектарни ташкил этади.

Бирида 1000 та савдо ўрни бўлиб, 500 тасида кунига ўртача 10 донадан ўртача нархи 12 минг сўмлик мол сотилади. 300 тасида 30

минг сўмдан 5 донадан мол сотилса, 100 тасида 5 минг сўмдан 20 донадан, қолган 100 тасида ўртача 50 минг сўмликдан олди-сотди қилинади.

Иккинчи бозорда эса 900 та савдо ўрни бор бўлиб, расталар ўртасидаги йўлак биринчи бозорга нисбатан кенгроқ қолдирилган. 400 та савдо ўрнидан кунига ўртача 11 минг сўмдан 15 донадан товар сотилади. 300 тасида эса 20 минг сўмдан 10 донадан, 100 тасида 4 минг сўмдан 20 донадан, қолган 100 таси ўртача 55 минг сўмлик олди-сотди қилади. Қайси бозор ҳажми катта? Аниқланг. Бозор ҳажмига савдо ўрни, товар миқдоридан ташқари яна қандай омиллар таъсир қилади?

3. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Улардан қай бирини қайси бозор иқтисодиёти субъекти (уй хўжалиги, фирма (корхона), молиявий институт, давлат) таркибига киритилади.

а) жисмоний шахснинг шахсий истеъмоли учун сарфлашга мўлжалланган банкдаги жорий рақами;

б) акция эгаси;

д) фермер хўжалиги;

е) метал биржаси;

ф) Молия институти профессор-ўқитувчилари;

г) Йўлдошевлар оиласи бюджети;

х) корхонанинг банкдаги жорий ҳисоби;

и) ер ижарачиси;

ж) иш қидираётган институт битирувчиси;

к) фонд биржаси;

л) «Ипотека банк» акционерлик тижорат банки.

4. Қуйидаги санаб ўтилганлардан қайси бири бозор, қайси бирлари нобозор алоқа ва фаолиятларни билдиради?

а) газетага реклама бериш;

б) уй шароитида овқат тайёрлаш;

д) давлат томонидан ишсизлик нафақаси тайинлаш;

е) давлатнинг ҳарбий техника сотиб олиши;

ф) ўз эҳтиёжи учун томорқада картошка, сабзавотлар етиштириш;

г) дехқон бозорида картошка сотиш;

х) бозорда сотиш учун қулупнай етиштириш.

5. Қуйидагиларни диққат билан ўқиб чиқинг:


- 1) айирбошлаш орқали истеъмол билан ишлаб чиқаришни боғлаш;
- 2) истеъмол товарлари ва хизмат кўрсатиш бозори;
- 3) ишлаб чиқариш воситаларини корхона ташкилотларга етказиб бериш орқали иқтисодиётнинг моддий асосини такрор яратиш ва ривожлантириш;
- 4) жамият аъзолари талаб эҳтиёжларини ишлаб чиқарувчиларга етказиш;
- 5) ресурслар бозори;
- 6) товар ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатларни, уларни жамият томонидан қай даражада тан олиншини аниқлайди, харажатларни пасайтиришга ундайди;
- 7) регионал бозор;
- 8) қимматбаҳо қоғозлар бозори – фонд биржалари;
- 9) нархларни ўзгариши орқали талаб ва таклифни мослаштириш, пулни товарлар билан таъминлаш орқали пул муомаласини барқарор бўлишини таъминлаш;
- 10) миллий бозор;
- 11) интеллектуал товарлар бозори;
- 12) ахборот бозори
- 13) халқаро ва давлатлар ўртасидаги бир-бирига боғлиқликни кучайтириш, тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;
- 14) меҳнат бозори;
- 15) жаҳон бозори;
- 16) кўчмас мулк бозори.

Санаб ўтилганлардан қайси бирлари:

- а) бозорнинг функция вазифаларини;
- б) таъсир доираси, ҳудудий камрови ва;
- д) айирбошлаш муносабатларининг объекти жиҳатидан бозор тузилишини ифодалайди?

6. Топқирлик машқи.

Катакчаларга мос равишда иқтисодий тушунчаларнинг ҳарфини жойлаштиринг.



- 1) Ҳар хил мезонлар асосида бозор таркибини туркумлаш
- 2) Талаб ва таклифнинг миқдор ва таркиби жиҳатидан бири-бирига мувофиқ келиши.
- 3) Турли-туман бозор субъектлари ўртасида фаолият юритиш, айирбошлашни меъёрида амалга оширилишини таъминлайдиган соҳа.
- 4) Турли – туман мулкчилик ва иқтисодий фаолият эркинлигига, аралаш тарзда тартибга солишга асосланган, ҳар бир инсонни ўз фаолият натижасини ўйлаб, оқилона хўжалик юритишга ундовчи демократик иқтисодиёт
- 5) Савдо-сотиқнинг шарт-шароитларига, маълум белги, аломатлари, мезонларига қараб, бўлимларга ажратиш.

Тестлар

1. Қайси бозор монополист бўлиши мумкин?
 - а) дон бозори;
 - б) гуллар бозори;
 - д) шоколад маҳсулотлари бозори;
 - е) қишлоқдаги бензин қуйиш шохобчаси;
 - ф) нон бозори.

2. Биржада товарлар олди-сотдисини амалга оширилиши учун:
 - а) сотувчи ва харидор қатнашиши шарт;
 - б) товар нақд бўлиши керак;
 - д) харидор оладиган товарининг сифатини ўзи кўриб, текшириши керак;
 - е) товардан намуна бўлиши шарт эмас;
 - ф) товардан намуна, етарли сертификати мавжуд.

3. Доиравий айланиш модели жиҳатидан қарасак, бозор қуйидагилардан иборат:

- а) икки: ресурслар ва товар, хизматлар бозоридан;
- б) уч: ресурслар, ишлаб чиқариш омиллари, ишлаб чиқариш воситалари бозоридан;
- д) икки: товар, хизматлар ва капитал бозоридан;
- е) тўрт: ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик омиллари бозоридан;
- ф) уч: товарлар, хизматлар, капитал бозоридан.

4. Доиравий айланиш модели нуқтаи назаридан бозорда қатнашувчи субъектлар:

- а) икки гуруҳ: уй хўжалиги, индивидуал фаолият юритувчи оилавий хўжалик;
- б) икки гуруҳ: фирма(корхона)лар, уй хўжалиги;
- д) уч гуруҳ: савдо муассасалари, биржалар, савдо шахобчалари;
- е) уч гуруҳ: фирма, корхона, савдо муассасалари;
- ф) икки гуруҳ: уй хўжалиги, савдо ташкилотлари.

5. Меҳнат бозори бошқа бозорлардан,

- а) меҳнат омили эгаси, иш кучи билан унга муҳтож ўртасидаги муносабати билан;
- б) иш кучи унинг эгасининг мулки бўлиб қолавериши ва ишга ёлланишида меҳнат шартномалари тузилиши билан;
- д) ишга вақтинчалик меҳнат шартномалари асосида ёлланиш билан;
- е) иш кучининг бошқа товарлардан фарқ қилиб ишга ёлланиши билан;
- ф) шартнома тузилгач меҳнат омилига айланиши билан фарқланади.

6. Бирламчи ва иккиламчи бозорлар...

- а) ссуда капитали бозорига;
- б) валюта бозорига;
- д) суғурта бозорига;
- е) қимматли қоғозлар бозорига;
- ф) пул (пул мажбуриятлари) бозорига хос.

7. Меҳнат биржалари ... билан шуғулланади.

- а) ишсизларни рўйхатга олиш, уларни ўқитиш, ишга жойлаш, оилавий шароитини ўрганиш;
- б) ишсизларни рўйхатга олиш, ишга жойлаш, корхоналардаги бўш ўринларни аниқлаш;

д) ишсизларни рўйхатга олиш, ишга жойлаш, зарур касбга қайта тайёрлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш;

е) ишсизларни рўйхатга олиш, ишга жойлаш, фарзандлари сонини аниқлаш;

ф) ишсизларни ишга жойлаш, янги касбга ўргатиш, ишсизлик нафақасини тайинлаш.

8. Ҳозирги пайтда биржаларнинг асосий роли ...

а) товарлар нархи ва котировкасини аниқлаш, нарх ошқоралигини таъминлаш, реал талаб ва таклифни аниқлаш, нархлар тебранишини суғурта қилиш;

б) товар нархларининг котировкаси, товарларни битим бўйича етказиб беришни таъминлаш;

д) нархларни аниқлаш ва катта партиядо битимлар тузиш, битим асосида товарни етказиб бериш;

е) товарлар нархи котировкаси, реал талаб ва таклифни аниқлаб, уларни мувозанатга келтириш;

ф) товарларга реал талаб ва таклифни аниқлаш, уларни реклама қилиш, нарх тебранишларини суғурта қилиш.

9. Соф иқтисодий маънода «бозор» тушунчаси нимани англатади?

а) сотувчи ва харидорлар тўпланиб, айирбошлашни амалга оширадиган жойни;

б) бозор субъектлари иқтисодий натижаларининг амалга оширишини;

д) ишлаб чиқарувчи (сотувчи) ва истеъмолчи (харидор)ларнинг товарларини айирбошлаш хусусидаги ҳаракатини ўзаро келиштирувчи механизмлар, тартиблар ва инфраструктуравий тузилмалар тизимини;

е) алоҳида товарлар таклифи ва уларга бўлган талабларни мувофиқлаштирувчи механизмларни;

ф) тижорат дўконини.

10. Бозорнинг қуйидаги турларидан қайси бирида сотувчи ва харидорлар бевосита айирбошлаш орқали боғланмайди?

а) озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида;

б) саноат товарлари магазинида;

д) товар ва хомашё биржаларида;

- е) автомобилларга ёғ қуйиш шахобчаларида;
- д) «хуфёна» бозорда.

11. Бозорнинг қайси турида сотувчи ва харидорлар бир-бири билан акция, облигация каби қимматли қоғозлар орқали боғланади?

- а) чет эл валюталари бозорида;
- б) хомашё биржаларида;
- д) капитал (фонд) бозорида;
- е) ресурслар бозорида;
- ф) товарлар бозорида.

12. Бозорнинг қайси вазифасида унинг воситачилик роли нисбатан тўлароқ намоён бўлади?

- а) ишлаб чиқаришнинг такрорланиб туришига ёрдам бериш вазифаси;
- б) ресурсларни тармоқлар ва корхонлар ўртасида тақсимлаш вазифаси;
- д) ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчини боғлаш вазифаси;
- е) иқтисодиётни тартибга солиш вазифаси;
- ф) юқоридагиларнинг барчаси.

13. Қуйидагилардан қайси бири молия бозорининг таркибий қисми ҳисобланмайди?

- а) қарз мажбуриятлари бозори;
- б) капитал бозори;
- д) ссуда капитал бозори;
- е) ресурс бозори;
- ф) пул бозори.

Рақобатнинг шаклланиши нуқтаи назаридан бозор турлари

9.1-чизма


Кўрсаткичлар	Мукамал рақобат	Монополистик рақобат	Олигополия		Монополия
			Бир хил маҳсулот билан олигополия	Табақалашган маҳсулот билан олигополия	
Фирмалар сони	Жуда кўп	Кўп	Унча кўп бўлмаган етакчи фирмалар	Унча кўп бўлмаган етакчи фирмалар	Битта

Табақалашган ёки бир хил маҳсулот	Бир хил	Табақалашган	Бир хил	Табақалашган	Ноёб, яқин ўринбосар йўқ
Тармоққа кириш осонлиги	Осон, тўсиқлар йўқ	Нисбатан осон, тўсиқлар кам	Қийин, тўсиқлар мавжуд	Қийин, тўсиқлар мавжуд	Бозорга кириш тўсилган
Нарх белгилаш имконияти	Йўқ	Маҳсулот табақалаштирилганда, айрим пайтларда, баъзи бир ҳолатларда	Нарх белгилашда етакчилик ва битим тузиш имкониятига кўра маълум даражада таъсир кўрсатади.	Нарх белгилашда етакчилик ва битим тузиш имкониятига кўра маълум даражада таъсир кўрсатади.	Катта, талабга боғлиқ
Баҳосиз рақобат	Йўқ	Маълум бир даражада	Маълум бир даражада	Катта	Реклама, жамоатчилик билан алоқалар
Мисоллар	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, балиқ. Акция ва облигациялар	Чакана савдодаги кичик магазинлар, кийим-кечак, пойабзал ишлаб чиқариш	Пўлат, пиво, алюминий, мис	Автомобил, алкогольсиз ичимликлар, совун, дон, маиший электроника	Сув, газ, электр таъминоти, оқова ва бошқа коммунал хизматлар

Чизмага диққатингизни қаратинг.

Бозор турлари бўйича сотиладиган маҳсулотларга ўзингиз мисоллар келтиринг.

Бозорнинг функциялари



9.2-чизма

Чизмадаги бўш катакларни тўлдириг. Бозорнинг функциялари деганда нималарни тушинасиз?

Ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши

9.1-жадвал

Йиллар	Ишга туширилди						Қурилган тармоқлар	
	Тура жой минг. кв. м.	Мақтаблар, ўқувчи ўринлари	Академик лицейлар, ўқувчи ўринлари	Касб-хуна қол- лежлари ўқувчи ўринлари	Касалхона, ўрин- жойлари	Поликлникала- рга ташриф бую- рувчилар сони	Сув қувурлари, км.	Газ қувурлари, км.
2002	7572,0	18932	5175	86610	300	16845	1960,6	3380,2
2003	6739,7	22127	4375	94190	160	15460	1747,5	2982,9
2005	3793,0							
2008	3869,0							
2009	7613,3							
2010	8838,1							
2011	9236,7							

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

Жадвални кейинги йиллар маълумотлари билан тўлдилинг.
Уларни таққослаб хулосалар чиқаринг.

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

Ж 1б); 2в); 3а); 4д; 5г; 6ж); 7ё); 8е); 9з);

Масала ва машқлар:

1. Бозорнинг вужудга келишининг асосий икки шарт-шароити бу – ижтимоий меҳнат тақсимоти ва хусусий мулкка асосланган товар ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашуви.

2. Биринчи бозорнинг бир кунлик савдо айланмаси 120 млн. сўмлик, иккинчисиники эса 139,5 млн. сўмлик, ойлик савдо айланмаси мувофиқ равишда биринчи бозорники 3120 млн. сўмлик, иккинчи бозорники 3627 млн. сўм. Иккинчи бозорда савдо ўринлари 100 тага кам бўлишига қарамай кўпроқ олди-сотди қилинган. Иккинчи бозорнинг ҳажми катта.

3. а),ё),и) – уй хўжалиги

б),в),д),ж),з) – фирма, корхона

г),е) – давлат(ҳукумат)

й),к) – молиявий институт

4. а, г, е, ж – бозор фаолияти

б, в, д – нобозор фаолияти

5. а) 1,3,4,6,9,13.

б) 2,5,8,11,12,14,16.

в) 7,10,15.

6. 1) Бозор тузилиши, 2) Бозор мувозанати, 3) Бозор инфратузилмаси 4) Бозор (аралаш) иқтисодиёти, 5) Бозор сегменти.

Т/Н

1Т; 2Н; 3Т; 4Т; 5Т; 6Н; 7Н; 8Т; 9Т; 10Т; 11Н; 12Н;

Тестлар

Жавоб: 1г); 2д); 3а); 4б); 5б); 6г); 7в); 8а); 9в); 10в); 11в); 12в);
13г).

10-МАВЗУ. ТАЛАБ, ТАКЛИФ ВА БОЗОР МУВОЗАНАТИ

1-§. Талаб ва унинг миқдorigа таъсир қилувчи омиллар. Талаб қонуни

Талаб — бу пул маблағлари билан таъминланган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлишидир. У нархларнинг мавжуд даражасида сотиб олинadиган товар (хизмат)лар миқдори билан аниқланади.

Талаб турлари

→ **Индивидуал талаб** – алоҳида шахс, оила ва бошқа субъектларнинг товар (хизмат)ларнинг муайян тўпламига бўлган талаби

→ **Бозор талаби** — алоҳида истеъмолчиларнинг талаблари йиғиндиси

Талаб даражасини белгилаб берувчи асосий омил нарх ҳисобланади. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда нархнинг ўзгариши (пасайиши ёки кўтарилиши) сотиб олинadиган товарлар миқдорининг ўзгариши(ортиши ёки камайишига)га олиб келади.


Нарх даражаси ва сотиб олинadаган товарлар миқдори ўртасидаги тескари боғлиқлик талаб қонуни дейилади.

Агар оила ойлик пул даромадининг 5000 сўмини ҳар ойда ун сотиб олишга сарфласа, ун нархи ўзгариши талаб билдирилган маҳсулот миқдорининг қуйидагича ўзгаришига олиб келади.

	А	Б	В	Г	Д	Е
Ун нархи, П (сўм)	500	400	250	200	100	50
Унга талаб, Қ (кг)	10	12,5	20	25	50	100

Жадвал маълумотлари нархнинг пасайиши сотиб олинadиган товар миқдорининг кўпайиши билан бирга боришини, аксинча,


нархнинг ўсиши эса харид миқдорининг камайишига олиб келишини кўрсатади. Бу ерда нарх истеъмолчи учун тўсиқ, вазифасини бажаради, яъни юқори нарх уларнинг харид қилиш истагини сўндиради, паст нарх эса бу истакни рағбатлантиради. Товар нархи ва унинг харид қилинадиган миқдори ўртасидаги тескари боғлиқликни графикда тасвирлаб, **талаб эгри чизигини** ҳосил қилиш мумкин.



Графикда ҳар бир нуқта товарнинг нархи ва истеъмолчи шу нархда сотиб олиши мумкин бўлган маҳсулот миқдорини кўрсатади.

Реал иқтисодий ҳаётда шундай ҳолат ҳам юз бериши мумкин, яъни нархлар ўсиши билан талаб камайиши ўрнига ортиб боради. Бу вазият **Гиффен эффекти** деб аталади. Бундай товарлар эса бу ҳолни тасвирлаган инглиз иқтисодчиси **Р о б е р т Г и ф ф е н** (1837 — 1910) номи билан **Гиффен товарлари** деб аталади. Р. Гиффен камбағал оилалар картошка қимматлашишига қарамай уни кўпроқ сотиб ола бошлаганларини кузатиб, бунинг сабабини, шундай изоҳлайди. Бу оилалар бошқа маҳсулот истеъмолини кўпайтириш имкониятига эга эмас. Шунинг учун гўшт истеъмол қилишни камайтириш ҳисобига ёки гўшт сотиб олишдан умуман воз кечиб картошка истеъмолини кўпайтирадилар.

Талабга нархдан ташқари таъсир қилувчи омиллар:

- 
- истеъмолчининг пул даромадлари;
 - харидор диди;
 - ўринбосувчи товарлар нархи;
 - харидорлар миқдори;
 - нарх ва даромадлар ўзгаришининг кутилиши;
 - солиқлар даражаси.

Даромадлар ўсиши билан талаб тўғри мутаносибликда ўзгарадиган товарлар **олий тоифали товарлар** дейилади. Даромадлар камайганда талаб ошадиган товарлар **паст тоифали товарлар** дейилади.


2-§. Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни. Таклифга таъсир қиладиган омиллар

Таклиф – бу нархларнинг мавжуд даражасида бозорда мавжуд бўлган ёки бозорга олиб келиниши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар йиғиндисидир.

Нарх ўсиши билан сотишга чиқариладиган товарлар миқдори ҳам кўпаяди, нарх тушганда эса камайди. Бу ўзаро **тўғридан–тўғри боғланиш таклиф қонуни** дейилади.

Нарх даражаси ва таклиф миқдори ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни жадвал маълумотлари ҳамда уларнинг график тасвири ҳам аниқ кўрсатади.

	А	Б	В	Г	Д	Е
Ун нархи, Р (сўм)	500	400	250	200	100	50
Таклиф миқдори, Қ (кг)	100	60	40	20	10	5



Таклифга нархдан ташқари таъсир қилувчи омиллар:

- ресурслар нархи;
- ишлаб чиқариш технологияси;
- солиқлар ва дотациялар;
- бир-бирига боғлиқ товарлар нархи;
- инфляциянинг кутилиши;
- бозордаги сотувчилар сони.

3-§. Талаб ва таклиф (эгиловчанлиги). Талаб функцияси

Эгиловчанлик – тушунчасини А.Маршалл талаб ва таклиф, мувозанатли нархнинг ўрнатилиши муаммоларини ўрганиш асосида киритган.

Талаб ва таклифнинг ортиши ёки камайиши уларнинг эгиловчанлигини кўрсатади.

Эгиловчанлик (эластиклик) – талаб ёки таклиф омилларидан бирининг ўзгариши натижасида улар миқдорининг ўзгаришини билдиради. Масалан, талабнинг нархи бўйича эгиловчанлиги нархнинг ўзгариши ҳисобига талаб қилинадиган товар миқдорининг ўзгариши.

Агар талаб миқдорини Q ; нархни P деб олсак, нархнинг 1% га ўсиши талабнинг қанча фоизга ўзгаришига олиб келишини қуйидагича тасвирлаш мумкин.

$$E_p = \frac{\Delta Q \% da}{\Delta P \% da}$$

Агар нархдаги унча катта бўлмаган ўзгаришлар сотиб олинadиган товарлар миқдорида сезиларли ўзгаришларга олиб келса, ундай товарларга талаб эгилувчан дейилади ($E > 1$). Агар нархдаги сезиларли ўзгаришлар харид қилинадиган товарлар миқдорида катта бўлмаган ўзгаришларга олиб келса, бундай товарларга талаб ноэгилувчан дейилади ($E < 1$).

Нархларнинг ўзгариши талаб қилинадиган товарлар миқдорида ҳеч қандай ўзгаришларга олиб келмаса, бундай талаб бутунлай ноэгилувчан дейилади.

Бутунлай ноэгилувчан ва эгилувчан талабни графикда қуйидагича акс эттириш мумкин.



Эгилувчанлик талабнинг ортишини нархнинг пасайиш даражасига таққослаб ҳисоблаш зарурияти туфайли юқоридаги формула бироз такомиллаштирилади.

$$E_p = \frac{\text{талаб ҳажмининг ўзгариши}}{\text{Нархнинг ўзгариш фoизи}} = \frac{\Delta Q / Q}{\Delta P / P}$$

Буни бошқача тасвирлаш ҳам мумкин:

$$E_p = (\Delta Q / Q_0) / (\Delta P / P_0) = (Q_1 - Q_0) / Q_0 / (P_1 - P_0) / P_0$$

Бу ерда:

P_0, Q_0 – ўзгаришгача P_1, Q_1 – ўзгаришдан кейин товар нархи ва уларга талаб.

Талаби эгилувчан (эластик) товарга нархнинг ортиши ёки пасайиши сотиладиган маҳсулот ҳажмининг ҳамда шунга мос равишда ишлаб чиқарувчи пул даромади қисқариши ёки ортиши билан бирга боради.

Мисол:

1) 100 бирлик товар 10 минг сўмдан сотилган ($100 \times 10 = 1,0$ млн.сўм); нарх икки минг сўмга пасайганда, талаб кескин ортади ва 150 бирлик товар сотилади ($150 \times 8 = 1,2$ млн.с):

2) Фермер ҳафтасига 500 л.сутни 300 сўмдан сотган, кейин нархи 450 сўмга ортиб, унга бўлган талаб ҳафтасига 350 л.га қисқарган.

Талаб эгилувчанлигини аниқлаймиз:

$$E_p = \frac{(350 - 500)/500}{(45 - 30)/45} = \frac{150/500}{15/45} = -\frac{0,3}{0,33} = -0,9$$

$E_p = -0,9$ яъни талаб нисбатан ноэгилувчан.

Одатда, ҳаётий зарур ёки ўрнини босувчисига эга товар ва хизматларга талаб ноэгилувчан. Ўрнини босувчиси йўқ товарлар ёки зебу-зийнат буюмларига талаб эгилувчан бўлади.

Даромад ўзгаришига кўра талаб эгилувчанлиги коэффициенти

i

$$ED = \frac{Q_1}{Q_0} : \frac{I_1}{I_0};$$

Бунда, I — (income) харидорлар даромади.

Эгилувчанлик фарқланади:

- қисқа ва узоқ даврда;
- товарларнинг алоҳида туркумлари бўйича.

Масалан, кундалик истеъмол товарлари ва узоқ муддат фойдаланадиган товарларга талаб эгилувчанлиги бир хил эмас.

Талаб эгилувчанлигини белгилаб берувчи омиллар:

- маҳсулотларнинг бир-бирини ўрнини босувчанлиги;
- маҳсулот нархининг истеъмолчи даромадидаги салмоғи;
- маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари;
- вақт омиллари (қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган вақт)

Таклиф эгилувчанлиги нархнинг тебранишига ишлаб чиқарувчининг таъсирини кўрсатади. У таклиф миқдори ва нархнинг ўзгариши нисбати сифатида ҳисобланади.

$$E_s = \frac{Q_1}{Q_0} \cdot \frac{P_1}{P_0}; \text{ ёки } \frac{Q_1}{Q_0}; \text{ ёки } \frac{Q}{P} \text{ ўзгариш фоизи}$$

$P_1; P_0$ P ўзгариш фоизи

Таклиф эгилувчанлигини белгилаб берувчи омиллар:

- вақт омили;
- ишлаб чиқариш жараёни хусусиятлари;
- товарнинг сақлаш муддатлари;
- сақлаш харажатлари.

Талаб ҳажми муайян вақт давомида маълум бир товарнинг сотиб олиниши мумкин бўлган миқдори.

Талаб функцияси – талаб ҳажмининг унинг миқдорини белгиловчи омилларга боғлиқлиги

Талаб функцияси:

$$Q_i^T = P \dots P_k; i; T; \dots$$

Q_i^T – i –чи товарга талаб ҳажми;

$P \dots P_k$ – барча товар нархи;

i – пул даромадлари;

T – истеъмолчининг диди ва афзал кўриши.

Талабнинг нархга кўра
функцияси

$$Q_i^T = P_i$$

4-§. Талаб ва таклиф нисбати. Бозор мувозанати


Нархнинг муайян даражасида талаб ва таклиф миқдори нисбатан бир-бирига мос келган ҳолат **бозор мувозанати дейилади**.

Бозор мувозанатига эришганда шаклланган нарх **мувозанатли нарх**, шу нархда сотилиши мумкин бўлган товарлар миқдори ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми дейилади.

Мувозанатлик турлари

- ☉ **Лаҳзалик ёки бир зумлик мувозанатлик** — жуда қисқа вақт давомида *таклиф* қилинган товарлар доимий миқдорни ташкил қилганда асосан нарх кўтарилиши ҳисобига юз беради.
- ☉ **Қисқа муддатли мувозанатлик** товар ишлаб чиқаришнинг мавжуд имконияти (иш сменасини ўзгартириш ва б.)дан фойдаланиб, уни талабга мослаштириш орқали эришилади.
- ☉ **Узоқ муддатли мувозанат.** Бунда бозордаги нархга қараб товар ишлаб чиқарувчилар мослашадилар. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янгилаш ва қўшимча қувватларни вужудга келтириш каби ўзгаришлар узоқ вақтни талаб қиладиган омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Бу даврда янги корхоналар ишга тушади. Натижада таклиф кўпаяди, нарх пасаяди.


Бозор мувозанатининг ҳосил бўлиши



5-§. Нафлилик ва унинг истеъмолчи танловига таъсири

Нафлилик – бу товар (хизмат) ларни истеъмол қилиш орқали уларнинг эҳтиёжини қондириш лаёқати.

Истеъмолчи танлови ўзининг чекланган даромадларини турли товар ва хизматларни эҳтиёжларини энг юқори даражада қондиришни таъминлайдиган миқдорда сотиб олиш мақсадида самарали тақсимлашга қаратилади.





**Кейинги нафлилик назарияси қуйидаги асосий
холатларга асосланади.**

- Ҳар бир навбатдаги истеъмол қилинган товар олдингисига нисбатан қамроқ наф келтиради. Бу ўз ифодасини кейинги нафлиликнинг пасайиб бориш қонунида топади.
- Истеъмолчи ўзининг чекланган даромадидан энг юқори қониқиш ёки нафлилик олишга ҳаракат қилади.


**Кейинги нафлиликнинг пасайиб бориш қонунининг жадвал
ва графикда тасвирланиши**

Истеъмол қилинган товарлар миқдори (Q)	Умумий нафлилик (Tu)	Кейинги нафлилик (Mu)
0	0	0
1	210	210
2	315	105
3	385	70
4	437.5	52.5
5	479.5	42

Нафлилик ва истеъмол қилинадиган неъматлар миқдори ўртасидаги тескари мутаносиб боғлиқлик нафлилик функцияси дейилади.




Истеъмолчи имкониятини баҳолаш учун **бюджет чизиғи** тушунчаси киритилади. Мазкур тушунча истеъмолчининг ўз даромадлари ва бозордаги нарх даражасини ҳисобга олиб сотиб олиш мумкин бўлган икки хил товарнинг ҳар хил уйғунлашувини кўрсатади.



Бюджет чизиғидаги ҳар бир нукта маълум давр учун энг рационал товарлар тўплами уйғунлашувини ифодалайди.


Истеъмолчи мувозанати нархлар ва даромадларнинг муайян даражасида икки хил товарлар оптимал уйғунлашган вазиятини англатади.

Даромад самараси



Агар икки товардан бирининг нархлари туша бошласа, реал даромаднинг ўсиши рўй беради ва истеъмолчи олдинги товарлар тўпланини камроқ пул суммасига сотиб олиш имкониятига эга бўлади ҳамда тежалган маблағ ҳисобига ҳар иккала неъматдан харид қилишни кўпайтиради.

Ўрнини босиш самараси



Агар товарлардан бирига нархнинг ўсиши рўй берса, истеъмолчи уни истеъмол қилишини камайтиради ва бошқасини кўпроқ истеъмол қила бошлайди. Бу ҳолат ўрнини босиш самараси дейилади.

**Мавзунни чуқур ўрганиш учун топшириқлар:
Асосий тушунчалар**

- | | |
|------------------------|---|
| 1. Талаб | 9. Таклиф эгилувчанлиги |
| 2. Талаб эгри чизиғи | 10. Талаб ва таклиф мувозанати |
| 3. Талаб қонуни. | 11. Бир-бирини тўлдирувчи то-
варлар |
| 4. Талаб эгилувчанлиги | 12. Талаб ўзгариши |
| 5. Меъёрий нафлилик | 13. Талаб миқдорининг ўзгариши |
| 6. Таклиф | 14. Бозор мувозанати |
| 7. Таклиф эгри чизиғи | |
| 8. Таклиф қонуни | |

Қуйидаги жавоблардан тўғрисиани танланг:

а) Нархнинг ўзгариши ишлаб чиқарувчи(сотувчи)ларга қандай таъсир қилиши, яъни уларнинг реакциясини ифодаловчи кўрсаткич;

б) Пул маблағлари билан таъминланган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлиши;

д) Товар нархлари билан талаб миқдорининг тескари нисбатда сабаб оқибатли функционал боғланиши;

е) Маълум бир вақт мобайнида турли нархлар бўйича харидорларнинг сотиб олиши мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорининг график орқали ифодаланиши;

ф) Харидорга нархнинг ўзгариши қандай таъсир қилишини, яъни нархнинг 1%га ўзгариши сотиб олинган товар миқдорини қанчага ўзгаришини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткич;

г) Истеъмолчининг товар ёки хизматнинг қўшимча бирлигидан кўрган нафи, яъни умумий нафга қўшилган нафни билдиради;

х) Маълум бир вақт мобайнида турлича нархлар бўйича сотувчиларнинг сотиши мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорининг графикда ифодаланиши;

и) Бозорда мавжуд ёки бозорга олиб келиниши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар;

ж) Нархлар билан сотиладиган товарлар миқдорининг тўғридан-тўғри сабаб-оқибатли, функционал боғланиши;

к) Талаб ва таклифнинг миқдор ҳамда таркиби жиҳатидан бири-бирига мувофиқ келиши;

л) Товарлар жуфтлигида бирига нархнинг ўсиши иккинчисига талабнинг камайишига олиб келадиган товарлар;

- м) Талаб миқдори (ҳажми)нинг ўзгариши, талаб эгри чизиғи бўйича нархнинг ўзгаришига қараб силжиши;
- н) Талаб эгри чизиғининг нархдан бошқа бир ёки бир неча аниқловчилари ўзгариши натижасида силжиши;
- о) Харидор сотиб олмоқчи бўлган товар миқдори билан сотиладиган товар миқдорининг тенглиги.

Масала ва машқлар

1. Олимжон Нексия автомобилни ўтган йили бозорда 5000000 сўмга сотмаган эди. Бу йил эса 5600000 сўм нарх белгиланди. У машинасини сотди. Агар ўтган йилга нисбатан нарх 20% га ошган бўлса, Олимжон машинасини сотиб тўғри қилдими?

2. Ҳафта давомида 60 минг сўмдан 100 дона костюм-шим сотилди. Иккинчи ҳафтада эса костюм-шим нархи 5 минг сўмга пасайтирилди. Сотилган костюм-шим миқдори 150 донага етди. Учинчи ҳафтада эса 109 та сотилди. Тўртинчи ҳафтага ўтгач, атиги 50 дона сотилди. Талаб эгилувчанлигини ҳисобланг. Эгилувчанлик кўрсаткичидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришга қандай топширик кетади, изоҳланг.

3. Эркинжон Тошкент давлат маданият институтида талаба. Кундалик майда-чуйда харажатлари учун коллежда маданий-маърифий тадбирларни уюштиришда ташкилотчи бўлиб ишлайди. Бажарадиган ишларидан бири бадий фильмлар намойиш этишни ташкил этиш. Асосий ишларидан бири кинофилм кўриш учун билетларга нарх белгилаш. Кинокўрсатувлар залида 700 ўрин, фильм прокати учун тўланадиган ҳақ 180000 сўм, зални ижарага олиш ҳақи 25000 сўм, операторга 15000 сўм, билет текширувчи контролёрларга (икки киши) 5000 сўм. Билет нархига кўра талаб қуйидагича:

Нарх, сўм.	Талаб, дона билет.
700	300
600	400
500	500
400	600
300	700

Умумий харажатлар, тушум, қоладиган даромад ва меъерий тушумни аниқланг. Ундан қандай хулоса чиқариш мумкин, изоҳланг.

4. Қуйидаги жадвалда нархнинг ўзгаришига кўра таклиф ҳажмининг ўзгариши берилган. Маълумотлар асосида таклиф эгилувчанлиги коэффицентини аниқланг. Жадвални тўлдилинг. Эгилувчанлик коэффицентини деганда нимани тушунамиз? Уни ҳисоблашнинг қандай аҳамияти бор? Бу коэффицентининг бирга тенг бўлиши, бирдан катта ёки кичик бўлиши нимани билдиради? Фикрингизни изоҳлаб беринг.

Товар турлари	Нарх, сўм	Таклиф ҳажми, дона	Нархга кўра таклиф эгилувчан коэффицентини	Эгилувчанлиги
А	1	2		
	2	4		
Б	4	6		
	4	10		
В	8	12		
	10	5		

5. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг:

«Жевонс фикрича, субъектив жиҳатдан нафлиликни миқдоран аниқлаш ва баҳолаш фақат товар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омилларининг бозор нархида намоён бўлади.¹²

Парето эса назарияга субъектив нафлиликнинг миқдорий тушунчаси ўрнига тартибли, яъни субъектив жиҳатдан танлаш афзаллигини кетма-кетлик асосида алоҳида неъматларнинг нафлиликни солиштириш ўрнига уларнинг тўпламини таққослашни киритди.¹³

Ҳар икки фикрни таҳлил қилиб, ординалистик ва кардиналистик йўналишлари мазмунини аниқланг.

6. Қуйидаги жадвалда турли омилларнинг талаб ва таклифга таъсири кўрсатилган.

¹² Всемирная история экономических мысли. М.: 1989г., т.3, с.157

¹³ Всемирная история экономических мысли. М.: 1989г., т.3, с.164

Омил (бошқа шароитлар тенг)	Талаб эгри чизиғи силжиши	Талаб эгри чизиғи бўйича	Таклиф эгри чизиғи силжиши	Таклиф эгри чизиғи бўйича
1. Рақобатдош товарларга нарх ўзгариши				
2. Янги технология жорий қилинди				
3. Товар модаси ўзгарди				
4. Даромад ўзгариши				
5. Хомашёнинг нархи ўзгариши				

Омилларнинг таъсирини талаб ва таклиф эгри чизиғи ёрдамида тушунтириб беринг. Омилларнинг ўзгариши эгри чизиқда қандай ифодаланишини жадвал устунлари бўйича белгилар орқали ифодаланг.

7. Айтайлик истеъмолчининг бюджетини 100 минг сўм. У бозордан гўшт харид қилмоқчи. Қўй гўштининг нархи 25000 сўм, мол гўшти эса 20000 сўм. Агарда пули 15000 сўмга кўпайса ёки аксинча 50000 сўмга камайса, харидор ўз пулини гўшт олиш учун қандай сарфлаши мумкин? Уни мумкин бўлган вариантларини кўрсатинг, графикда тасвирланган жавобингизни изоҳланг.

8. Эркинжонга мавжуд уч хил товар: костюм-шим, видео магнитофон, энциклопедия китобини нафлилиги нуқтаи назаридан санаб чиқинг дейилди. Лекин видео магнитофонга етадиган пул берилганда ундан анча арзон турадиган костюм-шим сотиб олди. Иқтисодий нуқтаи назардан унинг бундай қилиши, яъни қарорга келишини қандай тушунтириш мумкин?

а) Эркинжон аниқ бир товарнинг ўзи учун нафлилигини тўғри баҳолай олмайдиган истеъмолчи;

б) олинган пулни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилар экан, фақат уч товар нуқтаи назаридан эмас, балки шу пулга сотиб олиш мумкин бўлган бошқа товарлар нафлилигини ҳисобга олган;

д) текин олиш мумкин бўлган товарлар билан пул тўлаб сотиб олиш керак бўлган товарлар нафлилигини таққослаган;

е) товарларнинг назарий жиҳатдан нафлилиги билан уларни пулга сотиб олгандаги нафлилиги тубдан фарқ қилади;

ф) талаб қонуни бўйича харидор нархи қиммат товарларга нисбатан арзон товарларни кўпроқ сотиб олади;

г) товар нархи тушганда сотиб олиш режалаштирилган товарлар ҳажми ортишини;

ҳ) товар нархи кўтарилганда таклифнинг камайишини кўрсатади.

9. Қуйидагилар берилган:

Товарга бўлган талаб функцияси $Q_d = 700 - P$;

Таклиф функцияси: $Q_s = 2P - 200$;

P - товар нархи, сўм, Q – товар миқдори, минг дона.

Ҳисобланг:

1) Товарнинг мувозанатли нархи ва миқдорини.

2) А), Б) ва Д) нуқталар бир-бирига боғлиқ бўлмаган вазиятларда:

А) давлат органлари томонидан товарга 200 сўм миқдорида нархи (қайд қилинган) белгилаб қўйилади. Таклиф миқдорини, сотилган товар ва тақчиллик миқдорини.

Б) ишлаб чиқарувчиларга ҳар бир сотилган товар учун 150 сўм миқдорида дотация белгиланди. Товарнинг мувозанат нархи ва миқдорини аниқланг.

Д) ҳар бир товарга 150 сўм миқдорида эгри солиқ (қўшилган қиймат солиғи) белгиланди. Янги мувозанат нархини ҳисобланг.


10. Топқирлик машқи.

Катакчаларга мос равишда соат стрелкаси бўйича иқтисодий тушунчаларнинг ҳарфини жойлаштиринг.

1. Олинган даромаднинг қилинган харажатлардан ошган қисми.

2. Бирор иш юзасидан кейинчалик ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олдиндан бериладиган пул, озиқ-овқат ва ҳ.к.

3. Товарлар ва хизматларнинг нафлилигини баҳолаш воситаси бўлиб, уларга тўланадиган пул миқдорини ифодаловчи тушунча.



4. Сарфланган харажатларнинг олинган даромадлардан ошган қисми.

5. Сотувчи ва харидорнинг товар, иш, хизматларни пул воситасида айирбошлаш муносабати, яъни олди-сотди алоқалари ва уларни маълум бир тартиб асосида амалга ошириладиган жой.

6. Тадбиркорлик қобилиятини ишга солиш, фаолиятга айлантиришнинг ташкилий шакли (якка хусусий тадбиркорлик, кичик, ўрта, йирик).

7. Ер ва бошқа табиий ресурслар келтирадиган даромаднинг ва ердан фойдаланганлик учун унинг эгасига тўланадиган ҳақнинг номи.

8. Айирбошлаш, олиш-сотиш билан боғлиқ муомала, савдо-сотикдан тушган пул, олди-сотди жараёнида нарх устида тортишув, қийишув.

9. Бир контрагентнинг иккинчисига юборган ўзаро ҳисобкитобларнинг ҳолати ва ўзлари ҳақидаги хабар, ахборот.

10. Қайтариш шарти билан маълум бир муддат ишлатиб туриш учун олинган пулдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ.

11. Инсоннинг бирор-бир эҳтиёжини қондириб, айирбошлаш (сотиш) учун ишлаб чиқарилган неъмат.

12. Маълум доирада улгуржи савдо-сотик ишларини ўтказувчи ва нархлар котировкасини аниқлаш, нарх ошкоралигини таъминлашга хизмат қилувчи тижорат муассасаси.

13. Ҳиссадорлик (акционерлик) жамияти сармоясига қўйилган улушга гувоҳлик қилувчи, унинг эгасига улушига мувофиқ фойданинг маълум бир қисмини олиш ва шу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматбаҳо қоғоз.

14. Бозорда мавжуд ёки олиб келиниши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар.

Т/Н

1. Бозор иқтисодиётида кимнинг пули кўп бўлса, у шунча кўп товар сотиб олиши мумкин .

2. Товар ишлаб чиқариш ҳажми ва усули ишлаб чиқариш ресурсларининг нархига боғлиқ.

3. Мукамал рақобатга асосланган иқтисодиётда алоҳида товар ишлаб чиқарувчи маҳсулот миқдорини камайтириш орқали нархга таъсир этади.

4. Бозор иқтисодиётида қандай товар ишлаб чиқариш зарурлигини охир-оқибат истеъмолчилар ҳал қилишади.

5. Автомашиналарга бензин қуйиш шохобчаси – бозорга мисол бўла олади.

6. Талаб эгри чизиғи нархнинг пасайиши туфайли, талаб ҳажмининг ўсишини кўрсатади.

7. Кишилар даромадларининг ортиши барча товарларга талабни оширади.

8. Ресурслар нархининг ҳар қандай ўзгариши талаб ва таклиф мувозанатини таклиф эгри чизиғи бўйича юқори ёки пастга томон ўзгартиради.

9. Бир вақтнинг ўзида товар таклифи ва истеъмолга ажратилган даромаднинг ўсиши натижасида нархлар ўзгармаслиги мумкин.

10. Таклиф эгри чизиғининг ўнгга силжиши ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар бир нарх даражасида аввалгига қараганда камроқ товар таклиф қилинаётганини кўрсатади.

Тестлар

1. Ишлаб чиқариш технологиясининг такомиллашуви

- а) мувозанат нархининг ўсишига;
- б) таклиф эгри чизигининг чапга силжишига;
- д) таклиф эгри чизигининг ўнгга силжишига;
- е) талаб эгри чизигининг ўнгга силжишига;
- ф) талаб эгри чизигининг чапга силжишига олиб келади

2. Ишлаб чиқарувчилар тайёрлаган маҳсулотларига кўзда тутилган муддатдан нисбатан аввалроқ юқори нарх белгилашга мажбур бўлишди, у ҳолда ...

- а) талаб қисқаради;
- б) талаб ортади;
- д) таклиф камаяди;
- е) таклиф ортади;
- ф) талаб ўзгармайди.

3. Айтайлик, қурғоқчилик сабабли буғдой таклифи камайди. Агарда буғдой нон тайёрлаш учун асосий хомашё бўлса, истеъмолчилар ноннинг ўрнига картошка истеъмолини кўпайтиришлари мумкинлиги кутилса, у ҳолда буғдой нархи.

- а) ортади, нон таклифи ортади, картошкага талаб ортади;
- б) ортади, нон таклифи пасаяди, картошкага талаб эса ўсади;
- д) ортади, нон таклифи пасаяди, картошкага талаб камаяди;
- е) тушади, нон таклифи ортади, картошкага талаб ўсади;
- ф) тушади, нон таклифи пасаяди, картошкага талаб ўсади.

4. Қуйидаги тушунчалардан қайси бири одамларни бирон нарса олиш ва ҳақ тўлаш қобилиятларини ифодалайди.

- а) эҳтиёж;
- б) ўзини кўрсатиш;
- д) зарурият;
- е) хоҳиш;
- ф) талаб.

5. Одамларнинг маҳсулотларни кўшимча равишда арзон сотиб олишга тайёрлиги, нисбатан ...

- а) ўрнини босиш самарасида;
- б) меъёрий нафликнинг пасайишида;

- д) даромад самарасида;
- е) таклиф қонунида;
- ф) Т. Веблен самарасида тўлароқ ифодаланади.

6. Товар ва хизматлар бозори мувозанат ҳолатда бўлади, агар

- а) талаб таклифга тенг бўлса;
- б) нарх харажатлар ва фойдага тенг бўлса;
- д) технология даражаси секинлик билан ўзгарса;
- е) талаб ҳажми таклиф ҳажмига тенг бўлса;
- ф) товарлар сифати талабга жавоб берса.

7. Агар товарга таклиф ва талаб ортса у ҳолда ...

- а) товарнинг умумий миқдори ортади;
- б) нарх кўтарилади;
- д) нарх барқарор бўлади;
- е) жамиятнинг фаровонлиги ошади;
- ф) товарларнинг умумий миқдори камаяди.

8. Агар товар нархи талаб эгри чизиғи билан таклиф эгри чизиғи кесишган нуқтадан паст бўлса, у ҳолда:

- а) ортиқча миқдорда товарлар ҳосил бўлади;
- б) товар тақчиллиги юз беради;
- д) хомашё ортиқчалиги кузатилади;
- е) хомашё етишмовчилиги келиб чиқади;
- ф) ресурслар нархи кўтарилади.

9. Талаб ва таклифнинг нархни тартибга солишдаги ролини тушунтириш учун мисол қилиб қайси бозорни кўрсатиш мумкин?

- а) товар бозорини;
- б) ресурслар бозорини;
- д) валюта бозорини;
- е) ҳар қандай бозорни;
- ф) хизматлар бозорини.

10. Агар икки товар бир-бирини ўрнини босса, у ҳолда бирининг нархининг ўсиши:

- а) иккинчи товарга талабнинг пасайишига;
- б) иккинчи товарга талабни ўзгармаслигига;
- д) иккинчи товарга талаб ҳажмининг ортишига;

- е) иккинчи товарга талаб ҳажмининг пасайишига;
- ф) иккинчи товарга талабнинг ортишига олиб келади.

11. Товарнинг нархи 1,5 минг сўмдан 2 минг сўмга кўтарилди, талаб ҳажми эса 1000 дан 900 донага тушди, дейлик. У ҳолда нархга нисбатан талаб эгилувчанлиги ... га тенг.

- а) 3,00; б) 2,71; в) 0,37; г) 0,33; д) 1,5;

12. Қайси ҳолатда нархга нисбатан талаб эгилувчанлиги юқори бўлади?

- а) биринчи даражали зарур товарларга нисбатан зеб-зийнат буюмларига;
- б) истеъмолчилар мазкур товардан энг самарали фойдаланишса;
- д) товар ишлаб чиқариш учун муқобил харажатлар кўп бўлса;
- е) истеъмолчига товар шунча кам зарур бўлса;
- ф) зеб-зийнат буюмларига нисбатан энг зарур товарларга.

13. Товар таклифининг қисқариши нимага олиб келади?

- а) ўзаро ўрин босувчи товарларга талабнинг ортишига;
- б) агар нархга нисбатдан товарга талаб эгилувчан бўлса, умумий тушумнинг ортишига;
- д) агар даромад бўйича товарга талаб ноэгилувчан бўлса, умумий тушумнинг ортишига;
- е) бу товарга талабнинг ортишига;
- ф) ўзаро бир-бирини тўлдирувчи товарларга талабни ортишига.

14. Агар товарнинг нархи 1 % га тушиши унга бўлган талабни 2 % га ортишига олиб келса, у ҳолда талаб:

- а) ноэгилувчан;
- б) эгилувчан;
- д) ягона эгилувчан;
- е) мутлоқ ноэгилувчан;
- ф) мутлоқ эгилувчан бўлади.

15. Агар нарх 5%га пасайиши, умумий таклиф ҳажмининг 8%га қисқаришига олиб келади, у ҳолда таклиф:

- а) ноэгилувчанл;
- б) ягона эгилувчан;
- д) эгилувчан;

- е) мутлоқ ноэгиловчан;
- д) мутлоқ эгиловчан.

16. Ҳар қандай товар миқдори бир хил нарх бўйича сотилса, у ҳолда бундай товарга талаб:

- а) мутлоқ ноэгиловчан;
- б) мутлоқ эгиловчан;
- д) эгиловчан;
- е) ноэгиловчан;
- ф) ягона эгиловчан.

17. Таклиф қонуни, нархларнинг ўсиши, бошқа шароит (омиллар) ўзгармагани ҳолда ... намоён бўлади

- а) таклифнинг ўсишида;
- б) таклифнинг камайишида;
- д) таклиф ҳажмининг ўсишида;
- е) таклиф ҳажмининг камайишида;
- ф) таклифнинг ўзгармаслигида.

18. Талаб қонуни ... тақозо қилади

- а) таклифнинг талабга нисбатан кўплиги нархнинг пасайишини;
- б) агар истеъмолчиларнинг даромади ортса, товарларни кўпроқ сотиб олишини;
- д) талаб эгри чизигини одатда мусбат томонга оғишини;
- е) товар нархи тушганда, сотиб олиш режалаштирилган товарлар ҳажми ортишини;
- ф) товар нархи кўтарилганда таклифнинг камайишини.


19. Маҳсулотнинг нархи тушишига сабаб бўлиши мумкин:

- а) хусусий тадбиркорларга солиқларнинг ортиши;
- б) истеъмолчилар даромадининг ортиши;
- д) бир-бирини ўрнини босувчи товарлар нархининг ўсиши;
- е) ўзаро бир-бирини тўлдирувчи товарлар нархининг тушиши;
- ф) ишлаб чиқариш ресурслари нархининг тушиши.

Талабнинг нархга кўра эгилувчанлиги


Талаб эгилувчанлиги бозорда нархнинг ўзгариши харидорга қандай таъсир қилиши (реакцияси) ни кўрсатади. У эгилувчанлик коэффиценти орқали ифодаланади.

Эгилувчанлик коэффиценти (нархга кўра, даромадга кўра ҳисобланади).



10.1-чизма

Талабнинг нархга кўра эгилувчанлигидан ташқари яна қандай коэффицентлари ҳисобланади? Мисол келтиринг.



10.2-чизма

Сиз яна қандай омилларни қўшган бўлар эдингиз? Кўрсатилган омилларга мисоллар келтиринг.

Таклиф эгилувчанлиги – бозорда нархларнинг ўзгариши со-
тувчига, ишлаб чиқарувчига қандай таъсир қилишини,
(реакциясини) кўрсатади. У таклиф эластиклиги коэф-
фициенти орқали ифодаланади.

Таклиф эластиклиги коэффициенти

$$E_s^p = \frac{Q_1}{Q_0} : \frac{P_1}{P_0}; \quad \text{yoki} \quad \frac{Q_1 : Q_0}{P_1 : P_0}$$



10.3-чизма

Таклиф эгилувчанлигига таъсир этувчи омиллар гуруҳи бўйича мисоллар келтира оласизми?

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

1б), 2г), 3в), 4д), 5е), 6ж), 7ё), 8з), 9а), 10м), 11й), 12л), 13к), 14и).

Масала ва машқлар:

1. Ўтган йили 5 млн. сўм бу йилги 6 млн. сўмга тўғри келади. 5 х 120 = 6 млн. сўм. Йил давомида эскирганини ҳисобга олсак, айтилик, амортизация 10% бўлса, 50000 десак 5,95 млн. сўм бўлади. Ўтган йилга қараганда арзон сотди.

2. Иккинчи ҳафтада талаб эгилувчанлиги коэффициенти 1,4 га, биринчи ҳафтага нисбатан учинчи ҳафтада $E = 1$ га, тўртинчи ҳафтада эса $E = 0,46$ га тенг. Бозор бундай костюм-шимларга тўйиниб бораяпти, харажатларни пасайтириб, яна нархини тушириш, бунинг иложи бўлмаса ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириш ва бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш керак.

3.

Нарх, сўм	Талаб, дона, билет	Тушум, сўм	Талаб эгилувчанлиги	Нормал фойда
700	300	210000	-	-15000
600	400	240000	1,14	15000
500	500	250000	1,19	25000
400	600	240000	1,14	15000
300	700	210000	1,00	-15000

Умумий харажатлар 225000 сўм. Энг оптимал варианты 500 сўмдан нарх белгилаш

4.

Товар турлари	Нарх, сўм	Таклиф ҳажми, дона	Нархга кўра таклиф эгилувчанлиги коэффиценти	Эгилувчанлиги
А	1	2	E=1	Ягона эгилувчанлик
	2	4		
Б	4	6	E=0,6	Ноэгилувчанлик
	4	10		
В	8	12	E=1,44	Эгилувчанлик.
	10	5		

5. Кардинализм нафлиликнинг абсолют миқдорини ўлчаш йўллари қидирса, ординализм нафлиликни қиёсий тарзда аниқлашни таклиф қилади.

6.


Омил (бошқа шароитлар тенг)	Талаб эгри чизиғи силжиши	Талаб эгри чизиғи бўйича	Таклиф эгри чизиғи силжиши	Таклиф эгри чизиғи бўйича
1. Рақобатдош товарларга нарх ўзгариши	+			+
2. Янги технология жорий қилинди		+	+	
3. Товарга мода ўзгарди	+			+
4. Даромад ўзгарди	+			+
5. Хомашёнинг нархи ўзгарди		+	+	

7. Ечиш:

Истеъмолчининг чекланган даромади (пули) бўйича олиши мумкин бўлган маҳсулот

Комбинация (вариант)	Қўй гўшти, кг	Мол гўшти, кг	Бюджет, сўм
А	4	0	$25000 \cdot 4 = 100000$
Б	3	1.25	$3 \cdot 25000 + 1.25 \cdot 20000 = 100000$
В	2	2.5	$2 \cdot 25000 + 2.5 \cdot 20000 = 100000$
Г	1	3.75	$1 \cdot 25000 + 3.75 \cdot 20000 = 100000$
Д	0	5	$5 \cdot 20000 = 100000$

Бюджет чизиғи (А, Д) истеъмолчининг мол гўшти билан қўй гўштини танлашда мурсали танловини кўрсатади.



8. б) жавоб тўғри;

9. Мувозанат нархи **300 сўм**, мувозанат миқдори **400 минг дона**.

Масаланинг иккинчи шарти бўйича:

А) таклиф миқдори 200 минг дона; товар тақчиллиги 300 минг дона;

Б) мувозанат нархи 200 сўм; миқдори 500 минг дона.

В) мувозанатли нархи 400 сўм, миқдори 300 минг дона.

Кроссворднинг жавоби:

1. Фойда; 2. Аванс; 3. Нарх; 4. Зарар; 5. Бозор; 6. Бизнес; 7. Рента; 8. Савдо; 9. Авизо; 10. Фоиз; 11. Товар; 12. Биржа; 13. Акция; 14. Таклиф.

Т/Н

1Т; 2Н; 3Н; 4Т; 5Т; 6Т; 7Н; 8Т; 9Т; 10Н;

Тестлар:

1в); 2а); 3б); 4д); 5б); 6г); 7а); 8б); 9г); 10д); 11в); 12г); 13а); 14б); 15в); 16б); 17в; 18г; 19д;

11-МАВЗУ. БОЗОР ТИЗИМИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИ

1-§. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва унинг асосий белгилари

Тадабиркорлик фаолияти – мавжуд қонунлар доирасида, мулкый масъулият остида, маблағларни самарали сарфлаб, фойда олиш мақсадида риск билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.

Тадабиркорлик фаолиятининг вазифалари

- ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий омилларни бирлаштириш;
- бизнес юритиш бўйича асосий қарорларни қабул қилиш;
- янги технология ва бизнесни ташкил этишнинг янги шакллари жорий қилишда ташаббускорлик кўрсатиш;
- риск (таваккал) қилиш.

Тадабиркорлик фаолиятининг моҳияти тўғрисидаги асосий назариялар:

Тадабиркор, бу ноаниқ даромадга эга кишилар. Таваккалчилик хатари унинг бош хусусиятидир (Р.Контилон. У бу атамани иқтисодий фанга ҳам олиб кирган).

А.Смит тадабиркорни тижорат билан шуғулланиб, фойда олиш учун иқтисодий таваккалчилик қилувчи мулк эгаси деб таърифлайди.

Тадабиркор, иқтисодий агент сифатида фойда олиш учун ўз тажрибаси ва билимини таваккалчилик хатаридан кўркмай ишга солувчи шахс (Ж.Б.Сей).

Тадбиркор бу «забт этувчи», ғалаба учун курашувчи (хатарга тайёр, руҳан эркин, ғояларга бой, иродали, тиришқоқ) ташкилотчи, яъни у биргаликда ишлаш учун кишиларни бирлаштира олади. (В.Зомберт)

Тадбиркор, ишлаб чиқариш омиллари уйғунлашувининг янги нисбатини изловчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи ва новаторлик қобилиятига эга шахс (Й. Шумпетер).

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш шарт-шароитлари:

- тадбиркор фаолияти учун маълум ҳуқуқ ва эркинликлар бўлиши лозим;
- тадбиркор мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши (мол-мулк ва фойдани тасарруф қилиши) зарур;
- эркин иқтисодий фаолиятни амалга оширишни таъминлайдиган иқтисодий муҳит ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар етарлича бўлиши керак;
- мулкчилик ва хўжалик юритишинг хилма-хил шакллари ва турларини тақозо қилади.

2-§. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий турлари ва корхоналарнинг ташкилий шакллари

Тадбиркорлик фаолияти ниҳоятда хилма-хил бўлиб, иқтисодий фанда ва хўжалик амалиётида унинг **қуйидаги асосий турлари эътироф этилади:**

➤ **Шахсий тадбиркорлик** – шахсий мулкка асосланади, ишлаб чиқариш унинг ўзи ёки оила аъзолари меҳнати асосида амалга оширилади. Одатда, тадбиркорликнинг бу шакли савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида юқори самарали бўлиб тез ривожланади.

➤ **Хусусий тадбиркорлик** мулк ва ишлаб чиқариш натижалари хусусий шахсларга тегишли бўлади, ишлаб чиқариш жараёни ёлланма меҳнатга асосланади.

➤ **Жамоа тадбиркорлиги** жамоа мулкчилигига асосланади ва унинг иқтисодий фаолиятида, шу жумладан, бошқаришни амалга оширишда жамоа аъзолари фаол қатнашади ҳамда шу орқали жамоа ва шахсий манфаатлар уйғунлиги таъминланади.

➤ **Тадбиркорликнинг аралаш шакли** ҳиссадорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар ёки қўшма корхоналар (миллий ва чет эл капитали иштирокидаги) кўринишда бўлади.


➤ **Давлат тадбиркорлиги** бу давлат мулкчилигига асосланган корхоналарни ва мулкида давлат улуши юқори салмоқни ташкил этадиган корпорацияларни ўз ичига олади.



Корхона (фирма) — иқтисодий фаолиятни ташкил қилишнинг асосий ижтимоий-иқтисодий шакли, миллий иқтисодиётнинг бирламчи бўғини ва товарлар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) бўйича тадбиркорлик фаолият субъекти.


Корхоналарнинг ташкилий шакллари

Ташкилий
ҳуқуқий
шакллари



- Индивидуал (якка) хўжалик;
- Шерикчиликка асосланган корхона;
- Корпорация (акционерлик мулки асосида ташкил қилинади).

Мулкчилик
мақомига кўра





- индивидуал, оилавий-хусусий, корпоратив-хусусий, жамоа, давлат, аралаш мулкчиликка асосланган



3-§. Акционерлик жамиятлари ва улар фаолиятининг хусусиятлари

Акционерлик жамиятлари анча катта ҳажмда маблағлар ва иқтисодий ресурслар талаб қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ҳамда молиявий ресурсларни алоҳида ўзига хос шаклда, яъни ҳиссадорлик тартибида бирлаштириш асосида ташкил қилинадиган корхоналардир.

Акционерлик жамиятига қўйилган капитал миқдорига қараб, қимматли қоғоз-акция чиқариш ва уни жойлаштириш ҳиссадорлик муносабатларининг энг асосий хусусиятларидан биридир.



Акция — ҳиссадорлик жамияти сармоясига қўшилган ҳиссасига гувоҳлик қилувчи, унинг эгасига улушига мувофиқ соф фойданинг бир қисмидан дивидент шаклида даромад олиш ва шу акциядорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғоз ҳисобланади.

Акция ўз эгасига корхонани бошқаришда қатнашиш, жамият тугатилганда унинг мулкига шериклик ҳуқуқини ҳам беради.

Облигация – капитал эгасининг акционерлик жамиятига доимий фоиз шаклида даромад олиш шarti билан пул қўйганига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоз.

Акциянинг номинал қиймати – акцияда ифодаланган пул суммасидир, **акция курси** унинг қимматли қоғозлар бозорида сотиладиган нархидир.

Акция курси, энг аввало, икки омил дивидент миқдори ва фоиз даражасига боғлиқ. Дивидент қанча кўп бўлса, акция курси шунча юқори бўлади. **Акция курси** дивидентни (Д) банкнинг фоиз ставкасига (р) бўлиш орқали топилади:

$$\text{Акция курси} = \text{Дивидент} / \text{Банк фоизи} \times 100\%$$

Акция курсига таъсир этувчи омиллар:

Акция курсига бозор қонунига мувофиқ равишда албатта талаб ва таклиф нисбати таъсир этади. У ўз навбатида қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Иқтисодий омиллар:

а) ишлаб чиқариш омиллари (корхона баланси, корхона кувватларидан фойдаланиш даражаси, маҳсулотларни сотиш имконияти, менежменти);

б) бозорга хос омиллар (бозор конъюнктураси, нархнинг ўзгариши: хомашё нархи, валюта курси, тўлов қобилияти, ташқи савдо ва бошқалар).

2. Руҳий омиллар (инвесторлар кайфияти, қўйган мақсади ва ҳ.к.).

3. Сиёсий омиллар (давлатнинг хўжалик, солиқ, социал ва бошқа сиёсати, инвестор ҳақида маълумотга эга бўлиш) кабилар.


Таъсисчилик фойдаси – акционерлик жамиятларини таъсис этувчилар ўзлаштирадиган даромад шакли бўлиб, у сотилган акциялар суммаси ва жамиятга ҳақиқатда қўйилган маблағ миқдори ўртасидаги фарқдан келиб чиқади.

**4-§. Менежмент корхоналарни бошқариш тизими.
Маркетинг ва унинг тизими**

Менежмент – илмий билишнинг алоҳида соҳаси бўлиб, бошқариш санъати ва маҳорати ҳақидаги фандир.

Менежер – бу малакали иш бошқарувчи.


**Бошқариш
принциплари
(Фр. Фаёл)**



- Ташкил қилиш (моддий ва ижтимоий томонларни);
- Идора қилиш (ходимларни);
- Мувофиқлаштириш (куч ва фаолиятни боғлаш);
- Назорат қилиш (барча ишлар аниқ топшириқ, буюртма асосида олиб борилишини кузатиш).

Маркетинг – истиқболни кўзлаб бозорни ҳар томонлама ўрганиш.


**Маркетингнинг
вазифалари**



- бозорни ўрганиш;
- харидор билан ўзаро муносабатларни ишлаб чиқиш;
- рақобат курашининг шакли ва усулларини белгилаш;
- корхона фаолиятини таҳлил қилиш;
- маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиш;
- бозорни сегментлаштириш;
- рекламани ташкил этиш.

Реклама – корхона, товар ва хизматлар ҳақидаги қисқача ва нафис расмийлаштирилган маълумотларни чиройли ифодалаш орқали потенциал харидорларга етказишга қаратилган тадбирлар тизими.

**Рекламанинг
вазифалари**



- корхона имиджини яратиш;
- жорий сотиш ҳажмини кўпайтириш;
- харидорга нима сотиб олиши зарурлигини ҳал қилишда ёрдамлашиш;
- мижозларни жалб қилиш ва кўпайтириш.

5-§. Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати ва унинг босқичлари. Тадбиркорлик капиталининг айланиши

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағлар, моддий ресурслар ва товарлар биргаликда тадбиркорлик **капитали дейилади.**

Тадбиркорлик капиталининг ҳаракат босқичлари:

➤ **1- босқич**

$$P \rightarrow T \begin{cases} \nearrow RK \text{ реал капитал(ишлаб чиқариш воситалари)} \\ \searrow M_o \text{ меҳнат омили (ишчи кучи)} \end{cases}$$

Бу босқич пул (P) шаклидаги капиталга тегишли ресурслар (R) бозорида уларни сотиб олишни билдиради.

➤ **2 - босқич ... U(Ишлаб чиқариш) T'**

Бу босқичда иқтисодий ресурслар унумли капитал сифатида (U) фойдаланилиб, ишлаб чиқариш омилларига айланади. Ишлаб чиқариш (Ich) натижасида унумли капитал тайёр маҳсулот шаклини (T') олади.

➤ **3 - босқич** T' - P'

Бу босқичда ишлаб чиқарилган товарларнинг сотилиш натижасида, тадбиркорлик капитали ўзининг дастлабки пул шаклига қайтади. Лекин у, дастлабки сарфланган (авансланган) пулдан қўшилган қиймат миқдорида кўп бўлади, яъни $P^1 = P + \Delta p$.

Тадбиркорлик капитали ҳаракатининг биринчи ва учинчи босқичлари **муомалада** (бозорда), иккинчи босқичи эса **ишлаб чиқариш жараёнида рўй беради.**

Тадбиркорлик капитали ўз ҳаракатида уч босқични изчил босиб ўтиб, мунтазам бир шаклдан бошқа шаклга айланиб, яна дастлабки шаклига қайтиб келиши унинг доиравий айланиши дейилади.

Тадбиркорлик капитали доиравий айланишини яхлит ҳолда қуйидагича тасвирлаш мумкин:

➤


$$P \rightarrow T \begin{cases} \nearrow RK \\ \searrow M_o \end{cases} \dots U(\text{Ишлаб чиқариш}) \dots T' \rightarrow P'$$

Доиравий айланиш жараёнида тадбиркорлик капиталининг ҳар бир шакли алоҳида вазифаларни бажаради:


- ишлаб чиқариш шарт-шароитини шакллантиради;
- товар ва хизматлар яратилади;
- товар ва хизматлар сотилади ва фойда олинади.

Тадбиркорлик капиталининг ҳар учала шакли ҳам бир вақтда ўз доиравий айланишига эга бўлади.


Пул капиталининг доиравий айланиши:



Унумли капиталнинг доиравий айланиши:



Товар капиталининг доиравий айланиши:



6-§. Асосий ва айланма капитал ва уларнинг айланиш хусусиятлари

Доиравий айланишнинг узлуксиз такрорланиб, қайтадан янгиланиб туриши тадбиркорлик капиталининг **айланишини** ташкил қилади.

Айланиш хусусиятига кўра унумли истеъмолдаги капитал **асосий** ва **айланма** капиталга бўлинади.

- **Асосий капитал** ишлаб чиқариш жараёнида бир нечта доиравий айланишлар давомида қатнашади, қийматини яратилаётган маҳсулотга бўлиб-бўлиб ўтказади ва ашёвий буюм шаклини ўзгартирмайди.
- **Айланма капитал** бир доиравий айланиш давомида тўлиқ истеъмол қилинади, қийматини ишлаб чиқариш натижаларига тўлиқ ўтказади ва ашёвий буюм шаклини ҳам йўқотади.

Асосий ва айланма капиталнинг фарқлари:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракат қилиш хусусиятлари.
2. Қийматини ишлаб чиқариш натижаларига ўтказиш хусусиятлари.
3. Айланиши. Капиталга сарфланган пулнинг, тадбиркор қўлига қайтиб келиши.

Тадбиркорлик капиталининг **айланиш вақти** (V_a) ишлаб чиқариш вақти ($V_{i.ch}$) ва муомала вақтидан (V_m) иборат:

$$V_a = V_{i.ch} + V_m$$


Тадбиркорлик капиталининг ишлаб чиқариш жараёнида товарлар тайёр бўлгунча сарфланган вақт **ишлаб чиқариш вақтини**, ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш ва тайёр товарларни сотиш учун кетган вақт **муомала вақтини** ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш вақти


Иш даври ёки меҳнат жараёни	Танаффуслар даври; Табиий жараёнлар ва ташкилий сабабларга кўра	Ишлаб чиқариш захирасида турган вақт
-----------------------------	--	--------------------------------------

Иш даври меҳнат предметлари (хомашё, материаллар, табиат неъматлари ва ҳ.к.) бевосита меҳнатнинг таъсири остида бўлган вақт

Иш даври давомийлигини белгиловчи омиллар:


- 
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури ва истеъмол қилиниш хусусиятлари;
 - ишлаб чиқариш технологияси ва унинг техникавий қуролланиш даражаси;
 - қўлланиладиган меҳнатнинг миқдори ва унинг унумдорлиги;
 - ишлаб чиқаришнинг табиий ва иқлим шароитлари.

Ишлаб чиқариш вақтида танаффусларнинг мавжуд бўлишини тақозо этувчи омиллар:

- 
- табиий жараёнларнинг (кимёвий, биологик) меҳнат буюмларига таъсир кўрсатиш зарурлиги;
 - ташкилий сабаблар. Бунда танаффусларни корхоналарнинг иш режими ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш хусусиятлари зарур қилиб қўяди.

Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарурлиги ишлаб чиқариш воситаларининг **захира** ва **эҳтиётлар** сифатида бўлишини тақозо этади.

Муомала вақти давомийлигини белгиловчи омиллар:

- 
- транспорт, алоқа ва коммуникациялар тизими ривожланиш ҳолати;
 - товар ва ресурслар бозорининг ривожланиш даражаси;
 - бозор инфратузилмаси ҳолати;
 - хўжалик алоқаларининг мавжуд тизими.

7-§. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги

Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш жараёни:

- асосий капитални молиявий таъминлаш учун инвестицион ресурсларни вужудга келтириш;
- асосий капитални самарали тақсимлаш ва улардан иқтисодий фаолиятда фойдаланиш;
- асосий капитал эскириши ва амортизация жараёнини ҳисобга олиш;
- асосий капитални жисмоний шаклда қайта тиклаш (капитални таъмирлаш ёки янгилаш).



Асосий капитални ҳисобга олиш натурал (ашёвий-буюм) ва қиймат кўрсаткичларида амалга оширилади.

- • Натурал шаклида ҳисобга олиш – бу сон кўрсаткичлар (дона ва х.)
- Қиймат ёки пул шаклида асосий капитал қуйидаги қийматлари бўйича ҳисобга олинади:
 - А) дастлабки қиймати;
 - Б) қайта тикланиш қиймати;
 - Д) қолдиқ қиймати;
 - Е) тугатилиш қиймати.

Ўзбекистонда асосий капитал учун инвестиция манбалари ва уларни ўзгариши (млрд. сўм, %)

11.1-жадвал

Йиллар	Жами инвестициялар	Шу жумладан				
		Бюджет маблағлари	Аҳоли ва қорхона маблағлари	Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Чет эл инвестиция ва кредитлари	Бошқа манбалар
2000	696,3	210,9	272,3	52,2	151,1	9,7
	100,0	30,3	39,1	7,5	21,7	1,4
2002	1442,4	360,6	750,0	31,7	294,2	5,8
	100,0	25,0	52,0	2,2	20,4	0,4
2004	2473,2	369,4	1374,2	65,4	605,8	58,4
	100,0	14,9	55,6	2,6	24,5	2,3
2006	3838,3	409,5	2302,1	131,8	730,4	264,5
	100,0	12,7	60,3	3,1	19,2	6,9
2007	5479,7	492,9	3231,9	172,4	1247,7	334,2
	100,0	9,0	59,0	3,1	22,8	6,1
2008	8483,7	763,5	4572,7	424,2	2188,8	534,5
	100,0	9	53,9	5,0	25,8	6,3
2009	12531,9	1019,5	5875,0	651,5	4058,1	927,8
	100,0	8,1	46,9	5,2	32,4	7,4
2010	15409,1	1201,9	7288,5	1402,2	4437,8	1078,6
	100,0	7,8	47,3	9,1	28,8	7,0
2011	18291,3	1101,7	9190,3	2021	4586,3	1390,1
	100,0	6,0	50,2	11,1	25,1	7,6

Асосий капиталнинг таркиби ва тузилиши

→ **Тармоқ таркиби** – асосий капиталнинг умумий ҳажмида алоҳида тармоқлардаги улушини кўрсатади.

→ **Турлари бўйича таркиби** – асосий капиталнинг умумий қийматида алоҳида турларнинг (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва ҳ.к.) нисбати билан тавсифланади.

→ **Мулкий таркиби** – асосий капиталнинг умумий қийматида ҳар бир мулк шаклининг ҳиссасини кўрсатади.



Амортизация – асосий капитал эскириб боришига қараб, унинг қийматининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат)га ўтказилиши ва асосий капитални қайта тиклаш мақсадида жамғарилиб бориш жараёнини англатади.

Амортизация ажратмалари маблағларидан икки мақсадда фойдаланилади:


- асосий капитални тўлиқ қоплаш, яъни қайта тиклаш;
- асосий капитални қисман тиклаш, яъни капитал таъмирлаш.

Амортизация нормаси (A_n) – амортизация ажратмалари йиллик суммасининг (A) асосий капитал қийматига (K_{as}) нисбатининг (A) фоиздаги ифодасидир, яъни:

$$A_n = A / K_{as} \times 100\%$$


Амортизация ажратмасининг йиллик суммаси $N_a = (B + K + D - L) / N \times 100$; формуласи билан аниқланади. Бу ерда:
 N_a – амортизациянинг йиллик нормаси, дастлабки қийматга нисбатан % да;
 B – асосий капитал қиймати;
 K – асосий капитал хизмат даврида таъмирлаш ва модернизация учун қилинган сарфлар;
 D – асосий капитални тугатиш учун қилинган сарфлар;
 L – асосий капитални тугатишдан олинган маблағлар;
 N – асосий капиталнинг ўртача хизмат қилиш муддати.

Чизиқли усул




Бунда A_a асосий капиталнинг дастлабки қиймати ва амортизация нормасидан келиб, чиқиб, амалга оширилади. М: Ускуна нархи 360 млн.сўм, хизмат муддати 10 йил. $A_n = 100\% : 10 = 10\%$, яъни йиллик A_a си 36 млн.сўм.

Камайиб борувчи қолдиқ усули



Бунда, A_a -ҳисоблашда эскириш меъёри асосий капиталнинг ҳисобот йили бошидаги қолдиқ қийматига кўпайтирилади. Бу усулга амортизация меъёри (коэффициенти) 2 ҳисса олинади. М: Юқоридаги мисолда жадаллашган амортизация биринчи йили $A_n = (10\% \times 2) = 20\%$, $A_a = (360 \times 20 : 100) = 72$ млн.сўм;
 Иккинчи йили қолдиқ қийматига $(360 - 72 = 288$ млн.сум) A_a ҳисобланади: яъни, 288 млн.сўм $\times 20\% : 100\% = 57,6$ млн.сўм;
 Кейинги йилларда ҳам худди шу тартибда ҳисобланади.

**Кумулятив
(йиллар
йиғиндисини)
усули**



Ҳар йилги амортизация меъёри амортизация муддати якунига қадар қолган асосий капитал қийматининг бўлаги сифатида белгиланади.

Бўлак амортизация ҳисобининг тугагунича қолган йиллар йиғиндисини амортизация муддатини белгилайдиган йилларнинг тартиб сонига бўлиб аниқланади.

Юқоридаги мисол бўйича усқунанинг хизмат давридаги йиллар йиғиндисини аниқлаймиз: $10+9+8+7+6+5+4+3+2+1=55$ йил;

Биринчи йили амортизация нормаси:


$$A_a = 360 \times 10/55 = 65,5 \text{ млн. сўм.}$$

Иккинчи йили: $A_a = 360 \times 9/55 : 100 = 59,04$ млн. сўм ёки $A_H = \frac{9}{55} \cdot 100 = 16,4\%$;

$$A_a = 360 \times 16,4 : 100 = 59,04 \text{ млн. сўм.}$$

Кейинги йилларга ҳам ушбу тартибда ҳисобланади.

**Маҳсулот (иш)
ҳажмига
мутаносиб
ҳисоблаш усули**



Бунда A_a си маҳсулот (иш) ҳажмини асосий капиталнинг дастлабки қийматига нисбати бўйича ҳисобланади.

М: Автомобилнинг кўзда тугилган юриши 400 минг км. қиймати 80 млн. сўм, ҳисобот йилида юриши 5 минг км. Кўзда тугилган маҳсулот (иш) ҳажмига йиллик $A_a = 5 \times 80 : 400 = 1$ млн. сўм.

Асосий капиталдан **фойдаланиш самарадорлиги** «натижа» ва «харажат»ни таққослаш қоидасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва фойдаланишдаги асосий капитал миқдори ўртасидаги нисбатни акс эттиради.

Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари

I. Қиймат кўрсаткичлари:

➤ Капитал қайтими (K_q)

- миллий иқтисодиёт даражасида:

$$K_q = Y_{aMM} (SMM, MD) / K_{as}$$

- корхона даражасида:

$$K_q = Y_{aM} (Y_{aD}, M) / K_{as}, \text{ бу ерда:}$$

$Y_{aMM} (SMM, MD)$ – ялпи миллий маҳсулот (соф миллий маҳсулот, миллий даромад);

$Y_{aM} (Y_{aD}, M)$ – корхонанинг ялпи маҳсулоти (ялпи даромади, фойдаси);

K_{as} – асосий капитал қиймати.

➤ Капитал сиғими ($K_{sig'}$)

- миллий иқтисодиёт даражасида:

$$K_{sig'} = K_{as} / Y_{aMM} (SMM, MD)$$

- корхона даражасида:

$$K_{sig'} = K_{as} / Y_{aM} (Y_{aD}, M)$$

II. Натурал кўрсаткичлар:

➤ асосий капиталнинг алоҳида турларидан фойдаланиш самарадорлигини характерлайди. Масалан, бир автомобил ҳисобига ташилган юк, бир комбайн ҳисобига ўрилган ғалла ёки терилган пахта, бир дастгоҳ ҳисобига тўқилган мато ва ҳ.к.

Айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги

➤ Маҳсулотнинг материал сиғими ($M_{sig'}$)

* миллий иқтисодиёт даражасида:

$$M_{sig'} = K_{ay} / Y_{aMM} (SMM, MD)$$

* корхона даражасида:

$$M_{sig'} = K_{ay} / Y_{aM} (Y_{aD}, M)$$

➤ Айланма капитал бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори. Бу кўрсаткич ҳар икки даражада маҳсулотнинг материал сиғими кўрсаткичига тескари миқдор сифатида аниқланади.

➤ **Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти (K_{koef})** бир йилда сотилган маҳсулот қийматининг (M_q) айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига (O_{ay}) нисбати билан аниқланади:

$$K_{\text{koef}} = M_q / O_{\text{ay}}$$

➤ **Айланма маблағларнинг айланиш даври (V_{ay})** йилдаги кунлар сонининг айланишлар сонига (n) нисбати билан аниқланади:

$$V_{\text{ay}} = 360 / n$$

Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар: Асосий тушунчалар

- | | |
|-----------------------------------|---------------------------------------|
| 1. Тадбиркорлик | 8. Асосий капитал |
| 2. Бизнес. | 9. Хужумкорликка асосланган стратегия |
| 3. Тадбиркор | 10. Айланма капитал |
| 4. Бизнеснинг ташкилий шакли | 11. Актив капитал |
| 5. Фирма | 12. Пассив капитал |
| 6. Тадбиркорлик объекти. | 13. Амортизация |
| 7. Мудофаага асосланган стратегия | 14. Айланма маблағлар |

Қуйидаги жавоблардан тўғрисиини танланг:

а) Тадбиркорлик қобилиятини ишга солиш, фаолиятга айлантиришнинг ташкилий шакли.

б) Риск қилган ҳолда маблағларни самарали сарфлаб, фаолият юритишнинг ташкилий шакли.

д) Максимал даражада даромад олиш мақсадида ишлаб чиқариш омиллари (ер, капитал, меҳнат)нинг энг самарали нисбатини топиб ишга тушириш.

е) Бир ёки бир неча корхона ва фаолият турини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект.

ф) Рақиблар фаолиятини кузатиш асосида, улар эришган натижадан фойдаланиб иш юритиш стратегияси.

- г) Тадбиркорлик қилиш қобилиятига эга инсон.
- х) Янгиликларни жорий қилишга, бошқалар қўлламаган усулларни қўллашга асосланган стратегия.
- и) Мулккий мақоми, ташкилий-ҳуқуқий асослари, хўжалик юриштиш, бошқариш услубларига кўра фаолият юритишнинг намоён бўлиши.
- ж) Капиталнинг кўп йил хизмат қилиб, бир неча ишлаб чиқариш циклида (доиравий айланиш) да қатнашиб, қийматини ишлаб чиқарилаётган товарга аста-секинлик билан ўтказадиган, ишлаб чиқариш жараёнида ўз хоссасини ўзгартирмайдиган қисми.
- к) Айланма капитал ва муомаладаги капиталнинг биргаликдаги ифодаси.
- л) Асосий капиталнинг маҳсулот яратиш учун зарур миқдорининг баҳоси, яъни маҳсулотга кўчган, харажатларда ифодаланган қисми.
- м) Капиталнинг бир ишлаб чиқариш цикли (доиравий айланиш) да қатнашиб, ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга тўла ўтказадиган, ишлаб чиқариш жараёнида ўз хоссасини ўзгартирадиган қисми.
- н) Асосий капиталнинг ишлаб чиқариш жараёнида фаол қатнашадиган қисми; одатда машина, механизмлар, асбоб-ускуна кабилар киритилади.
- о) Асосий капиталнинг фаолият юритиш учун шароит яратувчи, анча узоқ хизмат қилувчи, ишлаб чиқаришда пассив қатнашувчи қисми.

Масала ва машқлар

1. Мулкдор билан тадбиркор тушунчаси бирми? Қуйидаги жавоблардан қайси бири тўғри?

А) Йўқ. Бу кўпроқ якка эгалик асосида ташкил этилган корхона шаклига хос. Корпорацияларда мулкдор билан тадбиркор тамомила фарқ қилади. Сиз бирон-бир фирма акциясига эга бўлишингиз билан ҳамкорликдаги мулкка шерик бўласиз. Тадбиркорликка эса ҳеч қандай алоқангиз йўқ.

Б) Ҳа. Мулкдор бўлгандан кейин тадбиркор бўлади. Мулкка якка эгалик қилиш шарт эмас. Тадбиркор ўзи мулкка эга бўлгандагина тадбиркор бўлиши мумкин. Тадбиркорлик билан шуғулланар экан, мулкдор бўлиши шарт.

2. Иқтисодиёт назариясидан маълумки, тадбиркорлик риск билан боғлиқ. Ўйлаб кўрингчи, бу риск аниқ нима билан боғлиқ, деб ўйлайсиз?

- а) пул йўқотиш билан;
- б) обрў-эътиборни йўқотиш билан;
- д) бозор иқтисодиётига хос хусусият - ноаниқлик унинг доимий йўлдоши эканлиги билан;
- е) ахборот асимметрияси билан;
- ф) мол-мулкни йўқотиш билан;
- г) тўғри қарор қабул қила билмаслик билан;
- х) қатъият етишмаслиги билан.

Булардан қайси бири сиз учун шахсан катта аҳамиятга эга? Тадбиркорлик билан шуғулланадиган бўлсангиз қайси бирига кўпроқ аҳамият берган бўлардингиз?

3. Фирмада сизнинг улушингиз 500000 сўм. Сиздан бошқа тенг ҳуқуқли 19 та шерик бор. Фирманинг устав капитали 10 млн. сўм. Фирма 50 млн. сўмлик зарар кўрди. Унга банкротлик хавф солиб турибди. Агар корхона банкротликка учраса, сизнинг зиммангизга тушадиган маблағни ҳисобланг:

- а) агар масъулияти чекланмаган;
- б) акционерлик жамияти бўлса.

4. 2003-йили «Тошқишлоқмаш» ОАЖ 1630 млн. сўмлик маҳсулот сотди. «Ўзқишлоқмаш» ОАЖда эса 764 млн. сўмлик маҳсулот сотилди. Асосий капитал (асосий фонд) нинг ўртача қиймати мувофиқ равишда 3476 ва 845 млн. сўм. Ишлаб чиқариш қуввати эса 3167 сўм ва 1421 млн. сўм. Корпорацияларнинг капитал (фонд) унумдорлиги, капитал (фонд) сиғими, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражасини ҳисобланг. Натижани таққосланг ва уларнинг фаолиятига баҳо беринг. Ана шу иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори даражада бўлиши учун сизнингча нималар қилиш керак? Фикрингизни асослаб беринг.

Бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича улушларини ҳисобланг.

Сотиш ҳажми ва фирмалар сони улушларини диаграммаларда ифодаланг. Уларни таққослаш асосида қандай хулосалар чиқариш мумкин. Жавобингизни изоҳланг.

5. АҚШда бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари қуйидагича

Бизнес шакллари	Фирмалар сони	Уларнинг умумий сотиш ҳамидаги улуши, %да
Индивидуал, хусусий фирмалар*	14 783 000	6
Шерикчилик	1 554 000	4
Корпорациялар	3 717 000	90
Ҳаммаси	20 054 000	100

*Фермер хўжаликларини қўшмаганда

6. Топишмоқ: Бир восита борки, у барча-тартиб қоидалари билан сотиладиган бўлса, тадбиркор учун маҳсулот ишлаб чиқаришга қараганда ҳам маъқулроқ, сабаби у ҳеч қачон қадрини йўқотмайди.

Т/Н

1. Й. Шумпетер тадбиркорнинг новаторлигига алоҳида эътибор бериб, тадбиркор ишлаб чиқариш омилларининг янги нисбатларини изловчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи киши деб таърифлайди.

2. Тадбиркорликни а) иқтисодий категория, б) хўжалик юритиш услуги, д) иқтисодий фикр юритишнинг ўзига хос типи сифатида қараб ўрганиш зарур.

3. Тадбиркорнинг мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ва ҳимояланган бўлиши шарт эмас.

4. Иқтисодий категория сифатида тадбиркорликнинг объекти максимал даражада даромад олиш мақсадида ишлаб чиқариш омилларининг самарали нисбатини топиб ишга туширишдир.

5. Тадбиркорлик қилишни ҳамма эплайди, қийини ҳужжатларни расмийлаштириш.

6. Кичик корхонанинг муҳим афзаллиги уни тез ташкил этиш мумкинлиги, капитал айланиш тезлигининг юқорилиги, бозор талабига тезда мослашувчанлиги.

7. Тикувчилик корхоналарининг асосий хомашёси материал. Шунинг учун уни асосий капиталга мисол қилиб келтириш мумкин.

8. Амортизация нормаси асосий капитални жисмоний эскиришини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Тестлар

1. Тадбиркорликка иқтисодий адабиётларда уч жиҳатдан қаралади:

а) иқтисодий категория, хўжалик юритиш услуги, иқтисодий фикр юритишнинг ўзига хос типи сифатида;

б) иқтисодий категория, хўжалик юритиш услуги, мулк эгаси сифатида;

д) хўжалик юритиш услуги, иқтисодий фикр юритишнинг ўзига хос типи сифатида, мулк эгаси сифатида;

е) хўжалик юритиш услуги, мулк эгаси, даромад топишнинг ўзига хос типи сифатида;

ф) иқтисодий категория, хўжалик юритиш услуги, даромад топишнинг ўзига хос типи сифатида;

2. Жаҳон иқтисодий адабиётида тадбиркорликнинг учта функцияси ажратиб кўрсатилади:

а) ресурслар билан таъминлаш, ташкилотчилик, ижодкорлик;

б) ресурслар билан таъминлаш, капитал билан таъминлаш, ижодкорлик;

д) капитал билан таъминлаш, хомашё билан таъминлаш, ижодкорлик;

е) ресурс билан таъминлаш, ташкилотчилик, омилларни бирлаштириш;

ф) ташкилотчилик, омилларни бирлаштириш, ижодкорлик;

3. Қуйидаги санаб ўтилганлардан қайси бири якка тартибдаги меҳнат фаолиятига асосланган индивидуал тадбиркорликка тўғри келмайди:

а) индивидуал мулкка асосланади;

б) ўзи меҳнат қилади;

д) олинган натижа унинг ўзига тегишли бўлади;

е) мулкидан даромад топиш мақсадида фойдаланади;

ф) ёлланган ходимларга иш ҳақи тўлайди;

4. Қуйидаги санаб ўтилганлардан қайси бири хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик фаолиятига мос эмас:

- а) хусусий мулкка асосланади;
- б) ишлаб чиқариш натижаси мулк эгасига тегишли бўлади;
- д) четдан ишчи ёллайди;
- е) капитал омилига жамоа эгалик қилади;
- ф) мустақил эркин фаолият юритади;

5. Асосий ва айланма капиталнинг фарқланувчи жиҳатларига қуйидагилардан қайси бирини қўшиб бўлмайди?

- а) ўз қийматларини ишлаб чиқариш натижаси-маҳсулотга ўтказиши;
- б) доиравий айланишда қатнашишига кўра;
- д) ишлаб чиқариш жараёнида ўз хоссасини ўзгартириши;
- е) амортизация ажратмаларини ҳисоблаш;
- ф) сарфланган маблағнинг қайтиши.

6. Қуйидагилардан қайси бири бизнеснинг корпорация шакли камчилигига кирмайди?

- а) капитални жалб қилишнинг кенг имкониятлари;
- б) ташкил этишнинг ташкилий-молиявий мураккабликлари;
- д) бошқариш харажатларининг кўплиги;
- е) икки томонлама солиққа тортиш субъекти;
- ф) мулк ва назоратнинг ажратилиши.

7. Чайқовчилик фаолияти ...

- а) қонун асосида иш юритувчи тадбиркорлар учун рискни орттиради;
- б) нархлар беқарорлиги тенденциясини кучайтиради;
- д) иқтисодий бум ва рецессияга олиб келади;
- е) доимо фойда олишга олиб келади;
- ф) тадбиркорлар учун рискни камайтиради.


Бизнеснинг ташкилий шаклларининг афзаллиги ва камчилиги

Бизнеснинг ташкилий шакли	Афзаллиги	Камчилиги
Индивидуал хусусий корхона	Тез ташкил этиш, нисбатан эркин фаолият юритиш, назоратнинг оддий ва осонлиги	Молия ресурсларининг чекланганлиги, барқарорликнинг етарли эмаслиги, тўла молиявий жавобгарлиги, назорат ва бошқаришни кўшиб олиб боришнинг қийинлиги
Шерикчилик	Тез ташкил этиш, индивидуал корхонага қараганда бошқаришда нисбатан ихтисослашув ҳамда молиявий имкониятга эга бўлиш (пул маблағлари бирлаштирилади). Давлат томонидан таъсир кўрсатиш чекланган.	Бошқаришда манфаатлар ажралишининг вужудга келиш эҳтимоли, фаолият юритишда келишмовчиликлар келиб чиқиши, шериклардан бирортасининг кетиши билан фирманинг тугатилиши мумкинлиги, молиявий ресурслар чекланганлиги, тўла молиявий жавобгарлиги
Корпорация	Капитални жалб қилишда кенг имкониятлар мавжудлиги, масъулиятнинг чекланганлиги (жавобгарлик устав капитали, акция қиммати доирасида чекланган), капиталлар бирлашуви имконияти, юридик шахс сифатида барқарорлиги, махсус бошқарувчиларни ёллаш имконияти мавжудлиги	Ташкил этишнинг ташкилий-молиявий мураккабликлари, ташкил этиш ва бошқариш харажатларининг кўплиги, икки томонлама солиққа тортиш субъекти эканлиги: корпоратив даромад ва дивидентдан солиқ тўлаш, мулк ва назоратни ажралиши (раҳбар ижро этувчи муаммоси)

11.1-чизма

Билдирилган фикрларнинг қайси бирига қўшилмайсиз?

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши




11.1-гистограмма


Гистограмма маълумотларидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши қандай ўзгарган? Улардан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, минг бирлик

11.2-гистограмма



**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд. сўм
11.3-гистограмма**



Гистограммалар маълумотларидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Нима сабабдан республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда?

Корпорациянинг афзалликлари ва камчиликлари

Корпорациянинг афзалликлари:

- Капитал жалб қилиш имконияти катта;
- Бошқариш билан мутахассис менежерлар шуғулланади;
- Юридик шахс сифатида барқарор. Жамиятдан бир-икки кишининг чиқиши билан унинг фаолияти тўхтамайди;
- Масъулияти чекланганлиги. Акция эгаларининг жавобгарлиги акция қиймати доирасида чекланган.


Корпорациянинг камчиликлари:

- Даромад солиғи икки марта тўланади (фойдадан ва дивидентдан);
- Иқтисодий жиҳатдан суистеъмол қилиш имконияти бор. Реал қийматга эга бўлмаган акцияларни чиқариб сотиши мумкин;
- Ташкил этишнинг молиявий мураккабликлари мавжудлиги;
- Ташкил этиш ва бошқариш харажатларининг кўплиги;
- Мулк ва назоратнинг ажралиши

Сиз корпорациянинг афзалликлари ва камчиликларига нималарни қўшган бўлар эдингиз?

Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда

11.4-гистограмма



Асосий капиталда инвестицияларнинг ўсиши нимани билдиради? Улар асосида тадбиркорлик ривожланаяпти деб айта оламизми?

Асосий капиталга инвестициялар ҳажми ва таркиби, млрд. сўм

11.3-жадвал

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		Ўсиш суръати, %да
	ҳажми	салм.%	ҳажми	салм.%	
Асосий капиталга инвестициялар	5479,7	100,0	8483,7	100,0	128,3
Марказлашган инвестициялар	1099,7	20,1	1717,0	20,2	129,1
- бюджет маблағлари	492,9	9,0	761,8	9,0	127,9
- нобюджет фондлари маблағлари	334,8	6,1	533,6	6,3	131,8
- хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати асосидаги кредитлар	272,0	5,0	421,6	5,0	128,2
Марказлашмаган инвестициялар	4380,0	79,9	6766,7	79,8	128,0
- корхоналар маблағлари	2610,0	47,6	3741,1	44,1	118,6

- аҳоли маблағлари	621,9	11,3	828,0	9,8	112,0
- тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	975,7	17,8	1772,1	20,9	150,2
- тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	172,4	3,1	425,5	5,0	246,8

Юқоридаги диаграмма ва жадвал асосида асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиши ҳақидаги маълумотлардан келиб чиқиб, уни янгиланиши ҳақида қандай хулоса чиқариш мумкин?

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

1б); 2а); 3е); 4ж); 5г); 6в); 7д); 8з); 9ё); 10к); 11л); 12м); 13й); 14и);

Масала ва машқлар:

1. а) жавоб тўғри.
2. Барчаси билан тўқнаш келиш мумкин.
3. а) 2,5 млн сўм; б) 10 млн. сўмдан 5% ёки улушингиз бўйича 0,5 млн. сўм.
4. капитал(фонд) унумдорлиги 1) 0,44 сўм; 2) 0,9 сўм;
Капитал(фонд) сифими 1) 2,3 сўм; 2) 1,1 сўм;
Ишлаб чиқариш қувватидан 1)48,5%; 2) 53,9% фойдаланилган.
5. Корпорацияларнинг умумий фирмалар сонидagi улуши 18% бўлгани ҳолда сотишдаги улуши 90%. Бу уларнинг етакчи рол ўйнашини кўрсатади.
6. Топишмоқ: Омилкор ақл.

Т/Н

1Т; 2Т; 3Н; 4Т; 5Н; 6Т; 7Н; 8Н;

Тестлар

1а); 2а); 3д); 4г); 5г); 6 а); 7б);

12-МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДА

1-§. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг таркиби

Иқтисодий фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга ошириш учун муайян иқтисодий ресурслар талаб қилинади. Уларни сотиб олиш учун қилинган харажатлар **иқтисодий харажатлар** деб аталади.

Ишлаб чиқариш жараёнига иқтисодий ресурсларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган сарф-харажатлар **ишлаб чиқариш харажатлари** дейилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари таркиби (W)

$$W = R_t + A_{ac} + O_{ай} + B_x; \quad R_t = (IH + r + R + P_n)$$

Ресурслар учун тўловлар (R_t)

- Иш ҳақи (IH);
- Фоиз тўловлари (r);
- Рента тўловлари (R);
- Нормал фойда (P_n).

Асосий капитал амортизацияси (A_{ac})

Айланма капитал қиймати ($O_{ай}$):

- Хомашё ва материаллар;
- Ёнилги, энергия ва бошқалар.

Бошқа харажатлар (B_x):


- Ижтимоий суғурта учун ажратмалар;
- Тўғри солиқлар ва бошқа тўловлар.



2-§. Ўртача харажатлар ва уларнинг турлари. Меъёрий харажатлар. Қисқа ва узоқ даврда ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариш тамойиллари

Маҳсулот (ёки хизмат) бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар **ўртача харажатлар** деб аталади.

Ўртача харажатларнинг турлари




Ўртача умумий харажатлар (АТС) ўртача доимий харажатлар билан (АFC) ўртача ўзгарувчи харажатлар (АVC) йиғиндисига тенг. Ҳар бир аниқ ишлаб чиқариш жараёнида: $АТС = АFC + АVC$.

Меъёрий харажатлар – (МС) қўшимча бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлардир.

Уни **n** миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган умумий харажатлардан **n-1** учун сарфланган харажатларни айириб топилади, яъни куйидагича ҳисобланади:

$$МС = TC_n - TC_{n-1}; \text{ ёки } МС = \Delta TVC / \Delta Q$$

3-§. Фойданинг мазмуни. Фойда нормаси ва массаси.



Бухгалтерия фойдаси → Умумий пул тушумларидан ишлаб чиқаришнинг ташқи харажатларини айириб ташлагандан кейинги қолган қисми

Фойда массаси (P) → Корхона олган фойдасининг умумий ҳажми ёки мутлақ миқдори.

Фойда нормаси (P') → Фойда массаси ёки миқдорининг ишлаб чиқариш харажатларига нисбатининг фоиздаги ифодаси, яъни:


$$P' = \frac{P}{W} \times 100\%$$

Фойда ҳажми:


- Ишлаб чиқариш харажатлари даражасига;
- Бозор нархларига боғлиқ.

Ялпи фойданинг ҳосил бўлиши ва тақсимланиши

Пул даромадлари тушуми - Ишлаб чиқариш харажатлари = Ялпи фойда



Соф фойданинг тақсимланиши

- 
- Инвестицияга;
 - Кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга;
 - Ижтимоий фондларга;
 - Экология учун ажратмалар;
 - Бизнесга (корхона эгалари ва ишчиларига) тегишли шахсий даромадлар.

Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар: Асосий тушунчалар

- | | |
|--------------------------|-----------------------|
| 1. Иқтисодий харажатлар | 6. Умумий харажатлар |
| 2. Ташқи харажатлар | 7. Ўртача харажатлар |
| 3. Ички харажатлар | 8. Меъёрий харажатлар |
| 4. Доимий харажатлар | 9. Иқтисодий фойда |
| 5. Ўзгарувчан харажатлар | 10. Нормал фойда |

Қуйидаги жавоблардан тўғрисиини танланг:

а) Қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ умумий харажатларнинг ўсиши.

б) Танланган ресурсларни энг маъқул ишлатиш, ўзгалар ишлатишига йўл қўймай, уларни сотиб олиш учун ресурслар эгасига тўланган ҳақ.

д) Маҳсулот бирлигига сарфланган харажатлар.

е) Миқдори ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ харажатлар.

ф) Четдан жалб этилган иқтисодий ресурсларга тўланган пул.

г) Маълум миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган доимий ва ўзгарувчан харажатлар, бошқача айтганда барча харажатлар.

х) Ҳеч бўлмаганда бир ресурснинг ўзгармагани ҳолда бошқа ресурсни ўсиши эвазига умумий маҳсулотнинг кўпайиши.

и) Фирма, корхонанинг ихтиёридаги ресурслар қийматининг пулдаги ифодаси;

ж) Тадбиркорлик қобилиятини ишга солишнинг алтернатив қиймати;

к) Ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлар;

л) Умумий тушум билан иқтисодий харажатлар ўртасидаги фарқ.

Масала ва машқлар

1. «Ўқиш учун тўланган ҳақ, сизнинг қизингиз ёки ўғлингизнинг ўқиши учун кетадиган харажатларнинг 43% ини қоплайди, холос. Шунинг учун сизларни университетимизда билим беришнинг асоси бўлган фаолият турларини қўллаш учун эҳсон қилишларингизга умид қиламиз». Бу сўзлар Америкадаги обрўли университетлардан бирининг ота-оналарга юборган хатидан олинган. Бу университетда йиллик ўқиш ҳақи 10 000 доллар атрофида.

Агар талаба ўқиш ҳақининг 43 % ини тўласа, унинг умумий суммасини ҳисобланг.

Агарда талаба ўқишни ташласа, университетнинг харажатлари 23 356 долларга камайдими?

2. Эркинжонларнинг 6 сотих томорқаси бор. У ҳар куни томорқада 30 минутдан ишлар эди. Энди у кунига 1 соатдан ишлашга қарор қилди. Натижада оладиган ҳосил 2 марта кўпаядими? Ўз фикрингизни асосланг.

3. Наргиза печенье пишираяпти. Хамирга у икки баробар кўпроқ шакар солди. Наргизанинг пиширган печеньеси 2 баробар кўпаядими? Ундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

4. Фермернинг оиласи 20 га ерда ҳосил етиштиради. Шу ерга тўланадиган бонитет бали бўйича рента (ер солиғи) 1 га учун 2000 сўм, ёлланма ишчиларга тўланадиган ҳақ йилига 600 минг сўм, материал, уруғлик, минерал ўғит, ёнилғи ва бошқа харажатлари 700 минг сўм, олинган қарзлар учун банкка тўланадиган йиллик фоиз 140 минг сўм, асосий капитал амортизацияси (механизмлар хизмат муддати 10 йил) – 400 минг сўм. Агарда фермер механизмларини сотиб, банкка қарзини тўласа, унда 3 миллион сўм қолади.

Фермер асосий капитал билан банкдаги қарзи ўртасидаги фарқни бизнесга қўйиб, шу суммадан 12 % миқдорда даромад олишдан воз кечган. Фермерга йиллик 600 минг сўм даромад билан ишлашни таклиф қилишяпти. Унинг аёли ҳам фермада ишлайди. Бошқа жойда ишлаганда 200 минг сўм ҳақ олган бўлар эди. Фермер ўзининг тадбиркорлик талантини 600 минг сўм баҳолайди.

Фермер хўжалигининг йиллик бухгалтерия фойдаси ва иқтисодий харажатларини аниқланг.

Агар фермер оиласининг даромади 3 миллион сўм бўлса, бухгалтерия ва иқтисодий фойдани ҳисобланг. Уларни аниқлашдан қўйилган асосий мақсад нима?

5. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзгаришига кўра, иқтисодий харажатлар ва унинг таркиби қуйидагича ўзгаради.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот	ФС	ВС	ТС	МС	АФС	АВС	АТС
0	120	0	120		-	-	-
1	120	90	210		120	90	210
2	120	170	290		60	85	145
3	120	240					
4	120	300					
5		370					
6		450					
7		540					
8		650					
9		780					
10		930					

Доимий харажатлар ФС; Ўзгарувчан харажатлар ВС; Умумий харажатлар ТС; Меъёрий харажатлар МС; Ўртача харажатлар АТС; Ўртача доимий харажатлар АФС; Ўртача ўзгарувчи харажатлар АВС; Бу категорияларни аниқлашни тушуниш учун энг маъқбули масаладан ҳамда график шаклидан фойдаланиш лозим.

А) Берилганлар бўйича харажатларни ҳисоблаб, жадвални тўлдилинг. Уларни график орқали ифодаланг.

Б) Бунда доимий, ўзгарувчан ва умумий харажатлар эгри чизиқларини битта графикда ифодаланг:

- доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўртасида қандай фарқ бор?
- нима сабабдан ФС горизонтал чизиқни ифодалайди?
- нима сабабдан ТС эгри чизиғи ВС эгри чизиғига ўхшаш?

Изоҳланг.

Д) Ўртача доимий (АФС), ўзгарувчи (АВС), умумий (АТС) ва меъёрий харажатлар эгри чизиғини битта графикда ифодаланг:

– маҳсулот ўсиши билан АФС эгри чизиғи қандай ўзгаради?
Нима сабабдан?

– АВС эгри чизиғи қандай ўзгаради? Нима сабабдан?

– ўртача харажатлар қандай ўзгаради, нима сабабдан?

– меъёрий харажатларчи, нима сабабдан? Изоҳланг.

6. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Унинг қайси бирларини ўзгарувчан, қайси бирларини доимий харажатларга киритиш мумкин ва нима сабабдан?

1) бино, иншоот, асбоб-ускуна амортизацияси;

2) ишчиларнинг иш ҳақи;

3) корхона директорининг белгиланган маоши;

4) мулк солиғи;

5) электр энергияси ва сув харажатлари;

6) хомашё харажатлари;

7) материал ва инструментлар сотиб олиш харажатлари;

8) қўйилган ўз пул маблағларига бой берилган фоиз;

9) ер солиғи.

7. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бозор нархи 7000 сўм, умумий харажатлар энг оптимал миқдор-12 та маҳсулот ишлаб чиқарганда 96000 сўмга тенг. Ўзгарувчи харажатлар (АВС) эса 60000. Ўртача ўзгарувчи, ва доимий харажатларни ҳисобланг. Сизнингча менежер қисқа муддатли даврда қандай қарорга келиши керак?

Ишлаб чиқаришни тўхтатиб, тармоқ, бозорни ташлаб кетиши керакми ёки йўқ. Жавобингизни изоҳланг. Графикда кўрсатинг.

8. 100 дона маҳсулот ишлаб чиқариш учун умумий харажатлар ТС 300 минг сўм. 500 дона ишлаб чиқариш учун эса 600 минг сўм сарфланади. Агар харажатлар функцияси тўғри чизикда ифодаланса, 400 дона маҳсулот ишлаб чиқариш учун харажатларни ҳисобланг.

9. Айтайлик, 200 дона маҳсулот ишлаб чиқариш учун 200 минг сўм, 201 донасига 201 минг сўм, 202 донасига 202 минг сўм сарфланади. 201 та маҳсулот ишлаб чиқарганда фирма фойдасини максимал даражага етказди. Фирмага шошқалоқ харидор мурожаат қилди. Қўшимча битта 202 маҳсулот учун у 3000 сўм тўлашга тайёр эканлигини уқтирди. Агар қўшимча битта маҳсулот

ишлаб чиқариш ва сотиш фирманинг бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва сотишига халақит бермаса, у 202 маҳсулотни ишлаб чиқаришга рози бўлиши керакми? Жавобингизни изоҳланг.

10. Олимжон фирмада инженер бўлиб, ойига 500 минг сўм маош оларди. У кичик корхона ташкил қилди. Бунинг учун 1500 минг сўм банкдаги жамғармасини олиб ишлатди. Ундан ташқари банкдан 3000 минг сўм кредит олди. Ундан 3000 минг сўмни ускуналар сотиб олишга сарфлади.

Агар йиллик кредит учун фоиз 20 %, банкдаги сақлаётган пулига йиллик фоиз 12 % бўлса, иқтисодий ва бухгалтерия харажатларини ҳисобланг.

11. Мукамал рақобат шароитида фирма йилига 20 минг дона телефон ишлаб чиқаради. Ўртача ўзгарувчи харажатлар 17500 сўм. Ўртача ишлаб чиқариш харажатлари 21500 сўм. Битта телефоннинг бозор баҳоси 25000 сўм. У ҳолда фирма қанча фойда кўради?

12. Фирма март ойи давомида 500 дона маҳсулот ишлаб чиқарди. Унинг умумий харажатлари 1 млн. сўмни ташкил этди. Май ойида эса маҳсулот ишлаб чиқаришни 600 донага етказди. Умумий харажатлар эса 1,26 млн. сўмга етди. Доимий харажатлар 200 минг сўм. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўртача, ўртача доимий, ўртача ўзгарувчи харажатларни ҳисобланг. Бу кўрсаткичлар ва уларнинг маҳсулот миқдори ортишига кўра қандай ўзгариши ҳақида ўз фикрингизни изоҳланг.

13. Қуйидаги жадвалда товар ишлаб чиқариш учун капитал ва меҳнат харажатлари ҳамда маҳсулот ТП миқдоринг ўзгариши берилган.

Берилган маълумотлар асосида:

А) Меҳнат харажатларининг (ишловчилар сони) ўзгариши билан меъёрий маҳсулот ҳажми қандай ўзгарган, ҳисобланг. Нечанчи ишчини ишга ёллагандан сўнг меъёрий маҳсулот камайишни бошлайди?

Б) Ҳар бир қўшимча ишчини ёллагандан сўнг, ўртача маҳсулот (АП) ҳажмини ҳисобланг. Қачон ўртача маҳсулот максимал даражага этади?

Д) Ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг сонига кўра, умумий маҳсулот (ТП), ўртача (АП) ва меъерий (МП) маҳсулотнинг ўзгариши графигини чизинг.

Е) Меъерий умумдорлик (даромад)нинг пасайиб бориши қонуни амал қилишини тушунтиринг. Унинг фазаларини кўрсатинг.

Капитал харажатлари	Меҳнат харажатлари	Меъерий маҳсулот	Умумий маҳсулот	Ўртача маҳсулот
К	Л	МП	ТП	АП
10	0		0	
10	1		20	
10	2		54	
10	3		100	
10	4		151	
10	5		197	
10	6		230	
10	7		251	
10	8		234	

14. Шундай иқтисодий категория борки, бу категорияни ифодалаган сўзнинг икки ҳарфини алмаштирсангиз унинг акси бўлган, ўрганаётган мавзуга тегишли иқтисодий категорияни ифодаловчи сўзнинг синоними ҳосил бўлади. Шу икки категория қатнашган уч сўздан иборат ўзбек халқ мақолини айта оласизми?

Т/Н

1. Кичик фирмалар доимо йирик фирмаларга нисбатан самарасиз.

2. Зарар кўраётган фирмалар маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатишлари лозим.

3. Фирманинг иқтисодий харажатлари ресурс эгаларига тўловлар бўлиб, бу ресурсларни бошқалар муқобил мақсадларда ишлата олмайди.

4. Иқтисодий фойда одатда бухгалтерия фойдасидан катта.

5. Агар фирма ишлатаётган ресурслари 30 % га ошса, ишлаб чиқариш ҳажми эса 20 % га ўсса, у ҳолда ишлаб чиқаришнинг ижобий самарали ҳосил бўлади.

6. Агар ўзгарувчи ресурс нархи ўсса, у ҳолда АТС, АВС, ва МС эгри чизиқлари юқорига силжийди, АФС эгри чизиғи аввалгича қолади.

7. Ўртача доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми ўсган сари қисқаради.

8. Агар фирманинг ресурсларга харажатлари 10 % га, ишлаб чиқариш ҳажми эса 15 % га ўсса, у ҳолда унинг кўлами ижобий самараси кузатилади.

9. Агар ўртача ўзгарувчи харажатлар АВС ишлаб чиқариш ҳажми кўпайган сари қисқарса, у ҳолда меъёрий харажатлар АВСга нисбатан паст бўлади.

10. Қисқа муддатли даврда фирма 500 дона маҳсулот ишлаб чиқаради. Ўртача ўзгарувчи харажатлар 2000 сўм, ўртача доимий харажатлар 500 сўм, умумий харажатлар эса 1100 сўм бўлади.

Тестлар

1. Фирманинг доимий харажатлари бу –

- а) ресурсларни сотиб олиш харажатлари;
- б) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган минимал харажатлар;
- д) фирма маҳсулот ишлаб чиқармаса ҳам сарфланадиган харажатлар;
- е) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ харажатлар;
- ф) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўртача харажатлар.

2. Фирманинг ўзгарувчи харажатлари бу –

- а) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўртача харажатлар;
- б) меъёрий харажатлар;
- д) фирма маҳсулот ишлаб чиқармаса ҳам сарфланадиган харажатлар;
- е) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ харажатлар;
- ф) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган минимал харажатлар.

3. Меъёрий харажатлар бу –

а) қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган қўшимча харажатлар;

б) қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган максимал харажатлар;

д) қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун доимий харажатлар

е) қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган минимал харажатлар;

ф) қўшимча сарфланган узок муддатли даврий харажатлар.

4. Фирманинг қисқа муддатли даврдаги умумий (ялпи) харажатлари (ТС) бу –

а) доимий (ФС) ва меъёрий(МС) харажатлар йиғиндиси;

б) ўртача ўзгарувчи (АВС) ва ўртача доимий харажатлар (АФС) йиғиндиси;

д) ўртача ўзгарувчи (АВС) ва меъёрий (МС) харажатлар йиғиндиси;

е) доимий (ФС) ва ўзгарувчи (ВС) харажатлар йиғиндиси;

ф) ўртача доимий (АФС) ва ўзгарувчи (ВС) харажатлар йиғиндиси.

5. Қисқа муддатли даврда фирма максимал даражада фойда олиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатади, агарда:

а) нарх минимал ўртача умумий харажатлардан кам бўлса;

б) нормал фойда ўртача тармоқ фойдасидан паст, бўлса;

д) умумий даромад умумий харажатлардан паст бўлса;

е) умумий тушум умумий ўзгарувчи харажатлардан кам бўлса;

ф) ўртача ўзгарувчи харажатлар нархдан паст бўлса.

6. Агар фирма ресурслар сотиб олган харажатларини 10% га оширса, бунда ишлаб чиқариш ҳажми эса 15% га ортса, у ҳолда:

а) ишлаб чиқаришда салбий кўлам самараси кузатилади;

б) ишлаб чиқаришда ижобий кўлам самараси кузатилади;

д) унумдорликни пасайиб бориш қонуни амал қилади;

е) ўртача умумий харажатлар ортади;

ф) фирма максимал фойда олади.

7. Иқтисодий фойданинг ўсиши рақобатли бозорда нимага олиб келади?

- а) амал қилаётган фирмаларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга;
- б) тармоққа янги фирмалар кириб келишига;
- д) маҳсулотнинг бозор нархи ўсишига;
- е) ишлатилаётган ресурслар нархи ўсишига;
- ф) бу фойдани борган сари нолга яқинлаштирадиган омиллар вужудга келишига.

8. Қуйидагилардан қайси бири «нормал фойда» тушунчасини нисбатан аниқроқ ифодалайди?

- а) фирманинг меъёрий харажатлари меъёрий даромадларга $MC=MP$ тенг бўлганда олинадиган фойда;
- б) типик фирма томонидан тармоқдаги олинадиган фойда;
- д) фирма нормал тарзда иш юритганда оладиган фойда;
- е) тадбиркорга яхши яшашини таъминлайдиган миқдордаги фойда;
- ф) фирма мазкур фаолият билан шуғулланиши учун зарур бўлган минимал фойда.

9. Қуйида санаб ўтилган харажатлардан қайси бири меъёрий харажатларга бевосита таъсир кўрсатади?

- а) умумий харажатлар;
- б) ўртача доимий харажатлар;
- д) ўзгарувчи харажатлар;
- е) доимий харажатлар;
- ф) ташқи харажатлар;

10. Қайси ўртача харажатлар эгри чизиғи ботиқ ёй шаклини ифодаламайди?

- а) ўртача ўзгарувчи АВС харажатлар;
- б) ўртача (умумий) ялпи АТС харажатлар;
- д) ўртача доимий АФС харажатлар;
- е) узоқ муддатда ўртача харажатлар ЛАС;
- ф) юқоридагилар барчаси.

11. Узоқ муддатли даврда ...

- а) ҳамма харажатлар доимий бўлади;

б) ўзгарувчи харажатлар доимий харажатларга нисбатан тез ўсади;

д) доимий харажатлар ўзгарувчи харажатларга нисбатан тез ўсади;

е) ҳамма харажатлар ўзгарувчан бўлади;

ф) меъёрий харажатлар нисбатан тез ўсади;

12. Ишлаб чиқаришда умумий ўртача харажатлар минимал миқдорда бўлади, қачонки:

а) $ABC = TFC$;

б) фойда максимал даражада бўлганда;

д) $MC = AVC$;

е) $MC = ATC$;

ф) $MC = AC$;

13. Қуйидаги харажатлардан қайси бири фирманинг оптимал ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашда эътиборга олинмайди:

а) ўртача ўзгарувчи;

б) бухгалтерия харажатлари;

д) ўртача доимий;

е) меъёрий;

ф) умумий.

14. Нафлиликнинг пасайиб бориши қонунининг амал қилишини изоҳлашда қуйидагилардан қайси бири тўғри келмайди?

а) универсал қонун бўлиб доимо амал қилади;

б) унинг амал қилиш доираси чекланган бўлиб, энг аввало, кундалик эҳтиёжларни қондирадиган товар, хизматларга тегишли;

д) қисқа муддатли даврга хос;

е) кўплаб товарларга нисбатан қўллаб бўлмайди;

ф) нафлиликни баҳоловчи ягона ўлчов йўқ.

15. Ўртача ўзгарувчи харажатлар йигирма минг сўм, ўртача доимий харажатлар беш минг сўм, умумий харажатлар тенг бўлади:

а) 25000

б) 1250000

д) 750000

е) мавжуд маълумотлар асосида аниқлаш мумкин эмас;

ф) 15000

16. Қуйидагилардан қайси бири қисқа даврда ўзгарувчи харажатлар ҳисобланади?

- а) амортизация ажратмалари;
- б) ижара ҳақи;
- д) бошқарув ходимлари маоши;
- е) хомашё ва материал харажатлари;
- ф) рента.

17. Қуйидаги сарф-харажатлардан қайси бири маҳсулотнинг моддий-буюм шаклини белгилаб беради.

- а) иш ҳақи;
- б) хомашё ва материаллар;
- д) ёнилғи ва мойлаш материаллари;
- е) амортизация ажратмаси;
- ф) солиқлар.

18. Қуйидагилардан қайси бири корхона учун ички харажат ҳисобланади?

- а) бино ва иншоотлар амортизацияси;
- б) ёлланиб ишловчилар иш ҳақи;
- д) хомашё харажатлари;
- е) энергия учун тўловлар;
- ф) рента тўловлари.

19. Ишлаб чиқариш ресурслари таркибидаги қуйидаги ўзгаришлардан қайси бири узоқ муддатли даврга тегишли?

- а) учинчи иш сменасини жорий қилиш;
- б) қўшимча ишчиларни ёллаш;
- д) янги қувватларни ишга тушириш;
- е) қўшимча хом ашё ва материаллар сотиб олиш;
- ф) юқоридагиларнинг барчаси.

20. Корхонанинг соф фойдаси 200 минг сўм, ишлаб чиқариш харажатлари 800 минг сўм бўлганда, фойда нормаси қандай миқдорни ташкил қилади?

- а) 35%; б) 50%; д) 25%; е) 40%; ф) 60%.

21. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажми ўзгармай қолганда фойдани қандай ўстириш мумкин?

- а) ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳисобига;
- б) маҳсулот баҳосини ошириш ҳисобига;
- д) қўшимча ресурсларни жалб қилиш ҳисобига;
- е) а) ва б) тўғри;
- ф) д) ва е) тўғри.

**Айрим мамлакатларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш
учун сарфланган ресурслар миқдори, % да
(бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун)**

12.1-жадвал

№	Давлатлар	Ёнилги ва электро- энергия	Матери- аллар	Меҳнат	Асосий фондлар
1	АҚШ	100	100	100	100
2	Япония	64,5	90,5	120,5	100
3	Германия	82,5	105,5	162,5	125
4	Франция	70,5	100	170	137,5
5	Англия	70,5	115,0	187,5	137,5
6	Италия	64,5	95,5	191,5	150
7	Россия	300	225	385	190

Жадвал рақамларидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Нима сабабдан жаҳон бозорига чиқиш учун сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзи камлик қилади?


**Айрим мамлакатларда 100 долларлик маҳсулот ишлаб
чиқариш учун қилинган харажатлар:**

12.2 -жадвал

№	Давлатлар	Ёнилги ва электро- энергия	Мате- риаллар	Меҳ- нат	Асосий капитал (фонд)	Уму- мий харажат -лар
1	АҚШ	9,3	60,7	25,8	4,2	100
2	Япония	6,3	56,9	32,4	4,4	100
3	Германия	6,5	53,6	35,4	4,5	100
4	Франция	5,6	51,8	37,6	5,0	100
5	Англия	5,1	53,4	37,0	4,5	100
6	Италия	5,2	48,4	41,0	5,4	100
7	Россия	9,9	50,0	37,0	3,1	100

Биламизки, харажатсиз ҳеч бир иқтисодий фаолият юз бермайди. Лекин ҳар бир хўжалик юритувчи сарфлаган харажатлар бир-биридан фарқ қилади. Жадвал рақамларидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Сизнингча, Ўзбекистонда харажатлар даражаси қандай? Уларни камайтириш учун қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда?

Қуйидаги чизмага диққат қаратинг: **Меъёрий ёндошув**. Бунда меъёрий даромад меъёрий харажатларга тенг. Бу қуйидаги графикда берилган.



12.1-чизма

Қ дан кам миқдорда (Ф нуқтадан чап томонда) $MR > MC$, Қ дан кўп бўлса харажатлар тушуми кўп $MR < MC$; фақат ишлаб чиқариш миқдорини камайтиришгина кўшимча даромад олишни таъминлаши мумкин.

Бундан келиб чиқилганда оптимал вариант $MR = MC$. Бу ҳол бозорнинг бошқа таркиби (монополистик рақобат, монополия, олигополия) учун ҳам умумий.

Олдин қайд қилингандек эркин рақобат учун меъёрий даромад билан нарх тенг $P = MC$.

Фирма харажатлари маҳсулот баҳосидан кам бўлсагина фойда олади. Максимал фойда олиш учун $MR = MC$, $P > ATC$ бўлиши керак. **Бунга сиз нима дейсиз?**

Мамлакатимизда қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш асосий вазифалардан бири сифатида қаралиб, етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 % га туширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш борасидаги таклиф-

лар маъқуллангани ҳақидаги билдирилган фикрларнинг манбасини айта оласизми?

Қуйида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари кўрсатилган. Сиз унга яна нималарни қўшган бўлар эдингиз?

Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари



Импорт қилинадиган ресурслар нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш



Материаллар сарфи нормаларини пасайтириш



Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларини консервация қилиш



Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини янгилаш



Маҳаллийлаштириш даражасини ошириш



Маъмурий бошқарув ходимлари сонини қисқартириш

Манба: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон», 2009, 32-34 бетлар.

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

1б); 2е); 3з); 4й); 5д); 6ё); 7г); 8а); 9в); 10ж);

Масала ва машқлар:

1. Агарда талаба ўқишни ташласа, ўқиш ҳақининг умумий суммаси, фақатгина ўзгарувчан харажатлар миқдорига камаяди холос.

2. Албатта йўқ (чунки томорқанинг майдони ва ундаги кўчатлар сони ўзгаргани йўқ).

3. Йўқ (чунки фақат бир ресурс, шакарни кўпайгани билан бошқа ингредиентлар ўзгармай қолди).

4. 1) Бухгалтерия харажатлари:

ер солиғи $2 \times 20 = 40$ 000 сўм;

фоиз 140 000 сўм;
 амортизация 400 минг сўм;
 материал, мин. ўғит ва бошқалар 700 000 сўм;
 иш ҳақи 600 000 сўм;

Фермер хўжалигининг жами бухгалтерия харажатлари: 1880 000 сўм;

Иқтисодий харажатлар:

мулкка бўлган фоиз 3 600 000 сўм;
 фермер ва унинг аёли маош сифатида олиши мумкин бўлган
 сумма: $600+200+600 = 1\,400\,000$ сўм;

Жами иқтисодий харажатлар: $1880+360+1400 = 3\,640$ минг сўм;

2) Олинган фойда:

а) Бухгалтерия фойдаси $3-1,880 = 1,12$ млн. сўм ёки 1 120 000 сўм;

б) Иқтисодий фойда $3-3,640 = -0,64$ млн. сўм ёки минус 640 000 сўм, яъни зарар;

5. 13-масалага ўхшаш ечилади;

6. ФС 1, 3, 4, 6, 9

ВС 2, 5, 7, 8;


7. График қуйидагича:

Ўртача харажатлар $AC = 8000$ сўм;

Ўртача ўзгарувчи харажат $AVC = 5000$ сўм;

Ўртача доимий харажатлар $AFC = 3000$ сўм.

Фирма зарар кўришига қарамай тармоқда қолиши керак, бу унга зарарни минималлаштириш имконини беради. Чунки 12 та



маҳсулот ишлаб чиқарса 12000 сўм зарар кўради. Агар ишлаб чиқаришни тўхтатса 36000 сўм зарар кўради.

8. 525 минг сўм.

9. Йўқ. $MP=3000$; $MC=40300$ сўм.

10. 24,3 млн. ва 16,5 млн. сўм.

11. 70 млн. сўм.

12. Март ойида ўртача харажатлар 2000 сўм; ўртача доимий харажатлар 400 сўм; ўртача ўзгарувчи харажатлар 1600 сўм; Май ойида эса мос равишда 2100 сўм; 333,3 сўм; 1766,7 сўм;


Масалани ечиш:

К	Л	МП	ТП	АП
10	0	-	0	0
10	1	20	20	20
10	2	34	54	27
10	3	46	100	33
10	4	51	151	38
10	5	46	197	39
10	6	33	230	38
10	7	21	251	36
10	8	-17	234	29

А) Меъёрий маҳсулот $МП = ТП_n - ТП_{n-1}$ Жадвалда МП устунда кўришиб турибдики, бешинчи ишчидан бошлаб меъёрий маҳсулот пасайишни бошлаган. Тўртинчи ишчида 51, бешинчида 46 (жадвалга қаранг).

Б) Ўртача маҳсулотни ҳар бир ишчи кўшилганидан кейин топамиз. Умумий маҳсулотимиз ҳажми энг максимал 251 га еттинчи ишчини қабул қилинганда эришилади, $251/7 = 35,9$ (жадвалга қаранг).

В) Меъёрий МП, ўртача АП, умумий ТП маҳсулот қуйидаги графикда кўрсатилган.



2) Умумий маҳсулот динамикаси унумдорликни пасайиб бориши қонунига бўйсунди.

Биринчи фаза – МР ўсиб борувчи меъёрий унумдорлик.

Бу фазада меъёрий унумдорлик МР (20, 34, 46, 51) ўсиб боради. Натижада ТР жадал ўсади.

Иккинчи фазада – меъёрий унумдорликнинг пасайиши намоён бўла бошлайди (51, 46). ТР нинг ўсиш суръати секинлашади. Меъёрий маҳсулот МР пасаяди, лекин ҳали мусбат миқдорга эга.

Учинчи фаза – меъёрий унумдорлик манфий натижа, яъни зарар келтиришини бошлайди.

Шундай қилиб, ТР эгри чизиғи, ўзининг максимал даражасига етгач, пасайишни бошлайди.

Меъёрий маҳсулот эса зарар келтиришни бошлайди.

14. Даромад, буромад. «Даромадга қараб буромад»

Т/Н

1Н; 2Н; 3Т; 4Н; 5Н; 6Т; 7Н; 8Т; 9Т; 10Н (1250 минг сўм);

Тестлар

1в); 2г); 3а); 4г); 5г); 6б); 7б); 8д); 9в); 10в); 11г); 12д); 13в); 14а); 15г); 16г); 17б); 18а); 19в); 20в); 21г).

13-МАВЗУ. МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

1-§. Яратилган маҳсулот ва даромадларни тақсимлаш тўғрисидаги назариялар. Номинал ва реал иш ҳақи

Яратилган маҳсулот (даромад) лар тақсимланиши тўғрисидаги назариялар

«Ишлаб чиқаришнинг уч омили» назарияси (Ж. Б. Сей). Бу ғояга кўра товарларни ишлаб чиқаришда меҳнат, ер ва капитал бир хил даражада қатнашади, шунинг учун даромадлар шу омиллар ўртасида тақсимланиши зарур.


Ж. Кларкнинг меъёрий унумдорлик назариясига кўра (ишлаб чиқаришга қўшимча жалб этилган капитал ёки ишчи кучи) яратилган бойлик учала омиллар ўртасида ҳар бир қўшимча жалб қилинган омилнинг унумдорлигига қараб тақсимланиши зарур.

Иш ҳақининг моҳиятини аниқлашга турли хил ёндашувлар

«Яшаш минимуми» (Д. Рикардо, Т.Малтус) концепциясига кўра иш ҳақи яшаш учун зарур воситаларнинг энг кам миқдори билан бир хил деб ҳисобланади.

Қийматнинг меҳнат назариясида (классик сиёсий иқтисод мактаби вакиллари) иш ҳақига алоҳида, ўзига хос товар ҳисобланган ишчи кучи қийматининг ўзгарган шакли, яъни ишчи кучини такрор ҳосил қилиш учун зарур бўлган тирикчилик воситаларининг қиймати сифатида қаралади.

Иш ҳақининг ҳозирги замон назарияларида унга меҳнат (ишчи кучи) бозорида шаклланган баҳо сифатида қаралади.



Реал иш ҳақи даражасини белгиловчи омиллар:

- * Номинал иш ҳақи миқдори
- * Истеъмол товарлари ва хизматларнинг бозор нархлари

Реал иш ҳақи бошқа шароитлар ўзгармай қолганда номинал иш ҳақи миқдorigа тўғри мутаносибликда, истеъмол товарлари ва хизматлар нархи даражасига тескари мутаносибликда ўзгаради. Бошқача айтганда:


$$V_r = \frac{V_n}{P}, \text{ бу ерда,}$$

V_r – реал иш ҳақи,

V_n - номинал иш ҳақи,


P – Истеъмол товарлари ва хизматларга бозор нархлари даражаси.

Мамлакатда иш ҳақининг умумий даражасини белгилаб берувчи омиллар:



2-§. Иш ҳақини ташкил этиш шакллари ва тизимлари

Иш ҳақи шакллари:



Вақтбай иш ҳақи қўлланилади:

- Меҳнатнинг натижаларини аниқ ҳисоблаб бўлмайдиган соҳаларда;
- Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бевосита ходимлар меҳнатига боғлиқ бўлмаган, яъни технологик жараёнларнинг бориши билан белгиланадиган соҳаларда. Масалан, конвейер, автомат линияли соҳаларда;
- Лавозимдаги ёки аниқ хизмат вазифасини бажарувчилар учун. Масалан, муҳандис-техник ходимлар, турли даражадаги бошқарувчилар, хизматчилар ва бошқа шу кабиларда.


Ишбай иш ҳақи тўлашда иш ҳақи миқдори (V) айрим касб (меҳнат турлари)лари учун маҳсулот бирлиги расценкаси бўйича белгиланган ҳақни (M_{gas}) ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми (Q) га кўпайтириш орқали аниқланади. Маҳсулот бирлиги расценкаси эса (M_{gas}) таъриф ставкасида белгиланган ҳақни (V_{TC}) ишлаб чиқаришнинг меъёрлаштирилган (норматив) ҳажмига (Q_M) бўлиш орқали ҳисобланади:

$$M_{\text{gas}} = \frac{V_{\text{TC}}}{Q_M}$$

$$V = M_{\text{gas}} \times Q$$

Иш ҳақи тўлашнинг аниқ меҳнат шaroитларини ҳисобга олиб, қўлланиладиган турлари иш ҳақи тизимини ташкил қилади.

Ишбай иш ҳақи тизими



Тармоқлар, мамлакат ҳудудлари, ишлаб чиқариш ва касб турлари, турли тоифадаги ходимлар ҳамда хизмат вазифалари бўйича иш ҳақи даражасини табақалаштириш **тариф** тизими орқали амалга оширилади.

Тариф тизими

Тариф малака маълумотномалари. Унда айрим касб ва иш турларининг таърифи, аниқ бир ишни бажарувчиларнинг малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар ҳамда уларнинг разрядлари кўрсатилади.

Тариф сеткаси. Унда биринчи ва ундай кейинги разрядли ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзаро нисбатини акс эттирувчи тариф коэффициентлари кўрсатилади.

Иш ҳақига турли коэффициентлар. Унда меҳнат қилиш шароити оғир бўлган ҳудудлар ва зарарли ишларда ишловчилар тариф ставкасига қўшимча коэффициентлар белгиланади.

3-§. Меҳнат бозорининг алоҳида моделларида иш ҳақи даражасининг аниқланиши. Инсон капиталига инвестициялар

Меҳнатнинг алоҳида турларига талаб ва иш ҳақи даражасини белгиловчи омиллар:

- аниқ меҳнат турининг унумдорлиги;
- аниқ меҳнат тури билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бозор нархлари;
- биргаликда фойдаланиладиган ресурсларнинг нархи ва унумдорлиги.


Меҳнатнинг алоҳида турларига иш ҳақи даражасида фарқ бўлишини келтириб чиқарувчи омиллар:

- Меҳнатнинг аниқ тури таклифининг чекланганлиги;
- бажариладиган ишларнинг ўзига жалб этиши;
- ишловчиларнинг малакаси, касбий тайёргарлиги ва маҳорати


Ишчи кучи умумий таклифини белгилаб берувчи омиллар:

- Мамлакат аҳолиси сони;
- Аҳолининг умумий сонида меҳнатга яроқли бўлганларнинг салмоғи;
- Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби


Меҳнатнинг соф рақобатли бозорда иш ҳақи даражасининг аниқланиши:

- 
- иш ҳақи даражаси алоҳида меҳнат турига ялпи талаб ва унинг ялпи таклифи таъсирида шаклланади;
 - алоҳида ишга ёлланувчилар ва ишга ёлловчилар иш ҳақи даражасига таъсир кўрсата олмайди;
 - меҳнатга умумий талаб ёки унинг умумий таклифидаги анча катта ўзгаришлар иш ҳақи даражасида ўзгариш бўлишига олиб келади.

Монопсония шароитида иш ҳақи даражасининг шаклланиши:

- 
- ишга ёлловчилар иш ҳақи даражасини белгилашда нисбий ҳукмронликка эга бўлади.
 - алоҳида меҳнат тури таклифининг чекланиши иш ҳақи ўртача даражасининг кўтарилишига олиб келади;
 - меҳнат турига талаб камайганда иш ҳақи даражаси пасаяди.

Инсон капиталига инвестициялар:


- 
- таълимга ва малакавий тайёргарликка инвестициялар;
 - соғлиқни сақлаш ва спортга инвестициялар;
 - ишчи кучи кўнимлигини таъминлашга инвестициялар.

4-§. Меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва унда касаба уюшмаларининг роли

Меҳнат муносабатлари – бу бир томондан иш берувчилар бошқа томондан ишга ёлланувчилар ҳамда давлат ва касаба уюшмалари ўртасида ишчи кучини ёллаш юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Ишга ёллаш бўйича маъмурият ва ишчилар ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат шартномалари ёрдамида тартибга солинади.

Меҳнат шартномаларининг таркибий тузилиши

- 
- ⊗ иш ҳақи ставкаси;
 - ⊗ меъеридан ортиқча бажарган ишлар учун ҳақ тўлаш тартиби;
 - ⊗ дам олиш кунлари, танаффуслар ва меҳнат таътилини белгиланиш тартиби;
 - ⊗ пенсия фондлари ва соғлиқни сақлашга ажратмалар миқдори;
 - ⊗ нархлар ўзгаришини ҳисобга олиб «истеъмом савати»ни тартибга солиш шароитлари;
 - ⊗ меҳнатнинг бошқа умумий ва ташкилий шарт-шароитлари.

Касаба уюшмаларининг меҳнат муносабатларига аралашишдан кўзланган асосий мақсадлар:

- ишсизликни ижтимоий кафолатлаш;
- меҳнат шароитларини яхшилаш;
- иш ҳақини ошириш.

Давлатнинг меҳнат муносабатларига таъсир кўрсатиш усуллари ва йўллари

- меҳнат муносабатларининг барча томонларини қамраб олувчи қонунчилик фаолияти;
- мақсадли ижтимоий дастурларни (кам таъминланган оилаларга ёрдам, ишсизлик бўйича нафақа, турли ижтимоий тўловлар, пенсия таъминоти ва бошқ.) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- иш ҳақининг энг кам даражаси (минимал иш ҳақи) ни аниқлаш ва ўзгартириш;
- ишга ёллашнинг умумий шарт-шароитларини белгилаш;
- бандлик хизмати (меҳнат биржалари) фаолиятини амалга ошириш;
- давлат таълим тизими орқали ишчиларни ўқитиш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш.

Касаба уюшмаларининг иш ҳақини оширишга эришишга қаратилган чора-тадбирлари

I. Иш кучига талабни кўпайтириш:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматга талабни рағбатлантириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- ишчи кучи билан биргаликда фойдаланиладиган бошқа ресурслар нархини ўзгартириш.

II. Иш кучи таклифини қисқартириш:

- иммиграцияни чеклаш;
- болалар меҳнатини қисқартириш;
- пенсияга ўз вақтида чиқишни қўллаб-қувватлаш;
- иш ҳафтасини қисқартиришга эришиш.

III. Касбни малакали лицензиялаш:

- Таълим даражаси, мутахассислик бўйича иш стажи, аттестация натижалари ва шахсий фазилатлари бўйича.

→ IV. Монопол мавқега эга бўлган тадбиркорларга турли хил йўллар билан, хусусан иш ташлашни ташкил қилиш орқали таъсир кўрсатиш.

**Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар:
Асосий таянч тушунчалар**

- | | |
|-------------------------|------------------------|
| 1. Меҳнат муносабатлари | 5. Реал иш ҳақи |
| 2. Меҳнат | 6. Инсоний капитал |
| 3. Иш ҳақи | 7. Жамоа битими |
| 4. Номинал иш ҳақи | 8. Ягона тариф сеткаси |

Қуйидаги жавоблардан тўғриси танилган:

а) Инсоннинг (жисмоний ва ақлий энергияси) кучи, энергиясини сарфлаб, жамият томонидан тан олинган натижага эришишга қаратилган мақсадли фаолиятидир.

б) Меҳнат омилидан фойдаланиш жараёнида юзага чиқадиган муносабатлардир.

д) Пул шаклидаги иш ҳақи.

е) Меҳнат бозоридаги иш кучига талаб ва таклифнинг мувозанат нархидир.

ф) Одамлар йиллар давомида тўплаган билим, малака, тажриба тарзида бўлиб, уни эгасидан ажратиш бўлмайди.

г) Пул шаклида олинган иш ҳақи сотиш олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдорида фойдаланиши.

х) Меҳнат ҳақи бўйича миллий иқтисодиётда банд бўлганларни меҳнат разряди ва улар бўйича тариф коэффициенти. Ҳар бир разрядга мувофиқ горизонтал разрядлар ҳам бўлиши кўзда тутилган.

и) Ишчи-хизматчилар жамоаси билан фирмалар ўртасида тузилган шартнома.

Масала ва машқлар

1. Ривожланган мамлакатларда саноат тармоқларида бир соатлик минимал иш ҳақи миқдори қуйидагича (АҚШ долларларида)

Германия 31,8	Швейцария 28,3	Голландия 23,3	Франция 19,3	Италия 18,0
------------------	-------------------	-------------------	-----------------	----------------

Ҳозирги пайтда Германия саноатида ўртача иш ҳақи даражаси бўйича дунёда биринчи ўринни, Швейцария эса учинчи ўринни эгаллайди.

Жадвал маълумотлари асосида бошқа мамлакатларнинг Германияга нисбатан ўртача соатлик иш ҳақи даражасини ҳисобланг. Агар бу кўрсаткични Ўзбекистон билан таққосласак қандай хулоса чиқариш мумкин?

Иш ҳақини хоҳлаганимизча кўтара оламизми? У нималарга боғлиқ. Бу борада ҳукуратимиз қандай чора-тадбирлар кўрапти? Фақат номинал иш ҳақиға қараб турмуш даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкинми?

2. Ўзбекистонда тармоқлар бўйича меҳнат ҳақи куйидагича (ўртача республика даражасига нисбатан, %да)

Миллий иқтисодиёт тармоқларида иш ҳақи

13.1-жадвал

	1990	1995	2000	2008	2009	2010	2011
Миллий иқтисодиётда, жумладан:	100	100	100	100			
Саноат	108	159	192	163			
Қишлоқ хўжалиги	107	70	50	...			
Қурилиш	131	175	158	220			
Транспорт	115	159	172	159			
Алоқа	157	168	216	159			
Савдо	84	58	70	134			
Коммунал хўжалик	76	101	120	99			
Халқ таълими	81	72	87	61			
Кредит, суғурта	149	198	215	142			

Жадвални маълумотларига диққат қаратинг. Уларни тўлдириш ва таққосланг, бундай табақаланишни сабаблари нимада деб ўйлайсиз, кўрсатинг.

2. Қуйидаги жадвал маълумотларига диққат қилинг.

Ўзбекистонда турли мулк шакллариغا кўра меҳнат ҳақининг табақаланиши (ўртача республика даражасига нисбатан %да)

13.2-жадвал

	1995й.	2000й.	2005	2010	2011
Миллий иқтисодиётда ўртача жумладан:	100	100			
1. Давлат мулкчилигига асосланган корхоналар, ташкилотларда	114,9	120,1			
2. Нодавлат мулкчилигига асосланган корхоналарда, ундан:	86,6	86,0			
а) хусусий индивидуал мулкчилик	69,4	65,3			
б) акционерлик мулкчилик	121,5	142,2			
д) қўшма корхоналарда	165,8	269			
е) кооператив мулкчилик	108,9	50,1			
ф) жамоа мулкчилиги	69,3	41,4			
г) ижара корхоналар	104,7	63,6			
х) ижтимоий ташкилотлар мулки	75,9	127,8			

Жадвалда кейинги йил маълумотларини келтиринг. Улардан қандай хулоса чиқариш мумкин, изоҳланг. Нима сабабдан иш ҳақи қўшма корхоналарда энг юқори даражада. Фикрингизни асосланг.

4. АҚШда иш ҳақи ва маош 4005 млрд. долларни, рента 28 млрд. долларни, процент 407 млрд долларни, хусусий тадбиркорларнинг даромади эса 473 млрд. долларни ташкил етди. Уларнинг умумий даромадга нисбатан улушини ҳисобланг.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда иш ҳақи аҳолининг умумий даромадларининг деярли 1/3 қисмини ташкил этади. Уларни таққосланг. Иш ҳақининг улуши юқорилиги нимани кўрсатади, изоҳланг.

5. Фирма ишчиларни рақобат асосида ишга қабул қилади. Агар бир дона маҳсулотнинг бозордаги нархи 5500 сўм бўлса, фирма

неқта ишчини ишга қабул қилади? Ҳисобланг, жадвални тўлдилинг ва жавобингизни изоҳланг.

Ишчилар сони	Маҳсулот ҳажми, дона	Меҳнат ҳақиға харажатлар, минг сўм	Меъёрий маҳсулот, минг сўм
0	0		
1	15	30	
2	35	60	
3	50	90	
4	60	120	
5	66	150	
6	67	180	
7	68	210	
8	69	240	
9	70	270	
10	71	300	

7. АҚШда билим олиш учун сарфланган харажатлар, ва кейин олинадиган даромадлар ўртасидаги боғланиш қуйидагича: ўрта таълимга нисбатан билим олиш муддатини 2 баравар кўпайиши, ўқишни тугатгач даромаднинг 5 мартага кўпайишига олиб келади.

Бу фикрни таҳлил қилинг ва қуйидаги саволларни изоҳланг: «Инсон капитали» нима? Инсон капиталига инвестиция деганда нимани тушунаси?

8. Одилжоннинг олдида икки йўл бор. Тўрт йил давомида биржада етакчи мутахассис бўлиб ишлаб йилига 720 минг сўм даромад топиш. Иккинчиси - бир йил «Банк ва молия академияси» да ўқиш. Ўқиш учун 1 млн. сўм тўланади. Ўқишни тугатгач унга бўлим бошлиғи ўрнини ваъда қилишяпти. Кейинчалик янада юқори лавозимларга кўтарилиши мумкин. Уч йил давомида унинг маоши ҳар йили 960 минг сўм бўлиши мумкин. Сизнингча Одилжон қайси йўлни танлагани маъқул. Банк фоизи даражаси йилига 20% деб фараз қилинади.

9. АҚШда Билл Клинтон президент бўлган пайтда МРБ (Марказий разведка бошқармаси) директори вазифасига Ж.Вулси тайинланганди. У Стенфорд университетини тугатган. Оксфордда ўқиган. Ҳуқуқшуносликдан Йэл университетида диссертация

ёқлаган. Кўпинча шундай кўп босқичли билим олиш бундай юқори мансабга кўтарилишда қандай рол ўйнайди? Танишларингиз ичидан кимларни биласиз? Сиз уларга ҳавас қиласизми?

10. Нима сабабдан яхши таъминланган оилаларнинг кўпчилигида аёллар тўла бўлмаган иш куни ишлашади ёки умуман ишлашмайди. Оиладаги болалар сони, уй юмушлари кам таъминланган шундай оилаларникидан кўп эмас. Бу ерда қайси эффект устун: ўрин босишми ёки даромад самарасими?

11. Топишмоқ: Унинг ўғли ўғирлик, қизи эса очарчилик. У нима?

Т/Н

1. Қачонки ёлланган ишчилар сони улар яратган меъёрий маҳсулот ҳажми билан иш ҳақи ставкасига тенг бўлса, рақобатли бозорда иш юритаётган фирма ўз фойдасини максималлаштиришга эришади.

2. Рақобатли бозорда фаолият юритаётган фирма учун меҳнат таклифи мутлақ ноэластик бўлади.

3. Агар товар ва хизматларга чакана нархлари номинал иш ҳақи ставкасига нисбатан тезроқ ўсса, у ҳолда реал иш ҳақи пасаяди.

4. Фирма монополистик меҳнат бозорида иш ҳақи ставкасини ўрнатади.

5. Ишлаган вақтига қараб тўланадиган иш ҳақи вақтбай ёки донабай иш ҳақи деб аталади.

6. Ҳозирги пайтда кенг қўлланиладиган иш ҳақи тизимига

* гуруҳий(жамоа) ишбай мукофотли;

* вақтбай мукофотли иш ҳақи тўлаш;

* табақалашган иш ҳақи тўлаш;

* ишбай прогрессив иш ҳақи тўлаш;

* вақтбай прогрессив иш ҳақи тўлаш;

* «ишни аналитик баҳолаш» тизими ва бошқалар киради.

7. Иш ҳақи бир томондан ёлланган ишчининг меҳнат унумдорлиги ва интенсивлигини оширишга ундайди. Иккинчи томондан, самарали меҳнатни рағбатлантиради ва мотивациялайди.

8. Америкалик иқтисодчи Жеймс Бюкенен «Инсон капитали» фундаментал тадқиқоти, инсон капитали назариясига оид ишлари учун 1992 йили иқтисод соҳасида Нобел мукофотини олган.

Тестлар

1. Реал иш ҳақини ўзгариш даражасини, номинал иш ҳақи даражаси ва...:

- а) товар ва хизматлар нархлари даражаси;
- б) фойда нормаси;
- д) солиққа тортиш ставкаси;
- е) иш вақтининг узунлиги;
- ф) меҳнат унумдорлиги билан таққослаш орқали аниқлаш мумкин.

2. Иш ҳақи ставкасини ўсиши билан

- а) агар меҳнатга талаб эгилувчан бўлса, бандлик қисқаради;
- б) агар меҳнатга талаб мутлоқ ноэгилувчан бўлса, бандлик қисқаради;
- д) агар меҳнатга талаб эгилувчан бўлса, бандлик ўсади;
- е) агар меҳнатга талаб ноэгилувчан бўлса, бандлик ўсади;
- ф) агар меҳнатга талаб ноэгилувчан бўлса, бандлик қисқаради.

3. Иш ҳақини касаба уюшмалари босими билан оширилганда

- а) бандлик миқдори ўзгармайди;
- б) бандликнинг камайишига олиб келади;
- д) бандликнинг ўсишига олиб келади;
- е) меҳнат унумдорлигини пасайтиради;
- ф) иш вақтини узайтиришга олиб келади.

4. Меҳнат таклифининг ишчилар сонининг ўзгармагани ҳолда бўш вақт эвазига кўпайиши

- а) даромад самараси;
- б) баҳо самараси;
- д) ўрин босиш самараси;
- е) миқдор самараси;
- ф) алоҳида манфаатлар самараси деб аталади.

5. Ишловчининг бўш вақтни кўпроқ кадрлаши эвазига меҳнат таклифининг камайиши

- а) баҳо самараси;
- б) ўрин босиш самараси;
- д) даромад самараси;
- е) миқдор самараси;
- ф) алоҳида манфаатлар самараси деб аталади.

6. Иш ҳақи динамикаси ва даражасига меҳнат бозори конъюнктурасидан ташқари қуйидагилардан қайси бири таъсир қилмайди?

- а) меҳнат ресурслари сони;
- б) техника, технология даражаси;
- д) мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси;
- е) мамлакатда қонунлар ижроси ва сиёсий вазият;
- ф) ишчиларни хоҳиш-эҳтиёжи.

7. Фирма меҳнат бозорида моносония ҳисобланади, лекин пировард маҳсулот бозорида монопол мавқега эга эмас. Рақобатдош фирмаларга нисбатан у:

- а) кўпроқ ишчиларни ёллайди ва нисбатан юқори иш ҳақи белгилайди;
- б) камроқ ишчиларни ёллайди ва нисбатан пастроқ иш ҳақи белгилайди;
- д) камроқ ишчилар ёллайди ва юқорироқ иш ҳақи тайинлайди;
- е) кўпроқ ишчилар ёллайди ва камроқ иш ҳақи белгилайди;
- ф) ишчилар сонини ўзгартирмайди, кўпроқ иш ҳақи белгилайди.

8. Номинал иш ҳақининг тўғри таърифини топинг:

- а) маълум вақт оралиғида пул шаклида олинган иш ҳақи;
- б) иш ҳақининг сотиб олиш лаёқати;
- д) барча пул даромадлари (фойда, рента, фоиз) суммаси;
- е) а) ва б) тўғри;
- ф) б) ва д) тўғри.

9. Реал иш ҳақининг тўғри таърифини топинг:

- а) номинал иш ҳақиға сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори;
- б) пул шаклида олинган иш ҳақи;
- в) иш ҳақининг пул шаклида қатий белгиланган ставкаси;
- д) иш ҳақининг солиқлар чегирилган қисми;

е) иш ҳақининг ўртача даражаси.

10. Реал иш ҳақи даражаси қуйидагиларнинг қайси бирининг ўзгаришига тўғри муносибликда ўзгаради?

- а) товар (хизмат)лар нархи;
- б) номинал иш ҳақи миқдори;
- д) солиқлар даражаси;
- е) мажбурий тўловлар;
- ф) суғурта тўловлари.

11. Истеъмол товар (хизмат) лари нархи 150 % га тушиб, номинал иш ҳақи 150 % га ошса, реал иш ҳақи даражаси қандай ўзгаради?

- а) реал иш ҳақи 2,5 марта ортади;
- б) реал иш ҳақи 1,5 марта ортади;
- д) реал иш ҳақи 2,0 марта ортади;
- е) реал иш ҳақи 3,0 марта ортади;
- ф) реал иш ҳақи 4,0 марта ортади.

12. Меҳнатнинг аниқ турига иш ҳақининг даражаси нима таъсирида шаклланади?

- а) шу меҳнат тури таклифи таъсирида;
- б) шу меҳнат турига талаб таъсирида;
- д) шу меҳнат турига талаб ва таклиф таъсирида;
- е) бошқа иқтисодий ресурсларга талаб ва таклиф таъсирида.
- ф) товарларга талаб таъсирида.

13. Ишчи кучи (меҳнат) нинг аниқ бозорида қачон иш ҳақининг ўсиши рўй беради?

- а) ишчи кучига талаб чекланганда;
- б) ишчи кучи таклифи чекланганда;
- д) таклиф ўсиб, талаб чекланганда;
- е) бошқа иқтисодий ресурсларга талаб чекланганда;
- ф) товарларга талаб чекланганда.

Касаба уюшмаларининг иш ҳақи даражасига таъсири услублари:

Мехнат таклифини чеклаш, қонунлар ёрдамида иш вақтини чеклаш, касаба уюшмасига аъзо бўлмаганларни ишга қабул қилишни таъқиқлаш, мехнат интенсивлигини ва оғирлигини лимитлаш.

Тадбиркорлар билан жамоа мехнат шартномасини тузиш жараёнида иш ҳақи ставкаларини кўтариш мақсадида уларга босим ўтказиш.

Мехнатга талаб вужудга келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқариш турларини ўстиришга таъсир кўрсатиш орқали иш ҳақининг ўсишига таъсир кўрсатиш.

Ишлаб чиқариш монополизациясига қарши кураш (монополиялар ишлаб чиқаришни қисқартириш ҳисобига нархни оширади. Бу иш ҳақи даражасига салбий таъсир кўрсатади), монополияга қарши кураш орқали иш ҳақининг пасайиб кетиш тенденциясини тўхтатиш.

13.1-чизма

Касаба уюшмалари яна қандай йўллар билан иш ҳақи даражасига таъсир этишни уюштиради?

Мехнат таклифига таъсир этувчи омиллар

Мамлакатда мехнатга лаёқатли кишилар сони	Иш ҳақи даражаси	Иш куни узунлиги (ҳафтасига 39, 40, 41 ёки 42 соат)		Мутахассисли к, касб эгаллаши, малакаси даражаси
--	---------------------	---	--	---

13.2-чизма

Бўш катакни тўлдилинг. Булардан ташқари меҳнат таклифига таъсир кўрсатувчи омилларни биласизми? Иш таклиф қилувчилар монопол мавқега эга эканлиги ҳақида нима дея оласиз?

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўртача номинал иш ҳақи, сўм

13.1-жадвал

Давр	Ўртача кўрсаткич	Са-ноат	Транс-порт	Кури-лиш	Сав-до	Ахборот билан таъмин-лаш	Соғ-ликни сақ-лаш	Халқ таъли-ми	Молия ва кредит
2000	12492	23166	20259	20299	9901	42387	8566	9967	25046
2001	18424	29797	24002	23193	12312	40228	10853	1930	31401
2002	27511	42747	37882	34405	21677	70008	16227	17262	47672
2008									
2009									
2010									
2011									
ўсиш % ҳисобида									

Манба: ЎЗР Давлат Статистика қўмитаси

Жадвал маълумотларига диққат қаратинг ва кейинги йилларни тўлдилинг. Юқоридаги 2-масалада берилган статистик маълумотлардан келиб чиқиб, тармоқлар бўйича номинал иш ҳақининг ўртача миқдорини аниқланг ва аввалги йилларга нисбатан ўсиш даражасини ҳисобланг. Таққослаб хулоса чиқаринг.

2008-йили Республика ҳудудлари бўйича ўртача номинал иш ҳақи (ўртача республика даражасига нисбатан, %да)

13.2-жадвал


Давр	ўртача кўрсаткич	ҚҚ респу-бликаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқа-дарё	Навий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вил.	Фарғона	Хоразм	Тошкент ш.
2008	100	80	83	99	77	103	179	65	73	73	81	123	82	71	136
2011															

Республикада 2008-йили ўртача номинал иш ҳақи 418,1 минг сўм бўлди. Жадвалда берилган рақамлардан келиб чиқиб, ҳудудлар бўйича ўртача номинал иш ҳақи миқдорини ҳисобланг.

Иш ҳақи даражасига қандай омиллар таъсир қилади, кўрсатинг. Худудларга қиёслаганда уларнинг қайси бири муҳим рол ўйнайди, изоҳланг. 2011 йилда бу кўрсаткичлар ўзгаришига қандай тамойиллар хос бўлган?

Ўртача номинал иш ҳақи ва пенсия миқдорининг ўсиши, минг сўм

13.1-диаграмма



Графикни 2011 йил маълумотлари билан тўлдириш диққат қилинг. Кўрсаткичларни юқорида берилган рақамлар билан солиштириш. Таҳлил қилиб изоҳланг.

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

1б); 2а); 3г); 4в); 5е); 6д); 7ж); 8ё);

Масала ва машқлар:

1. Ўртача бир соатлик иш ҳақи Германияга нисбатан Швейцарияда 89 %, Голландия 73,3 %, Франция 60,7 %, Италияда 56,6 % ни ташкил этади.

4. Умумий даромад 4913 млрд. долл. Иш ҳақи 81,5%, рента 0,6%, процент 8,3%, хусусий тадбиркорлар даромади 9,6%ни ташкил этади.

5.

Ишчи сони	Меъёрий маҳсулот
1	
2	110000
3	82500
4	55000
5	33000

6	5000
7	6000
8	5500
9	8000
10	5500

Фирма 5 та ишчини ишга қабул қилади. Чунки 6-ишчи яратган меъерий маҳсулот атиги 5000 сўмни ташкил этади. Иш ҳақи эса 30000 сўм.

6. Табақаланиш асосида қобилият, назарий ва амалий тайёргарлик, бажариладиган ишнинг обрўли бўлиш-бўлмаслиги, малака, моҳирлиги номукамал рақобатга асосланиши, таклиф ва талаб эгилувчанлиги ҳам таъсир қилади.

7. 1) Бу назарий ва амалий тайёргарлик кўриш натижасида юқори малака талаб қиладиган ишларни бажариш имконини берадиган инсонда жамғарилган потенциал.

2) Бу билим олиш, малака, кўпинча моҳирликка эга бўлиш ва соғлом бўлиш учун қилинган харажатлар, қайсики келажакда даромадларнинг кўпайишига олиб келади.

8. Малакасини оширгандан сўнг 3 йил давомида оладиган даромади қилган харажатларидан 365714 сўм кўп. Ундан ташқари келажакда у орзу қилган лавозимига эришади. Демак, малакасини оширгани маъқул.

9. Инсоний капиталга инвестиция, шунча узоқ муддат жараёнида олинган билим малака, келажакда муваффақиятга эришиш, жумладан юқори даромад олишга йўл очади. Жумладан, бу Ж. Вулсининг шу даражага этишиш имкониятида ифодаланади. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

10. Даромад самараси амал қилади.

11. Танбаллик

Т/Н

1Т; 2Н; 3Т; 4Т; 5Н; 6Т; 7Т; 8Н(Герри Беккер);


Тестлар

1а); 2а); 3б); 4в); 5в); 6д); 7б); 8а); 9а); 10б); 11г); 12в); 13б).

14-МАВЗУ. РАҚОБАТ НАЗАРИЯСИ

1-§. Рақобатнинг иқтисодий моҳияти ва ривожланиш босқичлари

Рақобат — иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларидан келиб чиқиб, юқори даромад олиш имконига, юқори наф, нуфузли мавқега эга бўлиш учун бошқалар билан беллашуви, курашидир. У бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашиши туфайли юз беради.



Рақобатнинг иқтисодий асоси — бу мулкчиликнинг турлитуманлиги, ишлаб чиқарувчилар, ресурс эгалари ва истеъмолчиларнинг тадбиркор, мулк ва даромад эгаси сифатида эркин ҳамда мустақил бўлишидир.


Рақобатнинг ривожланиш босқичлари

- I. Оддий товар хўжалигига хос бўлган рақобатчилик босқичи;
- II. Соф ёки эркин рақобатга асосланган босқич;
- III. Монополистик рақобат босқичи;
- IV. Ҳозирги замон маданий жиҳатдан ривожланган рақобатчилик

«Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди.

Рақобат бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир.¹⁴

2-§. Рақобат шакллари ва усуллари



¹⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 34-бет.

→ V. Амалга ошириш йўлига кўра:

- ҳалол рақобат;
- ғирром рақобат.

Ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар)нинг бозордаги мавқеини белгилаб берувчи омиллар:

- Ишлаб чиқарувчи (сотувчилар) сони;
- Бозорга кириш ва чиқиб кетишда тўсиқларнинг мавжудлиги.

Тармоқ ичидаги рақобат – маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда қулай шароитга эга бўлиш учун бир тармоқ корхоналар ўртасида боради. Тармоқ ичидаги рақобат натижасида турли ишлаб чиқарувчилар товарларнинг индивидуал (алоҳида) нархи, бозор нархига айланади.

Тармоқлар ўртасидаги рақобат – турли тармоқ корхоналари ўртасида юқори фойдага эга бўлиш учун боради. Бу рақобат натижасида корхоналарда ҳосил бўлган турли фойда нормалари ўртача фойдага айланади.

Миллий хўжалик доирасидаги рақобат – натижасида ўртача нархлар ва бозор субъектларининг ялпи миллий (ички) маҳсулотдаги улуши аниқланади.

Жаҳон хўжалигидаги рақобат – турли давлатлар миллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш учун боради ва унинг натижасида алоҳида товарларнинг жаҳон нархлари шаклланади.

Тартибсиз (стихияли) рақобат – бозор кучларининг таъсирида табиий равишда рўй беради.


Тартибга солинадиган рақобат – маданийлашган тарзда ва маълум меъёрлар доирасида содир бўлади.

Нархнинг рақобат воситаси сифатида қўлланилиш даражасига қараб нарх ёрдамидаги ва нархсиз рақобат ажратилади.


Рақобатлашишда ғайриоддий усуллар (жосуслик, қотиллик, зўравонлик ва ҳ.к.) нинг қўлланилиш даражасига кўра ҳалол ва ғирром рақобат фарқланади.



Рақобат шакллари	соф ёки эркин рақобат	соф монополия	МОНОПОЛИСТИК рақобат	олигополия
Асосий белгилари				
Ишлаб чиқарувчи (сотувчи)лар сони	Жуда кўп	Ягона	Нисбатан кўп	Кам сонли
Тўсиқлар, (барьер) ларнинг мавжудлик даражаси,	Мавжуд эмас	Катта тақиқлар, тўсиқлар мавжуд	Унча катта эмас	Катта

Рақобат усуллари



Нарх ёрдамида рақобатлашиш





3-§. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши ва антимонопол қонунчилики

Монополия – иқтисодий фаолиятининг бирор соҳасида (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тижорат ва ҳ.к.) корхона ёки давлатнинг танҳо ҳукмронлигини ифодалайди. «Монополия» – юнонча сўз бўлиб, «моно» – битта, «полис» – сотаман деган маънони англатади.

Монополияларнинг вужудга келиш сабаблари:

- Капиталнинг тўплануви ва марказлашиши;
- Фан-техника тараққиёти;
- Давлатнинг айрим фаолият соҳаларини қўллаб-қувватлаши;
- Ишлаб чиқаришдаги объектив технологик зарурият;
- ўзаро келишиш.

Монополия турлари:

Табий монополиялар – иқтисодий, техникавий ва технологик хусусиятлари тақозо қилиб, улар рақобатни қўллаш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган соҳаларни ўз ичига олади:

- Сув, энергия, газ таъминоти корхоналари;
- Темир йўл транспорти;
- Ҳарбий - мудофаа мажмуаси корхоналари.

Иқтисодий (сунъий) монополиялар – ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўпланиши ҳамда корхоналарнинг турли йўллар билан бирлашиши натижасида вужудга келади.

* **Картел** – бир тармоқ корхоналарнинг иттифоқи бўлиб, унинг иштирокчилари тўлиқ иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолади, фақат ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш бозорлари ва баҳолари тўғрисида келишиб олади;

* **Синдикат** – бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар бирлашмаси бўлиб, унинг аъзолари ишлаб чиқариш соҳасида мустақиллигини сақлаб қолади, маҳсулот эса синдикат мулки сифатида сотилади;

* **Трест** — ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотга биргаликда эгалик қилувчи корхоналар гуруҳи бўлиб, фойда қўшилган капитал ҳажмига қараб тақсимланади.

* **Концерн** – монополиянинг энг юқори ва мураккаб шакли бўлиб, турли соҳалардаги расман мустақил компаниялардан ташкил топиб, бош компания улар устидан молиявий назорат ўрнатади.

Концернларнинг бошқа монополия шаклларида афзалликлари:

* расман мустақил, бу озми-кўпми уларга фаолият эркинлигини беради;

* қайси тармоқ маҳсулоти — хизматларига талаб юқори бўлса, айнан шу соҳага тезда капитал қўйиш имконини беради. Концернлар универсалликнинг афзаллиги билан ихтисосланишнинг устунликларини ўзида мужассамлаштиради.

Давлатнинг антимонопол сиёсати – монополиялар фаолиятини чеклаш, тартибга солиш ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришга қаратилади. Бу сиёсат ўз ифодасини антимонопол қонунларда топади.

АҚШнинг антимонопол қонунчилиги

→ **Шерман қонуни** (1890 й) — унда ишлаб чиқариш ва савдони чеклаш мақсадида тузилган битимлар ноқонуний деб ҳисобланади.

→ **Клейтон қонуни** (1914-й) — истеъмолчиларни нарх орқали камситиш, мажбурий шартномалар тузиш, рақобатчи корхоналарнинг заифлашувига олиб келувчи акцияларни сотиб олиш директоратларнинг чирмашиб кетиши, бир фирманинг раҳбари бошқа фирмага аъзо бўлишини тақиқлайди.

→ **Селлер-Кефвер қонуни** (1950-й). Бу қонунда Клейтон қонунига ўзгартиришлар киритилган бўлиб, унда нафақат рақобатчи корпорациянинг заифлашувига олиб келувчи акцияларгина эмас, ишлаб чиқариш фондлари (асбоб-ускуна, бошқа моддий нарсалар)ни сотиб олиш ҳам тақиқланди.

Антимонопол тартибга солишнинг асосий йўналишлари:

- бозорнинг монополлашувини чеклаш;
- рақобатчи компаниялар қўшилишини тақиқлаш;
- монопол нархлар белгиланиши тақиқлаш;
- рақобатни маданийлашган тарзда олиб боришни қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистон Республикасининг антимонопол қонунчилиги:

- Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида» ги қонун (1992 й). Унда бозорда атайлаб тақчиллик ҳосил қилиш, нархларни монополлаштириш, рақобатга тўсқинлик қилиш ва унинг фирром усуллари кўллаш тақиқланади;
- «Обектларнинг хўжалик юритувчи жамиятлар ва ширкатлар таркибидан чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низом (1994 й). Унда ўз монопол мавқеини суистеъмол қилган монополистик бирлашмаларни бўлиб ташлаш ёки майдалаштириш кўзда тутилади;
- «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» ги қонун (1996 й). Қонунда фирром рақобат ва бозорларга белгиланган талабларга жавоб бермайдиган товарларни чиқариш тақиқланади.

Ўзбекистонда монополияга қарши сиёсатни амалга оширувчи муассасалар:

- Молия вазирлиги ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси (1996 й);
- Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига айлантирилди (2000й).
- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (2005 й).
- Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (2010-йилдан).
- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси.

Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар:

Асосий таянч тушунчалар:

- | | |
|----------------------|-------------------------------|
| 1. Рақобат | 6. Соф монополия |
| 2. Монополия | 7. Монополиянинг мақсади |
| 3. Номукамал рақобат | 8. Жамиятнинг соф йўқотишлари |
| 4. Олигополия | 9. Сунъий монополия |
| 5. Мукамал рақобат | 10. Монопсония |

Қуйидаги жавоблардан тўғрисини танланг:

а) Тармоқда ягона, ўрнини босадиган, алмаштириб бўлмайдиган маҳсулот сотувчи (ишлаб чиқарувчи).

б) Ишлаб чиқариш ва бозорда унча кўп бўлмаган, санокли фирмалар ҳукмронлиги.

д) Иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларидан келиб чиқиб, юқори даромад олиш имконига, нуфузли мавқега эга бўлиш учун бошқалар билан беллашуви, кураши

е) Бир ёки бир неча сотувчи бозорда нарх устидан назорат ўрнатиш имконига эга бўлган бозордаги рақобат.

ф) Эркин рақобатга асосланган, чекланмаган миқдорда бозорга (тармоққа) кириш, эркин мустақил ишлаб чиқарувчилар бозорда нарх устидан назорат ўрнатиш имкони йўқ, бозордаги идеал рақобат.

г) Нарх устидан назорат ўрнатиш ёки ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш орқали максимал даражада даромад, монопол фойда олиш.

х) Монополистик манфаатни кўзлаб корхоналарнинг бирлашуви.

и) Тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозорда ягона фирма ҳукмронлик қилиши.

ж) Монополиялар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини самарали даражадан камайтириш натижасида истеъмолчи ва сотувчилар учун маълум миқдорда маҳсулотнинг йўқотилиши, ишлаб чиқаришнинг камайиши.

к) Ягона истеъмолчига асосланган бозор.

Масала ва машқлар

1. Мукамал рақобатга асосланган тармоқда 20 та фирма фаолият юритади. Маҳсулотнинг бозор нархи 40. Агар узок муддатли даврда тармоқнинг минимал ўртача харажатлари 30, умумий харажатлар эса 60 бўлса, тармоқнинг рақобатли мувозанатга яқинлашуви рўй бераяпти. У ҳолда нарх ва таклиф қандай ўзгаради.

2. Мукамал рақобатли фирма йилига 20 минг дона телефон ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқаришнинг ўртача харажатлари 21500 сўм. Ўртача ўзгарувчи харажатлар 17500 сўм, бозор нархи 25000 сўм бўлса, фирма қанча фойда кўради.

3. Мамлакатимизда турли шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз устунлик мавқеидан фойдаланиб, ҳар хил қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида монополист корхоналар Давлат реестрига киритилади.

Ўзбекистонда 1996 йилда монополист корхоналар сони 827 та бўлиб, маҳсулотлар сони 4351та бўлган бўлса, 2003 йилга келиб, Давлат реестрига киритилган корхоналар сони 386 тага тушди. Маҳсулот (товар ва хизматлар) эса 247 та. Монопол маҳсулотларнинг асосий қисми хизмат кўрсатиш (43%), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (19%) ни ташкил этади.

2003 йилда монополист корхона ва маҳсулотлар 1996 йилга нисбатан қанча камайганини, аниқланг хизмат кўрсатиш ва қурилиш бўйича монопол маҳсулотлар турини ҳисобланг. У нимадан далолат беради? Нима сабабдан монопол маҳсулотлар хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларида нисбатан бўйича кўп. Бунинг сабаби нима деб ўйлайсиз?

3. Жадвалдаги рақамларга диққат қилинг. Кейинги йиллар маълумотлари билан тўлдириг. Улар асосида қандай хулоса чиқариш мумкин? Фикрингизни изоҳланг.

Республикада ЯИМда монополиялар улуши % да

	2008	2009	2010	2011
Ялпи ички маҳсулотда монопол маҳсулотлар ҳиссаси	25,7	22,9	21,7	20,5
Саноат маҳсулотларидаги улуши	14,9	14,3	13,8	14,3

5. Республикаимизда 2011 йил монопол корхона ва маҳсулотлар сони қуйидагича бўлган дейлик:

	Корхона сони	Маҳсулот сони
1. Нон ва булка маҳсулотлари	21	43
2. Кўмир	6	7
3. Озиқ-овқат маҳсулотлари	92	35
4. Газ	5	6
5. Енгил саноат	43	87
6. Маҳаллий саноат	12	17
7. Нефт-кимё саноати	27	50
8. Машинасозлик	30	60
9. Қурилиш материаллари	71	193

10. Хизматлар	338	659
11. Бошқа тармоқлар	108	238
Жами	753	1532

Сизнинг фикрингизча қайси соҳаларни табиий монополияга киритсак, тўғри бўлади? Унга кўра, корхоналар ва маҳсулотлар бўйича табиий ва сунъий монополиялар ҳиссасини аниқланг.

Табиий монополиялар сунъий монополиялардан қандай фарқланади, изоҳланг. Жавобингизни асослаб беринг.

6. Қуйидаги жадвалда мукаммал рақобат шароитида фирманинг фаолияти ҳақида маълумотлар берилган.

П	Қ	ТР	ТС	ТВС	ТФС	АТС	АВС	МС
	100			250минг	150минг			3минг

Бозорда маҳсулот бирлигига баҳо 5 минг сўм миқдорида ўрнатилади.

1). Жадвалдаги етишмовчи маълумотларни топиб, жадвални тўлдилинг.

2). Фирма фойдани максималлаштиришга ҳаракат қиладими ёки зарарни минималлаштириш учун, аниқланг.

3). Фирма фойдани кўпайтириш, зарарни камайтириш учун нима қилиши керак, тушунтиринг.

а) маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш;

б) маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

д) корхонани ёпиш,

е) ҳеч нарсаи ўзгартириш шарт эмас.

4). Айтайлик, фирмани ёпилиш вазияти вужудга келди. Бу қандай нарх даражасида юз беради?

7. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг.

а) АҚШда медицина ва юрисприденция бўйича хусусий иш очиш учун ҳукумат органларидан лицензия олиш зарур.

б) Ўзбекистонда табиий ресурслар давлат мулки ҳисобланади. Ундан ташқари улардан жуда кўпларини қайта тиклаб бўлмайди.

д) Муаллифлик ҳуқуқи бўйича қонунчилик ривожланган мамлакатларда фирма одатда ўз маҳсулотини патент ёрдамида ҳимоя қилади, шунингдек, ундан нусха кўчиришни ҳам фақат ўзи амалга оширади ёки унинг рухсати билан амалга оширилади.

Кўрсатилган мисолларни таҳлил қилинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1). Тармоққа киришга қўйиладиган тўсиқлар деганда нима тушунилади?

2). Тўсиқлар, муаммоси нимада?

3). Тўсиқларни қандай таснифлаш мумкин?

8. Сиз катта меросга эга бўлдингиз ва ўз ишингизни очишга қарор қилдингиз. Сиз велосипед ишлаб чиқарувчи завод қурмоқчисиз. Тармоққа кириш учун қандай тўсиқларни енгиб ўтишингизга тўғри келади:

а) ишлаб чиқариш қуввати ёки кўлам самараси;

б) молиявий тўсиқлар;

д) лицензия;

е) ҳукумат ижро органлари ёки қонун чиқарувчи органлар билан алоқалар;

ф) пора бериш зарурияти;

г) реклама кампанияси;

х) фаолият юритаётган бошқа фирмалар томонидан фирром рақобат олиб бориш.

Кўрсатилган тўсиқлар Ўзбекистон учун ҳам ривожланган мамлакатлар: Германия, АҚШ, Франция учун ҳам умумийми?

9. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Тушунчалар ичида гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқланг ва уни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

Тушунчалар: «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари», «Тошшаҳаргазтаъминот», Қўйлик деҳқон бозори, «Тошиссиққувват» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Сувсоз» трести, «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси.

Т/Н

1. Рақобатли бозорда узок муддатли даврда нормал фойда нолга тенг.

2. Ишлаб чиқаришдаги объектив технологик жараёнларнинг хусусиятларидан ҳамда камёб, эркин тарзда такрор ишлаб чиқариб бўлмайдиган табиий ресурслар, инфраструктуранинг жамият учун алоҳида стратегик аҳамиятга эга тармоқлари табиий монопо-

лияларга киради. Республикамизда табиий монополиялар фаолияти «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонун (1999 й.) асосида тартибга солинади.

3. Монополия рақобатбардош тармоққа нисбатан юқори самарадорлиги боис юқори фойда олади.

4. Талаб эгри чизиғи монополия учун доимо горизонтал.

5. Мукаммал рақобатли фирмалар бозорда монополистик бозорга қараганда нисбатан кўпроқ турли-туман товарлар таклиф қилади.

6. Агар олигополистик бозорда фирма маҳсулот нархини кўтарса ёки туширса, маҳсулот ҳажмини кўпайтирса ёки камайтирса у рақобатчи фирмаларнинг фойдаси ва маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир қилади.

7. Монополистик рақобатли бозорда ресурслардан самарали фойдаланиб бўлмайди.

8. Олигополиялар ўртасидаги рақобат кўпинча нарх ёрдамида амалга оширилади.

9. Рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч.

10. Рақобат қандай тарзда амалга оширилишига кўра ҳалол ёки фирром турлари бўлинади.

11. Бозор иқтисодиётининг муҳим афзаллиги унинг рақобатга асосланганлигидир.

12. Бозор иқтисодиётида реклама қилиш-қилмасликнинг аҳамияти йўқ.

Тестлар

1. «Мукаммал рақобатдош фирма» тушунчаси бу фирма:

а) ўз рақиблари билан рақобатнинг фақат қонуний методларини қўллашни;

б) бозор баҳоси шаклланишига таъсир ўтказмаслигини;

д) бозорни эгаллаш учун ҳар қандай методларни қўллашни;

е) рақобатда ўзи учун кўзлаган нархни ўрнатишга эришишни;

ф) ўз рақиблари билан ҳалол рақобат кураши олиб боришини англатади.

2. Агар фирма мукаммал рақобатли бозорда фаолият юритиб, ўз маҳсулотини таклифини қисқартирса, у ҳолда:

а) маҳсулотнинг бозор нархи пасайишига олиб келади;

б) таклифни камайтиради, маҳсулот нархини кўтаради;

- д) маҳсулот бозор нархининг ўсишига олиб келади;
- е) бозорга ҳеч қандай таъсир ўтказмайди;
- ф) таклифни кўпайтиради, маҳсулот нарhini пасайтиради.

3. Қуйидаги бозорлардан қайси бирларини мукамал рақобатга асосланган бозорга киритиш мумкин?

- а) автомобил, велосипед бозори;
- б) музлаткич, телевизор бозори;
- д) деҳқон бозори, қимматли қоғозлар бозори;
- е) ахборот, интеллектуал мулк бозори;
- ф) кўчмас мулк бозори.

4. Табиий монополияга ... мисол бўла олади.

- а) ОПЕК – халқаро нефт картели;
- б) Ғаллабанк;
- д) «Шарқ» матбаа ишлаб чиқариш концерни;
- е) IBM компанияси;
- ф) Тошкент метрополитени.

5. Айтайлик монополист 10 бирлик товарини 10000 сўмдан сота олади. 11-товарни сотиш эса унинг баҳосини 9950 сўмга тушишига олиб келади. Бунда меъерий даромад сотиш ҳажмини 10 бирликдан 11 бирликкача ўсиши эвазига қанчага тенг бўлади?

- а) 10000; б) 9950; д) 9450; е) 9400; ф) 10995 сўмга.

6. Ўзбекистон иқтисодиётида кўпчилик бозор:

- а) мукамал рақобатга асосланади;
- б) тартибга солиб бўлмайдиган монополия;
- д) тартибга солинадиган монополия;
- е) муайян рақобат ва монополистик бозор элементлари хос;
- ф) табиий монополиялардан иборат.

7. Олигополия – бу:

- а) бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи рақобатлашувчи кўплаб фирмалар;
- б) табақалашган маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўплаб рақобатдош фирмалар;
- д) бир неча йирик рақобатдош фирмалар;
- е) битта йирик фирма;

ф) ягона йирик истеъмолчи компания.

8. Биринчи бўлиб олигополия назариясини асослашга ҳаракат қилган иқтисодчи – бу

- а) Огюстен Курно;
- б) Эдвард Чемберлен;
- д) Жоан Робинсон;
- е) Жон Гэлбрейт;
- ф) Алфред Маршалл.

9. Мукамал ва монополистик рақобатга асосланган бозорнинг умумий томони

- а) табақалашган маҳсулот ишлаб чиқаради;
- б) бозорда сотувчи ва харидорлар сони кўп;
- д) ҳар бир фирма ўз маҳсулотига талаб эгри чизиғи горизонтал бўлган шароитга дуч келади;
- е) бир турдаги товарлар ишлаб чиқаришади;
- ф) ҳар бир фирма ўз рақибларининг реакциясига кўра иш тутади.

10. Олигополистик бозор монополистик рақобатли бозор билан қуйидаги томонлари билан ўхшаш

- а) тармоққа кириш учун тўсиқлар йўқлиги;
- б) фирмалар учун стратегик йўналиш хос;
- д) унча кўп бўлмаган сотувчилар иш юритишади;
- е) фирмалар бозорда ҳукмрон рол ўйнайди;
- ф) фирмалар тармоқдан тўсиқларсиз чиқиб кетади.

11. Картел битимини бузиш учун уриниш шунча кам бўлади, қачонки:

- а) битимнинг бузилиши ва уни аниқлаш ўртасида узок вақт ўтиши;
- б) битимга риоя қилинмагани сезилмаслик эҳтимоли юқори бўлса;
- д) дисконтлаш коеффициенти юқори бўлса;
- е) картел аъзолари ўртасида харажатлар тенг бўлса;
- ф) картел бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни тартибга солганда.

12. Тармоқда 40 та фирма бўлиб, улардан ҳеч бирига умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 3 % дан ортиғи тўғри келмайди. Маҳсулот бозорда табақалашган ҳисобланади. Бундай тармоқ:

- а) монополистик рақобатга;
- б) соф монополияга;
- д) мукаммал рақобатга;
- е) олигополияга;
- ф) монопсонияга мисол бўла олади.

13. Олигополияни бошқа бозор моделларига нисбатан таҳлил қилиш қийин, сабаби ...

а) фирмалар сони шунча кўпки, уларнинг нима қилишини аниқлик билан айтиб бўлмайди;

б) меъёрий харажат ва меъёрий тушум эгри чизиклари олигополиялар учун мувозанатли нархни ва миқдорни аниқлашда ҳеч қандай рол ўйнамайди;

д) фирмалар фаолияти бир-бирига боғлиқ бўлмай, ҳар бири ҳақида маълумот тўплаш қийин;

е) бошқа бозор моделидаги фирмалардан фарқли равишда олигополистик бозорда фирмалар фойдани максималлаштиришга интилади деб, фараз қила олмаймиз;

ф) фирмалар ўртасида сезиларли даражада боғланиш мавжуд ҳамда олигополистик бозорда фирмани бир қарорга келиши бошқа бозорларга нисбатан ноаниқроқ.

14. Рақобатнинг қайси шаклида ишлаб чиқарувчилар бозор баҳоларини тўлиқ назорат қилиш имкониятига эга бўлади?

- а) соф рақобат;
- б) монополистик рақобат;
- д) соф монополия;
- е) олигополия;
- ф) монопсония.

15. Қуйидагилардан қайси бири «нархсиз» рақобатлашиш усулига киради?

а) «нархлар жанги» ёки нархларни пасайтириб бориш;


б) демпинг нархларинг қўллаш, яъни товарларни бошқа мамлакатларга ички бозордагидан анча паст нархлар бўйича сотиш;

- д) нархлардан чегирма қилиш;
- е) имтиёзли нархларни белгилаш ва бошқа товарларни кўшиб бериш;
- ф) кафолатланган текин хизмат кўрсатиш.

16. Нарх воситасида рақобат усулига киради:

- а) товар сифатини табақалаштириш орқали истеъмол хоссаларини ошириш;
 - б) товарларни кредитга сотиш;
 - д) кафолатланган муддатда ва ундан кейинги даврда турли хил хизматлар кўрсатиш;
 - е) нархлардан чегирма қилиш;
 - ф) маркетинг стратегияси ва рекламадан фойдаланиш;
- Монополистик иттифоқларнинг қай тарзда вужудга келишини қуйидаги чизма орқали кўриш мумкин.


Монополистик иттифоқларнинг вужудга келиши



14.1-чизма.

Сиз монополияларни ташкил топиши чизмада кўрсатилган жараён бўйича юз берган, деган фикрга қўшиласизми? Сиз яна нималарни қўшган бўлар эдингиз?

Бозор таркибининг фарқланувчи жиҳатлари тавсифи

- 
- 1) фирмалар сони;
 - 2) маҳсулот типии;
 - 3) тармоққа кириш нақадар осонлиги;
 - 4) нарх ўрнатиш имконияти;

14.2-чизма.

Рўйхатни давом эттира оласизми?

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

1в); 2а); 3г); 4б); 5д); 6ж); 7е); 8з); 9ё); 10и);

Масала ва машқлар:

1. Таклифнинг ўсиши, нархнинг тушиши кузатилади.
2. 70 млн. сўм.
3. Монопол корхоналар 1996 йилга нисбатан 2,5 марта, маҳсулотларни 17 марта камайган. Бу албатта ижобий ҳолат. Хизмат кўрсатишда 106 турдаги қурилиш материалларининг 47 тури монопол маҳсулот.
5. Агарда кўмир, нефт-кимё саноати, электр, газ, сув таъминоти хизматларини табиий монополияларга киритсак, корхоналар сонидан уларнинг улуши 50 % ни, маҳсулотлари 47 % ни ташкил этади.
6. 1) Фирма фаолиятининг микроиқтисодий кўрсаткичлари (минг сўм ҳисобида)

П	Қ	ТР	ТС	ТВС	ТФС	АТС	АВС	МС
5,0	100	500	400	250	150	4	2,5	6

- 2). Фойдани максималлаштириш $MP (P) > MC$; $P > ATC$;
- 3). Оптимал фойда олиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни шу даражага етказиш керакки, $P = MP = MC$ бўлиши, лекин АТС нархдан паст бўлиши лозим.
- 4). Фирма $P < AVC$, яъни бир дона маҳсулотнинг нархи 2,5 минг сўмдан кам бўлса.
7. 1) «Тармоққа кириш тўсиқлари» деб, шу тармоқда илгаридан фаолият юритаётган фирмалар билан рақобатлашадиган янги фирмаларнинг мазкур тармоқда фаолият юритишини қийинлаштирадиган шарт-шароитлар тушунилади.

2) Тўсиқларни енгиш муаммоси уларни бартараф қилиш мумкинлиги ва мумкин эмаслигида ифодаланади.

3) Бундай тўсиқлар:

*сиёсий;

*ташкилий;

*табиий;

*моддий;

*вақтинчалик ва ҳоказо бўлиши мумкин.

8. Кўрсатилганлардан: а, б, д, е, ф - ривожланган мамлакатларга ҳам хос. Шу билан бирга «г» пункти ҳам катта рол ўйнайди. Ўзбекистонда ҳозирги пайтда барча пунктлари аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам уларга эътибор қаратилмоқда.

9. Гуруҳга тааллуқли бўлмагани тўртинчиси, қолганлари табиий монополиялар.

Т/Н


1Н; 2Т; 3Н; 4Н; 5Н; 6Т; 7Т; 8Н; 9Т; 10Т; 11Т; 12Н;

Тестлар

1б); 2г); 3в); 4д); 5в); 6г); 7в); 8а; 9б); 10б); 11в); 12а); 13д); 14в); 15д); 16ғ).


15-МАВЗУ. НАРХ ВА УНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

1-§. Иқтисодий восита сифатидаги нархнинг моҳияти, вазифалари ва турлари




Нархнинг вазифалари	
Қадр-қим- матни ўлчаш	Товарни ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар, олинган натижалар ва унинг нафлилиги нарх ёрдамида ҳисобга олинади.
Ҳисоб-китоб қилиш	Турли хил мажбуриятларни (ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ҳамда банк ва солиқ муассасалари ўртасида) амалга оширишда ҳисоб-китоб қилиш вазифасини бажаради
Мувозанатлик- ни таъминлаш	Бунда нарх талаб ва таклифга таъсир кўрсатиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради.
Тартибга солиш	Бозор нархлари ва давлатнинг нарх сиёсати иқтисодий фаолиққа таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётни тартибга солишда муҳим восита вазифасини бажаради.
Тақсимлаш	Нарх воситасида даромадлар, маҳсулотлар ва иқтисодий ресурслар мулкдорлар, тармоқлар, соҳалар ҳамда ҳудудлар ўртасида тақсимланади ва қайта тақсимланади.
Рақобат воситаси	Ишлаб чиқарувчилар, ресурс эгалари ва истеъмолчилар нарх воситасида рақобатлашганда у рақобат воситаси вазифасини бажаради.
Ижтимоий ҳимоя	Нарх бу вазифани товарлар дотацион (бюджет маблағлари ҳисобидан арзонлаштирилган) нархларда сотилганда бажаради.


2-§. Эркин ва монополлашган бозорда нархнинг шаклланиш хусусиятлари



Рақобатнинг турли шаклларга асосланган тармоқларда нарх ташкил топишининг умумий шарт-шароитлари

- 
- ⦿ Нарх асосида ишлаб чиқариш сарф-харажатлари ёки товар (хизмат) қиймати ётади.
 - ⦿ Нарх товарлар нафлилик даражасини ифодалайди.
 - ⦿ Нарх ўзида товарларга бўлган талаб ва таклиф нисбатини мужассамлаштиради.
 - ⦿ Рақобатлашиш усуллариининг ҳам нарх ташкил топишида ўз ўрни бор.
 - ⦿ Нарх ташкил топишига давлатнинг иқтисодий сиёсати таъсир кўрсатади.
 - ⦿ Нарх шаклланишида хуфёна иқтисодиётнинг ҳам роли бор.

Соф рақобатли тармоқ (бозор) да нархнинг ташкил топиш хусусиятлари

- 
- Нарх ялпи талаб ва ялпи таклиф таъсири остида шаклланади;
 - Алоҳида ишлаб чиқарувчи (сотувчи) лар бозор нархларига ва сотиш ҳажмига таъсир кўрсата олмайди;
 - Ялпи талаб ёки ялпи таклифда рўй бериб турадиган нисбатан катта ўзгаришлар бозор нархлари ва сотиш ҳажмини ўзгартиради;
 - Тармоққа кириш учун тўсиқлар мавжуд бўлмаслиги сабабли нархлар нисбатан беқарор бўлади.

Соф монополист маҳсулотнинг ягона ишлаб чиқарувчиси бўлганлиги сабабли, у тармоқ маҳсулотига нарх белгилашда нисбий ҳукмронликка эга.

Соф монопол мавқеидаги ишлаб чиқарувчиларнинг нарх белгилашда мутлақ ҳукмронликни таъминлай олмаслиги сабаблари:

- ⊗ Давлатнинг антимонопол қонунчилиги мавжуд бўладики, унинг талабига кўра монопол ишлаб чиқарувчи маҳсулотига нархларнинг юқори чегараси белгилаб қўйилади;
- ⊗ Монопол ишлаб чиқарувчининг нархларни ошириб боришга қаратилган хатти-ҳаракати истеъмолчи пул даромадининг чекланганлиги билан тўқнаш келади;
- ⊗ Монопол ишлаб чиқарувчининг нархларни ошириб бориши истеъмолчи унинг ўрнини босадиган бошқа товарларни қидиришга мажбур қилади.

Соф монополия шароитида тармоққа кириш учун тўсиқларнинг асосий турлари

- ишлаб чиқариш миқёси келтириб чиқарадиган тўсиқлар (иқтисодий, молиявий, технологик ва бошқалар);
- қонуний тўсиқлар (патент ва лицензиялар каби);
- табиий монополиялар табиати тақозо қиладиган тўсиқлар;
- фирром рақобат усулларида фойдаланиш;
- хомашёнинг муҳим турларига хусусий мулкчилик.

Монополистик рақобатли тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархнинг шаклланиши

- ⊗ Рақобатнинг бу шаклида ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини турли хил усуллар билан табақалаштириш орқали бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш ва маҳсулотига нарх белгилашга ҳаракат қилади.
- ⊗ Ишлаб чиқариш ҳажми ва нархлар нисбатан беқарор бўлиб, янги ишлаб чиқарувчиларнинг тармоққа кириши таклифнинг умумий ҳажмини кўпайтиради, нархларнинг пасайишига олиб келади. Аксинча, чиқиб кетиши ишлаб чиқариш ҳажми қисқариши ва нархларнинг ортишига олиб келади.

Монополистик рақобат шароитида бир турдаги маҳсулот ҳар хил йўллар билан табақалаштирилади:

- Жисмоний ўлчамлари бўйича;
- Жойлашган (ишлаб чиқариш ёки сотишнинг) жойи бўйича;
- Харидорларга сервис хизмати кўрсатиши бўйича;
- Сотидан кейинги даврда бепул кафолатли таъмирлаш хизматини кўрсатиш;
- Нархсиз рақобатлашиш усуллари (реклама, савдо белгилари, савдо маркалари ва ҳ.к.) асосида;
- Нарх ёрдамида рақобатлашиш усуллари (нархдан чегирма қилиш, асосий товар нархига тўлдирувчи бошқа товарларни киритиш ва ҳ.к.) фойдаланиш асосида.

Олигополия шароитида ишлаб чиқариш ҳажми ва нархнинг шаклланиши

- Тармоқдаги ишлаб чиқарувчилар бир-бири билан технологик жиҳатдан ёки битимлар асосида боғланганлиги сабабли ўзаро келишиб нарх белгилашнинг потенциал имконияти мавжуд бўлади.
- Тармоқда етакчи фирма нарх белгилашда раҳнамолик қилади Унинг нарх белгилаш сиёсатига бошқа фирмалар ҳам қўшилади;
- Тармоққа кириш тақиқланиши сабабли ишлаб чиқариш ҳажми нисбатан барқарор ҳисобланади.

Иқтисодий ресурсларга нарх ташкил топишининг хусусиятлари

Иқтисодий ресурсларга нарх даражасини белгилаб берувчи омиллар:

- ⊗ ресурс унумдорлиги;
- ⊗ мазкур ресурс ёрдамида ишлаб чиқариладиган товарларнинг нархлари;
- ⊗ биргаликда фойдаланиладиган ресурсларнинг унумдорлиги ва бозор нархлари.

Ресурсларга талаб ҳосила талаб ҳисобланади. Шу сабабли бирор ресурс турига талаб миқдори унинг ёрдамида ишлаб чиқариладиган товарларга бўлган талабга боғлиқ бўлади.

Алоҳида олинган ресурслар (ер, ишчи кучи, капитал) нархига айнан шу ресурс турининг хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатади.

3-§. Нархнинг турлари. Ўзбекистонда нарх сиёсати

Нарх турлари

I. Иқтисодий мазмунига кўра:

Улгуржи нархлар

Бу нархларда товарлар катта партияларда, кўтарасига сотилади. У таркибан ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда улгуржи-савдо ташкилотлари харажатлари ва фойдасини ўз ичига олади.

Чакана нархлар

Бу товарлар бевосита истеъмолчиларга сотиладиган нархлардир. Чакана нарх ўз таркибига товарнинг улгуржи нархи ҳамда чакана савдо ташкилотлари харажатлари ва фойдасини олади.

Харид нархлари

Бу нархлар давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқарилган товарларга белгиланади. Айрим ҳолларда бундай нархларга муайян устама ва имтиёзлар бўлиши кўзда тутилади.

Дотацион нархлар

Давлат бюджети ҳисобидан арзонлаштирилган нархлардир.

Демпинг нархлари

Бундай нархларда ишлаб чиқарувчилар бозордаги рақибларни мустаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқаришда фойдаланади. У бозорга «суқилиб кириш» нархи деб ҳам аталади

Нуфузли нархлар Аҳолининг юқори даромад олувчи қатлами харид қиладиган нуфузли (обрў талаб) товарларга белгиланади.

Тарифлар Турли хил хизматлар (телефон, транспорт, коммунал ва ҳ.к.) нархи сифатида фойдаланилади.

II. Тартибга солиниши даражасига кўра:

Қатъий белгиланган нархлар Маъмурий тарзда белгиланиб, бозор кучлари таъсир кўрсатмайди ва муайян давр давомида доимий бўлиб қолади.

Эркин нархлар Талаб ва таклиф таъсири остида вужудга келадиган бозор нархларидир.

Тартибга солинадиган нархлар Айрим товарларга давлат нархларнинг юқори (истеъмолчи манфаатини кўзлаб) ва қуйи (ишлаб чиқарувчи манфаатини кўзлаб) чегарасини белгилаш ҳамда молия ва кредит дастаклардан фойдаланиб, таъсир кўрсатиладиган нархлардир.

Шартнома нархлари Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи томонидан шартномада қайд қилинган нархлар.

III. Амал қилиш доираси (бозор кўлами)га кўра:

Худудий (минтақавий) нархлар Муайян худудий бозорларда, унинг доирасида амал қилувчи омиллар таъсирида шаклланади.


Миллий нархлар Алоҳида мамлакатлар доирасида ўртача ижтимоий сарф-харажатлар, миллий бозордаги талаб ва таклиф таъсирида шаклланади.

Жаҳон нархлари

Муайян товарларни ишлаб чиқаришга кетган байналмилал харажатларни, товарларнинг жаҳон андозаси талабларига мос келиши даражасини ҳамда халқаро бозордаги талаб ва таклиф нисбатини ўзида акс эттиради.

Нархларнинг юқорида қайд қилинган турлари билан бирга иқтисодий ҳаётда қуйидаги нархларидан ҳам фойдаланилади:

- **Аукцион нархи** — аукционда сотилган товарнинг «ким ошди» нархи.
- **Базис нархи** — битимлар тузилган пайтда белгиланган нарх.
- **Биржа нархи** — биржа котировкаси ва унга биржа контрактдан товарнинг сифати, олиб келиб бериш жойи ва бошқа ўзгаришларга қараб чегирма қилинган ёки устама қўшилган нархлар.
- **Котировка нархи** — маълум бир давр учун қайд этилган ўртача типик нархлар. Контракт нархлар келишув асосида аниқланади ва янги битимлар тузишда (жумладан, биржаларда) мўлжал бўлиб хизмат қилади.
- **Трансферт нархлар** — бир компаниянинг шўба корхоналари ёки бўлимлари ўртасидаги тижоратда қўлланиладиган нархлар.
- **Фючерс нархлари** — биржада фючерс битимларида қўлланиладиган нархлар.
- **Айирбошлаш нархи** — маълум бир турдаги товар ва хизматларни бошқасига айирбошлаш учун бериладиган товар ва хизматлар миқдорига белгиланади.
- **Ҳисоб-китоб нархи** — ҳар бир фючерс позициясининг шу кунга ягона нархи; савдо тугашининг охириги дақиқаларида тузилган нарх битимлари асосида ҳисоб палатаси томонидан белгиланган нарх.
- Иқтисодий таҳлил, режалаштириш ва статистика ҳамда тадқиқот мақсадларида **жорий нархлар** билан биргаликда **такқослама нархлардан** фойдаланилади. Улардан фойдаланиш бозор иқтисодиёти тақозо қиладиган обектив заруриятдир. Масалан, инфляция жараёнида нархларнинг қандай ўзгарганини билиш долзарб бўлиб, у **такқослама нархлар** ёрдамида аниқланади.
- Иррационал нархлар ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби табиий ресурс ва неъматларга белгиланадиган нархларни билдиради.



Давлатнинг нарх сиёсати – бозор иқтисодиётига ўтиш шарио-тида нархларни эркинлаштириш ва миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштиришга қаратилади.

Нархларни эркинлаштиришдан кўзланган мақсад:

- хомашё билан маҳсулот айрим турлари нархлари ўртасидаги номутаносибликни юмшатиш;
- нарх билан аҳоли даромадлари ва корхоналар фойдаси ўртасидаги мутаносибликка эришиш;
- инвестицион товарлар, истеъмол товарлари ва хизматлар нархларининг оқилона нисбатини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш воситалари, халқ истеъмол товарлари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ҳамда тарифларига ўтиш;
- миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш.

Нархларни эркинлаштириш йўллари:

- нархларни бирданига ёки «эсанкиратадиган» тарзда қўйиб юбориш;
- нархлар ўсишини сунъий равишда тўхтатиб қўйиш;
- нархларни давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишни маълум даражада сақлаб қолиш;
- нархларни аста-секинлик билан босқичма-босқич эркинлаштириш.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳ қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги иқтисодий вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинди.

Ўзбекистонда нархларни эркинлаштириш босқичлари:
I босқич. 1992 й. – кенг доирадаги ишлаб чиқариш воситалари, айрим турдаги халқ истеъмол моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг келишилган нархлари (тарифлари)га ўтилди.

Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирада озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди.

II босқич. 1993г. – келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўлиғича тўхтатилди.

III босқич. 1994й. октябр-ноябр – халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархи эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизмати тарифлари кўтарилди.

Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар: Асосий тушунчалар

- | | |
|--|------------------------|
| 1. Нарх | 6. Нарх турлари |
| 2. Нарх механизми | 7. Лернер индекси |
| 3. Харажатлар механизми | 8. Нархдаги раҳномалик |
| 4. Герфиндал индекси | 9. Нархлар жанги |
| 5. Нарх шаклланишининг бозор механизми | 10. Яширин келишиш |

Қуйидаги жавоблардан тўғрисиини танланг:

а) нарх ва нархларнинг ташкил топиши, яъни товар, хизматларга тўланадиган пул миқдорини белгиланишини аниқланишининг қоидалари, усулларини ўз ичига олади;

б) бозорда фирманинг улушини баҳолаш имконини берувчи индекс;

д) товарлар ва хизматларнинг нафлилигини баҳолаш воситаси бўлиб, унга тўланадиган пул миқдорини ифодалайди.

е) ишлаб чиқариш (сотиш) учун қилинган харажатларни қоплаш ва маълум миқдорда фойда олишни таъминлайдиган тарзда нарх белгилаш;

ф) бозор ва унинг аниқ шаклидан қатъи назар талаб ва таклифнинг нисбати ва рақобат асосида, яъни бозордаги вазиятга кўра нархнинг шаклланиши;

г) монополия ҳукмронлиги даражасини кўрсатувчи иқтисодий кўрсаткич;

х) рақобатдош фирмаларнинг олигополистик бозорда босқичма-босқич, секинлик билан нархни пасайтириши;

и) бозор иқтисодиёти шароитида бир-бирини тақозо этувчи, турли мақсадларда қўлланувчи, турли вазифаларни бажарувчи нархлар мажмуига турли жиҳатдан ёндашиб, гуруҳларга бўлиниши;

ж) Қачонки фирмалар очик битим тузмай, яширин нарх ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича тил бириктириш вазияти;

к) Олигополистик бозордаги етакчи фирма, нархни кўтариши ёки туширишига қараб, бошқалар унга эргашади.

Масала ва машқлар

1. Бозорда иккита Апполон ва Муштарий фирмалари маҳсулотнинг асосий қисмини ишлаб чиқаришади. Маҳсулотга нарх белгилашга кўра мумкин бўлган натижалар матрицаси куйидагича:

		«Муштарий» фирмаси		Олигополияларнинг нарх стратегиялари натижалари варианты матрицаси (минг сўм)
		юқори нарх	паст нарх	
«Апполон» фирмаси	юқори нарх	5000	5000	
		паст нарх	5000	1000
	юқори нарх	5000	2500	
	паст нарх	5000	2500	

Айтайлик сиз, А фирма учун қарор қабул қилишингиз керак:

а) сизнинг устун даражадаги қарорингиз қандай бўлади?

б) ҳар икки фирма учун қайси бир қарор маъқул?

д) айтайлик, ҳар икки фирма юқори нарх белгилаш учун «жентелменлик» битими тузди. Бундай битимга ишониш мумкинми? Рақиблар олган мажбурият бажарилиши учун нима қилиши керак?

2. Қуйида фирмалар ўртасида қабул қилган қарорига мувофиқ тўлов матрицаси берилган:

Фирмалар қарори бўйича тўлов матрицаси

	«Кундуз» фирмаси нархни 1000 сўмга туширади		«Кундуз» фирмаси нархни 1000 сўмга туширмайди	
«Юлдуз» фирмаси нархни 1000 сўмга туширади	- 5000	- 5000	- 10000	+ 15000
«Юлдуз» фирмаси нархни 1000 сўмга туширмайди	+ 15000	- 10000		

Унда ҳар бир фирманинг фойдаси қабул қилган қарорига қараб ўзгариши кўрсатилган. Агар «Кундуз» фирмаси маҳсулотининг баҳосини ўзгартирмаса, «Юлдуз» фирмаси эса 1000 сўмга туширса, у ҳолда «Кундуз»нинг фойдаси 10000 сўмга камаяди. «Юлдуз»нинг фойдаси 15000 сўмга кўпаяди. Агар иккаласи ҳам бозорни эгаллаш мақсадида бир-бирига нарх жанги қилиб, нархни туширса 5000 сўмдан зарар кўришади.

Бўш катакларни тўлдилинг. Сизнингча энг маъқули фирмаларнинг қандай қарорга келиши бўлади. Парето ечими ва Неш ечими қандай қарор қабул қилиш бўлади?

3. Фирма монопол ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқаради. Унинг умумий харажатлари $ТС=10+18Q$; Бу ерда Q – маҳсулот ҳажми.

Нархга нисбатан талаб эгилувчанлиги $E=7$ га тенг бўлганда фирма ўз маҳсулотига қандай нарх белгилаши мумкин?

4. Фирма НОДИР товарини ишлаб чиқаради. Ялпи даромад (тушум) ТР, меъёрий даромад МР, меъёрий харажатлар МС куйидаги боғлиқ кўрсаткичларда ифодаланган

$$ТР=2600Қ-7Қ^2$$

$$МР=350-13Қ$$

$$МС=35-2Қ$$

Қ- НОДИР товарини ишлаб чиқариш ҳажми.

Шу товарни қанча миқдорда ишлаб чиқариш ва қанча миқдорда сотиш мумкин? Агар:

- а) фирма монополия шароитида фаолият юритса;
- б) фирма эркин рақобат шароитида фаолият юритса.

5. Ҳозирги пайтда «Катерпиллар» фирмасининг дунёда ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури бўйича улуши 75 % га тенг. Фирма «Катерпиллар» тракторини 24 минг долларга баҳолайди. Рақобатдош фирманинг худди шундай трактори 20 минг доллар туради. Потенциал харидор дилердан нима сабабдан у трактор учун 4 минг доллар ортиқча тўлаши кераклигини сўраганда, у шундай жавоб беради:

- 20 минг доллар тракторнинг нархи, рақиб фирманинг худди шундай трактори нархи билан тенг. 3 минг доллар - тракторнинг юқори даражада ишончилиги учун мукофотли устама; 2 минг доллар – юқори даражада сервис хизматлари учун мукофотли устама; 1 минг доллар – деталлари ва эҳтиёт, бутловчи қисмларига нисбатан узокроқ муддатга кафолат қиймати. Ана энди бундан келиб чиқиб тракторнинг нархини ҳисобланг дейди. Харидор ҳайрон бўлади, охир оқибат тракторни сотиб олишга қарор қилади.

Харидор нимага ҳайрон бўлади ва нима сабабдан у қиммат бўлса ҳам тракторни сотиб олади?

6. Агар иқтисодий адабиётларни ўқисак нархлар ўсиши билан сотишга борган сари кўпроқ товарлар чиқади. Унда нима сабабдан 1992 йилга келиб, нархларни эркинлаштирилиши натижасида уларнинг ортишига қарамай товарлар кўпайиб кетмади. Бунга сабаб нима?

Бошқа шароитлар ўзгармагани ҳолда нархнинг ўсиши таклифнинг ортишига олиб келиши, яъни таклиф қонуни ўша пайтда амал қилмаганми?

7. 1985 йил жаҳон бозорида 1 тонна буғдой 185 доллар эди. АҚШ 1 млн тонна буғдойни Мисрга 155 доллардан сотиб, Миср бозорларини эгаллади. Илгари бу ерда Европа иқтисодий уюшмаси ЕЭС ҳукмронлик қилар эди. АҚШ бундай савдодан қанча зарар кўрди? Бу қандай сиёсат? У қандай мақсадда қўлланилади?

8. Қуйидаги жадвал маълумотларига эътибор беринг.

	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011й.
Ливерпул биржасида пахта толасининг ўртача нархи т/доллар	1389	1058	1014	1410	
Долларнинг сўмга нисбатан ўртача курси	140	272	506	975	
Пахта толасининг ўртача нархи т/сўм	194460	287776	513084	1374750	
Пахта хом ашёсининг ўртача сотиш нархи (давлат харид нархлари) т/сўм	56000	86000	137000	209000	
Пахта толасининг (пахта хом-ашёсидан 30% тола чиқишни ҳисобга олган ҳолда) давлат харид нархлари т/сўм	184800	283000	452100	698700	
Жаҳон нархларидан фарқи т/сўм	9660	4000	60484	685050	

Жадвал, муаллиф томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, биржа маълумотлари асосида абстракция усулини қўллаб ҳисобланган.

Жадвалда қайси нархлар жаҳон нархлари, қайси бирлари давлат харид нархлари. Миллий нархларни кўрсатинг. Пахта толасига жаҳон нархларидан пахта хомашёси (30 % тола олинади десак) харид нархлари фарқини, 2000 йилга нисбатан нархлар қандай ўзгарганини ҳисобланг. Нархлар ҳақида ўз фикрингизни баён қилинг. Жадвални кейинги йил маълумотлари билан тўлдира оласизми?

9. «Соф» монополист ўз товари нархини чексиз ошириши мумкин, чунки у тармоқдаги ягона ишлаб чиқарувчи. Унинг товарига талаб мутлақ ноэластик, унинг эгри чизиғи вертикал шаклда. Сиз бу фикрга қўшиласизми?

10. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Тушунчалар ичида гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқланг ва уни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

Тушунчалар: қиймат ўлчови, ҳисоб-китоб қилиш, иқтисодиётни тартибга солиш, даромад ва ресурсларни тақсимлаш, демпинг нархлари, ижтимоий ҳимоя қилиш, ахборот бериш.

Т/Н

1. Сотувчилар ўз товарларини бозорда алоҳида гуруҳларга бўлиб сотишни яхши кўришади. Масалан, картошка сотаётган сотувчи уларни, йирик, ўртача, кичик гуруҳларга бўлиб, мувофиқ равишда ҳар хил нархлар: йирик, силлиқ картошкаларнинг килосига 450 сўм, ўртачаларига 320 сўм, майдаларига 190 сўм нарх белгилашади. Буни нарх дискриминациясига мисол қилиб кўрсатса бўлади.

2. Агар товарнинг бозор нархи доимий экан, у ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши фирманинг фойдаси миқдорига таъсир қилмайди.

3. Агар маҳсулот нархи ўртача ўзгарувчи харажатлардан паст бўлса, фирма ишлаб чиқаришни нолга қадар қисқартириш орқали фойдасини максималлаштиради.

3. Рақобатлашувчи фирма учун маҳсулот нархи меъёрий даромадга тенг.

4. Ҳар қандай нарх дискриминацияси ноқонуний.

5. Жамиятнинг табиий монополиялар ҳукмронлигидан соф йўқотишлар барҳам топади, қачонки тартибга солинувчи нарх маълум талаб даражасида ўртача ишлаб чиқариш харажатларига тенг қилиб белгиланса.

6. Маршаллнинг фикрича олди-сотди қилгунга қадар товарнинг гўёки икки нархи мавжуд бўлади.

7. Олигополия шароитида рақобат устун даражада нархдан фойдаланмай (нархсиз) олиб борилади.

8. Ягона монополист ҳам ўзи хоҳлаганча товарига нарх қўя олмайди.

9. Олигополия шароитида рақобат асосан нарх ёрдамида олиб борилади

10. Монопсонист учун таклиф нархи икки хил: а) камайиб борувчи, б) ўсиб борувчи бўлиши мумкин.

11. Харажатларда унча кўп бўлмаган ёки ўртача ўзгаришларда нима сабабдан олигополистик нархни ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартирмаслик зарурлигини «синиқ» эгри чизиғи модели орқали тушунтириб беради.

Тестлар

1. Қисқа муддатли даврда фойдасини максималлаштирувчи ёки зарарни минималлаштирувчи рақобатлашувчи фирма ишлаб чиқаришни тўхтатади, агар:

- а) маҳсулот нархи минимал ўртача харажатлардан паст бўлса;
- б) ўртача доимий харажатлар маҳсулот нархидан юқори бўлса;
- д) маҳсулот нархи ўртача ўзгарувчи харажатлар минимумидан паст бўлса;
- е) маҳсулот нархи меъёрий харажатлардан паст бўлса;
- ф) ялпи тушум фирманинг умумий харажатларини қопламаса.

2. Агар маҳсулот нархи уни ишлаб чиқариш учун қилинган ўртача харажатларни қоплай олмаса, у ҳолда фирма:

- а) ишлаб чиқаришни иложи борица тезда тўхтатиши керак;
- б) товар ишлаб чиқаришни давом эттириш керак, қачонки $P=MC$, агар $P>AVC$ даражасида бўлса;
- д) янги технологияни танлаб жорий қилиши керак;
- е) билвосита харажатларни қисқартириши керак;
- ф) нарх доимий харажатларнинг барчасини қоплар экан, ишлаб чиқаришни давом эттириш керак.

3. Нарх дискриминацияси бу ...

- а) бир маҳсулотни турли харидорларга ҳар хил нархда сотиш;
- б) миллати ёки жинсига қараб меҳнат ҳақи тўлашдаги фарқ;
- д) истеъмол товарларига юқори нарх белгилаш орқали истеъмолчиларни эксплуатация қилиш;
- е) сифати юқори бўлган товарга юқорироқ нарх ўрнатилиши;
- ф) товарларни сифатига кўра гуруҳларга ажратиб турлича нарх белгилаш.

4. Монополистда меъёрий харажатлар одатда маҳсулот нархидан паст бўлади, сабаби:

- а) нарх меъёрий даромаддан паст;
- б) нарх меъёрий даромаддан юқори;
- д) меъёрий харажатлар ўртача харажатлардан паст;
- е) меъёрий харажатлар ўртача харажатлардан юқори;
- ф) ўртача харажатлар меъёрий харажатлардан юқори.

5. Қуйида санаб ўтилган маҳсулотлардан қайси бири ҳеч қачон картел битими доирасида ишлаб чиқарилмаган?

- а) нефт;
- б) банан;
- д) шакар;
- е) буғдой;
- ф) кофе.

6. Номукаммал рақобат шароитида қачон максимал фойда олиш мумкин?

- а) $MP=AC$;
- б) $MC=TC$;
- д) $TC=П$;
- е) $MC=П$;
- ф) $MC=MP$.

7. Мукаммал рақобат шароитида фирмалар хоҳлаганча бозорда товар сотиши мумкин, улар

- а) товар нарҳини сотилган миқдорга қараб кўтаради;
- б) товар нарҳини пасайтиради;
- д) нарҳга таъсир ўтказа олмайди;
- е) нарҳга узоқ муддатли даврда таъсир кўрсата олади;
- ф) таклиф эгри чизиғи вертикал бўлади.

8. Ўзбекистонда нарҳларни эркинлаштириш

- а) уч босқичда: (1992 йил бошидан, 1993 йил, 1994 йил октябр-ноябр);
- б) икки босқичда (1992–1993, 1993–1994-йилларда);
- д) уч босқичда (1992–1993, 1993–1994, 1994–1995);
- е) тўрт босқичда (1991-1992, 1992–1993, 1993–1994, 1994–1995);
- ф) икки босқичда (1992–1995, 1995 дан ҳозиргача) амалга оширилди.

9. Нарҳ ошиб бориши билан талабнинг аста-секин пасайиб боришини нима билан изоҳланади?

- а) истеъмолчи дидининг ўзгариши билан;
- б) эҳтиёжнинг тўлароқ қондирилганлиги билан;
- д) истеъмолчи пул даромадининг чекланганлиги билан;
- е) талабда рўй берган ўзгаришлар билан;

ф) ўрнини босувчи товарлар мавжудлиги билан.

10. Нархнинг қайси вазифаси талаб ва таклифнинг мос келиши орқали амалга ошади?

- а) қийматни ёки иқтисодий харажатларни ҳисобга олиш;
- б) мувозанатликни таъминлаш;
- в) тартибга солиш;
- г) ижтимоий ҳимоялаш;
- д) рақобат воситаси.

11. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нархлар қандай ном билан аталади?

- а) улгуржи нарх;
- б) демпинг нарх;
- д) дотацион нарх;
- е) нуфузли нарх;
- ф) харид нархи.

12. Нархлар оралиғидаги фарқларнинг пулдаги миқдорий ифодаси қандай ном билан аталади?


- а) нарх паритети (нисбати);
- б) нарх кўрсаткичи;
- д) нарх чегараси;
- е) нарх диапозони;
- ф) нарх сиёсати.

13. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда нархларни эркинлаштиришнинг қайси йўлидан фойдаланилди?

- а) нархларни бирданига қўйиб юбориш;
- б) нархлар даражасини сунъий тўхтатиб қўйиш;
- д) нархларни давлат томонидан бошқариш ва назорат қилиш;
- е) нархларни аста-секин ва босқичма-босқич эркинлаштириш;
- ф) нархларни қотириб қўйиш.

14. Салқин ичимлик сотувчи фирма спорт анжуманида маҳсулот сотишнинг монопол мавқеига эга бўлса, у қандай нархни ўрнатган бўлар эди.

	Маҳсулот нархи, минг сўм	Сотиб олувчилар сони	Умумий даромад, сўм	Умумий харажат, сўм	Фонда, зарар, сўм
а)	10,0	1000	10000	3300	6700
б)	12.5	800	10000	2900	7100
в)	15,0	500	7500	2300	5200
г) _	20,0	100	2000	1350	650
д)	100,0	3	300	1160	(860)



15.1-чизма

Бўш катакни тўлдириг. Нархнинг вазифаларини изоҳлаб беринг. Нарх санаб ўтилган вазифалардан ташқари қандай вазифаларни бажаради? Кўрсатинг.

Биргаликда жиноят содир қилган икки жумбоқли масала ҳибсга олинганлар қуйидаги тўрт вариантдан бирини танлашдан бошқа иложи йўқ.

Бу ҳолатда энг эҳтимоллиги юқори тўртинчи вариант – иккала жиноятчи ҳам узоқ муддатли қамоқ жазоси олади. Бу уларни эгоистик мотивидан келиб чиқади. Лэкин ҳар иккиси учун энг манфаатига мос келадигани 1-вариант.

Фирмалар олигополистик рақобат шароитида ана шу дилеммада¹⁵ кўрсатилган ҳолатга жуда кўп марта дуч келишади. Улар бозорнинг катта қисмини эгаллаш учун рақобатда рақиблари билан агрессив курашишлари керакми ёки аксинча, ҳамкорлик қилиб рақобатлашиш, ҳатто яширин келишиш орқали, (масалан, нархни ошириш керакми ёки йўқлиги борасида), фаолият юритишлари керакми?

«Ҳисобга олинганлар» дилеммаси матрицаси

	2-си бўйнига олмайди		2-си бўйнига олади	
	1 вариант		2 вариант	
1-си бўйнига олмайди	Биринчиси қаттиқ жазодан қутилади	Иккинчиси қаттиқ жазодан қутилади	Биринчиси умрбод қамоқ жазоси олади	Иккинчиси қўйиб юборилади
	3 вариант		4 вариант	
1-си бўйнига олади	Биринчиси қўйиб юборилади (озодликка чиқади)	Иккинчиси умрбод қамоқ жазоси олади	Биринчиси узоқ муддатли қамоқ жазоси олади	Иккинчиси узоқ муддатли қамоқ жазоси олади

15.2-чизма


Иқтисодиётда шундай вазият учун тенг кучли икки хил ечим мавжуд. Биринчиси Парето ечими бўйича қарор қабул қилиш (ҳар иккисини ҳам қўйиб юборилади). Ҳар иккиси учун ҳам энг маъқул қарорга келинади. Бу бозор қатнашчиларининг биронтаси бошқаларига зарар етказмай аҳволини яхшилашга олмайдиган вазиятга хос.

Иккинчиси, Неш ечими бўйича қарор қабул қилиш (ҳар иккиси ҳам бўйнига олади). У рақиблардан ҳеч қайсисини ўзича қарорини ўзгартириши билан ютуғини кўпайтира олмайдиган вазиятга хос.

¹⁵ Дилемма (юнон. дис – икки ва лемма – тахминан) – бир-бирига зид бўлган икки имкониятдан бирини танлаб олишга мажбур бўлиш.

* 2009 йил, январь-март. Манба: WWW.sreport.ru

Давлат нарх устидан назорат ўрнатса:



15.3-чизма

Айтайлик давлат нархни муво- занат нархи P_0 дан паст P_1 дара- жасида белгиласин, у ҳолда такчил- лик вужудга келади (Q_2-Q_1). Сабаби нархнинг туширилиши натижасида талаб ортади, лекин ишлаб чиқа- рувчилар маҳсулот ҳажмини қис- қартиришади.

Аксинча, ҳаддан ташқари юқо- ри нарх, айтайлик P_3 даражасида белгиласачи?

Нефт ва рангли металлларнинг жаҳон бозорида нархларининг ўзгариши, АҚШ долларида

15.1-жадвал


	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009*	2010	2011
Нефт (Брент), баррел	28,5	37,8	55,1	66,0	72,7	98,4	44,8		
Нефт (WTI), баррел	31,2	41,2	56,6	66,2	72,3	99,7	40,5		
Платина, унция	688,5	774,6	896,3	1136,8	1300,1	1742	1954,1		
Олтин, унция	361,8	409,2	440,6	598,8	696,7	1001	1012,2		
Кумуш, унция	4,9	6,7	7,3	11,6	13,4	16,2	17,3		
Никел, тонна	9681,2	13799,7	14738,4	24166	37229,8	21111	10858		
Мис, тонна	1635,1	2855,6	3678,7	6119,4	7143,5	6956	3268		
Алюминий, тн.	1431,6	1715,9	1898,5	2384,1	2625,0	2573	1372		
Қалай, тонна	827,6	791,1	1381,8	3275,3	3242,4	1873	1150		

Жадвал маълумотларига эътибор қилинг. Нефт ва рангли металлларнинг нархни аввал кўтарилиб, сўнгра 2008 йилдан тушиб кетиши, олтин ва платинанинг нархи аксинча, кўтарилиб кетиши сабабларини изоҳланг. У Ўзбекистон иқтисодиётига қандай таъсир қилишини кўрсатинг.

Диаграмма маълумотларига эътибор қилинг. Энергия ресурслари ва коммунал тўловлари нархларидаги ўзгаришлар ва табиий монополиялар ҳақида нималарни биласиз? Нима сабабдан, 2009 йили уларнинг нархлари (тарифлариин) ўзгаришини 6-8 фоиздан оширмаслик вазифаси қўйилди, фикрингизни асосланг.

Кейинги йиллар маълумотларини тўлдириг.

**Энергия ресурслари ва коммунал хизматларга нархлар
(тарифлар) динамикаси, олдинги йилга нисбатан, фоизда**
15.1-диаграмма



(2011 йил маълумотларини топиб, диаграммани чизинг. Табiiй монополиялар маҳсулотига нархлар қандай шаклланади ва уларни ким назорат қилади?

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

1в); 2а); 3г); 4б); 5д); 6ж); 7е); 8и); 9ё); 10з);

Масала ва машқлар:

1. а) Апполон учун паст нархни ушлаб туриш маъқул, чунки у ҳолда 9 млн. сўм фойда олиш мумкин. Лекин бунда аниқ ишонч бўлиши керакки, Муштарий фирмаси нархни туширмайди.

б) Ҳар икки фирма учун юқори максимал фойда олиш учун энг юқори нарх белгилаш зарур. У ҳолда 5 млн. дан фойда олишади.

д) Рақиблар ўртасида битимни бузиш хавфи кучли, чунки олинган фойда юқори. Шунинг учун мумкин бўлган оқибатларни кўрсатиб махсус шартнома тузиш лозим.

2. Агар ҳар икки фирма ҳам нархни тушириш йўлидан борса, уларнинг фойдаси камайиб кетади. Агар бири нархни тушириб, иккинчиси туширмаса, у ҳолда бирининг фойдаси 10000 сўмга камайиб, иккинчисиники 15000 сўмга кўпаяди. Демак, бунда «Кундуз»нинг нархни тушириши ёки кўтаришига жавобан «Юлдуз» ҳам бир қарорга келиш керак.

Бу вазиятда энг маъқули ҳар икки фирма ҳам нархни аслича қолдириши. Бу уларнинг фойдасини ўзгартирмайди, лекин ҳар бир фирма алоҳида нархни тушириб, оладиган фойдасини камайишининг олдини олади. Бу ечим Парето ечими бўлади.

Агар бир фирма нархни туширса, иккинчиси туширмаса, бозордаги мавқеидан айрилиб қолиши ёки аксинча бир фирма нархни кўтарса, иккинчиси кўтармаса фойдаси камайиб, аҳволи танглашиши мумкин. Шунинг учун ҳеч қайси фирма ўзича ҳаракат қила олмайди, чунки иккинчи фирма «кўл қовуштириб» ўтирмайди, мувофиқ равишда қарор қабул қилади. Неш ечими бўйича масаламизда «Кундуз» нархни туширса «Юлдуз» ҳам тушириши, аксинча кўтарса, кўтаргани маъқул.

3. Масалани ечиш Лернер кўрсаткичи

$$M=(\Pi_M-MS)/\Pi_M=1/e_d, \text{ ундан } \Pi_M=MS \cdot [e_d/(e_d-1)]$$

$$MS=(TC)'=(10+18K)=18$$

$$P_M=18[7:(7-1)]=21$$

4. а) Монополия шароитида монополист максимум фойда $MP=MC$ нуқтасида

$$350-13K=35+2K$$

$$15K=315:K=21 \text{ дона}$$

$$TP=QP=K(2600-7K); \Pi=2600-7K$$

$$\Pi_M=2600-7 \times 21=2459 \text{ сўм}$$

б) эркин рақобат шароитида

$$\Pi=MS \text{ ёки } 2600-7=35+2K; K=285 \text{ дона}$$

$$\Pi_{OH}=605 \text{ сўм}$$

5. Харидор ҳисоблаб кўрса, тракторнинг нархи 28 минг доллар. Улар 4 минг доллар чегирма қилмасдан ўзлари 4 минг доллар қўшимча даромад олишяпти экан.

Харидор ишонадики тракторнинг эксплуатация харажатлари паст бўлиб, узок муддат яхши хизмат қилади. Бу ерда нарх товарнинг харидор ҳис қиладиган кадр-қиммати асосида белгиланаяпти.

6. Қонун амал қилган, лекин таклиф шу муддат учун ноэгилювчан бўлиб, талаб билан нарх орқали мувозанатга келтирилган.

7. 30 млн доллар зарар кўрган. 185 доллар - жаҳон бозоридаги нархлар, АҚШ сотган 155 доллар эса демпинг нархлари. У бозорни эгаллаш мақсадида қўлланилади.

8. (нархлар фарқи, сўм);

2008й	2009й	2010й	2011й
9660	4000	60484	685050

Пахта толасининг ўртача харид нархи 2008-2011 йиллар давомида мувофиқ равишда қуйидагича ўзгарган, % да: 100, 147, 264, 706;

Пахта хомашёсининг ўртача сотиш нархи, % да 100, 153, 244, 378;

9. Реал ҳаётда мутлақ ноэгиловчан талаб кам учрайди. Соф монополист ҳам нарх сиёсати юритишда чекланади. Бу чекланиш, энг аввало, аҳолининг тўлов қобилияти ва уларнинг шу товар ўрнига бошқа товарни сотиб олишлари мумкинлиги билан боғлиқ.

10. Нарх дискриминациясини амалга ошириш мумкин – «в» вазиятда.

11. Гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунча: демпинг нархлари бўлиб, у нарх турларига киради, қолганлари эса нарх вазифалари.

Т/Н

1Н; 2Н; 3Т; 4Н; 5Н; 6Т; 7Т; 8Т; 9Н; 10Т; 11Т;

Тестлар

1в); 2б); 3а); 4б); 5г); 6д); 7в); 8а); 9в); 10б); 11в); 12г); 13г); 14б).

16-МАВЗУ. АГРАР ТИЗИМДА РЕНТА МУНОСАБАТЛАРИ

1-§. Аграр муносабатлар ва уларнинг хусусиятлари

«Республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ва бошқаларни ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир»¹⁶.

Аграр муносабатлар – бу ерга эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ равишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир. Аграр муносабатлар қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Ерга эгалик қилиш– тарихан таркиб топган анъаналар ёки қонуний асосда белгиланган тартибда ерга эгалик ҳуқуқининг тан олинишини билдиради.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи – бу ўрнатилган урф-одатлар, удумлар ёки қонуний тартибда уларнинг доимий ва муддатли фойдаланиш учун берилишини билдиради.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари:

- Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш жараёнида у асосий ишлаб чиқариш воситаси (ҳам меҳнат воситаси ва ҳам меҳнат предмети) сифатида чиқади;
- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг натижалари ернинг ҳосил бериш қобилиятига, яъни тупроқ унумдорлигига боғлиқ;
- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни тирик организмлар (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) нинг ўсиши ва ривожланиши билан бевосита боғлиқ.

¹⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 239-бет

* аграр муносабатлар ва қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёни иқтисодий қонунлар билан бирга табиат қонунлари таъсири остида рўй беради.

* аграр соҳада кўпчилик ишлаб чиқариш воситалари (чорва моллари, кўп йиллик мевали дарахтлар, уруғлик ва ҳ.к.) тармоқнинг ўзида вужудга келтирилиб, яна ишлаб чиқариш жараёнига киритилади;


* қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга. Бу тармоқдаги меҳнат воситаларидан фойдаланиш даврини ҳам чеклайди. Масалан, сеялкалар экиш даврида, ғалла ўриш ва пахта териш комбайнлари фақат йиғим терим пайтида қисқа давр (1-2 ой) ишлатилади;

* қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш мавсумийлиги сабабли айланма капитал ва маблағлар сарфи ҳамда маҳсулот сотишдан олинadиган пул тушумлари йил давомида бир меъёрда бормайди;

* қишлоқ хўжалиги экинлари ўсишининг вегетация даври ва табиий омиллари таъсирида ишлаб чиқариш вақти ва иш даври ўртасида катта фарқ мавжуд бўлади.

2-§. Рента муносабатлари. Ер рентаси ва унинг турлари

Рента муносабатлари – аграр муносабатларнинг негизини ташкил қилиб, у қишлоқ хўжалигида вужудга келтирилган қўшимча соф даромаднинг ер эгалари ва ундан фойдаланувчилар ўртасида тақсимланиши ва ўзлаштирилиши жараёнида вужудга келади.




Ер рентаси – бу ерга эгаллик ҳуқуқининг иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шакли.


Ер рентасининг тарихий шакллари:

- ⇒ Баршина – ер эгаларига ишлаб берилган.
- ⇒ Оброк – ер эгаларига маҳсулот кўринишида тўланган.
- ⇒ Пул рентаси – маҳсулот сотилгандан кейин пул шаклида берилган

Дифференциал рента



Дифференциал рента турлари



Дифференциал рента-I нинг ҳосил бўлиши (шартли мисол)

Ер участкалари	Ишлаб чиқариш харажатлари (минг сўм)	Ўртача фойда (минг сўм)	Умумий қиймат (минг сўм)	Ялпи ҳосил (тонна)	Алоҳида ишлаб чиқарувчилар маҳсулоти қиймати (сўм)	Бозор нархи (сўм)	Ялпи сотилган тушум	Дифференциал рента-I (минг сўм)
А	8000	2000	10 000	30	333	500	15000	5000
Б	8000	2000	10 000	25	400	500	12500	2500
В	8000	2000	10 000	20	500	500	10000	-


- А – юқори унумли ерлар;
- Б – ўртача унумли ерлар;
- В – паст унумли ерлар.

Дифференциал рента-I ер участкаларининг шаҳарларга, бозорларга, йўлларга ва сув манбаларига жойлашган жойдаги фарқлар натижасида ҳам вужудга келади.

Дифференциал рента-II нинг ҳосил бўлиши (шартли мисол)

Ер участкаси (В- паст унумли)	Умумий қиймат (минг сўм)	Ялли ҳосил (тонна)	Маҳсулот бирлиги нархи (сўм)	Бозор нархи (тонна)	Ялли сотилган маҳсулот (минг сўм)	Дифференциал рента-II
Биринчи йил	10 000	20	500	500	10000	-
Иккинчи йил	12 000	40	300	500	12000	8000

Дифференциал рента-I қишлоқ хўжалигини экстенсив, дифференциал рента-II эса интенсив ривожлантириш натижасида ҳосил бўлади.



Қазиб олувчи (ундирма) саноатда рента

Қазилма бойликларининг жойлашган жойдаги фарқлар натижасида вужудга келади ва шу сабабли дифференциал рента шаклини олади.

Ўрмон, сув, экологик, сайёҳлик соҳалари, транспорт хўжалиги ва қурилиш участкаларида ҳам рента ҳосил бўлади.

Ижара ҳақи – таркибан ўз ичига ер рентаси (P), ер участкасида мавжуд бўлган асосий капиталлар амортизацияси (A) ва ерга сарфланган капитал учун фоиз тўловларини (p) олади.


$$\text{Ижара ҳақи} = P + A + p$$

Ер ва бошқа табиий ресурсларнинг баҳоси иррационал нарх дейилади. Ер олди-сотди объектига айланганда унинг нархи (P_{ep}) шу ер келтириши мумкин бўлган рента миқдорини (P) банкка қўйилган пул учун олиниши кутиладиган фоиз ставкасига (p) бўлиш йўли билан аниқланади, яъни,

$$P_{ep} = P / p \times 100 \%;$$

Ер таклифи (c) мутлақ чекланганлиги сабабли рентанинг ҳосил бўлишига ўз таъсирини кўрсата олмайди. Ўз навбатида рента миқдорининг ҳар қандай ортиши (ёки камайиши) ер таклифини кўпайтира (ёки камайтира) олмайди.

Бошқача айтганда, ернинг таклифи мутлақ ноэгилувчан.



Қатъий ноэластик таклиф.

Ерга бўлган талаб ва рента миқдorigа таъсир қилувчи омиллар

- ⇒ Ерларнинг унумдорлиги. Бир турдаги экинлар экилганда унумдорлиги юқори бўлган ерларга талаб катта бўлади ва бу рентанинг ҳам юқори бўлишига олиб келади.
- ⇒ Фойдаланишда бўлган ерларда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бозор нархи. Қайси маҳсулотнинг бозор нархлари юқори бўлса, шу экин экиладиган ерларда рента ҳам юқори бўлади.
- ⇒ Биргаликда фойдаланиладиган бошқа ресурсларнинг нархлари ва унумдорлиги. Масалан, қишлоқ хўжалик машина ва ускуналарининг нархи ҳамда унумдорлиги рента миқдorigа таъсир кўрсатади.
- ⇒ Ер майдонларининг шаҳар марказлари, бозорлар, йўллар ва сув манбаларига жойлашишининг узоқ-яқинлиги;
- ⇒ Ерлардан саноат усулида, қурилиш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- ⇒ Ерларда экин турларини жойлаштириш имкониятлари даражаси.

2-§. Агросаноат интеграцияси. Агросаноат мажмуаси ва унинг таркиби.

Агробизнес ва унинг турлари

Агросаноат интеграцияси – маҳсулотни қайта ишловчи, истеъмолчига етказиб берувчи ва тармоққа хизмат кўрсатувчи туташ тармоқлар ўртасидаги ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик алоқаларининг ўзаро яқинлашиб, бир-бирига қўшилиб бориш жараёнидир.

Агросаноат интеграциясининг кўлами

- Корхона (фирма) ва бирлашмалар даражасида.
- Ҳудудлар ва минтақалар доирасида.
- Алоҳида мамлакатлар доирасида
- Халқаро даражада.

Агросаноат мажмуаси (АСМ) – бу иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва тармоққа ишлаб чиқариш воситаларини етказиб бериш билан шуғулланувчи тармоқларидир.

АСМ соҳалари

→ I. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи саноат тармоқлари.

→ II. Қишлоқ хўжалиги.

→ III. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, сотиш).

→ IV. Қишлоқ инфратузилмаси:

- Ишлаб чиқариш инфратузилмаси. Бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи соҳалар.
- Ижтимоий инфратузилма. Одамлар яшаш ва турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳалар.

«Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора-тадбирлари тизимда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга»¹⁷

Агробизнес – бу тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги шакли.

¹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 239-бет.

- ⇒ Фермер ва деҳқон хўжаликлари;
- ⇒ Агрофирмалар;
- ⇒ Агросаноат бирлашмалари;
- ⇒ Агросаноат комбинатлари;
- ⇒ Ширкатлар ва бошқа жамоа хўжаликлари;
- ⇒ Қўшма корхоналар (аграр секторда).

Ўзбекистонда фермер хўжалиklarининг ривожланиши (йил бошига)

16.1-жадвал

Кўрсаткичлар	Й и л л а р					2009	2010	2011
	2003	2005	2006	2007	2008			
Фермер хўжаликлари сони (минг)	72,4	103.9	125.6	189.2	220.0	103.1	80.6	66.1
Бириктирилган ер майдонлари (минг га)	159 1	2935. 4	3775. 3	4953. 2	589.6 0	5828. 5	5826. 8	5841. 0
Бир хўжалик ихтиёридаги ер майдони (га)	22	28.2	30.0	26.2	27,0	29.6	72.2	88.3
Фермер хўжалиklarининг ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотидаги улуши, %	...	24.3	24.5	34.7	32,5	35.4	35.0	34.1

Мавзунини чуқур ўрганиш учун топшириқлар: Асосий таянч тушунчалар

- | | |
|-----------------------------|----------------------------|
| 1. Аграр муносабатлар | 9. Узоқ муддатли муаммолар |
| 2. Ер ренти | 10. Қисқарувчи тармоқ |
| 3. Дифференциал рента I | 11. Баҳо паритети |
| 4. Дифференциал рента II | 12. Фермер хўжалиги |
| 5. Соф (абсолют) рента | 13. Деҳқон хўжалиги |
| 6. Монопол рента | 14. Ширкат хўжалиги |
| 7. Ундирма саноатда рента | 15. Ижара ҳақи |
| 8. Қисқа муддатли муаммолар | |

Қуйидаги жавоблардан тўғрисини танланг:

а) Ердан фойдаланганлик учун унинг эгасига тўланадиган ҳақ. У тарихан ишлаб бериш – баршчина, маҳсулот билан тўлаш – оброк ва пул билан тўлаш шаклида амал қилган.

б) Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хусусиятларига кўра таркиб топган иқтисодий муносабатлар.

д) Ерга кўшимча сарфланган капитал ва унинг натижасидаги фарқ эвазига вужудга келадиган кўшимча даромад.

е) Ер участкаларининг табиий унумдорлиги ва истеъмолчиларга нисбатан жойланишидаги фарқ туфайли вужудга келадиган кўшимча даромад.

ф) Мутлақ чекланган ресурс – ердан фойдаланганлик учун унинг эгасига тўланадиган ҳақ.

г) Ер қаъридаги қазилма бойликларнинг сифати ва қазиб олишдаги харажатлардаги фарқ туфайли вужудга келадиган рента.

х) Ўта ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинадиган рента.

и) Ўзининг қатор хусусиятларига кўра ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши қисқариб борувчи қишлоқ хўжалиги.

ж) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, даромадга ва нархга нисбатан талаб ва таклифнинг ноэгилювчанлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариб туриши, ички талабнинг тебраниши, чет эл талабининг беқарорлиги сабабли нисбатан қисқа муддатга хос муаммолар.

к) Фан-техника тараққиёти натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпайиши, аҳоли харажатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига сарфлар мутлоқ миқдорининг нисбатан секин ўзгариши, аграр секторда банд бўлганларнинг даромади бошқа соҳаларга нисбатан пастлиги ва беқарорлиги, нарх паритетининг sanoat фойдасига ўзгариши ва бошқалар сабабли келиб чиқадиган нисбатан узок муддатга хос муаммолар.

к) Мулк (ер) эгасига мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир муддатга бериб тургани учун эгасига тўланадиган ҳақ.

м) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархнинг ўзгаришини тармоқда ишлатиладиган sanoat товарлари ва хизматлари нархнинг ўзгариши билан таққосланиши. Одатда у паритет индекси орқали ифодаланади.

Масала ва машқлар

1. Фермернинг 20 га ери бўлиб, буғдой етиштирди. Етиштирилган буғдой ҳажми $Q(x) = 100x - 2x^2$ тенгликда ифодаланади. Q – олинган ҳосил, ц/га.; x – ер майдони, га. Агар буғдойнинг нархи 210 сўм ва у рақобатли бозорда сотилади десак, ердан фойдаланганлик учун тўланадиган ер рентасини ҳисобланг. (Ҳосила ёрдамида меъёрий маҳсулот миқдорини аниқлаб ечилади, чунки рақобатли бозорда нарх u олиб келадиган меъёрий даромадга тенг. Меъёрий даромад эса меъёрий маҳсулотнинг нархга кўпайтмасига тенг).

2. Айтайлик ер участкаси 800 минг сўмга сотилапти. Харидор Анвар бу ерни сотиб олиб, уни йилига 700 минг сўмга ижарага бермоқчи. Банкка қўйилган омонатларнинг жорий ставкаси 10%. Агар ерга ўзи ишлов бериб маҳсулот етиштирадиган бўлса, олиши мумкин бўлган энг юқори даромади 800 минг сўмни ташкил қилади. Унга ерни сотиб олгин, деб маслаҳат берармидингиз?

3. Учта фермернинг 10 гектардан ери бор. Ер участкалари унумдорлиги ҳар хил. Учала фермер ҳам картошка етиштирган. Бозорда картошканинг нархи 200 сўм.

Биринчи фермернинг участкасида меъёрий харажатлар билан ўртача харажатлар нархнинг 150 сўмлик даражасига тенг: $AC=MC=150$ сўм;

Иккинчи фермернинг ер участкаси ҳосилдорлиги биринчисиникига нисбатан пастроқ, харажатлар кўпроқ сарфланган. Бу ерда меъёрий харажатлар билан ўртача харажатлар 180 сўм даражасида тенг бўлади. $AC=MC = 180$ сўм;

Учинчи фермернинг ери унумдорлиги юқоридаги ҳар икки фермернинг еридан ҳам паст бўлиб, бир хилда ҳосил олиш учун уларга нисбатан кўпроқ харажат қилиши керак. Бу ер участкасида меъёрий харажат маҳсулотнинг ҳажми 4000 кг. бўлган даражадаги нархга тенг, яъни 200 сўм.

Берилганлар асосида: а) етиштириладиган картошканинг оптимал ҳажмини;

б) ер участкаларидан олинадиган ер рентаси миқдорини аниқланг. Бу ер рентаси қандай аталади? Яна қандай рента турларини биласиз? Кўрсатинг.

4. Ерга талаб $Q = 150 - 3P$ га тенг. Q – фойдаланилаётган ер майдони, P -рента, 1 га майдон учун 1 млн. сўм. Ер рентасини ҳисобланг. Агар ер таклифи 120 га. билан чекланган, банк фоизи 50 % бўлса, ернинг 1 гектари нархини ҳисобланг. Ернинг нархи нима сабабдан рента ва фоизга боғлиқ? Изоҳланг.

5. Жорий йилда фермерлар томонидан сотилган ва сотиб олинган товарлар ўртасида нарх индекси 120 ва 165 бўлган. У ҳолда нисбат қандай бўлади? Нисбат ўзгаришининг аҳамиятини изоҳланг. Нарх паритети нима? Нима сабабдан у саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари фойдасига ўзгарапти? Фикрингизни асосланг.

6. 1932 йили АҚШда фермерлар қарзи 12 млрд. долларга етган. Қишлоқ хўжалигида олинган даромад шу йили 1929 йилдаги даромаднинг $\frac{1}{3}$ га тенг бўлган. Озиқ-овқат ва саноат товарлари нарх (1914 йили 100 %) 1929 йилда 89 % дан 55% га тушди. Шундай шароитда Президент Рузвелт конгрессга экин майдонларини қисқартириш, 2 млрд. доллар фермер қарзларига ҳукумат томонидан процент тўланиши кафолатланиши юзасидан тадбирлар кўришни таклиф этди.

Бу вазиятда давлат қандай функцияни бажаради? Баъзи конгрессменлар Рузвелтнинг таклифи Совет Россиясидаги мавжуд ҳар қандай қонунга қараганда ҳам кўпроқ болшевикчадир, деган фикрлар билдиришди. Сиз ана шу фикрга қўшиласизми? Жавобингизни асосланг.

7. Қуйидаги тушунчаларни диққат билан ўқиб чиқинг. Улардан қайси бири гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунчаларини, аниқланг. Ва рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

Тушунчалар: тупроқ унумдорлигидаги фарқ, ер участкаларининг истеъмолчиларга нисбатан жойланиши, лалми ёки суғориладиган бўлиши, иқлим шароитининг турличалиги, эгасиз ер йўқ ва у кадр-қиммати баланд, чекланган ресурс.

8. Миқдори деярли ўзгармас, унинг ўрнини ҳеч бир ресурс боса олмайдиган ягона ресурс тури нима?

Т/Н

1. Кўчмас мулк бозорида ер таклифи ва унга талаб мувозанати шундай ҳолда намоён бўладики, қачонки бир хил унумдорликдаги

ерлардан олинган ер рентаси бир хил бўлса, акс ҳолда мувозанат бузилади.

2. Ер рентасининг турлича ҳажми ер участкаларининг меъёрий унумдорлиги фарқини кўрсатади.

3. Абсолют ер рентаси мутлақ ноэгиловчан талабни ифодаловчи ресурс учун тўлов ҳисобланади.

4. Алоҳида олинган ишлаб чиқарувчи учун рента реал ишлаб чиқариш харажатларини ифодалайди. Иқтисодий жиҳатдан кўшимча олинган даромадни эмас.

5. Табиий ресурслар, жумладан, ернинг чекланганлиги улардан фойдаланишнинг оптимал усулини топишга йўл бермайди.

6. Агар ерга бўлган талаб эгри чизиғи ўнгга силжиса, ер рентаси миқдори камаяди.

7. Ер рентасининг кўпайиши ер таклифининг нисбатан ортишига олиб келади.

8. Қисқа муддатли аграр сектор муаммоларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб даромадга нисбатан ҳам нархга нисбатан ноэгиловчанлигини, таклифнинг ноэгиловчанлиги туфайли келиб чиқадиган муаммоларни киритиш мумкин.

9. Барча мамлакатларда аграр секторда банд бўлганлар даромади бошқа секторда банд бўлганлар даромадига нисбатан юқори.

Тестлар:

1. Ер таклифи ...

- а) мутлақ ноэгиловчан;
- б) ягона эгиловчан;
- д) мутлақ эгиловчан;
- е) эгиловчан;
- ф) ноэгиловчан.

2. Ер эгаси умуман рента олмаслиги мумкин, ...

- а) ердан солиқ олинганда;
- б) ер таклифи билан талаб эгри чизиғи кесишганда;
- д) ер таклифи эгри чизиғи мутлақ ноэгиловчан бўлганда;
- е) ер таклифи эгри чизиғи талаб эгри чизиғига нисбатан ўнгга жойлашган бўлса;
- ф) ер унумдорлиги кескин ёмонлашса.

3. Ер рентаси ортади (бошқа шароитлар тенг бўлганда), агар:

- а) ер нархи тушса;
- б) ерга талаб ортса;
- д) ерга талаб қисқарса;
- е) ер таклифи ортса;
- ф) бу шартлардан ҳеч бирида.

4. Қишлоқ хўжалигидаги ер рентаси тушунчаси билан саноатда бирон бир фирманинг олган «квази рента»си ўртасидаги фарқ нимада?

а) ҳар иккиси ҳам таклиф ноэгилувчанлиги туфайли юзага келади, шунинг учун фарқи йўқ;

б) биринчисида ер рентаси деб аталади, иккинчисида эса «квази рента», яъни рентага ўхшаш даромад;

д) ер рентаси таклифи мутлақ ноэгилувчан ресурс эвазига нисбатан ва аграр секторнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, узоқ муддат олинадиган даромад бўлса, саноатда «квази рента» қисқа муддат таклифнинг ноэластиклиги туфайли олинадиган кўшимча даромад.

е) уларнинг фарқи йўқ, сабаби таклиф ноэгилувчанлигидан фойдаланиб, узоқ муддат олиш мумкин;

ф) биринчисида талаб ноэгилувчан бўлгани учун, иккинчисида талаб эгилувчан бўлгани сабабли олинади.

5. Ер рентасининг ортиши ...

а) ер таклифини орттиради;

б) ер таклифини ўзгартирмайди;

д) ер таклифини камайтиради;

е) ер таклифи миқдорини талабга мослаштиради;

ф) ер таклифини кўпайтириш учун чора-тадбирилар белгиланади.

6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ортиши бошқа шароитлар тенг бўлганда,

а) ер рентаси миқдорини кўпайтиради;

б) ер рентаси миқдори камаяди;

д) рента миқдори ўзгармайди;

е) нарх кўтарилади, рента ўзгармайди;

ф) даромад кўпаяди, рента камаяди.

6. Ер участкаларининг табиий унумдорлиги ва истеъмолчиларга нисбатан жойланишидаги фарқ туфайли вужудга келадиган рента

- а) монопол рента;
- б) абсолют рента;
- д) дифференциал рента I;
- е) дифференциал рента II;
- ф) иқтисодий рента деб аталади.

7. Аграр ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлардан алоҳида ажралиб турувчи хусусияти шундаки,

- а) энергия тўплашга қаратилган;
- б) энергияни сарфлашга қаратилган;
- д) юқори малакали бўлишни талаб қилади;
- е) юқори малака талаб қилмайди;
- ф) махсус малака талаб қилади.

8. Ернинг нархи

- а) ер рентаси ва ижара ҳақи нисбатига;
- б) банк фоизи ва шу ер участкасида мавжуд асосий капитал амортизациясига;
- д) ер рентаси ва ссуда фоизига;
- е) ер рентаси ва банк фоизига;
- ф) ижара ҳақи ва ссуда фоизига боғлиқ.

9. Ижара ҳақи қачон ер рентасига тенг бўлади?

- а) ер участкаларида аввал қурилган бино-иншоотлар бўлса;
- б) мавжуд асосий капиталга амортизация ҳисобланса;
- д) ер участкаларида ижара шартномаси тузилгунга қадар асосий капитал мавжуд бўлмаса;
- е) ижара шартномаси тузилгунга қадар асосий капитал мавжуд бўлса;
- ф) ижара шартномаси қисқа муддатга тузилса.

10. Ер рентаси даражасини белгилаб берувчи асосий омилни аниқланг

- а) ерга бўлган талаб;
- б) шу ерда етиштириладиган маҳсулот нархи;
- д) ернинг унумдорлиги;
- е) қўлланиладиган бошқа ресурслар нархи;

ф) ернинг жойлашган жойи.

11. Қуйидагилардан қайси бири ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқини тўлиқ таъминлайди

- а) ерга эгалик қилиш;
- б) ердан фойдаланиш;
- д) ишлаб чиқариш натижаларини тасарруф қилиш;
- е) ерни тасарруф қилиш;
- ф) ерни ижарага бериш.

12. Ер участкаларининг табиий унумдорлиги ва жойлашган жойидаги фарқлардан келиб чиқадиган рента қандай ном билан аталади.

- а) абсолют рента;
- б) дифференциал рента-I;
- д) дифференциал рента-II;
- е) монопол рента;
- ф) иқтисодий рента.

13. Қуйидаги ер участкаларининг қайси бирида дифференциал рента ҳосил бўлмайди.

- а) унумдорлиги жуда юқори;
- б) унумдорлиги юқори;
- д) унумдорлиги ўртача;
- е) унумдорлиги паст;
- ф) унумсиз.

Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

16.1-жадвал

	Ўлчов бирлиги	1995	2000	2005	2007	2008	2009	2010	2011
Пахта хом-ашё	минг т.	3934	3002	2822,5	3659	3405,0			
Дон	минг т.	3115	3929	6262,3		6730,6			
Картошка	минг т.	440	731,	827,8	1188,1	1398,7			
Сабзавотлар	минг т.	2713	2644	3299,2	4669,9	5217,4			
Мева ва хўл мева	минг т.	602	791	758	1269,1	1402,8			
Узум	минг т.	621	624,2	401,4	880,3	791,0			
Полиз	минг т.	472	451,4	583,3	840,0	981,2			

Гўшт (тирик вазнда)	минг т.	853	842	935,5	1208,6	1287,9			
Сут	минг т.	3665	3633	4030,3	5097,4	5426,3			
Тухум	млн. дона	1232	1254	1611,4	2214,7	2429,0			

Жадвални кейинги йиллар маълумотлари билан тўлдириш. Улар асосида қандай хулос чиқариш мумкин? Изоҳланг.

Қишлоқ инфратузилма субъектлари ва уларнинг таркиби



16.1-чизма

Чизма маълумотларига диққат қаратинг. Қишлоқ инфра-тузилмаси бошқа инфратузилмалардан нимаси билан фарқланади? Нима сабабдан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда? Изоҳланг.

Фермер хўжаликларига маҳсулот ишлаб чиқариш

16.2-жадвал


Маҳсулот	Ўлчов бири ги	Йиллар				2011 йил 2010 йилга нисбатан	
		2010	Улуши, %	2011	Улуши, %	% ҳисо- бида	Улуш ўзга- риши
Пахта хом ашёси	минг т.	1066,4	37,8	3371,0	99,1		
Буғдой	минг т.	2024,9	36,1	4868,0	79,2		
Картошка	минг т.	31,7	3,8	226,6	3,8		
Сабзавот	минг т.	350,3	10,6	1717,8	32,9		
Полиз	минг т.	176,8	30,3	461,9	47,1		
Мева	минг т.	54,4	7,2	649,6	46,3		
Узум	минг т.	23,2	5,8	407,5	51,5		
Чорва молла-ри, парранда	минг т.	18,3	1,9	32,4	2,5		
Сут	минг т.	83,5	2,1	151,5	2,8		
Тухум	млн. дона	60,2	3,7	155,2	6,4		

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

Жадвал рақамларига диққат қилинг. Фермер хўжаликларига 2011 йилда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 2010 йилга нисбатдан фоиз ҳисобида ва умумий ҳисобланг. Нима сабабдан фермер хўжаликларини ривожлантиришга аҳамият берилмоқда? Фикрингизни баён қилинг.

2011 йилда қишлоқ хўжалиги асосий маҳсулот турларининг турли хўжалик юритиш шакллари томонидан ишлаб чиқарилиши

16.1-диаграмма



Жадвал маълумотлари ва график кўрсаткичларига эътибор қилинг. 2011 йили фермер хўжаликлари маҳсулоти ва унинг улушини 2010 йилга нисбатан қандай ўзгарганини ҳисобланг. Кўрсаткичларни таққосланг, таҳлил қилинг, ўз фикрингизни билдиринг.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳатларнинг йўналишлари мазмунини ёзма баён қилинг. Кўрсатилганлардан ташқари яна қандай йўналишлар бор? Уларнинг муҳимлиги бўйича шу кетма-кетликда қўйилишига қўшилмасизми?


Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларнинг йўналишлари

- ✓ мулк ислоҳоти;
- ✓ ердан фойдаланиш ислоҳоти;
- ✓ сувдан фойдаланиш ислоҳоти;
- ✓ молия-кредит ва солиқ ислоҳоти;
- ✓ нарх-наво ислоҳоти;
- ✓ институционал ислоҳотлар.

16.2-чизма

Фермер хўжаликлари сонининг динамикаси

16.2- гистограмма



Гистограмма маълумотлари асосида қандай хулоса чиқариш мумкин? Нима сабабдан фермер хўжалиklarини оптималлаштиришга қарор қилинди? Фикрингизни баён қилинг.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий босқичлари

- Ⓜ 1991-1998 йилларда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва фаолият юритишининг асосий меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.
- Ⓜ 1999-2002 йилларда зарар билан фаолият кўрсатаётган ширкат хўжаликларини тугатиш, улар негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёни ривожланди.
- Ⓜ 2003 йилдан фермер хўжаликларини устувор йўналиш сифатида ривожлантириш белгиланди.
- Ⓜ 2008 йилда фермер хўжаликларининг ер участкаларини мақбуллаштириш жараёни амалга оширилиб, уларни иқтисодий барқарор фаолият кўрсатишига замин яратилди.

16.3-чизма

Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий босқичларига диққат қилинг. Нима сабабдан ер участкаларини оптималлаштириш масаласига катта эътибор берилмоқда? Сабабини кўрсатинг.

16.3-диаграмма




Диаграмма маълумотларига диққат қаратинг. Агарда пахта толасининг нархи 2001 йили ўртача 1058 доллар/т, 2002 йили 1014 доллар/т. 2003 йили 1410 доллар/т. бўлган бўлса, 2007-2008 ва кейинги йилларга таққослаб қандай хулоса чиқариш мумкин? Ҳозирги пайтда пахта хомашёсининг давлат харид нархлари ҳақида нима дея оласиз?

Жавоблар:

Асосий таянч тушунчалар:

1б); 2а); 3г); 4в; 5д); 6ё); 7е); 8з); 9и); 10ж); 11к); 15й);

Масала ва машқлар:

1. Ҳар гектаридан тўланадиган ер рентаси ($MRP=П(100-4x)$) 4200 сўм.

2. Банк ставкаси 10 % бўлса, ерни сотиб олиш керак эмас, чунки у 100000 сўм зарар қилади.

3. Энг оптимал ҳажми $MC=P$ бўлганда, у бизда 4000кг;

Ер участкалари унумдорлиги ҳар хил бўлгани сабабли бир центнер маҳсулот етиштириш учун турлича харажат қилинади ёки аксинча, бир хил сарфланган харажатга олинадиган ҳосил миқдори турлича бўлади. Ер участкалари унумдорлигидаги фарқ туфайли олинадиган қўшимча даромад дифференциал рента дейилади. Бизда нисбатан энг унумсиз ер учинчи фермерга қарашли ер участкалари. Дифференциал рента 0 га тенг; Иккинчи фермер 80000 сўм; Биринчи фермер 200000 сўм миқдорда дифференциал рента олади.

4. 20 млн. сўм.

5. Нисбат 120/165 бўлади. Агар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ўзгармагани ҳолда ҳам даромад 25 % га пасаяди.

6. Давлат даромад ва ресурсларни қайта тақсимлашни амалга оширишни таклиф этди.

7. Гуруҳга тааллуқли бўлмагани охиргиси у абсолют рента мавжуд бўлишининг сабабини кўрсатади, қолганлари дифференциал рентанинг ҳосил бўлишига сабаб бўлувчи омиллар.

8. Ер.

Т/Н

1Т; 2Т; 3Н; 4Т; 5Н; 6Н; 7Н; 8Т; 9Н;

Тестлар

1а); 2г); 3б); 4в); 5б); 6а); 7в); 8а); 9г); 10в); 11а); 12а; 13б); 14г).

2. «Иқтисодий ресурслар ва жамият эҳтиёжлари» мавзусига


Ўзбекистон Республикасида аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача истеъмоли (киши/кг)

	1990 й.	2000й.	2010й.
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	165
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	32	34	35
Сут ва сут маҳсулотлари	210	162	208,1
Тухум (дона)	120	47	92
Сабзавот ва полиз маҳсулотлари	107	128	236,8
Картошка	29	36	41
Ўсимлик мойи ва бошқа ёғлар	12,6	11	13
Шакар	11	16	16
Мевалар (узумни ҳам қўшиб)	23	42	74

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланганлик даражаси.

	1990 й.	2000й.	2010й.
Телевизорлар	90	88	130
Совутгичлар ва музлатгичлар	80	86	90
Кондиционерлар	9	11	18
Электрочангютгичлар	29	30	35
Шахсий компютерлар	-	0,2	10
Фотоаппарат ва видеокамералар	21	21	22
Видеомагнитофонлар, видеоплеерлар	1	8	9
ДВД	-	23	53
Тикув ва тўқув машиналари	76	43	44
Кир ювиш машиналари	67	69	71
Уяли телефонлар	-	18	140
Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сони, дона	37,9	38,9	47,3
Ҳар 100 уй хўжалигига тўғри келадиган автомобиллар сони, дона	19,2	20,1	25

11. «Бозор тизимида тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлик капитали» мавзусига



16. «Аграр тизимда рента муносабатлари» мавзусига
Республика ҳудудларида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун омборлар ва музлаткичли камералар ҳажми

ҲУДУДЛАР	2009-2010 йиллар захира ҳажми (минг тонна)	Жами омборлар ва музлаткичли камералар сиғими (минг тонна)	Шу жумладан, музлаткичли камералар (минг тонна)
Қорақалпоғистон Республикаси	43,0	13,1	2,4
вилоятлар			
Андижон	38,0	23,8	2,5
Бухоро	26,0	26,7	0,7
Жиззах	17,0	17,1	1,7
Қашқадарё	34,0	52,0	5,0
Навоий	21,0	25,1	5,0
Наманган	43,0	48,5	16,8
Самарқанд	46,0	34,1	8,9
Сурхондарё	21,0	20,0	4,5
Сирдарё	12,0	12,2	1,0
Тошкент	69,0	75,1	13,5
Фарғона	46,0	51,9	9,8
Хоразм	24,0	14,4	2,4
Тошкент ш.	75,0	21,3	8,5
Жами Республика бўйича:	515,0	435,3	82,7

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

І БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ

АСОСЛАРИ

1-МАВЗУ. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва услуги.....	6
2-МАВЗУ. Иқтисодий ресурслар ва жамият эҳтиёжлари.....	28
3-МАВЗУ. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг ўзгариши.....	44
4-МАВЗУ. Иқтисодий фаолият ва унинг самарадорлиги.....	60
5-МАВЗУ. Иқтисодий тизимда товар ва пул.....	79
6-МАВЗУ. Бозор иқтисодиётида мулкчилик муносабатлари.....	94

II БЎЛИМ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

7-МАВЗУ. Бозор иқтисодиёти ва унинг белгилари.....	113
8-МАВЗУ. Ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари.....	129
9-МАВЗУ. Бозор ва унинг тузилиши.....	152
10-МАВЗУ. Талаб, таклиф ва бозор мувозанати.....	167
11-МАВЗУ. Бозор тизимида тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлик капитали.....	193
12-МАВЗУ. Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда.....	220
13-МАВЗУ. Меҳнат ва иш ҳақининг ташкил топиши.....	241
14-МАВЗУ. Рақобат назарияси.....	261
15-МАВЗУ. Нарх ва унинг ташкил топиши.....	280
16-МАВЗУ. Аграр тизимда рента муносабатлари	305

ҚАЙДЛАР УЧУН

Т. ЖЎРАЕВ, Д. ТОЖИБОЕВА

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

КЎРГАЗМАЛИ ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2012

Муҳаррир:	Ш.Кушербаева
Тех. муҳаррир:	М.Холмухамедов
Мусаввир:	Ҳ.Фуломов
Компьютерда саҳифаловчи:	Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. АИ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди: 10.12.2012 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 21,0. Нашр босма табоғи 20,75.
Тиражи 2000. Буюртма №112.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» da chop etildi.
100066, Toshkent shahri, Olmazor kўchasi, 171-uy.**

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

Т.Т. Жўраев. 2000 йилдан Тошкент молия институти «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси мудири. Иқтисод фанлари доктори, профессор.

2007 йилда «Иқтисодий ресурслар доиравий айланиш жараёнининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари» мавзусидаги докторлик диссертациясини химоя қилган.

У республика ва халқаро миқёсда жуда кўплаб илмий мақолалар, монографиялар, услубий қўлланма ва дарсликлар чоп эттирган. Шу жумладан, «Иқтисодиёт назарияси» фанидан 3 та ўқув қўлланма, 2 монография, 5 та илмий рисола, 100 дан ошиқ илмий мақола ва услубий қўлланмалар муаллифи ҳисобланади.

Т. Жўраев илмий-педагогик фаолиятида эришган натижалари учун «Олий таълим аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Д. Тожибоева. 1982 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди. Унинг республика ва халқаро миқёсда 100 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари, 2 монография, 10 та ўқув қўлланма, 10 дан ортиқ ўқув-услубий ҳамда услубий қўлланмаларни чоп этилган.

Айниқса унинг «Иқтисодиёт назарияси» (1-китоб «Ўқитувчи» нашриёти, 2002, 2-китоб «Шарқ» нашриёти, 2003 ва тўлдирилган 2-нашри «Молия-иқтисод», 2005) фанидан ёзган ўқув қўлланмалари талабалар ва иқтисодчи олимлар томонидан илиқ кутиб олинган. А. Йўлдошев билан ҳамкорликда ёзган «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» дарслиги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти-2010» танловида қатнашиб, II даражали диплом билан тақдирланган.

Д. Тожибоева ҳозирда Тошкент молия институтида профессор лавозимида ишламоқда.